




Сидни Шелдон

Орзикиб
кутаман
эртани

МИЛЛИОНЛАР ҚАЛБИНИ ЗАБТ ЭТГАН,
МИЛЛИОНЛАР НИГОҲИНИ ЎЗИГА ҚАРАТГАН ЎТКИР
СЮЖЕТЛИ, КЕЛАЖАҚДАН СЎЗЛОВЧИ МЕЛОДРАММА

Сидни Шелдон



Орзикиб
кутаман
ЭРТАНИ

МИЛЛИОНЛАР ҚАЛБИНИ ЗАБТ ЭТГАН,
МИЛЛИОНЛАР НИГОҲИНИ ЎЗИГА ҚАРАТГАН ЎТКИР
СЮЖЕТЛИ, КЕЛАЖАҚДАН СЎЗЛОВЧИ МЕЛОДРАММА



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

Тошкент
2018

УЎК: 821.111.(73)

КБК: 84 (7АҚШ)

Ш - 43

Орзиқиб кутаман эртани: роман / Сидни Шелдон. Русчадан Шоир Усмонхўжаев таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 368 бет.

ISBN 978-9943-20-521-5

Америка ёзувчиси Сидни Шелдон 1917 йилда Чикагода туғилган. У иккинчи жаҳон урушидан олдиноқ Голливудда киносценарист сифатида шуҳрат топди. Дарвоқе, С. Шелдон урушда АҚШ Ҳарбий Ҳаво Кучлари учувчиси сифатида иштирок этди. У урушдан кейин ҳам кинода ишлашни давом эттирди. Унинг қаламига мансуб олти пьеса Бродвейдаги театрлар репертуаридан жой олиб, шов-шувларга ҳам сабаб бўлди. Ёзувчи 1963 йилда ЭЙ-БИ-СИ корпорацияси билан ҳамкорликни бошлаб, икки юздан зиёд телевизион сценарийлар яратди. Бироқ С.Шелдонга жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратни китоблари келтирди. Унинг асарлари бир юз саксондан ортиқ мамлакатда элликдан ортиқ тилда нашр этилди. Адибнинг қаламига мансуб элликдан ортиқ ўткир мавзули асарлари орасида «Ярим туннинг орқа томони», «Қонли қадам», «Фаришталар қаҳри», «Кўзгудаги дарбадар», «Тонг, кун, тун» каби романлари алоҳида ўрин тутди. С. Шелдон кўпдан-кўп адабий ва кино санъати соҳасида бериладиган нуфузли совринларнинг, жумладан, Эдгар По номли ва Оскар мукофотининг соҳиби бўлган. Адиб умрининг охирига қадар самарали ижод билан банд бўлди. Сидни Шелдон 2007 йил январ ойида 90 ёшида вафот этди.

УЎК: 821.111.(73)

КБК: 84 (7АҚШ)

Русчадан
Шоир УСМОНХЎЖАЕВ
таржимаси

ISBN 978-9943-20-521-5

© Сидни Шелдон, «Орзиқиб кутаман эртани». «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2010 йил.

© Сидни Шелдон, «Орзиқиб кутаман эртани». «Янги аср авлоди», 2018 йил.

БИРИНЧИ КИТОБ

1

Янги Орлеан.

Пайшанба, 20 феврал, 23.00

Аёл хаёлга ботган кўйи оҳиста ечинди. Барча уст-бошини ечиб бўлгач, қон доғлари билинмасин дея қирмизи рангли ички кўйлагини танлади. Сўнгра ўттиз йил мобайнида жуда қадрдон бўлиб қолган ётоқхонасига сўнгги бор назар ташлади. Дорис Уитней пардоз столини тортмасини очиб, кўлига қорамтир дастаги совуқ ялтироқ тўппончани олди. Уни телефон ёнига кўйди-да, Филадельфиядаги қизининг телефон рақамларини терди. Узоқдан келаётган узун телефон унига кулоқ солиб турди. Ниҳоят:

– Алло! – деган майин овоз эшитилди.

– Трейси... яхшимисан, шунчаки овозингни эшитгим келди, жонгинам.

– Мен учун кутилмаган бахт бу, ойижон.

– Уйғотиб юбормадимми сени?

– Йўғ-е, китоб ўқиб ўтиргандим. Энди ётмоқчи эдим. Биз Чарльз билан овқатланиб келамиз деб, мўлжаллагандик, лекин ҳаво расво, қор ёғяпти. Ўзингиз яхшимисиз, ойи?

«Тавба, об-ҳаво тўғрисида гаплашиб ўтирибмиз-а, – хаёлидан кечди Дорис Уитнейнинг. – Ҳали қизимга айтадиган шунча гапларим йиғилиб қолган. Қандоқ қилай?»

– Ойи, эшитяпсизми?

Дорис Уитней деразага тикилиб турарди.

– Ёмғир ёғяпти.

Ўзининг эса хаёли бошқа ёқда эди: «Худди Альфред Хичкокнинг фильмидагидек мелодрамага ўхшаб кетади».

– Нима гумбирляпти? – сўради Трейси.

«Момақалди роқ». Ўз хаёлларига ғарқ бўлиб кетган Дорис қизининг сўзини эшитмас эди. Янги Орлеан осмонда момақалди роқ авж олар эди. «Давомли ёмғир, – деб хабар берди диктор. – Ҳозир янги Орлеанда ҳарорат олти миш олти даража. Кечга бориб ёмғир момақалди роқли жалага айланади. Соябонингизни олишни унутманг». Энди Дорисга ҳеч қандай соябоннинг кераги бўлмайди.

– Трейси, бизда момақалди роқ бўляпти, – деди овозини жиндак бўлса-да, тетик қилишга уриниб, – Филадельфияда нима гап?

– Ўзимни эртаклардаги афсонавий маликадек ҳис қиляпман, ойижон, – деди ҳаяжон билан Трейси. – Ҳеч қачон бу қадар бахтли бўламан деб ўйламаган эдим. Эртага кечкурун Чарльзнинг ота-онаси билан учрашмоқчимиз, – деди Трейси секингина. – Мистер ва миссис Стэнхоун Честнат Хилдан, – кўшиб кўйди овозини пасайтириб қиз. – Улар урф-одатларга муккаларидан кетишган. Динозаврлардек бесўнақай ўша хонимларни кўз олдимга келтираман. Олий табақа. Бошим қотиб қолган, ойижон.

– Хавотир олма. Улар сени яхши кўриб қолишади.

– Чарльз, бунинг аҳамияти йўқ, дейди. У мени севади. Мен ҳам ўлгудек севаман. Қачон сен улар билан танишсан, деб тоқати тоқ бўляпти. У ажойиб одам.

– Бунга шубҳам йўқ.

«Энди Чарльзни кўриш менга насиб этмайди, – деб ўйлади Дорис. – Ҳеч қачон невараларимни тиззамга олмайман. Йўқ. Бу ҳақда ўйламаслигим керак».

– Қизалоғим, сендан бахтли одам бормикан, қанчалар омади чопганини ўзи билармикан, унинг бахтига сен борсан.

– Доим шуни эслатиб тураман, – Трейси кулиб юборди. – Мени кўйинг, ўзингиз ҳақингизда гапиринг, ойижон. Соғлиқларингиз яхшими?

– Сиз соппа-соғсиз, Дорис, – дейди доктор Раш. – Ҳали юзга кирасиз. «Ҳаётнинг кичкина ҳазилларидан бири». – Сен билан гаплашганимда ўзимни жуда яхши ҳис этаман.

– Биронтаси билан танишдингизми?

Трейсининг отаси ўлганига беш йил бўлса-да, Дорис Уитней биронтаси билан танишишни ўзига эп кўрмади, гарчанд бунга қизи эътироз билдирмаса ҳам.

– Бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас, – дея суҳбат мавзуини бошқа ёққа буриб юборди она. – Ўзингнинг ишларинг қалай?

– Ишим ўзимга жуда ёқади. Чарльз тўйимиздан кейин ҳам ишимни давом эттиришимга қарши эмас.

– Жуда соз, қизалоғим, куёвим эсли-хушли, сени тўғри тушунадиган одам экан.

Саҳна ортида бир нарсага ишора қилаётгандек, момақалди роқ бир гумбураб кетди. Вақт бўлди. Энди видолашувдан ўзга чора қолмади.

– Хайр, қизалоғим.

У овози қалтираб чиқмаслиги учун ўзини маҳкам тутиб турарди.

– Ойижон, тўйда учрашамиз. Чарльз билан кунини белгилаб олайлик, ўзим кўнғироқ қиламан.

– Майли, қизим.

Эсда қоладиган сўнгги сўзларни айтиши лозим.

– Сени жуда яхши кўраман, Трейси, – деди-да, гўшакни аста жойига қўйди Дорис, сўнг тўппончани қўлига олди. Унинг яккаю ягона йўли қолган – пайсалга солиб бўлмайди. У тўппончани чаккасига тираб, тепкини босди.

2

Филадельфия

Жума, 21 феврал, 8.00

Трейси Уитней кўп хонали уйнинг йўлагидан рутубатли шилта кўчага шошиб чиқди. Маркет-стрит томон, қияликка ҳайдовчилар бошқариб кетаётган ялтироқ маши-

налар, Филадельфиянинг шимолий қисмида бодрокдай қалашиб кетган, тахта ёғочлар билан ўраб ташланган ташландиқ уйлар узра қор аралаш ёмғир ёғмоқда эди. Ёмғир машиналарни ювиб тозалаган, ташландиқ уйлар олдиларидаги уйиб ташланган ахлатларни балчиққа айлантириб юборган эди. Трейси Уитней ишга кетмоқда. У банкка олиб борадиган Честнат стиртга бурилган ҳаммоно қадамини тезлатди. Кўчада баралла ашула айтиб юборишдан ўзини базўр тийиб борарди. У сап-сарик плаш, резинкали ботинка ва ялтироқ кўнғир сочларини зўрға ўз ичига сиғдирган сарик шляпа кийиб олганди. Унинг ёши 25 дан ошган. Чехраси очиқ ва ақлли, лаблари ҳирсга тўла, кўзлари ранго-ранг товланиб турарди. Қомати спортчиларникидек келишган. Бадани ой нуридек оқ ёки атиргулдек қирмизи тусга киради.

Онаси бир куни:

– Тавба, қизим, баъзан сени танаймай қоламан. Аъзои баданинг барча рангларни ўзига сингдириб олган-а, – деган эди.

Мана ҳозир Трейси кўчада югуриб бораркан, йўловчилар унинг порлаб турган гўзал чехрасига ҳавас ила қардилар.

«Ўзимни бу даражада бахтиёрлигимни кўз-кўз қилишим одобдан эмасдир! – дея хаёлидан ўтказди Трейси, – мен ўзим севган одамга турмушга чиқаман – унга ўғил туғиб бераман. Бахтли бўлишим учун бундан ортиқ нима керак?» Банкка яқинлашганда соатига қаради. Саккиздан йигирма дақиқа ўтибди. Филадельфия траст энд файделити бэнк ҳали ўн дақиқа берк бўлади, лекин банкнинг вице-президенти халқаро бўлим бошқарувчиси сигнализацияни ўчириб, банк эшикларини оча бошлаган эди. Трейси эрталабки бажариладиган бу ишни томоша қилишни яхши кўрарди. Дезмонд орқасидан эшикни ёпиб банкка кириб кетгунга қадар Трейси ёмғир остида турди.

Бугун дунё банкларининг ўз хавфсизлигини таъминлаб турадиган хуфиялари бўлади, зотан, Филадельфия

траст энд файделити бэнк бундан мустасно эмас. Шу боис авваллари амалда қўлланиб келинган қатъий тартибга ҳеч қачон ўзгартириш киритилмасди, фақат ҳар ҳафтада алмаштириб туриладиган қўриқлов белгиси бундан мустасно эди. Бу ҳафта белгиси деразалардаги ярим туширилган дарпарда, токи бу ходимларни гаровга оламан, деб хона-хоналарда қароқчи-ўғрилар яшириниб олмаганларига ишонч ҳосил қилиш учун текширув кетаётганини, банк ходимлари ичкари кирмай туришлари лозимлигини билдирар эди. Кларенс Дезмонд ҳожатхоналарни, омборхоналар, ертўлаларни бирма-бир текшириб чикди. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгачгина дарпардаларни кўтарди, бу – ҳаммаси жойида дегани эди.

Бош иқтисодчига биринчи бўлиб киришга рухсат этилар эди. У, одатда, сигнал тизими пульти ёнида ўтирар, қолган ходимлар бўлгунга қадар кутар, сўнгра эшикни кулфларди.

Рейси Уитней роппа-роса саккизу ўттизда хизматдошлари билан бирга кўркам холлга кирди, ёпинчиғини, ботинкасини ечар экан, қулоғига ходимларнинг зорланиб:

– Дайди шамол соябонимни учириб кетди. Ҳаммаёғим шалоббо бўлди-я, – дея гапираётган гапларини эшитиб ҳайрон бўлди.

– Мен Маркет-стритдан келаётиб сузиб юрган иккита ўрдакни кўрдим, – дея ҳазил қилди бош кассир.

– Об-ҳавочилар кейинги ҳафта ҳам худди шундай ҳаво бўлади дейишмоқда. Қани энди ҳозир Флоридада бўлиб қолсам эди-я!

Трейси илжайиб ўз иш жойига бориб ўтирди – у пулни телеграф орқали ўтказиш бўлимини бошқарар эди. Яқин ўтмишда пулни бир шаҳардан иккинчи шаҳарга, бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга ўтказиш кечикар, кўплаб бланкаларни тўлғазиш ва давлат ҳамда халқаро хизматларга боғлиқ машаққатли икир-чикирлар билан боғлиқ эди. Компьютерлар жорий этилиши билан вазият мутлақо ўзгарди, катта миқдордаги пулларни бир

зумда ўтказиш имкони туғилди. Компьютердан бир кун олдин келган ва бошқа банкларга пул ўтказилгани ҳақидаги маълумотларни олиш Трейсининг иши эди. Барча операциялар кодлаштирилар, бегона кимсалар бундан хабар топиш имкониятини олдини олиш учун кодлар мунтазам равишда алмаштириб турилар эди. Трейсининг қўлидан ҳар куни миллион электрон доллар ўтар эди. У ўз ишига жуда берилганди, зотан, жаҳон бизнесининг қон томирини таъминлаб турувчи қувват манбаи Трейсининг қўлида эди. Токи унинг ҳаётига Чарльз Стэнхоуп кириб келгунга қадар банк иши унинг қалбини бутунлай забт этган эди. Бу банкнинг ниҳоятда кўп халқаро бўлимлари мавжуд эди. Тамадди пайтида Трейси ва унинг ҳамкасблари, одатда, эрталаб бажарилган барча ишларини муҳокама этар ва бу асосий мавзу эди.

Бош иқтисодчи Дебора:

– Биз ҳозиргина Туркиядаги синдикатнинг юз миллион долларлик заёмини ёпиб қўйдик, – деди. Банк вице-президентининг котибаси Мей Трентон ишончли оҳангда:

– Бугун эрта билан бошқарув мажлисида Перуга қўшимча пул маблағлари юборишга қарор қилинди, – деди.
– Аванс миқдори беш миллион доллардан зиёд..

Банк хизматчилари орасида энг ашаддий ирқчи бўлмиш Жон Крейтон қўшиб деди:

– Мен буни мексикаликларга 50 миллион доллар ёрдам кўрсатмоқчимиз деб тушунаман. Бу «яғир елкалар» бир центга ҳам арзимайди!

– Энг қизиғи, – деди Трейси хаёлчан, – банк ишларининг ҳадисини яхши ўзлаштирган Америкага тош отаётган ўша мамлакатларнинг ўзлари биринчи бўлиб қарз сўрашади.

Трейсининг Чарльз билан биринчи марта тортишиб қолган масаласи ҳам шу мавзуда эди.

Чарльз Сентхоуп молиявий муаммолар бўйича маъруза қилишга симпозиумга таклиф этилган эди. Трейси

у билан ўша ерда танишганди. Чарльз буюк бобокалони асос солган фирмани бошқарар, бу фирма қимматбаҳо қоғозлар билан шуғулланар эди. Компания Трейси хизмат қилаётган банк билан жуда кўп шартномалар тузган. Чарльз маърузасидан кейин Трейси минбарга чиқиб ўз фикрини билдирарди. У Чарльзнинг учинчи дунё мамлакатлари тижорат банклардан ҳамда ғарб ҳукуматларидан қарзга олган жуда катта маблағларини қайтариш имкониятлари бор, деган фикрига қўшилмади. Чарльз аввал бироз қизишди-ю, сўнг ёш, гўзал қизнинг жиддий далиллари билан қизиқиб қолди. Муҳокама кўҳна Букбиндер ресторанида тушлик вақтида давом этди.

Гарчи Чарльз Стэнхоуп Филадельфиянинг ҳамма ҳавас қиладиган куёвларидан эканлигини билса ҳам Трейсида дастлаб унчалик таассурот қолдирмади, йигит ўттиз ёшда, бадавлат, омади чопган, шаҳарнинг энг қадимий аслзодаларининг зурриёти эди. Бўйи беш фут ўн дюйм, сочлари малла, кўзлари мовий, оёқ-қўли чаққон, бундай ўзига бино қўйган бойваччаларни ёқтирмайман, дея хаёлидан ўтказарди Трейси.

Йигит худди қизнинг фикрини ўқигандек стол устига энгашиб, деди:

– Отам ҳалигача туғруқхонада мени бошқа болага алмаштириб қўйишган деб ишониб юради.

– Нима?

– Мен ота-онамдан фарқли ўлароқ, пул ҳаётни белгилайдиган омил, деб ўйламайман. Фақат, илтимос, бу гапимни отамга айта кўрманг.

Чарльзнинг самимий сўзлаши Трейси кўнглида илиқлик уйғотди.

«Қизиқ, – ўйлади у, – юқори табақали бирон кимсага эрга тегсам, четдан қандай кўринар экан-а?»

Трейсининг отаси ўзининг шахсий корхонасини очиш учун деярли бутун умрини сарфлади, лекин Стэнхоуплар бу ишни арзимайдиган иш деб устидан кулишган. «Стэнхоуплар билан Уитнейлар ҳеч қачон бирлаша ол-

майдилар, – дея ўйлади Трейси, – худди ёғ билан сувдек. Стэнхоуплар олий табақа. Тентаклардек нималарни орзу қиялман-а? Ўз иззат-нафсимними? Бу йигит мени бирга тушлик қилишга таклиф этди, холос, мен бўлсам унга эрга тегсаммикан ёки йўқми, деб ўтирибман-а. Эҳтимол, биз энди ҳеч қачон учрашмасак керак».

– Биламан, сиз эртага бўшсиз, бирга тушлик қилишга рози бўласиз деган умиддаман... – кутилмаганда таклиф қилиб қолди Чарльз.

Филадельфия – беқиёс шаҳар, кўзни қувонтирадиган, ҳордиқ чиқарса бўладиган қасрлар бисёр. Трейси Чарльз билан шанба оқшомлари балетга боришар ёки Рикардо Мути раҳбарлигидаги шаҳар оркестрини биргалашиб тинглардилар. Улар ҳафта давомида Нью-Маркет билан танишдилар. Сосаети Хиллнинг беқиёс магазинларини томоша қилдилар. Гено қошидаги кўча қаҳвахонасида пишлоқдан тайёрланган котлетлардан, татиб кўришди Филадельфияни энг қимматбаҳо ресторанларидан бири бўлмиш «Кафе Рояль»да овқатландилар, Хет Хаус хиёбонидаги магазинларга ташриф буюрдилар. Санъат музейи ҳамда Роденнинг хусусий музейларини кезиб чиқишди.

Бир куни иккови «Мутафаккир» ҳайкали олдида тўхтаб қолдилар. Трейси Чарльзга қараб жилмайди-да:

– Бу – сенсан! – деди.

Чарльз спорт билан шуғулланмасди, Трейси бўлса ҳар якшанба эрталаб югурар ёки Скучлкил дарёси соҳилида сайр қиларди. Шанба куни у тай-чи-чуан курашига қатнашар ва бир соатлик машқдан кейин чарчаган бўлса ҳам, тетик ҳолатда Чарльз билан унинг уйида учрашар эди. Чарльз ҳақиқий пазанда сингари Хитой ва Марокаш таомларини қулинг ўргилсин қилиб ўзи тайёрларди. Хамирга ўралган олма дейсизми, тахин шарбатига димланган жўжа дейсизми...

Трейси унчалик бой ишқий тажрибага эга эмасди, бироқ, унинг назарида, Чарльзнинг танглайи шу билан кўтарилгандек эди... Бир куни Трейси ўринда ташаббускорлик кўрсатаман деб ўзини қўйворган эди, бу нарса

Чарльзнинг жаҳлини чиқариб юборди ва ўзимда ишқий нотавонлик бормикан, деб хавотир ола бошлади.

Кўққисдан Трейсининг ҳомиладорлиги аён бўлиб қолди. У ваҳимага тушди: Чарльз уйланиш ҳақида ҳеч оғиз очмаган, лекин ҳозир бола деб уйланишга мажбур бўлишини ҳис этишини Трейси истамас эди. У ҳомилани олдириб ташлашга журъат эта оладими-йўқми, ўзида унчалик ишонч сезмас, бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам кам қийнамасди. Бола туғилса, вояга етказа оладими, ярим етим бўлиш бола учун қандай кечади?

Трейси бир куни кечки овқатдан кейин Чарльзга янгиликни айтишга қарор қилди. У ловия солиб гўшт қовураётиб ҳаяжонланганидан тагини олдириб қўйди. Чарльзнинг олдига таги куйган овқатни қўйди-ю, олдиндан пухта ўйлаб қўйган гапи эсидан чиқиб қолди. Шундан сўнг томдан тараша тушгандек:

– Чарльз, биласанми, мен ҳомиладорман, – деди.

Орага оғир сукунат чўқди, Трейси сукунатни бузмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган ҳам эдики, Чарльз бирдан:

– Биз, албатта, никоҳдан ўтамиз, – деб қолди.

Трейси елкасидан тоғ қулагандек, енгил нафас олди.

– Мен айтмоқчиманки, тагин ўйламагинки... Ўзинг биласан, менга уйланишга мажбур эмассан.

Чарльз унинг гапини бўлиб, қўлини аста кўтарди.

– Мен сенга уйланмоқчиман, Трейси. Сен ажойибсан.

Сўнг оҳиста қўшиб қўйди:

– Албатта, аввалига ота-онам бироз довдирашади, – деди-да, жилмайди ва Трейсини ўпиб қўйди.

– Нега ҳайрон бўлишади? – хотиржам сўради Трейси.

Чарльз хўрсиниб деди:

– Жонгинам, бошинга қандай бало офати келаётганини ҳали англаб етмаяпсан, чамаси. Стэнхоуплар ҳамиша, эътибор бергин-а, қўштирноқ ичида «ўз тенгиларга» куда бўлишган, Филадельфиянинг казо-казоларига.

– Демак, улар сенга қайлиқ топиб қўйишибди-да, – ақли етиб деди Трейси.

Чарльз Трейсини бағрига босди.

– Бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Мен ўзим танлаган қиз хотиним бўлади. Келаси жума иккаламиз ота-онам олдида меҳмон бўламиз ва, ниҳоят, улар билан танишиб олишнинг вақти ҳам келди.

Треysi кейинги бир неча соат ичида компьютер билан банд бўлганидан бошқа нарса ҳақида ўйлашга ҳам вақти бўлмади. Телеграф орқали ўтказилган пулларнинг тўғрилигини синчковлик билан текшириш талаб қилинар, барча ҳисобрақамларини суммаси ва банкларни қаерга ўтказилаётганини рўйхатдан ўтказиб қўйиш лозим эди. Ҳар бир банкнинг махфий рўйхатда сақланадиган ўз шахсий кодлари бўлади. Бу рўйхатда дунёдаги барча йирик банкларнинг кодлари сақланар эди.

Куннинг биринчи ярми ўтиб кетганини сезмай қолди. Треysi тушлик пайтида Лерри Стелла Ботнинг сартарошхонасига бориб рўйхатга ёзилиб қўймоқчи бўлди. Лерри жуда қиммат олади, лекин Чарльзнинг ота-оналарига кўркам кўриниши учун иши пулига арзир эди. «Мени яхши кўриб қолишларига мажбур қиламан. Чарльзга кимни танлашгани менга барибир, – деб ўйлади Треysi. – Чарльзни мендан бўлак ҳеч ким бахтли қила олмайди». Роппа-роса соат бирда Треysi эгнига плашини кияётганда Кларис Дезмонд уни ўз ҳузурига чақирди. Дезмонд... Бу одамда мукамал намунали раҳбар тимсоли мужассамлашган эди. Агар телевидение ўзининг тижорат реклама кўрсатувларида фойдаланса борми, ундан ажойиб нотик чиққан бўларди. У одатдагидек мутаассибона башанг кийиниши билан ишонса бўладиган одамга ўхшарди.

– Ўтиринг, Треysi, – деди у, барча ходимларимни ном-ном биламан дегандек, мағрурона оҳангда. – Об-ҳаво расво-я, шундайми?

– Ҳа, шундай.

– Хўп... Одамлар шу ҳаводаям банк ишлари билан шуғулланишга мажбурлар, – шу билан суҳбатнинг

расмий қисми тугади. – Менга маълумки, сиз Чарльз Стэнхоуп иккалангиз турмуш қурмоқчисиз.

Трейси ажабланди.

– Биз бу ҳақда ҳатто бирон кимсага... Қандай...

Дезмонд илжайди.

– Стэнхоуплар нимаики қилмасинлар, бу – янгилик. Мен ниҳоятда хурсандман... Бизга ишга қайтиб келасиз, деб умид қиламан, табиийки, асал ойини ўтказиб. Сиздек ходимдан айрилиб қолишни истамаймиз. Бебаҳо ходимларимиздан бирисиз.

– Биз Чарльз билан иш ҳақида келишиб олдик, ишимни давом эттираверадиган бўлдим.

Дезмонд мамнун илжайди. Молия жамоатчилиги орасида «Стэнхоуп ва ўғиллари» энг эътиборли компаниялардан бири, бинобарин, уларнинг асосий ҳисобварағига эга бўлиб олса борми, Дезмонд бўлимнинг энг ёғли жойи шу ҳисобланарди. У столнинг суянчиғига суяниб, керилиб ўтирди.

– Асал ойдан қайтиб келганингиздан сўнг биз сизнинг хизматдаги мавқеингиз ҳамда маошингизни ошириш ҳақида ўйлаб кўрамиз.

– Вой, раҳмат сизга! Қандай яхши!

Трейси бу илтифот хизмати эвазига деб тушунди ва мамнунлигидан юраги тўлқинланиб кетди. У Чарльзга бу янгиликни етказиш учун интиқиб кута бошлади кеч бўлишини. Трейси чексиз қувончларининг сабабчиси худонинг марҳамати деб қабул қилди.

Чарльз Стэнхоуп ота-онаси Риттенхаус-сквердаги қадимий маҳобатли кошонада яшар эди. Майдон шаҳарнинг кўрки ҳисобланар эди. Трейси бу кошона олдидан тез-тез ўтиб турар эди. «Энди, – дея ўйлади у, – бу бино ҳаётимнинг бир қисмига айланади».

Трейси ҳаяжонда эди. Унинг чиройли таралган сочлари намга чидаш беролмади. Қайси кўйлагини кийишни билолмай тўрт марта кийим алмаштирди. Оддий кийинсинми? Ёки?.. Унинг узоқ муддат пул йиғиб олган

Ив-сен-Лораннинг биттагина кўйлаги бор. «Агар шу кўйлагимни кийсам улар мени пулдор экан, деб ўйлашади. Лекин чайқовдан сотиб олган кўйлақларимдан бирини кийиб борсам, улар ўғиллари ўз тенгини топмабди деб ўйлашади. Жин урсин, барибир шундай деб ўйлашади», қатъий ўзига ўзи деди Трейси. Ниҳоят, у кулранг жун юбкаси билан оқ шойи блузкани танлади, бўйнига нозик олтин занжирини тақди. Буни ойиси Рождество байрамига юборган эди.

Эшикни ливрея кийиб олган қарол очди.

– Хайрли кеч, Уитней хоним.

«Қарол исмимни биларкан. Бу яхшилик аломатими ёки?...»

– Марҳамат, пальтонгизни берсангиз.

Трейсининг пальтосидан қимматбаҳо эрон гиламига ёмғир томчилари сизилиб тушарди.

Қарол уни банкниқидан чамаси икки баробар катта, ҳамма ёғи мрамар ётқизилган даҳлиз томон бошлади. Трейси ваҳимага тушиб ўйлади: «Вой худойим! Нега бу кийимни кийдим-а, қимматбаҳо кўйлагимни кийсам бўларкан». Қарол хонага кирганда қиз колготкасининг юқорисидаги тугмаси кўйиб юборганини сизди, худди шу пайт Трейси Чарльзнинг ота-оналари билан юзма-юз келди.

Чарльзнинг отаси олтмиш беш ёшда, ташқи кўринишидан жаҳлдор, ўзига тўқ одам бўлиб, ўғлининг ўттиз ёшдаги сийрати унда намоён эди. Унинг кўзлари Чарльзникига қараганда жигарранг-оқ сочлари чаккасига осилиб тушганди. Трейсининг дарров меҳри тушди. Болалари учун ундан зўр бобони топиш қийин.

Чарльзнинг онаси атрофдаги шоҳона салобатга мос тушмаган паст бўйли, семиз аёл бўлса ҳам, истараси иссиқ экан. «Оғир-вазмин, лўппи аёл экан, – хаёлидан кечирди Трейси, – ажойиб буви бўлади-да».

Стэнхоупхоним кўлини Трейси томон чўзди.

– Уйимизга қадам ранжида қилиб бизни хурсанд қилдингиз, жонгинам. Чарльздан бизни бир неча дақиқага

сиз билан танҳо қолдиришини илтимос қилдик. Хафа эмасмисиз?

– Албатта, эътироз билдирмайдилар, – деди Чарльзнинг отаси. – Ўтиринг... Трейси, исмингизни тўғри айтдимми?

– Ҳа, сэр.

Улар креслога рўбарў ўтиришди. «Нима учун булар олдида тортиниб турибман-а?» Трейси қулоғига онасининг овози чалингандек бўлди: «Қизалоғим, худо ҳамма вақт мушкулингни осон қилади. Бунинг учун ўз вақтида ўзингни қўлга ола бил».

Трейси бир амаллаб жилмайди. Бироқ шу пайт пайпоғининг ҳалқаси тиззаси томон сурилиб тушганини сезди. У қўли билан буни яширишга уринди.

– Шундай қилиб, – жаноб Стэнхоупнинг овози дўстона оҳангда янгради. – Сиз Чарльз икковингиз турмуш қуришни ихтиёр этибсиз.

Трейсини «ихтиёр» сўзи ваҳимага солди. Чарльз бу ҳақда уларга айтган кўринади.

– Ҳа, – деди Трейси.

– Чарльз билан анчадан бери танишсиз, шундайми? – сўради Стэнхоупхоним.

Трейси ҳаяжонини босиб, ўйлади: «Мен ҳақ эканман. Ҳали бу ҳолва».

– Бир-биримизни севиб қолганимизни ҳис этиш учун вақт хийла етарли бўлди. Стэнхоупхоним.

– Севасизми уни? – минғирлади Стэнхоупхоним ва, – ростини айтсам Уитни хоним, Чарльзнинг бу «янгилиги» отасини ҳам, мени ҳам ҳайратга солиб қўйди, – дея такаббуруна жилмайиб қўйишди эр-хотин.

– Чарльз Сизга Шарлотта ҳақида айтган бўлса керак? – У Трейсининг юз ифодасига назар солди. – Ҳа, тушунаман. Гап шундаки, у Шарлотта билан болалиқдан бирга катта бўлган. Улар бир-бирлари билан жуда қалин эдилар. Биз уларнинг унашувларини интизорлик билан кутаётгандик.

Шарлоттани унга тасвирлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Трейси ўзи уни дарров кўз олдига келтирди. Ёнларида туради. Бой, келиб чиқиши ҳам Чарльзга мос. От миниш-ни яхши кўради. Кўп совринлар олган.

– Ўз оилангиз ҳақида сўзлаб берсангиз, – гапида давом этди жаноб Стэнхоуп.

«Худойим-ей, бу менга яқинда кўрган фильмимдаги саҳнани эслатмоқда, – кўрқиб ўйлади Трейси. – Мен Рита Хейворт ролидамани Кэри Грантнинг ота-оналари билан биринчи марта учрашяпман. Томоғимни хўллаб олмасам бўлмайди. Эски киноларда қароллар патнисда ичимлик опкелиб ўз вақтида ёрдам кўрсатардилар».

– Қаерда туғилгансиз, азизам? – синчковлик билан суриштирди Стэнхоуп.

– Луизианада. Отам механик бўлган.

Бунисини кўшиш шарт эмасди-ю, бироқ бу сўз Трейсининг оғзидан чиқиб кетди. Нима бўлса бўлди! Трейси ўз отаси билан фахрланади.

– Механик бўлган?!

– Ҳа. Дастлаб у Янги Орлеанда кичиккина қайта ишлаш корхонасини ташкил этганди, сўнг шу соҳа бўйича йирик компания тузди. Отам ўлганига беш йил бўлди, ўшандан бери ойим шу компанияни бошқаради.

– Нима ишлаб чиқарарди... ҳалиги... компания дейсизми?

– Автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар.

Стэнхоуплар бир-бирларига қараб кўйишди ва бир овоздан:

– Тушунаман, – дея олишди, холос.

Гап оҳанги Трейсининг ақлини шошириб қўйди: «Сабрим қанчага дош бера олар экан, а?» – ўйлади у. Кўзига ёмон кўриниб кетган икки қарияга тикилиб туриб, чорасиз аҳволга тушганидан оғзига келганини гапира кетди:

– Сиз ойимга ўхшаб кетар экансиз. Ойим чиройли, ақлли ва дилбар аёл. Асли жанубдан. Бўйлари ҳам пастаккина, худди сизга ўхшайдилар, Стэнхоупхоним...

Суҳбатдошларининг совуқ қарашларини сезган Трейсининг гапи чала қолди. Трейсининг ҳиқилдоғидан ёриб

чиқаётган аҳмоқона кулги Стенхоупхонимнинг тикилиб қарашидан бўғзида қолиб кетди.

Стэнхоупхоним совуққина деди:

– Чарльз бизга ҳомиладорлигингизни айтди.

Эвоҳ, бу ҳақда унинг гапиришига Трейси тамоман қарши эди! Бу гапда Трейсининг гуноҳкор бўлиб қолаётгани шундоққина сезилиб турардики, гўёки уларнинг ўғиллари шунчаки бу ишнинг қурбони бўлгандек эди. Улар унинг баданига стигмат тамғаси қўйилганини ҳис этишга мажбур этмоқда: «Қандай кийинишим лозимлигини энди тушундим, – хаёлидан ўтказди Трейси. – Қирмизи А ҳарфини»¹.

Стенхоупхоним:

– Тушунмаяпман, қандай қилиб шундай кунда, – дея бошлади-ю, бироқ шу пайт хонага Чарльз кириб келгани боис гапини тугата олмади. Трейси умрида ҳеч қачон ҳозирдагидек кириб келган одамдан бунчалик хурсанд бўлмаган.

Чарльзнинг чиройи очилиб гап бошлади:

– Хўш, тил топишдингларми?

Трейси ўрнидан тура солиб ўзини унинг кучоғига отди.

– Жуда яхши, жонгинам.

У Чарльзни бағрига босиб: «Худога шукр, Чарльз ота-оналарига ўхшамайди. Ҳеч қачон ўхшамайди ҳам. Улар – тор фикрли, мақтанчоқ, сўхтаси совуқ одамлар», дея ўйлади.

Орқаларида дарбоннинг эҳтиёткорона йўталиши эшитилди, унинг қўлидаги патнисда ҳар турли ичимликлар бор эди. «Ҳаммаси жойида бўлади, – ўзича ўйлади Трейси. – Бу – охири яхшилик билан тугайдиган кинога ўхшайди».

Тушлик ажойиб бўлди, лекин Трейси қаттиқ ҳаяжонлангани учун ҳеч нарса ея олмади. Овқат маҳали банк ишлари, сиёсат, дунёдаги таҳликали вазият ҳақида ҳис-ҳаяжонга берилмай, одоб сақлаб суҳбат қилишди. Ҳеч ким овоз чиқариб: «Сен ўғлимизга зўрлик билан

¹ Америкада бировни зўрлаш (ишратбозлик) рими.

турмушга чиқяпсан», демади. Мутлақо табиийки, – деб ўйлади Трейси. – Уларнинг ўғиллари уйланаётган аёлни сўраб-суриштиришга ҳақлари бор. Ахир бир кунмас-бир кун Чарльзнинг шахсий фирмаси бўлар ва, энг муҳими, шунга яраша хотини ҳам бўлиши керак-да. Трейси: «Шундай хотин бўламан ҳам», – деб онт ичди.

Чарльз стол тагидан дастрўмолчани асабий ғижимлаб ўтирган Трейсининг кўлини аста ушлади ва хиёл кўзини қисиб, жилмайиб қўйди. Трейсининг руҳи енгил тортиб, бироз дадиллашди.

– Трейси иккаламиз тўй дабдабасиз ўтсин деган фикр-дамиз, – деди Чарльз. – Кейин...

– Бўлмағур гап, – Чарльзнинг гапини бўлди Стэнхоупхоним. – Оддий тўй қилиш оиламиз шаънига тўғри келмайди, Чарльз. Сенинг тўйингни кўриш учун йигирмадан ортиқ дўстларимизни йиғилиши турган гап.

Хонимнинг нигоҳи Трейсининг қоматини чамалаб чиқди.

– Тўй таклифномаларини дарҳол тарқатиш чорасини кўрмоғимиз даркор, – деди-ю, кейин қўшиб қўйди: – Агар таклифим сизга мақбул бўлса, – дея қўшимча қилди.

– Ҳа, албатта. Тўй бўладиган бўлгандан кейин.

«Нима учун бунга шубҳа туғиляпти менда».

– Баъзи меҳмонларимиз хориждан келадилар. Улар бизнинг уйимизда туришса дейман, – деди Стэнхоупхоним.

– Тўй саёҳатини қаерда ўтказмоқчисизлар? – сўради жаноб Стэнхоуп.

Чарльз жилмайиб қўйди-да:

– Бу сирни ошкор этолмаймиз, дада, – деб Трейсининг кўлини маҳкам қисиб қўйди.

– Асал ойи қанча давом этади? – сўради Стэнхоупхоним.

– Тахминан эллик йилча, – деб жавоб берди Чарльз. Трейси хаёлан унга миннатдорчилик билдириб қўйди.

Овқатдан кейин бир қадахдан бренди ичиш учун кутубхонага киришди. Трейсининг кўз ўнгида эман қопламали жавонларда чарм жилдли китоблар тахланган,

деворида эса иккита Коро Копелей ва Рейнольдснинг тасвири осиглиқ шинам хона намоён бўлди. Чарльз бойми-йўқми, Трейсига бунинг аҳамияти йўқ.

Лекин бунақа шароитда яшашнинг ўзи бир гашт эканига ўзича иқроор бўлиб қўйди.

Чарльз Трейсининг Фаэрмаунт Паркуга параллель кўчадаги унчалик катта бўлмаган хонага ярим кечага яқин олиб келди.

– Трейси, меҳмондорчилик сени чарчатиб қўймаган бўлса керак-а? Ота-онам баъзан жуда мақтанчоқ бўлиб кетишади.

– Э, йўқ, улар ажойиб одамлар экан, – ёлғон бўлса ҳам деди Трейси.

Кечки овқат олдидан бўлган суҳбат Трейсини хийла толиқтириб қўйган бўлса ҳам, эшик олдида келишганда:

– Чарльз, кетасанми? – деб сўради.

Чарльз унинг ёнида бўлиши ва бағрига маҳкам босишига интизор эди Трейси. «Мен сени севаман, жоним. Ҳеч ким, ҳеч қачон бизни бир-биримиздан жудо этолмайди», демоқчи эди.

– Жоним, фақат бугун эмас. Жуда толиқдим, – жавоб берди у.

Трейси бу жавобдан кўнгли чўкканлигини яширди.

– Албата, мен тушунаман, жоним.

– Эртага гаплашиб оламиз. – Чарльз уни шошиб ўпди-да, бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

...Хонани ўт алангаси қоплаб олган, ўт ўчирувчиларнинг тинимсиз кўнғироқлари оромини бузиб юборди... Трейси ўрнидан сапчиб турди. Кўрган тушидан ҳолсизлана тун қоронғисида тутун исини ҳидлай бошлади. Кўнғироқ овози тинмасди, сўнг бу эшик кўнғироғи эмас, телефон овози эканлигини аранг фарқлай олди. Каравот бошига осиглиқ соат миллари икки яримни кўрсатмоқда эди. У гўшакни дарҳол кўтарди. «Чарльзга бир бало бўлганга ўхшайди», – деди хавотирга тушган Трейси. У гўшакни дарҳол кўтарди.

– Лаббай, эшитаман!

Гўшакдан босиқ эркак овози эшитилди.

– Трейси Уитнеймисиз?

Трейси талмовсираб қолди – жавоб берсамикан, йўқмикан. Овоз нотаниш эди.

– Ким бу?

– Янги Орлеан полиция бошқармасидан лейтенат Миллерман. Сиз Трейси Уитнеймисиз?

– Ҳа, – юраги ҳаприқиб уриб кетди Трейсининг.

– Афсуски, сизга хунук хабар айтишга мажбурман.

Трейси гўшакни қулоғига қаттиқроқ босди.

– Онангиз тўғрисида. . .

– Ойимга нима бўлди?

– Уитней хоним, у киши энди йўқлар.

Йўқ!!! Кўпол ҳазил қилишаётган бўлса керак. Ойимга ҳеч нарса бўлмаган. Ойим тирик! «Мен сени жуда яхши кўраман, Трейси».

– Сизга бу ҳақда хабар бериш менга қанчалик қийин бўлганини билсангиз эди, – деди лейтенат Миллер. Бу даҳшат, туш эмас, ҳақиқий даҳшатнинг ўзи.

Трейсининг тили калимага келмай қолди. Мияси ва тили музга айланиб қолгандай эди.

Лейтенант эса тинмай:

– Алло?.. Уитней хоним? Алло.. – дерди.

Трейси бўлса мўъжазгина ошхонасида онасини эслаб ўтирарди. Унинг ўлиши мумкин эмас. Онаси соғлом эди, ҳаётни севарди-ку. Она-бола ниҳоятда сирдош бўлиб қолишганди. Трейси жуда ёшлигиданоқ ташвишу юрак кечинмаларини онасига айтар, мактаб, болалар, кейинчалик эркаклар билан муносабатларини бирга муҳокама қилишарди. Отаси вафот этганидан кейин унинг корхонасини сотиб олувчилар ҳақиқатан катта пул ваъда қилган эдилар, лекин онаси ўжарлик қилиб корхонани сотишдан бош тортганди. Ваҳоланки, бу пуллар эвазига у ўла-ўлгунча бекам-кўст фаровон ҳаёт кечирса бўларди. «Бу ишни отанг бошлаган. Бор куч-қувватини бағишла-

ган, корхонани йўқ бўлиб кетишига йўл қўя олмайман». Зотан, онаси корхонани гуллатиб юборишга эришди ҳам. «Оҳ, онажон-а, сизни жуда яхши кўраман, – ўйларди у. – Энди ҳеч қачон Чарльзни, набираларингни кўра олмайсан». Хўнграб йиғлаб юборди бечора қиз.

Трейси финжонга қаҳва қуйиб совигунча қоронғида ўтирди. Бўлган воқеани Чарльзга айтиб, уни ёнида бўлиши учун кўнғироқ қилиш хоҳиши туғилди унда, чироқ ёқиб ошхона соатига қаради. Уч ярим. Чарльзнинг уйқусини бузгиси келмади. Яхшиси, унга янги Орлеандан кўнғироқ қилади. У бу воқеа уларнинг никоҳларига ҳаляқит бермасмикан деган хаёлга борди-ю, лекин бу ўйдан ўзи уялиб кетди. Онаси оламдан кўз юмган дақиқада қай виждон билан ўзи ҳақида ўйласин! Лейтенант Миллер телефонда гапира бошлади:

– Дарҳол таксига ўтиринг-да, полиция бош маҳкамасига етиб боринг.

– «Нима учун полиция маҳкамасига? Нимага? Нима бўлган ўзи?»

Янги Орлеанни тайёрагоҳда санғиб юрган ғиж-ғиж одам уммонида Трейси бўғилиб бораётганини ҳис этди. У юк тасмасига яқинлашмоқчи бўлди-ю, лекин одамлар қўйишмади. Яқин соатда кўзи олдида намоён бўладиган манзарани ўйлаган сари асаби таранглаша бошлади. У ҳалиям бўлса бу қандайдир англашилмовчилик, бундай бўлмаса керак, деб ўзига тасалли бермоқчи бўларди-ю, полициячининг: «Афсуски, сизга хунук хабар етказишга мажбурман... Онангиз оламдан ўтдилар, Уитней хоним. Сизга бу хабарни етказиш менга қанчалик оғир эканлигини билсангиз эди..» – деган сўзлари қулоғи тагида шанғиллаб турарди...

Ниҳоят, Трейси жомадонини олди. У таксига ўтирди-да, лейтенант айтган манзилни айтди.

– Илтимос, Саут, Брод-стрит, етти юз ўн бешга.

Ҳайдовчи оғзи қулоғига етиб тиржайганча, кўзгу орқали Трейсига қаради-да:

– Исковичларгами? – деди.

Қизнинг кулоғига гап кирмади. Мавриди эмасди. Трейсининг мияси арининг уясидек ғувиллаб кетганди, машина Лейк Погартрейн Козвей бўйлаб шарққа қараб кетди. Ҳайдовчи тинмай жаврарди:

– Муҳим иш билан келдингизми, хоним?

Треysi ҳайдовчининг гапларини аранг фарқига борар ва: «Йўқ. Мен ўлган онамни кўришга кетяпман», дея хаёлидан ўтказар эди. У ҳайдовчининг дўриллаган овозини эшитарди-ю, лекин сўзларини англаб ололмасди. У орқа ўриндикда эс-хушини йўқотиб ўтирар, кўз ўнгидан пириллаб ўтаётган таниш манзараларга бепарво эди.

Треysi Френч квортерга яқинлашганда тобора авжига чиқаётган шовқиндан ўзига келди. Қаршиларидан қадимий афсунларни айтиб ҳайқираётган телбанамо оломон келарди.

– Кечирасиз, у ёғига боролмайман, – деди ҳайдовчи.

Треysi кўзини очиб ҳайратомуз манзарани кўрди. Юз минглаб одамлар аждар, улкан тимсоҳлар, мажусий худолар ниқобида, қўлларида пуфланган шарлар билан кўча ва йўлкаларни тўлдириб, кулоқни қоматга келтириб айюҳаннос солганча келар эдилар.

– Тушиб олганингиз маъқул, йўқса, таксини ҳам тўнтариб юборишади, – деди ҳайдовчи, – лаънати... Мардигра².

Албатта. Февраль – бутун бошли шаҳар Буюк рўза бошланишини байрам қиладиган вақт. Треysi машинадан тушиб, жомадони билан йўлка четига ўтди ва шу ондаёқ қий-чув ва ўйнаётган оломон оқими уни ўз йўлига солиб кетди. Бу қора жодугарларнинг жирканч базми эди. Миллионлаб фузийлар онасининг ўлимини байрам қилмоқда эдилар. Кимдир унинг жомадонини юлқиб олиб ғойиб бўлди. Шайтон ниқобидаги қандайдир бақалоқ Трейсини кучоқлаб ўпиб олди. Кейин кўкракларини эза бошлади, баҳайбат кимса унинг кучоғидан Трейсини

² АҚШнинг баъзи шаҳарларида сешанба масленицаси ўтказиладиган халқ байрами.

юлиб олди-да, боши узра баланд кўтарди. Трейси қаршилик кўрсатар, қочишга уринарди, лекин бари уринишлари бефойда эди. Уни ўраб исқанжага олишди ва увиллаб рақсга тушаётган оломоннинг бир қисмига айлантиришди. У черков кўшиқлари ижрочилари намоиши билан бирга юрар, кўзларидан дув-дув ёш оқарди. Тўдадан чиқишнинг ҳеч иложи йўқ. Трейси ниҳоят қочиб қутулди ва тинч тор кўчага кириб олди. У ақлдан озаёзган эди. Ниҳоят, полиция маҳкамасига кирди.

Лейтенант Миллер ўрта ёшлардаги киши бўлиб, афтидан, зиммасига юклатилган топшириқдан ўзини ниҳоятда ноқулай сезаётгандек, башараси ҳаяжонли тусга кирганди.

– Афв этасиз, тайёрагоҳда кутиб ололмадим, – узр сўради у. – Қаранг, бугун бутун шаҳар жинни бўлган-а. Биз ойингизнинг нарсаларини кўздан кечириб чиқиб, сиздан бошқа кўнғироқ қиладиган ҳеч кимсаси йўқлигига ишонч ҳосил қилдик.

– Худо хайрингизни берсин, лейтенант, айтинг, нима... ойимга нима бўлди?

– У киши ўз жонига қасд қилган.

Трейсининг аъзои бадани музлаб кетди.

– Бу... бўлиши мумкин эмас! Нега ўзларини ўлдирадилар? Яшашлари учун ҳамма нарса етарли эди-ку! – Трейсининг овози қатъий ва таънаомуз янгради.

– Онангиз сизга хат қолдирганлар.

Ўликхона совуқ, даҳшатли равишда сокин эди.

Трейсини пастдаги оппоқ йўлак бўйлаб каттакон, топ-тоза, бўм-бўш хонага олиб киришди. Бирдан у бу хона мутлақо бўш эмас, унда майит ётганини сезди. Трейсига қарашли майит.

Оқ халатли навбатчи истар-истамас девор олдига борди ва бандга кўлини узатиб бесўнақай катта яшиқни суғуриб чиқарди.

– Кўрасизми?

«Йўқ! Бу яшиқда ётган совуқ ўлик жасадни кўришни истамайман». Тезроқ бу ердан чиқиб кетиш керак, ўт

ўчирувчи қўнғироғи янграган ўша дамга қайтиш лозим. «Майли, ўша ўт ўчириш қўнғироғи ҳақиқат бўла қолсин, ишқилиб, телефон қўнғироғи эмас, майит менинг онам бўлмаса бўлгани». Трейси оёғини зўрға судраб босар, ҳар бир қадами аъзои баданини зирқиратар эди. У жонсиз жасадга узоқ тикилиб турди. Шу жасад уни дунёга келтирди, асраб-авайлади, хурсандчилигини баҳам кўрди, унга меҳр кўйди. Трейси энгашиб онасининг юзидан ўпди. Ўпди-ю, гўрнинг совуқ нафаси уфургандек эти жунжикиб кетди.

– Оҳ, ойижоним-а, – шивирлади Трейси. – Нима учун? Нега бундай қилдингиз?

– Биз мурдани ёриб кўрдик, – деди навбатчи. – Бу иш ўз жонига қасд қилиш қонунига биноан ўтади.

Дорис Уитнейнинг хати масалани ойдинлаштиради. «Азизим, Трейси!

Илтимос, мени кечир. Мен хонавайрон бўлдим, сенга оғирлигим тушмасин, дедим. Танлаган йўлимни тўғри деб топдим. Сени жуда яхши кўраман. Ойинг».

Хат тобутда ётган жасад каби бемантик, жонсиз бир нарса эди.

Кундузи Трейси дафн маросимини ўтказди, сўнгра таксига ўтириб ота уйига жўнади. Узоқдан «Марди гра»-ни нишонлаётган одамларни бақирриқлари, қандайдир ёт нарсадек, унга ҳеч алоқаси бўлмаган фожиали сур-сур-дек эшитилди.

Уитнейлар оиласи Гарден Дистрикдаги ҳашаматли даҳадаги викториан услубида қурилган бинода истиқомат қилган. Янги Орлеанда кўпчилик бинолар каби бу уйнинг пойдевори бўлмаган, чунки бу ер денгиз сатҳидан пастда эди.

Трейси шу уйда улғайди, унинг болалагидан илиқ тароватли хотиралар қолган. У уйига келмаганига бир йил бўлди, балки шунинг учун такси оҳиста келиб тўхтаганида кираверишдаги ўтлоқда ўрнатилган катта ҳарфлар билан: Янги Орлеан кўчмас мулк компанияси, сотилади – деб ёзилган эълонни кўриб ҳайратга тушди. Бўлиши

мумкин эмас! «Ҳеч қачон уйимизни сотмайман, – деб тез-тез таъкидларди ойиси. – Биз бу уйда жуда бахтли ҳаёт кечирганмиз».

У девкор магнолия ёнидан ўтаётиб, катта эшикка яқинлашаётганида аъзои баданини жунбушга солган ғалати туғёнли ҳиссиёт Трейсини қамраб олди. Еттинчи синфда ўқиётганида ўз-ўзига уйнинг калитини топширишган эди. Ўшандан бери бу калитни доимо Трейсини ўз бағрига олишга тайёр бошпана эканини эслатиб турувчи тумордек олиб юрарди.

У эшикни очиб, ичкари кирди. Кирган жойда ҳайратга тушиб тўхтади. Хоналар деярли бўм-бўш, барча жиҳозларни олиб кетишганди. Барча ноёб нарсалар ғойиб бўлганди. Уй бўшаб қолган чиғаноққа, қачонлардир истиқомат қилган одамлари тарк этган жойга ўхшаб қолибди. Бу кўққисдан бошга тушган қандайдир офатни эслатар эди. Трейси шиддат билан иккинчи қаватга кўтарилди-ю, ўзининг собиқ ётоқхонаси эшиги олдида тўхтади. Кўз олдида хонаси бўм-бўш ва совуқ алфозда намоён бўлди: «Оҳ, худойим, қандай воқеа юз бердийкин-а?» Трейсининг қулоғига эшик қўнғироғи жиринглагани эшитилди. Худди тушида кўраётгандек у оҳиста зинадан пастга тушди ва эшикни очди.

Остонада уитнейлар оиласига мансуб Ауттмототайв Паст компаниясининг бошқарувчиси Отто Шмидт турарди. У юзлари чандиқ, қариб бораётган бир кимса эди. Чўпдай ориқ Шмидтнинг катта қорни олдига осилиб тушган ё бу пивога бўлган ружусининг оқибати эди. Патила-патила осилган сочлари тўзиб кетганди.

– Трейси, – деди у соф немис лаҳжасида. – Мен бу гапни ҳозир эшитдим. Мен... мен сизга қанчалар ҳамдард эканимни ифодалаб беролмайман.

– Отто, сизни кўрганимдан хурсандман. Уйга кириш, – Трейси уни бўш хонага бошлаб кирди. – Кечирасиз, бу ерда ўтириш учун ҳеч вақо қолмабди. Ерда ўтирсак қарши эмасмисиз?

– Йўқ, йўқ.

Улар ерга юзма-юз ўтиришди ва бир-бирларига ноилож соқовлардек кўз тикканча жим қараб қолишди. Трейси эсини танигандан бери Отто Шмидт компаниянинг хизматида бўлган. Отаси жуда кўп нарсада унга қарам бўлганини Трейси яхши биларди. Фирма онасига мерос бўлиб ўтгандан кейин Шмидт ишларни бошқариб қолди.

– Отто, нималар бўлганига ақлим етмаяпти. Полиция онам ўз жонига қасд қилган, деди, лекин сиз билардингиз, ўзларини ўлдиришга ҳеч қандай асос йўқ эди-ку, – туйқусдан келган фикр Трейсини ҳайратга солди. – Ойим касал эмасдилар, шундаймасми? Ҳеч ақлим етмаяпти...

– Бу бошқача бўлган. Бунақа эмас... – ортиқча гап айта олмаётганидан ўзини ноқулай ҳис этган Отто юзини ўгирди.

– Нима бўлганидан хабардормисиз? – деди Трейси сўзларини чўзиб.

Отто унга шилпиқ кўзларини қадади.

– Ойингиз сизга яқинда бўлган воқеани айтиб бермаган. Сизни хафа бўлмасин деган.

Трейсининг қовоғи солинди.

– Мени хафа бўлмасин деб-а? Нима учун? Давом этинг... илтимос.

Чол ажинли қўлларини тинмай сиқиб очарди.

– Сиз Жо Романо деган кишининг исмини эшитганмисиз?

– Жо Романо? Йўқ. Нимайди?

Отто кўзларини қисди.

– Романо олти ой бурун онангиз билан танишиб, компанияни сотиб олмоқчи эканини айтганди. Ойингиз сотишдан манфаатдор эмаслигини унга тушунтирди, бироқ у компаниянинг асл нархига нисбатан ўн баробар нарх таклиф этгач, ойингиз йўқ, деёлмади. У жуда ҳаяжонланиб кетганди. Бечора она барча пулларини даромад келтирадиган акцияга қўймоқчи ва даромадга сиз билан умрининг охиригача бекаму кўст яшамоқчи эди. Сизга

кутилмаган тухфа қилмоқчи эди. Мен ҳам жуда хурсанд бўлдим. Мана, уч йилдирки, нафақага чиқаман, деб отланаман. Трейси, ахир мен Дорис хонимни якка ташлаб кета олармидим? Ўша Романо... – Сал қолди сўкиниб юборишига. – Романо, кўп эмас, бироз ширинкомасини тўлади. Қолган қисмини ўтган ойда бериши лозим эди.

Трейси тоқати тоқ бўлиб:

– Давом этинг, Отто. Кейин нима бўлди?

– Фирмани бошқаришни кўлига олганидан кейин Романо барча собиқ хизматчиларни ишдан бўшатиб, ўрниларига янгиларини олди. Сўнгра компаниянинг акция курсларини сунъий равишда пасайтира бошлади. У бор мулкларни сотиб, кўплаб янги дастгоҳлар буюрди, уларни сотди-ю, бунисига тўламади. Мол эгалари тўлов кечикканидан хавотир олмадилар, чунки улар ҳалиям сизнинг ойингиз билан олди-берди қияпмиз деб ўйлар эдилар. Ниҳоят, улар ўз пулларини талаб қила бошлаганларидан кейин хоним Романонинг ҳузурига бориб тушунтириш талаб қилдилар. Романо ҳе йўқ, бе йўқ, шартнома тузмасликка, бинобарин компанияни ойингизга қайтариб беришга қарор қилганини айтди. Бу орада компания нафақат бир пулга қиммат, ҳаттоки ярим миллион доллар қарз ҳам бўлиб қолган эди. Буларни ойингиз тўлай олмасдилар, албатта. Биз хотиним билан онангизнинг компаниясини қутқариб қолиш учун бор куч-қувватини ишлатаётганини кўриб раҳмимиз келди. Улар онангизни банкрот бўлишга мажбур этдилар. Улар ҳамма нарсани – фирмани, бу уйни ҳам, ҳатто ойингизнинг машинасини ҳам тортиб олишди.

– Вой, худойим-ей!

– Яна бир гап. Округ суди прокурори хонимни товламачиликда айблаб чақирув қоғози юбормоқчилигини айтиб қўрқитган. Бу деган сўз ойингизни қамоққа тушиш хавфи мумкин эди. Ўйлашимча, бу воқеа ўша куни, ойингиз ўлган куни бўлган.

Трейси ожизона ғазаб ўтида ёна бошлади.

– Онамнинг қиладиган иши бор-йўғи уларга ҳақиқатни айтиб, ўша одамнинг қилмишларини очиб ташлаш эди, холос.

Кекса бошқарувчи бош чайқади.

– Жо Романо – Энтони Орзатти исмли кишининг одами: Орзатти – Янги Орлеаннинг хўжайини. Романо бунақа найрангни илгарилари ҳам бошқа компанияларга ишлатиб келганидан мен жуда кеч хабар топдим. Борди-ю, онангиз уни судга берганида ҳам бу тугунни ечиш учун йиллар керак бўлар ва, ҳатто, ўшанда ҳам ундан пулларини ундириб ололмасди.

– Нега ойим менга индамадилар? – бу унинг қалб нидоси, онасининг азоблари учун чеккан оҳ-воҳи эди.

– Ойингиз жуда мағрур аёл эдилар. Нима ҳам қила олардингиз? Ҳеч ким унга ёрдам бера олмас эди.

«Сиз янглишасиз», – ғазабнок ўйлади Трейси.

– Мен Жо Романони кўришим керак. Уни қаердан топсам бўлади?

Шмидт қатъий равишда:

– Буни ёдингиздан чиқаринг, – деди. – Унинг қанчалар қудратли эканини ҳатто тасаввур ҳам этолмайсиз.

– У қаерда яшайди, Отто?

– Унинг ҳовлиси Жексон-сквер ёнида, лекин у ёққа боришнинг фойдаси йўқ, менга ишонаверинг.

Трейси индамади. Уни ўзига номаълум бўлган туйғу чулғаб олган бўлиб, бу туйғунинг номи – интиқом эди. «Онамнинг ўлими учун Жо Романодан ўч оламан», онт ичди Трейси.

3

Унга вақт керак эди. Ўйлаш учун, бундан буёнги ҳаракатлари учун вақт керак. Хонавайрон бўлган уйига қайтиш оғир, шу боис Трейси Мэгэзин-стритдаги ўртамиёна отелда кўнишга қарор қилди, бу отель байрам бебошликлари ҳалиям давом этаётган Френг Квтердан анча

нарида эди. Терйсининг юки йўқ эди. Конторка ортида ўтирган турқи совуқ клерк:

– Олдиндан пулини тўлаб қўйишингизга тўғри келади, – деди. – Бир кечага қирқ доллар.

Трейси икки-уч кунга рухсат сўраб Кларенс Дезмондга қўнғироқ қилди.

Кларенс жаҳлини яширди-ю, шу билан бирга ўзини ўнғайсиз ҳис этиб:

– Бундан хавотирланманг, – деди Трейсига. – Сиз келгунга қадар ўрнингизга битта-яримтани топиб қўя тураман.

Кларенс ўзининг одамгарчилигини Чарльз Стэнхоупга етказди деган умидда эди. Трейси

Кейин Чарльзга қўнғироқ қилди.

– Чарльз, жоним...

– Трейси, қайси гўрда юрибсан? Ойим эрталабдан бери сенга қўнғироқ қилолмаптилар. Эрталабки нонуштани сен билан қилмоқчи эканлар. Ойим билан икковингиз тўйнинг энг масъулиятли тадорикларини бўйнингизга олишингизга тўғри келяпти.

– Кечир, жоним. Мен Янги Орлеандаман.

– Қаерда? Янги Орлеанда нима қилиб юрибсан?

– Ойим... ойим вафот этдилар, – деди-ю, бир нарса томоғига тикилиб қолди.

– А-а? – Чарльзнинг товуши дарҳол ўзгарди-қолди.

– Кечирасан, Трейси. Кутилмаган воқеа. Ойинг ҳали ёш эдилар-ку!

«Жуда ёш эдилар», – надомат билан хаёлидан ўтказди Трейси. Сўнг овозини чиқариб деди: – Ҳа, жуда ёш эдилар.

– Нима бўлди? Ўзинг яхшимисан?

Ҳар қалай Трейси онасининг ўз жонига қасд қилганини Чарльзга айта олмасди. Трейси жон деб онасини нима қилишганини, бу даҳшатли воқеани ҳаммасини айтиб, юрагини бўшатиб олмоқчи эди-ю, лекин ўзини босди. «Бу – менинг ғамим, – ўйларди у, – ўз дардимни Чарльзга юкламайман».

– Хавотир олма, – деди Трейси. – Менга балоям урмаган.
– Трейси, хоҳласанг мен борай?
– Йўқ. Раҳмат. Ўзим уддалайман. Эртага ойимни дафн этаман. Душанба куни Филадельфияга етиб бораман.

У гўшакни жойига қўйди-ю, каравотга ётди, фикр-хаёллари чувалашиб кетди. Трейси шифтдаги оққа бўялган тош тахтачаларни санай бошлади. Бир... икки... уч... Романо... тўрт... Жо Романо... олти... етти... ҳали жавоб беради! Унинг аниқ режаси йўқ эди. У бир нарсани аниқ билмадики, Романо жазосини олмасдан ҳеч қачон кетишига йўл қўймади. Трейси онаси учун ўч олиш йўлини, қандай бўлмасин, топади.

Трейси кечни қоралаб, токи ломбардга етиб бормагунча Кэнэл-стрит бўйлаб сайр қилиб юрди. Панжара билан ўралган пештахта ортида юзлари ўликдек заъфарон киши ўтирарди. Эски модадаги шапкасининг соябони унинг кўзини чироқнинг нуридан тўсиб турарди.

– Хизмат?
– Мен... мен қурол сотиб олмоқчийдим.
– Қанақасидан?
– Биласизми... тўппонча керак менга.
– Сизга ўттиз икки ёки қирқ беш калибрлиси керакми, ё бўлмаса?..

Трейси умрида қўлига тўппонча олмаганди.

– Ўттиз иккилиги бўлаверади.
– Менда «Смит ва вессон» русумидаги ўттиз икки калибрлисининг ажойиб нусхаси бор, икки юз йигирма беш доллар туради, ўттиз иккилик «Чартер Арме» юз эллик тўққиз...

Трейсининг ёнида пули кўп эмасди.

– Бунданам арзонроғи йўқми сизда?
У елкаларини қисди.
– Арзонроғи фақат тошотар, – деди. – Танланг. Сиз учун юз эллик долларга тушаман, бир коробка патрон ҳам қўшиб бераман.
– Жуда соз.

Трейси унинг пештахта олдига келиб тўппончани олишини кузатиб турди. Сотувчи уни пештахта чеккаси-га қўйди.

– Бу билан муомала қилишни биласизми?

– Тепкини босиш керак.

Сотувчи мийиғида кулиб қўйди.

– Истасангиз, қандай ўқлашни кўрсатиб бераман.

Трейси, отмоқчи эмасман, шунчаки бир одамни кўрқитмоқчийдим, лекин бу аҳмоқона иш эканлигини энди тушундим демоқчи бўлди-ю:

– Майли, марҳамат қилинг, – деди.

Трейси «яшил соябон»нинг ўқларни тўппонча қорни-га жойлаштираётганини кузата бошлади.

– Раҳмат, – деди-да, ҳамёнини олиб, пулни санаб берди.

– Менга исм-шарифингиз ва манзилингизни айтсангиз, полицияга хабар беришим керак.

Бу Трейсининг хаёлига келмаган экан. Қурол билан Жо Рамонога таҳдид қилиш жиноий жавобгарликка киради. «Бироқ мен эмас, у жиноятчи-ку!»

Сотувчининг унга тикилиб турган кўзлари шапкасининг соябондан тушган кўланкада оч сариқ тус олди.

– Исм-шарифингиз?

– Смит. Жоан Смит.

Сотувчи карточкага бу исмни ёзиб қўйди.

– Манзилингиз?

– Доуман Роуд, ўттизу йигирма.

Сотувчи унга қарамасдан деди:

– Аммо Доуман Роудда бунақа рақамли уй йўқ. Бўлса ҳам дарёнинг ўртасига тўғри келарди. Менимча эллигу йигирма деб ёзишгани маъқул.

У Трейсининг олдига квитанцияни қўйди.

Трейси: Жоан Смит, деб имзо чекди.

– Шу холосми?

– Ҳа, – сотувчи эҳтиёткорлик билан тўппончани панжара орасидан узатди. Трейси сотувчига жиддий назар ташлаб, тўппончани сумкачасига солиб, шоша-пиша магазиндан чиқди.

– Ҳой, леди, – деб бақирди... «яшил соябон» унинг орқасидан. – Эҳтиёт бўлинг. Тўппонча ўқланган-а.

Жексон-сквер Френч Квотер марказида жойлашган бўлиб, унинг тепасида муҳташам Авлиё Луис ибодатхонаси худо марҳаматининг рамзи сифатида қад кўтариб турар эди. Майдонда эски архитектура усулида қурилган чиройли уйлар, уларнинг бўсағалари ва ҳовлилари шовқин-суронли кўчалардан, дабдабали магнолиялардан тўсиб турарди. Жо Романо шу уйларнинг бирида истиқомат қиларди.

Трейси қош қорайишини кутиб турди. Намойишлар Чартес-стритдан ўтар ва Трейси яқинда дуч келган одамларнинг дўзахий гирдибодининг суронлари узоқдан чалинар эди қулоғига.

У буталар панасида уйни чамалаб, халтачасидаги тўппончанинг залворини сезиб турарди. Унинг режаси жуда оддий – Жо Романони онасининг покиза номини тиклашга кўндириш эди. Агар у бош тортса, тўппончани олиб, бўйнига қўяман ва тилхат ёзишга мажбур қиламан деб ўйларди. Қоғозни олиб лейтенант Миллерга оборади, Романони ҳибсга олишади-ю, онаси оқланади. Трейси шу пайт ёнида Чарльз бўлишини жуда истарди, бироқ бу ишни бир ўзи амалга оширса яхшироқ бўлишига ақли етарди. Чарльзни бунақа ишларга аралаштириб ўтириш керакмас. Иш битганидан сўнг унга ҳаммасини айтиб беради, унгача Жо Романо қамоққа олинади. Қаршисидан қандайдир йўловчи келарди. Трейси унинг ўтиб кетишини кутди, кўча бўм-бўш. Сўнгра уй олдига бориб қўнғироқ тугмасини босди. Жавоб бўлмади.

У «Марди гра» шаънига бағишланган ўғрилар тўдасида хурсандчилик қилаётган бўлса керак. Менинг кутишга тоқатим йўқ, – хаёлидан ўтказди Трейси. – Уйига қайтиб келишини кутаман». Бирдан ёндиргич шиқ этди, айвондаги чироқ ёнди, кўча эшик очилди, остонада бир эркак намоён бўлди. Унинг ташқи қиёфаси Трейсини ҳайратга солди. Трейсининг хаёлида ёвуз ва кўзлари тунд бандит

гавдаланди. Аммо унинг қаршисида индамасдан университет профессори дейиш мумкин бўлган ёқимтой ва хушрўйгина киши турарди. У мулойим, дўстона овозда:

– Салом. Нима хизмат буюрадилар? – деб сўради.

– Сиз Жозеф Романомисиз? – аёлнинг овози қалтирарди.

– Ҳа. Нима ишингиз бор? – жавоб берди сўроққа сўроқ билан. Ўзини эркин ва эътиборни тортадиган даражада самимий тутиб турган киши. «Ойим бу одамга алдаганига ҳайрон қолмаса бўлади», хаёлидан ўтказди Трейси.

– Мен... менинг сизда гапим бор эди, мистер Романо.

– Эркак бир зумда Трейсининг қадди-қоматига кўз югуртириб чиқди.

– Бош устига, марҳамат, киринг ичкарига.

Трейси меҳмонхонага кирди, у ерга қўйилган ноёб мебеллар яхшилаб артилганидан ялт-ялт этарди.

Романо ёмон яшамас экан. «Ойимнинг пулларига», деб ўйлади Трейси.

– Мен шу тобда бирон нарса ичсаммикан, деб турувдим. Қайсинисидан қуяй?

– Ҳеч қайсисидан.

У ҳайрон бўлиб Трейсига қаради.

– Хўш, нима учун мени кўрмоқчи бўлдингиз? Мисс...

– Трейси Уитней. Мен Дорис Уитнейнинг қизиман. – Романо бир дақиқа Трейсига тунд қараб турди-да, кейин қиёфасини ўзгартирди, гўё ўзининг қадрдон танишини учратгандек.

– Э-ҳа... Ойингиз ҳақида эшитгандим. Минг афсус.

«Минг афсус!»миш.

– Жаноб Романо, округ прокурори менинг онамни товламачиликда айбламоқда. Бу ёлғон эканини сиз биласиз. Менга унинг покиза номини тиклашда ёрдам берасиз деган умиддаман.

Романо елкасини қисди.

– Байрам кезлари ҳеч қачон иш ҳақида гаплашмайман.

Бу – менинг эътиқодимга зид. – Романо бар олдига борди.

– Озгина ичиб олсангиз енгил тортасиз, деб ўйлайман.

Трейсининг бошқа чораси қолмади. У сумкасини очиб, тўппончани олди ва уни нишонга тутди.

– Мен сизга тушунтириб бераман, нимадан енгил тортишимни, жаноб Романо. Сиз онамга ишлатган қилиқларингизни тан олсангизгина...

Жо Романо ўгирилди-ю қуролга кўзи тушди.

– Яхши, буни опқўйинг, Мисс Уитней. У отилиб кетиши мумкин.

– У отиладиям, агарда мени айтганимни бажо келтирмасангиз. Сиз компанияни қандай қилиб охирги ипигача шилиб олганингизни, шу билан ойим ўз жонига қасд қилганини ёзиб берасиз!

Энди Жо унга хавотирланиб қараб турарди. Унинг қора кўзлари шубҳали қисилмоқда эди.

– Тушунаман. Борди-ю, йўқ десам-чи?

– Унда сизни ўлдираман, – Трейси қуролли кўли қалтираганини сезиб турарди.

– Сиз қотилга ўхшамайсиз, мисс Уитней.

Романо кўлидаги виски билан Трейси томон яқинлашиб келди. У мулойим ва самимий оҳангда сўзларди.

– Онангизнинг ўлимига алоқам йўқ, менга ишонинг, мен...

Шу пайт у вискини Трейсининг юзига сепиб юборди.

Виски Трейсининг кўзини ачиштирди. Романо унинг кўлидан тўппончани зарб билан тушириб юборди.

– Сизнинг қаримсиқ онангиз мендан битта нарсани яширибди, – деди Жо Романо. – У сиздек шахвоний қизи борлигини айтмабди.

Жо Трейсининг кўлларини маҳкам ушлаб олган, у ваҳимага тушиб қолди, боз устига кўзларини очолмасди. Жо уни маҳкам кучоқлаб олди. Трейси қутулиб чиқмоқчи бўлиб ҳарчанд уринмасин, барибир Жонинг кучоғидан юлқиниб чиқишга ожизлик қиларди.

– Сен бу ерга мен билан ҳазиллашгани келганмидинг. Ҳазиллашишни сенга ҳозир Жо кўрсатиб кўяди.

Трейси бақирмоқчи бўлганди, лекин Жо уни оғзига кўлини босди.

– Кўйворинг мени!

Жо унинг блузкасини юлиб йиртди.

– Оҳ-ҳо! Сийналаринг бунча чиройли! – шивирларди у ва кўкракларини эзғилай бошлади. – Қаршилиқ кўрса-тавер, миттивой. Менга ёқади бу қилиғинг, жуда ёқади.

– Қочинг деяпман!

Жо уни қийнаб, борган сари бағрига қаттиқроқ қисарди.

– Онт ичиб айтаманки, сен ҳали ҳақиқий эркакни кўрмагансан, – ириллади у. Бу сафар Жо бутун гавдаси билан Трейсининг устига ётиб олди, қўллари эса танасини пайпаслар, юбкасини кўтаришга уринарди. Трейси ҳеч нарсани кўрмай, бир силкинди-ю, бармоқлари билан тўппончани ахтариб топди. Тўппончани қўлига олиши билан ўқ овози эшитилди.

– Вой жоним! – бақириб юборди Романо. Унинг исканжаси бўшашди. Қизил туманли парда ортида ўзи устидан сирғалиб тушиб, биқинини ушлаганча қийналиб полга чўзилган Жони базўр илғади.

– Сен мени отдингми... вой қанжиғ-е! Мени отдинг-а...

Трейси донг қотиб қолди, қимир этишга мажоли йўқ эди. Кўнгли оза бошлади, аччиқ оғриқ эса ҳамон кўзларини очирмасди. Ниҳоят, у ўрнидан сапчиб турди ва уйнинг этагидан эшик олдига қоқила-суқила етиб олди. Эшикни ланг очди. Аммо бу ваннахона эди. У чайқалиб раковина олдига борди, совуқ сувда оғриқ камайгунча кўзларини ювди. Кўра бошлади. У кўзгуга қаради. Кўзлари шишиб кетган ва бежо эди. «Эй, худойим, мен одам ўлдирдим-а». Меҳмонхонага югуриб қайтиб кирди.

Жо Романо ерда ётар, оппоқ гиламга қип-қизил қон ёйилиб кетганди.

Рангида ранг қолмаган Трейси Жога энгашиб қараб турди-да:

– Кечиринг, – деди. – Бундай қилмоқчи эмасдим...

– Тез ёрдам!...

Жо зўр-базўр нафас оларди.

Трейси ёзув столида турган телефон олдига югуриб борди. Навбатчининг рақамини терди. Сўнгра бўғиқ овозда:

– Навбатчи, «тез ёрдам»ни юборинг, тезда. Манзил – Жексон-сквер, 421. Эркак кишини отишди.

Трейси гўшакни қўйди-да, Жо Романога қаради... «Эй худо, – нола қилди у. – Илтижо қиламан, ўлишига йўл қўйма уни», – деди-да, Жонинг жасади ёнида тиз чўкиб, тирикми-ўликми деб кўздан кечира бошлади. Жонинг кўзлари юмуқ, лекин нафас оларди.

– «Тез ёрдам» ҳозир келади, – деди-ю, Трейси кўчага югуриб чиқиб кетди. У ҳамманинг диққатини жалб қилмай деб, чопмасликка ҳаракат қиларди. Йиртилган блуз-касини кўринмасин дея жакети билан беркитиб олди. Уйдан тўрт чақиримлар нарида такси тўхтатмоқчи бўлди. Хушчақчақ, ўзи билан ўзи овора йўловчиларга тўла беш-олтита такси ўтиб кетди. Узоқдан тобора яқинлашиб келаётган сиренанинг увиллаган овози эшитилди, бир неча сониядан сўнг Жо Романоинг уйи томон «Тез ёрдам» машинаси ўтиб кетди. «Қутулиб қолдим-а», деб ўйлади Трейси. Ундан сал нарида бир такси йўлнинг четига келиб тўхтади ва ундан йўловчилар тушиб қолишди. Трейси алпанг-талпанг югуриб машина олдига борди.

– Бўшмисиз?

– Шундоқ десак ҳам бўлади. Хўш, қаерга борадилар?

– Аэропортга, – деди-ю, жим бўлиб қолди.

– Ўтиринг.

Трейси йўл-йўлакай «Тез ёрдам»ни ўйлаб кетди. Кечикиб борса-ю, Жо Романо ўлса нима бўлади? Трейси қотил бўлиб чиқади. Тўппончани ўша уйда қолдирганди, унда бармоқ излари бор. Трейси, албатта, полицияга Жо уни зўрламоқчи бўлганини, тўппонча бехосдан отилиб кетганини айтиб бериши мумкин, бироқ улар ҳеч қачон бунга ишонмайдилар. Наҳотки, тўппончани шу дамда Жонинг ёнида қолдириш учун сотиб олган бўлса? Орадан қанча вақт ўтди? Ярим соатми? Бир соатми? Тезроқ Янги Орлеандан учиб кетиш лозим.

– Карнавал сизга ёқадими?

– Ҳа, шунчаки...

Трейси қўлбола кўзгусини олиб, юз-кўзи ҳар қалай ораста кўриниши учун пардоз қилди. Жо Романони бўйнига олишга мажбур қилишга уриниш нақадар аҳмоқлик эди-я! Тескариси бўлиб чиқди. «Бу воқеани қандай қилиб Чарльзга айтиб бераман? Албатта Чарльз даҳшатга тушади, лекин бор гапни айтиб берганимдан кейин у тушунади. Чарльз нима қилишини ўзи яхши билади».

Такси Янги Орлеан халқаро аэропортига етиб борганида Трейси ўзича сўзларди: «Наҳотки шу бугун эрталаб учиб келган бўлсам-у, бир кун ичида шунча воқеа содир бўлган бўлса?» деб савол берди. Онасининг ўз жонига қасд қилгани... телба карнавал... ёвуз қарашли эркак: «Сен мени отиб ташладинг... қанжиқ...»

Трейси терминал томон шошиб бораётганида унга кимдир таънали нигоҳ ташлаётгандек туюлди. «Виждонинг тоза бўлмаганидан кейин шунақа бўлар экан», дея хаёлидан ўтказди Трейси. У қандай қилиб бўлмасин Жонинг аҳволини билгиси келарди, лекин уни қайси касалхонага олиб кетишган-у, кимга кўнғироқ қилиши лозимлигини ҳам тасаввур этолмасди. «У соғайиб кетади, албатта. Биз Чарльз икковимиз ойимнинг дафн маросимига қайтиб келамиз. Жо Романо соппа-соғ бўлади». Трейси қонга бўялган оппоқ гилам устида ётган одамни хаёлидан чиқариб ташлашга бор кучини сарфларди. Уйга, Чарльз ҳузурига тезроқ етиб бориш даркор.

Трейси Делта Аэрлайнс компанияси кассаси олдига борди.

– Менга Филадельфияга учадиган кейинги рейсга билет керак эди. Турист сифатида.

Авиакомпания вакили компьютердаги тасвирга қараб туриб:

– Рейс – учу нол, тўрт. Омадингиз бор экан. Битта ўрин бўш.

– Самолёт қачон учади?

– Йигирма дақиқадан сўнг. Самолётга чиқиш учун вақтингиз етарли ҳали. – Икки томондан иккита полиция зобитлари келганида Трейси кечикканини сизди.

Полициячилардан бири сўради:

– Трейси Уитнеймисиз?

Юраги бир сония уришдан тўхтади. «Ўз номини яшириш – тентаклик».

– Ҳа.. – деди у.

– Сиз ҳибсга олиндингиз.

Сўнгра Трейси кишаннинг совуқ пўлати билакларида ширқ этганини сизди.

Бу воқеалар гўё секинлашган кино тасмасида, боз устига Трейсига алоқаси йўқ тасвирда содир бўлаётгандек эди. Трейси билагадаги кишаннинг бир учи полиция кўлида, уни аэропорт залидан олиб ўтишди, атрофдагилар ўгирилиб орқасидан қараб қолишарди. Трейсини пўлат панжарали оқ-қора полиция патруль машинасининг орқа ўриндиғига суқиб ўтказиб кўйишди. Полиция машинаси йўлқадан тушиб, липиллаб фонарларини ёндириб, сиренасини увиллатганча кенг йўлдан катта тезликда ғизиллаб кетди. Трейси орқа ўриндиққа камроқ кўриная деб ғужанак бўлиб ўтириб олди. У қотил, Жозеф Романо ўлган. Лекин бу бахтсиз ҳодиса-ку! Қандай бўлганини тушунтириб беради. Трейсига ишонишлари керак. Ишонишлари керак.

Трейсини Янги Орлеан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Элджири дистриктида мунгли, турқи совуқ, фақат ташқи қиёфаси билангина ночорлик ва тушкунлик тимсоли бўлмиш бинога жойлашган полиция бўлинмасига олиб келишди. Рўйхатга оладиган хона ҳар хил афтодаҳол шахслар билан лиқ тўлган – фоҳишалар, кўча қароқчилари, кўшмачи-ю, уларнинг қурбонлари. Трейсини бўлинма навбатчисининг хузурига олиб бордилар.

Улардан бири:

– Сержант, бу ўша Уитней. Биз ҳозир уни аэропортдан тутиб келдик, қочиб кетаётган экан, – деди.

– Мен-а...

– Кишанни ечинг.

Кишанни ечишди. Трейси беихтиёр ўз овозини эшитди:

– Бу – бахтсиз ҳодиса. Уни ўлдириш хаёлимга ҳам келмаган. У мени зўрламоқчи бўлди, кейин...

Трейси жазавадан ўзини ушлаб туролмади. Бўлинма навбатчиси:

– Сизми Трейси Уитней? – дея ўдағайлади.

– Ҳа, мен...

– Йўқ! Бир дақиқа сабр қилинг, – илтижо қилди Трейси. – Кўнғироқ қилиб олай. Мен, мен, кўнғироқ қилишга ҳаққим бор.

– Ие, бунақа ишлардан хабардормисиз? – ғўлдиради сержант. – Неча марта қамоқхонада бўлгансиз?

– Ҳеч бўлмаганман.

– Майли, бир мартагина кўнғироқ қилишингиз мумкин. Уч дақиқа. Қайси рақамни терай?

Трейси жуда асабийлашганидан, ҳатто Чарльзнинг телефон рақамини эслай олмади. У ҳатто Филадельфиянинг кодини эсига келтиролмади. Икки-беш-бир? Йўқ-йўқ, бу эмас.

У нукул қалтирар эди.

– Бемалол. Туни билан шу ердаман.

– Икки, бир, беш. Шунақа. Икки, бир, беш, беш, беш, беш, тўққиз, уч, нол, бир ...

Навбатчи рақамларни териб гўшакни Трейсига узатди. Гўшакдан чақириқ овози келди-ю, лекин жавоб бўлмади. «Чарльз уйда бўлиши керак».

– Вақт тамом бўлди, – деди навбатчи ва ундан гўшакни тортиб олмоқчи бўлди.

– Илтимос, яна бироз сабр қилинг, – бақириб юборди Трейси. Лекин бирдан Чарльз кечаси телефонни узиб қўйиши эсига тушиб қолди. У чақираётган товушга қулоқ солиб, Чарльз билан боғланишнинг ҳеч қандай иложи йўқлигига ақли етди.

– Бўлдими? – деди бўлим навбатчиси.

Трейси унга нигоҳини тикиб ночор аҳволда:

– Ҳа, – деди.

Полициячи Трейсини бир хонага олиб кирди. У ерда Трейси ҳақидаги барча маълумотларни ва бармоқ изларини муҳраб олишди, сўнгра йўлак бўйлаб пастга олиб тушишди-да, якка кишилик камерага қамаб қўйишди.

– Эртага ишингиз судда кўрилади, – дея хабар берди полициячи, кейин Трейсини бир ўзини қолдириб чиқиб кетди. «Ҳеч нарса бўлаётгани йўқ, – ўйларди Трейси, – барчаси даҳшатли туш. Э, Худойим, ишқилиб ҳаммаси тушга айлана қолсин». Аммо камерадаги сассиқ каравот ҳақиқат, ҳатто ўтиргичсиз ҳожат чиқарувчи жой ҳам, панжара ҳам ҳақиқат эди.

Туннинг ҳар бир дақиқаси ниҳоятда оғир ўтарди. Қани энди Чарльзга қўнғироқ қила олганида эди. Чарльз ҳозир унга ҳаммадан ҳам, ҳар доимгидан ҳам зарур эди. «Авваламбор унга бор дардимни тўкиб солишим керак. Агар шундай қилсам, бунақа даҳшат бошқа қайтарилмайди». Тонг соат олтида қоровул унга нонушта олиб келди. Илмилик кофе билан арпа бўтқаси. Соат тўққизда эса қоровул хотин Трейсини олиб кетишга келди.

– Вақт бўлди, юр, ширингинам. – Қоровул хотин камера эшигини очди.

– Мен қўнғироқ қилишим керак, – деди Трейси. – Бу жуда...

– Кейин... Судьяни куттириб қўйиш одобсизлик бўлишини биласанми? У итвачча жуда қабиҳ.

Қоровул хотин Трейсини йўлакдан олиб ўтди-да, залга киритди, унда кекса киши судьялик курсисида ўтирарди. Унинг калласи ва қўллари бетиним силкиниб турарди. Қаршисида мош-гуруч сочлари хурпайган, қора кўзлари совуқ, ёши қирққа борган, нимжон, паст бўйли, округ прокурори Эд Теплер турарди.

Трейсини айбдорлар курсисига ўтқозишди ва бир дақиқадан кейин суд ижрочиси даъват этди.

– Трейси Уитнейга қарши айбнома...

Шу пайт Трейси судья курсиси томон оғиб кетаётганини ҳис этди. Судья олдидаги бир варақ қоғозни ўқиб чиқди.

«Мана энди». Мана энди ҳокимиятга ҳақиқий воқеа қандай содир бўлганини айтадиган вақт келди. Трейси қалтираётган кўлларини билдирмаслик учун маҳкам чирмаштириб олди.

– Жаноб судья, ижозатингиз билан маълум қилай, бу қотиллик эмас. Уни отганим рост, лекин бу тасодифан рўй берди. У мени зўрламоқчи бўлди, шунда мен...

Округ прокурори унинг гапини бўлди.

– Жаноб судья. Суд вақтини бекорга чўзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ деб ҳисоблайман. Бу аёл ўттиз иккинчи калибрли тўппонча билан қуролланган ҳолда мистер Романонинг уйига босқинчилик қилиб кириб, нархи ярим миллион доллар турадиган Ренуарнинг суратини ўғирлаган. Мистер Романо жиноят устидан чиқиб қолганда, уни совуққонлик билан отиб ташлаб, бечорани ўлим чангалида қолдириб қочган.

Трейси юзидан қони қочганини сезди.

– Нима... нималар деяпсиз?

Айтилган барча гаплар мантиқсиз эди. Округ судининг прокурори бақриб деди:

– Бизда унинг мистер Романони ярадор қилган тўппончаси турибди. Унда – бармоқ излариям бор.

«Ярадор». Бундан чиқди Жозеф Романо тирик экан! Трейси ҳеч кимни ўлдирмаган.

– Бу аёл суратини олиб, қочиб қолган. Ҳозир бу сурат ўғри мол оладиган савдогарда бўлса ажабмас. Шу сабабли штат Трейси Уитнейга ўлдиришга уриниши ва қурол ишлатиб талончилик қилгани учун суд ҳукмини чиқаришингизни ёки товон сифатида ярим миллион доллар эвазига чиқариб юборишингизни сўраб мурожаат этади.

Судья ҳайратдан донг қотган Трейсига юз ўгириб:

– Ҳимоячингиз борми? – деб сўради.

Унинг гапи Трейсининг кулоғига кирмади.

Судья овозини кўтариб яна сўради:

– Адвокатингиз борми-йўқми?

Трейси бош чайқади.

– Йўқ. Мен... ҳалиги... бу одамнинг айтганлари – ёлғон.

Мен ҳеч қачон...

– Адвокат учун пулингиз борми?

Трейси ишлаб топган барча маошини банкка қўйган эди. Бундан ташқари Чарльз бор.

– Мен... йўқ, жаноб судья, ҳеч нарсага тушунмай қолдим...

– Суд сизга ҳимоячи тайинлайди. Сиз беш юз минг доллар товон ўрнига қамоқхонада ётасиз. Навбатдаги ишни келтиринг.

– Тўхтанг. Бу қандайдир англашилмовчилик. Ҳеч...

Қандай қилиб суд залидан олиб чиқиб кетишганини ҳам тушунмай қолди Трейси.

Суд Трейсига адвокат қилиб тайинлаган Перри Поупнинг ёши қирқларга борган эди. Унинг асабий, ҳам ақлли қиёфаси, раҳмдиллик билан боқаётган кўк кўзлари Трейсига маъқул бўлди.

Перри унинг камерасига кириб, курсига ўтирди-да, деди:

– Йўғ-е! Атиги йигирма тўрт соат шаҳарда бўлган леди учун бу ошиб тушади. Сиз ҳаммани ҳайратга солдингиз асти! – У оғзини катта очиб кулди. – Лекин омадингиз бор экан. Мерганликда жуда хом экансиз. Ўқ юзаки ялаб ўтган. Романо яшайди, – у трубкани олди:

– Чексам майлими?

– Майли.

Адвокат трубкасини тамаки билан тўлдириб чекди ва Трейсига бошдан-оёқ назар ташлади:

– Жиноятчига ўхшамайсиз, мисс Уитней.

– Мен жиноятчи эмасман, онт ичаман.

– Гапингизни ростлигини исботлаб беринг-чи, – деди у. – Бўлган воқеани сўзлаб беринг. Бир бошидан. Шошилмасдан.

Трейси сўзлаб берди. Перри Поуп миқ этмай Трейсининг тарихини эшитди. Сўнгра камеранинг деворига суяниб олди, унинг юзи тундлашди.

– Оббо итвачча-ей! – деди Поуп.

– Прокурор билан судьянинг гапларига тушунмадим.
– Трейси уялиб нигоҳини олиб қочди. – Сурат тўғрисида хабарим йўқ.

– Тўғрисини айтсам, жуда оддий нарса. Жо Романо ёш боладек лақиллатган, худди онангизни лақиллатганидек. Жуда хунук воқеага гирифтор бўлибсиз.

– Ақлим ҳайрон.

– У ҳолда, хўп десангиз, ишнинг пўскалласини айтиб берай. Романо Ренуар учун ярим миллион долларлик зарар кўрган, буни у сиздан талаб этади. Суратни эса бирон жойга яшириб қўйган, айтган пулни ундириб олади ҳам. Суғурта компанияси унинг тарафида эмас, сизнинг тарафингизда бўлади. Жанжал тинганидан кейин суратни биронта бегона кишига сотиб юборади-да, иккинчи ярим миллионни ишлаб олади, сизнинг ўзбошимчилигингиз эвазига. Наҳотки қурол ёрдамида айбини бўйнига қўйиш – ақлсизлик эканига тушунмаган бўлсангиз?

– Мен... бу гапингиз тўғри. Шунчаки ундан ҳақиқатни суғуриб олсам, балки кимдир тергов ишларини олиб боради, деб ўйлагандим.

Поуп ўчиб қолган трубкасини яна тутатиб олди.

– Уйга қандай қилиб кирдингиз?

– Мен эшик қўнғироғини чалдим, Романо эшикни очиб, мени ичкарига таклиф этди.

– У бошқа далил келтирди. Эмишки, сиз ойнани чилчил синдириб дераза орқали бостириб кирибсиз. У сизни Ренуарни олаётганингиз устида чиқиб қолибди. Сизни ушлаб олмоқчи бўлган, лекин сиз ўқ узиб қочибсиз.

– Бекорларни айтибди. Мен...

– Бироқ бу – унинг ёлғони ва унинг ўйи, аксига олибсизда қурол бўлган. Кимга ишингиз тушганини бир тасаввур қилиб кўряпсизми?

Трейси индамай бош чайқади.

– Бўлмаса ижозатингиз билан ҳақиқатни сўзлаб берай, мисс Уитней. Бу шаҳар Орзатти оиласининг маҳрига тушган. Мабодо сиз янги бино қурмоқчи ёки йўлларга тош ётқизмоқчи, ё исловатхона эгаси бўлмоқчи, гиёҳванд моддалар сотмоқчи, ғайриқонуний лотереяларга бошчилик қилмоқчи бўлсангиз, Орзаттининг «розилиги»ни олишингиз даркор. Жо Романо ёлланма қотил сифатида иш бошлаган. Ҳозир у Орзаттининг ташкилотида жуда нуфузли ўринни эгаллаган. – Поуп Трейсининг ҳайрат билан очилган кўзларига тикилди. – Сиз бўлсангиз Романонинг уйига бориб, унга тўппонча ўқталиб юрибсиз.

Трейси эрдан оғандек қотиб қолган эди. Ниҳоят, у тилга кирди.

– Сиз менга ишондингизми?

Поуп тиржайди.

– Ҳа, сизга ишониш мумкин.

– Менга ёрдам бера оласизми?

Поуп бироз сукут сақлаб:

– Ҳаракат қиламан, – деди. – Уларни қаматиш учун ҳамма нарсага розийдим. Улар бутун шаҳарни ва кўпчилик судьяларни сотиб олишган. Агар судга мурожаат этгудек бўлсангиз, сизни шундай чуқурликка қамаб қўйишадики, умрингиз охиригача ёруғликни кўролмайсиз.

– Судга мурожаат этсам-чи?

Поуп ўрnidан турди ва камерада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

– Мен суд олдида жавоб беришингизни истамасдим, чунки, ишонинг, суд уларники. Орзатти сотиб олмаган битта судья қолган фақат. Унинг исми Генри Лоуренс. Борди-ю, бу ишни ўша судья олиб боришини уддасидан чиқа олсам, ишончим комилки, сизга ёрдам беришим мумкин. Бироқ у билан яккама-якка гаплашиб олмоқчиман. Орзатти билан Романони жуда ёмон кўради уям менга ўхшаб. Ҳозир биринчи қиладиган ишимиз – судья Лоуренсни кўндириш.

Перри Поуп Трейсининг Чарльз билан телефонда гаплашишининг иложини қилолди. Трейси Чарльзнинг котибасининг овозини таниди:

– Мистер Стэнхоупнинг маҳкамасими?

– Гарриет. Бу мен, Трейси Уитней. А?

– О! Чарльз сиз билан боғланмоқчи бўлганди, мисс Уитней, бироқ сизнинг телефонингиз бизда йўқ. Мисс Стэнхоуп жуда хавотирда. У сиз билан тўй ҳақида маслаҳатлашиб олмоқчи. Сиз тезроқ унга кўнғироқ қилсангиз яхши бўларди.

– Гарриет, илтимос, менга Мистер Стэнхоупни улаб берсангиз.

– Минг афсуски, мисс Уитней, у Хьюстонга мажлисга жўнаб кетган. Агар менга ўзингизнинг телефон рақамингизни берсангиз, ишончим комилки, у бўшаши билан сизга кўнғироқ қилади.

– Мен...

Трейси унинг қамоқхонага телефон қилишини истамади. Токи Чарльзга бўлган воқеани ўзи айтиб бериши имкони туғилмагунча.

– Мен ... Мистер Стэнхоупга ўзим кўнғироқ қиларман, – деди ва гўшакни аста жойига қўйди.

«Эртага ҳаммасини Чарльзга тушунтириб бераман».

Трейсини ўша куниёқ катта камерага кўчиришди. Галатоерсдан ажойиб иссиқ овқат беришди, бироздан кейин янги узилган гулларни унинг кўлига тутқазишди. Гуллар орасида хат ҳам бор эди. Трейси конвертни очиб хатни олди. «Хафа бўлманг! Биз ўша аблаҳларни енгамиз». Перри Поуп.

Эртасига эрталаб Поуп Трейсини кўргани келди. Унинг юзидаги табассумни кўрган Трейси хушхабар борлигига ишонч ҳосил қилди.

– Омадимиз чошиб қолди, – хитоб қилди у. – Ҳозиргина судья Лоуренс билан округ прокурори Топплерни кўрдим. Топплер жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатди-ю, лекин битим туздик.

– Битим?

– Мен судьяга бўлган воқеани бошдан-оёқ сўзлаб бердим. У айбдорман деб иқроф бўлишингизни қабул этишга рози бўлди.

Трейси ҳанг-манг бўлиб унга тикилиб қолди:

– Айбдорман? Лекин мен...

Поуп кўлини кўтарди.

– Кулоқ солинг. Айбдорлигингизни бўйнингизга олиб, суд ишларига бўладиган сарф-харажатлардан қутуласиз. Суратни ўғирламаганингизга судьяни ишонтирдим. У Жо Романони билади. Менга эса ишонади!

– Башарти мен айбни бўйнимга олсам, – оҳиста деди Трейси, – кейин ҳолим нима кечади?

– Судья Лоуренс сизни уч ой қамоққа ҳукм қилади.

– Қамоққа?

– Бир дақиқа шошмай туринг. У ҳукм ижросини кечиктиради, сиз эса шартли озодликка чиқиш чорасини кўра оласиз.

– Лекин у ҳолда... менда судланган деган тамға қолади-ку.

Перри Поуп оғир хўрсинди.

– Агар улар сизни суд олдида қуроли босқинчилик ва жиноят қилаётган вақтида ўлдирмоқчи бўлган деб жавоб беришга мажбур қилсалар, унда ўн йилга қамаб юборишлари мумкин.

– Ўн йил?!

Перри Поуп сабр қилиб Трейсини кузатиб турди.

– Ўзингиз ҳал қиласиз, – деди у. – Мен яхши маслаҳат беришим мумкин, холос. Ишни бошқа ёққа буриб юбориш мен учун мўъжиза бўлди. Уларга ҳозироқ жавоб керак. Мабодо бир битимга келиша олмасак, бошқа адвокат олишингиз мумкин, унда...

Трейси Поупни софдил эканлигига ишонар эди. Трейси гангиб қолган шундай вазиятда у кўлидан келганча ҳаракат қилди. Қанийди Чарльз билан гаплашиб ололса. Лекин уларга ҳозир жавоб бериши керак. Уч ой қамоқ

жазоси билан қутулиб қолиши ҳам, эҳтимол Трейсининг омади чопганидир.

– Мен... р...розиман шу битимга, – деди Трейси зўрға.

Поуп бош ирғади.

– Маъкул.

Суд бўлгунга қадар ҳеч қандай телефон қилишга рухсат беришмади.

Суд залида Трейсининг бир томонида Эд Топплер, Перри Поуп эса иккинчи томонида туришди. Судья курсисида ўтирган эллик ёшлардаги ташқи кўриниши аристократларга ўхшаш, биронта ажин йўқ, юзалари сип-силлик, сочлари олифталарча таралган киши эди.

Судья Генри Лоуренс Трейсига мурожаат этди:

– Судга хабар беришдики, судланувчи айбсизман деган нотўғри эътирофини айбдорман, деб тузатишга рози бўлибди. Тўғрими?

– Ҳа, зоти шарифлари.

– Ҳамма томонлар розими?

Перри Поуп бош ирғаб:

– Ҳа, зоти шарифлари.

– Штат рози, зоти шариф, – деди округ прокурори.

Судья Лоуренс бир неча сония оғир сукут сақлаб турди. Сўнгра олдинга энгашиб Трейсининг кўзларига қаради:

– Шундай ачинарли аҳволга тушиб қолган буюк мамлакатимизнинг барча кулфатлари шундан иборатки, кўчаларимиз истаган жиноятларини жазосини тортмай содир этавериш мумкин деб ўйлайдиган ҳаромтовоқларга тўлиб тошиб кетган. Бунақа одамлар қонунга тупурмоқдалар, суд тизимимиз эса улар билан пачакилашиб юришибди. Бироқ биз Луизианамизда уларни эркалатиб ўтирмаймиз. Жиноят қилаётган бирон кимса совуққонлик билан одам ўлдиришга уринган бўлса, биз ўша одамнинг ўзига яраша тегишли жазо берамиз.

Трейси ваҳимага тушиб қалтирай бошлади. У ўгирилиб Перри Поупга қаради. Поуп кўзларини судьядан узмас эди.

– Судланувчи шаҳримизнинг хайрли фаолияти, яхши ишлари билан машхур, энг ҳурматли кишилардан бирини ўлдирмоқчи бўлганига иқрор бўлди. Судланувчи миллион долларга баҳоланган санъат асарини ўғирлаётган вақтида унга ўқ узган, – судьянинг овози тобора жиддий тус оларди. – Бизнинг судимиз яқин ўн беш йил ичида бу пуллардан фойдалана ололмаслигингиз чорасини кўриб кўйди, чунки сиз ўн беш йил давомида жанубий Луизиана қамоқхонасида жазоингизни ўтайсиз.

Трейси кўзи ўнгида бутун зал остин-устин бўлиб кетди. Қандайдир даҳшатли ҳазил саҳнаси кўйилган эди. Судьянинг ролини ўйнайдиган актёр танланган-у, у мутлақо бошқа матнни ўқимокда. У бу сўзларнинг биронтасини ҳам айтмаслиги керак эди-ку? Трейси ҳаммасини Перри Поупга тушунтирмоқчи бўлиб шайланди, бироқ адвокат нигоҳини ундан олиб қочди. Поуп қоғозларни чаққонлик билан портфелига сола бошлади, шунда Трейси унинг бармоқларидаги тирноқлари гўштигача чайналиб кетганини биринчи бор сезиб қолди. Судья Лоуренс турди ва ўзи ёзган ҳамма қоғозларни йиғиштириб олди. Ақли кетиб, ҳуши қочган Трейси нима қилишганини билолмай гаранг эди.

Суд ижрочиси Трейсига яқинлашиб, унинг тирсагидан ушлади ва:

– Кетдик, – деди.

– Йўқ! – бақриб юборди Трейси. – Йўқ, Илтимос! – дея судга илтижо қилди. – Бу мудҳиш хато, зоти шариф, ахир...

Суд ижрочиси кўлини маҳкамроқ сиқиб ушлаганидагина бу хато эмаслигига иқрор бўлди. Уни йўқ қилиш учун ҳаммасини уюштиришган.

Худди онасини йўқ қилишгандек.

Трейси Уитнейнинг жинояти тўғрисидаги ахборот ва унинг сурати «Нью-Орлеанс Курьер» газетасининг биринчи саҳифасида босилиб чикди. Агентлик Трейси ҳақидаги йиғилган маълумотларни мамлакатнинг бар-

ча газеталарига юборди. Трейсини қамоқхонага юбориш учун суд залидан олиб чиқишаётганларида уни телевидение мухбирлари тўдаси ўраб олди. У таққирланганидан юзларини яширмоқчи бўлар, бироқ камералардан қутулишнинг ҳеч бир иложи йўқ эди. Жо Романо жуда нуфузли шахс эди, бинобарин, унга қилинган сунқасд оламшумул воқеа. Трейсининг назарида атрофини душманлар қуршаб олгандек эди. «Чарльз мени чиқариб олади, – қайта-қайта такрорларди ўзига. – О, худойим, ишқилиб, Чарльз мени бу ердан олиб кетсин. Бизнинг боламиз қамоқхонада туғилишига йўл қўя олмайман».

Эртасига навбатчи сержант Трейсига телефондан фойдаланишга рухсат берди.

– Мистер Стэнхоупнинг кабинети, – жавоб берди Гарриет. – Бир дақиқа, мисс Уитней, – Трейси котибанинг овозидан талмовсираётганини сизди. – Мен... мен ҳозир қарайман, мистер Стэнхоуп ўзларидамикан.

Трейси бетоқатлик билан узоқ кутди ва, ниҳоят, Чарльзнинг овози эшитилди. Трейси енгил тортганидан бақриб юборай деди.

– Чарльз...

– Трейси? Бу сенми, Трейси?

– Ҳа, азизим. Оҳ, Чарльз, кўнғирок қиламан деб роса ҳаракат қилдим.

– Жинни бўлаёздим, Трейси! Газеталарда сен ҳақингда ақл бовар қилмайдиган воқеаларни босишган. Бу хабарларга ишонгим келмаяпти.

– Битта сўзигаям ишонма, азизим. Биронтасигаям!

– Нега менга кўнғирок қилмадинг?

– Қилгандим. Йўқ экансан. Мен...

– Қаердасан?

– Менми... мен қамоқхонада. Янги Орлеанда. Улар қилмаган ишим учун қамаб қўйишди.

Бехос йиғлаб юборганидан ўзи ваҳимага тушди.

– Тўхтаб тур. Қулоқ сол. Газеталар сен бир эркакни отиб ташлаганинг ҳақида ёзишмоқда. Бу бўҳтон, тўғрими?

– Мен ҳақиқатан отдим, лекин...
– Демак, тўғри экан.
– Воқеа сен ўйлаганингча бўлганмас, азизим. Умуман, аксинча. Ҳаммасини тушунтириб бераман сенга. Мен...
– Трейси, сен қасддан қотиллик қилганинг ва ўғрилик қилганингга иқрор бўлдингми?

– Чарльз, фақат шунинг учунки, ўша...
– Э худойим-ей, модомики сенга пул шунчалик зарур экан, мен билан маслаҳатлашсанг бўларди. Кимнидир ўлдирмоқчи бўлиб... Мен бунга ишонмайман. Хусусан, ота-онам ҳам ишонишмаяпти. Филадельфиянинг «Дейль Ньюс» газетаси бутун бир бетини сенга бағишлабди. Стэн-хоуп оиласига биринчи марта шармандалик доғи тушди.

Чарльзнинг босиқ овозидан унинг қанчалик изтиробга тушганини Трейси ҳис этди. Трейси унинг кўмагига умид боғларди-ю, лекин у ўшалар томонида-да. У ўзини йиғламасликка мажбур этди.

– Азизим, менга жуда кераксан. Илтимос, бу ерга етиб кел. Сен ҳаммасини тўғрилашинг мумкин.

Давомли сукунат чўкди.

– Назаримда, ҳозир кўп нарсани тўғрилаш зарурга ўхшаб турибди. Борди-ю, сен қилмишларингни бўйнингга олмаганингда ҳам, менинг оилам бунга ўхшаш ишларга аралашишни ўзига эп кўрмайди. Бунга ақлинг етадими? Бу бизни ниҳоятда ларзага солди. Афтидан, сени қандай одам эканлигингни билмас эканман.

Унинг ҳар бир сўзи гурзидек бағрини эзарди. Жумлаи жаҳон Трейсига бало-қазодек ташланган. Трейси умрида биринчи марта ўзини якка ҳис этди. Мурожаат этадиган ҳеч кими қолмади. Ҳеч ким.

– Ҳомиламизга нима бўлади?

– Боланг билан нима қилсанг ўзинг биласан. Узр, Трейси.

Шу билан алоқа узилди. Трейси кўлида гўшакни ушлаганча қотиб қолди.

Орқасида турган маҳбус қистовга олди:

– Гапинг тугаган бўлса, мен ўз адвокатимга кўнғироқ қилмоқчиман.

Трейси ўз камерасига қайтганида назоратчи хотин:

– Эртага саҳарда тайёр бўлиб тур. Соат бешда сени олиб кетишади, – деди.

Трейсини кўргани бир одам келибди. Отто Шмидт аввалги учрашувга бир неча соат бўлгани билан жуда қариб кетибди. У кўринишидан хаста эди.

– Мен шунчаки, биз хотиним икковимиз афсус-надомат чекаётганимизни айтгани келувдим. Бунда сизнинг айбингиз йўқлигини биламиз.

«Қанийди, шу гап Чарльзнинг оғзидан чиқса».

– Мен хотиним билан эртага миссис Дориснинг дафнида қатнашамиз.

– Раҳмат, Отто.

«Эртага иккаламизни дафн этишади», – деб ўйлади Трейси ваҳимага тушиб.

У туни билан мижжа қоқмади. Қамокxonанинг тор каравотида шифтга қараб ётаркан, хаёлан Чарльз билан бўлган суҳбатни такрор-такрор эслар эди. Чарльз воқеани охиригача эшитишни истамади.

Трейси бола ҳақида ўйлаши керак. У қамокxonаларда туққан хотинлар ҳақида кўп ўқиганди, бироқ улар унинг ҳаётидан жуда узоқда – гўё гап ўзга сайёраликлар ҳақида бораётгандек туюларди ўшанда. Ҳозир ўзининг бошига тушиб турибди. «Ўз боланг билан нима қилсанг ўзинг биласан», деди Чарльз. Трейси эса туғмоқчи. «Ҳали балки болани тортиб олишлари мумкин, – деб ўйлади Трейси, – олиб қўйишади, чунки мен ўн беш йил қамокда бўламан. Яхшиси, болам ўз онасини ҳеч қачон билмагани маъқул».

Трейси хўнграб юборди.

Тонг саҳар соат бешда камерага назоратчи аёл ҳамроҳлигида соқчи кириб келди.

– Трейси Уитнейми?

– Ҳа, – деди Трейси ўзининг райриоддий дўриллаган овозини эшитиб.

– Луизиана штати Жиноят судининг ҳамда Орлеан тергови қавмининг қарорига биноан сиз Жанубий Луизианага, хотинлар қамоқхонасига жўнайсиз. Қани, бўлақол, дўндиқча.

Трейсини узун йўлакдан, қамоқхона соҳиблари билан тўлиб кетган камералар ёнидан олиб ўтишди. Трейсини ҳуштак билан кузатиб қолдилар.

– Оқ йўл, жонон!

– Ҳой қизалоқ, суратни қаерга яширганингни бир оғиз айтсанг бас, пулларни арра қиламиз.

– Агар сен «давлат уйига» борсанг, Эрнестина Литичепни сўра. У сенга ростакамига ёрдам беради...

Чарльзга кўнғироқ қилган телефон ёнидан ўтишди. «Алвидо, Чарльз»...

... Сочлари тўқ жигаррангга бўялган, юзлари қотма, бўйи пакана назоратчи хотин янги келганларга мурожаат этди:

– Баъзи бирларингиз бу ерда жуда узоқ вақт қоласиз. Шу боис битта имконингиз бор – озодлик нима эканлигини мутлақо унутиб юбориш. Сиз бу ердаги ҳаётингизни мушкуллаштириш ёки сал енгиллаштиришингиз мумкин. Бизда маълум даражада тартиб-қоида ўрнатилган ва сиз бунга риоя қилишингиз шарт. Сизга ўзимиз айтамыз, қачон туриш, қачон ишлаш, қачон овқатланиш ва қачон ҳожатга бориш лозимлигини. Агар қонданнинг биронтасини бузсангиз, яхши бўлмайди. Бу ерда тинч яшаш одат бўлиб қолган, жанжалкашларнинг попугини пасайтириб қўйиш кўлимиздан келади, – ўтли нигоҳини Трейсига ташлади. – Ҳозир медицина кўригидан ўтасиз. Ундан кейин – душ ва, ниҳоят, хужраларингизга тарқаласиз, эрталаб иш жойингизга борасиз. Гап – шу.

Трейсининг ёнида турган рангпар, ёшгина қизалоқ сўз қотди:

– Афв этасиз, илтимос, мумкинми...

Назоратчи хотин ўгирилди, жаҳдан юзлари буришиб кетганди:

– Ўпқон оғзингни юм! Фақат сендан сўрасаларгина гапирасан, тушундингми? Бу ҳаммангга тегишли, сассиқ алафлар!

Трейсини унинг оҳанглари-ю, гаплари ларзага солди. Назоратчи хотин қоровулхонада ўтирган икки соқчига ишора қилди.

– Олиб чиқинг бу йиртиқ қанжиқларни...

– ...Маҳбуслар ташқи дунёга ўзлари қўнғироқ қила олмасдилар. Лекин уларга қўнғироқ қилишса бир ойда икки ёки уч дақиқага гаплашишга рухсат бериларди. Трейсига Отто Шмидт қўнғироқ қилди.

– Ўйловдимки, сиз бу хабарни эшитмоқчи бўлсангиз керак деб, – деди у тортиниб. – Дафн маросими яхши ташкил этилди. Мен харажат ҳисобларини тўладим, Трейси.

– Раҳмат сизга, Отто. Мен... миннатдорман сиздан.

Бошқа ҳеч ким унга қўнғироқ қилмади.

– Ҳей қиз, сен ташқи дунёни унутишинг керак, – огоҳлантирди Эрнестина. – У ёқда ҳеч ким сени кутмайди.

«Бекорларни айтибсан», қаҳр билан хаёлидан ўтказди Трейси.

Жо Романо

Перри Поуп

Судья Генри Лоуренс

Энтони Орзатти

Чарльз Стэнхоуп...

... Ана шулар билан ҳисоб-китоб қилишим керак...

ИККИНЧИ КИТОБ

1

Янги Орлеан.

Жума, 25 август, 10.00

Янги Орлеаннинг Ферст Мерчентс банк кассири Лестер Торренс ўзининг икки афзаллиги билан фахрланарди – шахвоний ишлардаги омади ва мижозларини тўғри баҳолай олишидан. Новчадан келган, оқ-сарик юзли, Том Селекка тақлидан мўйловли ва узун чакка сочли Лестер қирқ ёшни аллақачон уриб қўйган. Хизмат лавозимида юқори кўтарилишида уни икки марта четлаб ўтишди ва, афтидан, шу боис Лестер ўзининг шахсий учрашувларида банкдан фойдаланар эди. У фоҳишаларни бир чақирим наридан сезар, уларни текинга хизмат қилдириш унга ҳузур бағишларди. Айниқса, ёлғиз, бева хотинлар осонгина жиш бўлишар эди унга. Лестернинг даричаси олдида эрта-ми-кечми оғир аҳволга тушиб қолган хилма-хил қоматли ва ҳар хил ёшдаги аёллар пайдо бўлиб турарди. Агар улар қарзлари вақтини ошириб юборгудек бўлсалар, Лестер раҳмдиллик қилиб уларни эшитар, чекларни кечиктириш йўли билан ўз имкониятларини намойиш этарди. Миннатдорлик эвазига эса бирга овқатланиш учун таклиф этишларини кутарди. Унинг кўпчилик мижозлари нозик сабабларни рўқач қилиб унга мурожаат этишарди. Бирлари эрларидан яширинча қарз сўраса... Бошқалари ўзларига қандайдир йўл билан... ёздириб олган чекларни хуфиёна сақлашни илтимос қилишарди... Яна бирлари никоҳни бекор қилиш баҳонасида Лестердан банкдаги умумий ҳисобларидан пулни дарров бўлиб беришни талаб этишар эди. Лестер уларнинг ҳожатини чиқаришдан хурсанд. Унинг ҳам ҳожатини чиқаришса яна хурсанд бўларди.

Ўша унутилмас жума куни эрталаб Лестер омади кулиб боқишини биларди. У банкка кириб келаётган аёлни кўриб қолди. Бу беқиёс нусха – силлиқ қора сочлари елкаларини тўлдириб турар, тор юбка ва свитери Лас-Вегаснинг ҳар қандай қўшиқчи қизларининг ҳавасини келтирадиган қадди-қоматини таъкидлаб турарди.

Банкда тўрт нафар кассир ишлар ва бу ёш жувон худди мадад сўраётгандек назарини гоҳ у, гоҳ бу кассирга қаратди.

Жувоннинг нигоҳи Лестерга тушиши биланоқ у кўзини қисиб мулойим илжайиб кўйди. Жувон унинг дарчаси олдига келди.

– Хайрли тонг, – деди мулойим Лестер, – хизматингизга тайёрман.

У аёлнинг кўкраклари свитеридан бўртиб турганини кўриб хаёли қочди.

«Дўндиқча, сенга шундай ёрдам бергим келмоқдаки!»

– Мени баъзи муаммолар қийнаб кўйди, – жувоннинг овози ёқимли куйдек жаранглади. Бунақа ғаройиб жануб лаҳжасини Лестер ҳеч қачон эшитмаганди.

– Мен бу ерда худди шундай муаммоларни, – унинг кўнгли ийиб кетди, – ҳал қилиш учун ўтирибман.

– О, умидим ўзи шу. Лекин мудҳиш хато қилиб кўйдим деб кўрқаман.

Лестер жувонга ўзининг энг яхши оталарча меҳрибон табассумини ҳадя этди.

– Сиздай гўзал бу даражада хатога йўл қўйганига ишонгим келмаяпти.

– Оҳ, лекин шундай бўлди, – унинг жозибали кўзлари ваҳимали катталашди. – Мен Жозеф Романонинг котибаси бўламан. У бир ҳафта бурун менга жорий ҳисоб учун янги чек бланкаларини буюртма қилишимни топширган эди, мен эса мутлақо унутиб қўйибман. Ҳозир улар тугаб қолди, агар Жозеф буни билиб қолса, билмайман, мени қандай кўйга солади ҳали.

Жозеф Романонинг исми Лестерга жуда таниш эди. Гарчи унинг ҳисобрақамларида унчалик катта пул бўлмаса ҳам, банкнинг фахрий аъзоси ҳисобланади, барча катта пуллари ўз даромадларини қонуний қилиб кўрсатиш мақсадида катта пуллари бошқа жойларда ими-жимида сақлашни ҳамма билар эди.

«Котиба танлашда диди зўр экан», – хаёлидан ўтказди Лестер. У яна жилмайиб деди:

– Бу унчалик жиддий иш эмас, миссис...

– Мисс Хатворд. Лурин Хатворд.

Лестер бугун жуда омади чопганини ҳис эта бошлади. Ҳаммаси хакирдан қил суғургандек.

– Мен шу ондаёқ сизга янги бланкалар буюриб қўяман. Икки-уч ҳафтадан кейин олишингиз мумкин бўлади ва...

Аёлнинг ичидан бир нидо чиқдики, бу чексиз умид бахшида овозга ўхшаб кетди.

– Э, бу жуда кеч бўлади, мистер Романо шундоғам мендан хафа бўлиб юрибди. Ҳатто ишимдаям ҳаловат йўқ, тушунапсизми? – Трейси кўкракларини атайлаб тўсиққа теккизиб энгашди-да, жозиба билан шивирлади: – Агар буюртмани тезда адо этсангиз, сизни қуруқ қўймасдим.

Лестер раҳмдиллик билан деди:

– Э-э, минг афсус, Лурин, бунинг ҳеч иложини қилол... – Аёлнинг йиғлаб юборгудек бўлганини кўрди-да, – очиғини айтсам, бундай иш менинг қўлимдан келар, деб ўйлайман.

– Илтимос... Сиз учун ҳамма нарсага тайёрман.

Бу сўзлар Лестернинг қулоғида ёқимли мусиқадай янгради.

– Сизга айтдим-ку, қилиб бераман, – деди Лестер. – Сиз учун махсус буюртма қиламан ва ҳаммасини душанба куни оласиз. Шунга розимисиз?

– О, қандай ажойибсиз-а, – аёлнинг овози чексиз миннатдорлик ҳисси билан тўлганди.

Мен чекларни офисга юбораман ва ...

– Ҳар ҳолда, ўзим келиб олиб кетсам маъқулроқ бўларди. Мистер Романо мени шу қадар тентаклигимдан хабар топмасин тағин.

Лестер кўнгилчан жилмайди.

– Йўқ, тентак эмассиз. Ҳаммамиз ҳам баъзан фаромуш бўламиз.

Аёл мулойим оҳангда деди:

– Сизни ҳеч қачон унутмайман. Душанбада кўришгунча.

– Мен шу ерда бўламан.

Аёл кетаётиб Лестерга жозибали табассум ҳадя этди-да, эшик томон одимлади. Унинг мафтункор юриши одамнинг диққатини ўзига тортар эди. Лестер картотека олдига бораркан мийиғида кулиб қўйди. У Жозеф Романонинг ҳисобрақамини олиб, янги бланка буюртма қилиш учун тез тайёрлаб берадиган бўлимга кўнғироқ қилди.

Кармен ситидаги меҳмонхона Янги Орлеандан бошқа меҳмонхоналардан ҳеч нарсаси билан фарқ қилмас ва шу боис Трейси худди шу жойни танлади. У ўртамиёна жиҳозланган мўъжазгина хонани бир ҳафтага ижарага олди. Камера олдида бу саройнинг ўзгинаси эди. Трейси Лестернинг олдидан қайтиб келиб, қора паригини ечди, ўзининг жозибадор сочларини силаб қўйди, юмшоқ контакт линзаларини кўзидан олди ва юзидан гримини ювиб ташлади. У хонадаги ягона тўғри курсида ўтириб, чуқур нафас ола бошлади. Ҳаммаси яхши кетяпти! Жо Романонинг ҳисобрақами қаердалигини билиб олиш қийин... Трейси Романонинг бир вақтлар онасига ёзиб берган ҳисобварағига қаради. «Жо Романоми? Унга кўлинг етмайди», деган эди ўшанда Эрнестина.

Лекин Эрнестина янглишган. Жо Романо – биринчи. Қолганлари ҳам Романонинг кунини кўради. Биттасиям қолмайди.

Трейси кўзларини юмди ва бу ерга, Янги Орлеанга уни олиб келган ўша мўъжиза яна бир бор кўз олдидан ўта бошлади...

Трейси совуқ, қоп-қоронғи сув гирдобига тортилаётганини сезди. У чўкаётганини ҳис этди-ю, даҳшатга тушди.

Сув остида Эмига дуч келди, у қизчани маҳкам қучоқлаб олди-да, сув бетига отилди. Эми унинг қучоғидан чиқиш учун типирчиларди, улар гоҳ пастга чўқар, гоҳ оёқ-қўллари жон жаҳдлари билан ишга солиб, сув бетига чиқар эдилар. Трейсининг ўпкаси ёрилгудек шишиб кетган.

У ўлим талвасасига тушган қизчани ушлаб олганича сув гирдобидан қутулмоқчи бўлар эди-ю, бироқ ҳолдан тойиб борарди. «Қутула олмаймиз, ҳалок бўлдик», – ўйлади Трейси. Қандайдир овозлар эшитилди, кўлидаги Эмини юлқиб олишганини сезган Трейси:

– Эй худойим! Йўқ, Йўқ! – деб қичқириб юборди. Кимнингдир кучли қўллари уни белдан қучиб олди ва:

– Энди яхши, хавотир олманг. Ҳаммаси жойида, – деди.

Трейси телбанамо аланг-жалаң қилиб Эмини қидирди, кейин қизчани хавфдан холи бўлганини, бақувват қўлларда эканини кўрди. Бир дақиқадан кейин уларни совуқ сув қаъридан олиб чиқишди.

Бахтсиз ҳодисанинг муваффақиятли яқуни ҳақида эрталабки газетанинг ички саҳифасида чоп этишди: гарчи маҳбуса сузишни билмаса ҳам қамоқхона бошлиғининг қизини қутқариш учун ўз умрини гаровга қўйди. Кечга бориб бошқа газеталар ва телевидение мухбирлари Трейсини қаҳрамон даражасига кўтариб юбордилар. Губернатор Хабернинг ўзи Уорден Бренниган (турма бошлиғи) билан биргаликда Трейсини кўргани қамоқхона касалхонасига келди.

– Сиз мардлик кўрсатдингиз, – деди бошлиқ. – Миссис Бренниган ва мен сизга ниҳоятда миннатдорлик билдирмоқчимиз!.. – У ҳаяжондан йўталиб қўйди.

Трейси ҳали ҳолсиз ва бўлган воқеадан қаттиқ ларзага тушган эди.

– Эми яхшими?

– Тузала бошлади у.

Трейси кўзларини юмди: «Унга бирон кор-ҳол бўлса ўлиб қолардим», – деб ўйлади у ва бола ундан меҳр талаб қилганидан, унга ўрганиб қолишдан кўрқиб совуқ муно-

сабатда бўлгани эсига тушиб, ўзидан-ўзи уялиб кетди. Воқеа Трейсига озодлик келтирди, бироқ бу воқеа яна қайтарилгудек бўлса у Эмини қутқариш учун яна ўзини ташлаши аниқлигини билар эди.

Воқеа юзасидан кичик бир тафтиш ўтказишди.

– Бунга ўзим айбдорман, – деди Эми. – Биз копток ўйнагандик, Трейси коптокни олиб келиш учун югуриб кетди. Менга эса кутиб тур, деб буюрди. Лекин мен уни яхшироқ кўрай деб деворга чиқиб олдим. Кейин сувга тушиб кетдим. Трейси эса мени қутқарди, дада.

Трейсини ташхис учун касалхонада қолдиришди, эртасига уни Уорден Бренниган кабинетига таклиф этишди. Трейсини юракни эзиб юборадиган ҳикоясини эшитишни интиқиб кутаётган журналистлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қарши олдилар. ЮПИ, Ассошиэтед Пресс, маҳаллий телевидение ўз вакиллари-ни юборишган эди...

Ўша куни кечқурун Трейсининг қаҳрамонлиги ҳақида кенг кўламда ахборот тўпланди ва миллий телевидение орқали қутқариш ҳақида ҳисобот берилди. Воқеа юма-лоқ қор уюми каби катталаша борди.

«Тайм», «Ньюсупи», «Пипл» ва мамлакатнинг бошқа юзлаб газеталари бу воқеани ҳар томонга тарқатишди. Ахборот воситаларида воқеа ҳақида хабар бериш давом этавергани боис, қамоқхона маъмуриятига Трейсини афв этиш тўғрисида талаб қилинган хат ва телеграммалар тўлиб-тошиб кетди.

Губернатор Хабер Жорж Бренниган билан масалани муҳокама қилди.

– Трейси Уитней жиддий жиноят учун қамалган, – деди Бренниган.

Губернатор ўйланиб қолди.

– Лекин у илгари судланмаган, тўғрими, Жорж?

– Худди шундай, сэр.

– Сизга очиғини айтсам дейман. Унга эркинлик беришни талаб қилиб роса қистовга олишмоқда мени.

– Мени ҳам, губернатор.

– Қамоқхоналарни халқ хоҳишига қараб бошқаришга йўл қўя олмаймиз, албатта, тўғрими?

– Ҳа, сэр!

– Бироқ бундай қараганда, – мулоҳаза қилди губернатор, – ўша Уитней ҳайратомуз мардлик кўрсатди. У ҳақиқий қаҳрамонга айланди.

– Бунга шубҳа йўқ, – дея рози бўлди Уорден.

– Сиз нима дейсиз, Жорж? – Губернатор сигаретасини ёндирмай Жорж Бренниган нима дейишини ўйлаб турди.

– Сиз биласизки, мен манфаатдор шахсман. У менинг боламни қутқариб қолди. Лекин бу далилни ҳисобга олмаган тақдирда ҳам, унинг жиноятчи эканига ва биз эркинликка қўйиб юборсак жамоатчиликка хавф туғдирадиган шахс бўлишига ишонмайман. Мен уни афв этишни ўтиниб сўрайман.

Янги муддатга ўз номзодини яна қўймоқчи бўлган губернатор бу фикрга қулоқ солиб таъкидлади:

– Келинг, қамоқ муддатига нисбатан озгина шафқатли бўлайлик. Сиёсатда нозик жойини ушлаш, бу – гаров.

Сью Эллен эри билан масалаҳатлашиб Трейсига мурожаат этди:

– Биз Уорден билан бизнинг уйда яшасангиз деган фикрга келдик. Ҳовлимизнинг этагида бўш ётоқхона ҳам бор. Сиз Эми билан доим бирга бўлишингиз мумкин.

– Раҳмат, – деди Трейси миннатдорлигини яширолмай. – Мен ҳам шуни хоҳлайман.

Ҳаммаси аъло даражада эди. Гап Трейсини энди ҳужрага қамаб қўйишмаганда эмас, ҳамма гап шундаки, унинг Эми билан муносабатлари тубдан ўзгариб кетган. Эми унга худодек сажда қилар, Трейси ҳам унга шундай муносабатда бўларди. Трейси шундай шўх, шунақа доно кичкина қизчанинг ҳузурида жон деб вақтини ўтказарди. Улар ўзлари яхши кўрган ўйинларини ўйнашар, телевизорда Дисней фильмларини кўришар, бирга китоб ўқир эдилар. Ҳаммаси оилавий даражада ўтарди.

Баъзан Трейси хизмат юзасидан қамоқхона блокларига боришига тўғри келарди, шунда у доим Катта Берта билан тўқнашар эди.

– Сенинг омадинг бор экан, қанжиқ, – дея пишқиарарди Берта. – Эртами-кечми, албатта, бу ерга, оддий халқ ёнига қайтасан. Ўзим бунинг ғамини ейман.

Уч ҳафтадан кейин бир куни улар Эми билан боғчада ўйнаб ўтиришарди. Сью Элен шошилинич эшикдан чиқди-да, бир дам уларни кузатиб турди, сўнгра:

– Трейси, қамоқхона бошлиғи кўнғироқ қилди, – деди. – У сени ҳозирок ўз ҳузурига чақирмоқда.

Трейсини кутилмаган даҳшат талвасага солиб қўйди. «Мени қайтадан қамоқхонага тиқиб қўйишади, шекилли? Катта Берта ўз обрўсидан фойдаланиб шундай қилди-ёв? Ёки миссис Бренниганга менинг Эми билан жуда иноқлашиб қолганим ёқмай қолдимиз?» – Хўп, миссис Бренниган.

Трейсини олиб киришганида қамоқхона бошлиғи остонада турган эди.

– Ўтиринг, марҳамат, – деди у.

Трейси келажак тақдирини унинг овоз оҳангидан уқиб-билиб олишга уриниб кўрди.

– Сиз учун янгилик бор, – деди-ю, Трейси англаб ололмайдиган қандайдир ҳиссиётга берилиб тутилиб қолди. – Мен ҳозиргина Луизиана губернаторининг буйруғини олдим. Сизни афв этиш тўғрисида. У ҳозирнинг ўзида-ноқ кучга киради.

«Худога шукр, шундай дедими ёки қулоғимга шундай эшитилдимиз?» Трейси миқ этолмасди.

– Яна шуни билиб қўйишингизни истар эдимки, – дея давом этди бошлиқ. – Менинг боламини қутқарганингиз учун эркинлик берилмади. Сиз ҳар қандай олийжаноб одам қилиши мумкин бўлган бу ишни беихтиёр қилдингиз. Хаёлимни бир жамлаб кўриб, Сиз жамиятга хавфли одам эмаслигингизга ишонч ҳосил қилдим. – У жилмайди-да, гапини яқунлаб деди: – Эми сизни жуда соғинади. Биз ҳам.

Трейси жавоб беришга сўз тополмади. Бошлиқ бор ҳақиқатни билмайди. Худди ана шу бахтсиз ҳодиса пухта ўйланган қочиш режасини бузганлигини ва шу режа амалга ошса, одамлар қочқин сифатида Трейсини таъқиб қилишларини билса эди.

– Сизни индинга қўйиб юборишади.

«Буюк орзу». Трейси ҳалиям бунга ишона олмасди.

– Мен... мен нима дейишнIAM билолмай қолдим.

– Ҳеч нарса дейиш керакмас. Бу ердагилар ҳаммаси сиз билан фахрланишади. Миссис Бренниган ва мен сизни озодликда буюк ишлар кутмоқда деб ҳисоблайман.

«Озодлик». Трейси ўзини шундай ожиз сездики, ҳатто стулнинг суянчиғини ушлаб олди. Ниҳоят, тили калимага келганда овози қатъий жаранглади.

– Мен жуда катта ишлар қилмоқчиман, Уорден Бренниган. Кўп иш қилишим керак.

Қамоқхонадаги сўнгги кечада Трейсининг олдига собиқ камера бўлмасидаги маҳбуса келди.

– Сен чиқяпсанми?

– Ҳа.

Қирқ ёшлардаги Бетти Францискус ҳали жозибасини, иззат-нафсини йўқотмаган аёл эди.

– Мабодо сенга Нью-Йоркда бирорта ёрдам керак бўлиб қолса, бир одам бор. Унинг исми Конрад Морган, – у хуфиёна бир бўлак қоғозни Трейсига қистирди. – У одам жиноий ҳуқуқни ўзгартириш тарафдори. Қамоқхонада ётиб чиққанларга ёрдам қўлини чўзиш унга ёқади.

– Раҳмат, лекин менга зарурати йўқ унинг...

– Ким билади, ҳар ҳолда манзилени сақлаб қол...

Трейси икки соатдан кейин қамоқхона эшигидан телекамералар кузатуви остида чиқди. У мухбирлар билан мулоқотга бормади, лекин Эми онасидан қочиб унинг қучоғига отилганда камералар шириқ-шириқ эта бошлади. Бу расм кечки ахборотларда кўрсатилди. Трейси учун энди бу озодлик қувонч ато этувчи мавҳум бир нарса бўлибгина қолмасдан: Озодлик – янги ҳаво, ҳаловат, тушлик

учун саф тортиш, ташвишли кўнғироқни кутиш заруратининг йўқлиги. Озодлик – иссиқ ванна, хушбўй совун, нозик ички либос, чиройли кўйлак ва баланд пошналар туфлиларни кўз олдига келтирди. Озодлик – Катта Бертадан қочиш, тунги безориларча зўрликлардан ва қамоқхонанинг зерикарли тартибларидан қочишни англатарди.

Трейси бошига тушган озодликка кўникиши лозим. У кўча-кўйларда юрар экан, ҳеч кимга тегиб кетмасликка ҳаракат қиларди. Қамоқхонада биронта маҳбус билан тўқнашиш катта алангага айланадиган учкун бўлар эди. Озодликда эса сени доимий адоват таъқиб этмайди. Унга ҳеч ким таҳдид қилмайди.

Трейси ўз режаларини амалга ошириш учун эркин эди.

Филадельфияда Чарльз Стэнхоуп Трейсининг қамоқхонани тарк этаётганини телевизор орқали томоша қилди. «Ҳалиям у гўзал», – дея ҳайрон бўларди у. Трейсининг кўринишидан унинг бўйнига айб деб қўйилган жиноятни содир этганига ишониш қийин эди. Чарльз хонанинг бир бурчагида бамайлихотир тўр тўқиётган ибратли хотинига кўз ташлади. Адашмадимми ўзи?» – дея хаёлидан ўтказди у.

Даниэль Купер Трейсини телевизор янгиликларида ўзининг Нью-Йоркдаги уйида кўрди. У Трейсини қамоқдан озод қилингани тўғрисидаги хабарга бефарқ қараб, телевизорни ўчирди-ю, столи устидаги хужжатларга муккасидан кетди.

Жо Романо телевизор янгиликларини кўриб хахолаб юборди: «Бу дейман, Уитней жуда омади келган кузғун экан. Онт ичаманки, қамоқхона унга фойда келтирди. Ҳозир ҳам у мафтункор жононнинг ўзгинаси. Балки қачонлардир у билан яна учрашиб қолсак ажабмас».

Романо ўзидан мамнун бўлиб қолаверди. У Ренуарни бир олиб-сотарга мўмайгина пуллаб юборди, тасвирни Цюрихдаги бир коллекционер сотиб олди. Суғурта компаниясидан беш юз минг доллар, олиб-сотардан яна икки юз минг доллар тушди. Табиийки, Романо Энтони

Орзаттини куруқ кўймади. Романо у билан муносабатлари нозик эди, чунки Орзатти билан келишолмаган одамларнинг ҳоли не кечишини у яхши билар эди.

Трейси душанба куни туш пайтида Луриин Хатворд қиёфасида Янги Орлеаннинг Ферст Мерчентс банкида пайдо бўлди. Бу вақтда банк мижозлар билан тўла эди. Лестер Торренс дарчаси олдида бир неча кишидан иборат навбат йиғилиб турарди. Бироқ Лестер Трейсига кўзи тушиши биланоқ чеҳраси очилиб, имлаб кўйди. Трейси аввалги келганига нисбатан чиройи янаям очилиб, ниҳоятда жозибали бўлиб кетганди.

Трейси ниҳоят унинг дарчаси олдида келгач, Лестер:

– Ишингизни бажо келтириш осон бўлмади, лекин Сиз учун буни бажардим, Луриин, – деди кариллаб. Аёл чеҳрасида мулойим миннатдорлик жилваси порлади.

– Сиз жуда ажойибсиз.

– Мана, шу ернинг ўзидаёқ қабул қилгайсиз, – деди Лестер ва ғаладонни очиб, бланкалар солинган қутичани олиб унга яширинча узатди. – Бунда тўрт юз дона тоза бланка. Етар дейман?

– Ҳаддан зиёд. Мистер Романо чек ёзиш билан овора бўлгунча етади. – Трейси Лестерга нигоҳини қадаб хўрсиниб кўйди. – Сиз ҳаётимни қутқариб қолдингиз.

Лестер ўзида қандайдир шаҳвоний туйғуни ҳис этди.

– Мен одамлар бир-бирларига яхшилиқни раво кўришлари керак, деб ҳисоблайман, шундай эмасми, Луриин?

– Сиз ҳақсиз, Лестер.

– Ўзингиз биласизу, лекин бу ерда ўз ҳисобрақамингизни очсангиз ёмон бўлмасди. Мен эса тегишли чораларни кўриб кўярдим.

– Бунга менинг ишончим комил, – деди мулойимлик билан Трейси.

– Бу ҳақда бирон ерда бирга овқатланиб ўтирганимизда гаплашиб олсак, яхши бўларди, нима дейсиз?

– Сизнинг фикрингиз менга маъқул.

– Қаерга телефон қилай бўлмаса, Луриин?

– Э, йўқ, ўзим сизга қўнғироқ қиламан, – деди Трейси ва нари кетди.

– Тўхтаб туринг, бир... – лекин навбатдаги мижоз дарча олдини тўсиб, Лестерга майда тўла халтачасини узатди.

Банк залининг ўртасида кириш ва чиқиш бланкалари билан тўлдирилган қутичалар қўйилган тўртта стол бўлиб, унинг атрофини мижозлар ўраб олишган эди. Трейси Лестернинг кўзи тушмайдиган жойга борди. Бир мижоз стол устини бўшатгач, Трейси ўз ишини адо этишга ўтирди. Унга Лестер узатган қутида тоза бланкалар солинган саккизта пакет бўлиб, Трейсини эса фақат кирим ордерлари қизиқтирар эди.

У кирим ордерларини бошқаларидан авайлаб ажратиб олди-да, кўпи билан уч дақиқада саккизта кирим ордерини териб олди. Трейси орқасидан ҳеч ким кузатмаётганига ишонч ҳосил қилгач, йигирмата бланкани темир қутичага солди. Сўнгра бошқа столга бориб, яна йигирмата қоғозни қолдирди. Йигирма дақиқа ичида у бор-йўқ бланкаларни барча столларга бўлиб чиқди. Кирим ордерларининг бланкалари тўлдирилмаган бўлса ҳам, ҳар бирининг ўртасида магнит шифри бўлиб, шунинг ёрдамида компьютер маълум ҳисобга пул ёзар эди. Ким қўйишидан қатъи назар, магнит шифри ёрдамида компьютер автоматик равишда ҳар бир тўловдан Жо Романо ҳисобига пул ўтказаверар эди. Трейси банкда ишлаган тажрибасидан шуни билар эдики, кирим ордерларининг магнит бланкалари икки кун ичида сарфланади ва бу чалкашликни сезиб олиш учун камида яна беш кун лозим бўлади. Бу муддат Трейси ўйлаган ишни адо этиш учун етиб ортади.

У меҳмонхонага кетаётиб қолган бланкаларни ахлат яшикка ташлаб юборди: Мистер Романога улар энди керак бўлмайди.

Трейсининг навбатдаги тўхташ жойи – Янги Орлеандаги саёҳатчилар агентлиги бўлди.

Пештахта олдида ўтирган ёшгина жувон:

– Хизмат? – деб сўради.

– Мен – Жозеф Романонинг котибасиман. Мистер Романо Рио-де-Жанейрога учадиган самолётга жой буюриб кўймоқчи эдилар. У ерга жума куни боришлари лозим...

– Битта чиптами?

– Ҳа. Биринчи класс, чиқишга яқинроқ, чекувчилар учун, илтимос.

– Бориб-қайтиш учунми?

– Фақат бориш учун.

Агент компьютерга ўгирилди. Бир неча дақиқадан сўнг деди:

– «Пан Американ» авиакомпанияси самолётнинг биринчи классига битта чипта, етти юз йигирма саккизинчи рейс билан жума куни соат ўн саккизу ўттизда учади, Майамида қисқа вақт кўниб ўтади.

– У киши жуда хурсанд бўлади, – дея ишонтирди аёлни Трейси.

– Бир минг тўққиз юз йигирма беш доллар тўлайсиз. Нақд тўлайсизми ёки чек орқали?

– Мистер Романо доим нақд тўлаб юрганлар. Тўлаб олиш шарти билан. Марҳамат қилиб, пайшанба куни уни ишхонасига чиптани етказиб беришлари чорасини кўриб кўйсангиз.

– Агар хоҳласангиз эртагаёқ чиптани у кишига етказиб берамиз.

– Йўқ. Эртага мистер Романо бўлмайдилар. Пайшанба куни соат ўн бирга етказиб берсангиз.

– Яхши. Ҳаммаси бажо бўлади. Манзиллари?

– Мистер Жозеф Романо, Пойдрас-стрит икки юз ўн етти, кабинет номери – тўрт юз саккиз.

Аёл ёзиб олди.

– Жуда соз. Мен пайшанба куни эрта билан чиптани етказиб бериш чорасини кўриб кўяман.

– Роса ўн бирда, – яна таъкидлади Трейси. – Раҳмат.

Трейси шу кўча бўйлаб сал нари кетгач, жомадон сотадиган дўконга дуч келди. У киришидан олдин витринага кўз ташлади, Клерк унинг ёнига келиб деди:

– Хайрли тонг. Бу тонг бизга нима хизмат бор?

– Мен эрим учун бирорта жомадон харид қилишим керак эди.

– Сиз керакли жойга келибсиз. Бизда жуда хилма-хили мавжуд. Чиройлилари, арзон баҳодагилари...

– Йўқ, – эътироз билдирди Трейси. – Арзони бўлмайди!

– Трейси девор олдида тахланиб қўйилган «Вьюитон» жомадонлари олдида борди.

– Мана булар, худди мен ахтарганларим. Биз эрим билан саёҳатга кетмоқчимиз.

– Ҳа, ишончим комилки, эрингиз бу хариддан жуда хурсанд бўлади. Бизда уч хил ҳажмдаги жомадонлар бор. Қайси бири...

– Мен ҳаммасидан биттадан оламан.

– О! Жуда соз! Чек ёзиб берасизми ёки нақд тўлайсизми?

– Тўлаб олиш шарти билан. Олувчи – Жозеф Романо. Сизга оғир бўлмаса, пайшанба куни эрталаб эримнинг хизмат жойига етказиб берсангиз?

– Хўп, албатта, бўлмасам-чи? Миссис Романо.

– Соат ўн бирда.

– Шахсан ўзим бунинг чорасини кўраман.

Трейси яна қўшиб қўйди.

– О, жомадонларга тилла ҳарф билан номининг бош ҳарфларини ёздириб қўйиш мумкинми? Ж.Р. деб.

– Албатта. Бемалол, миссис Романо.

Трейси табассум қилди-да, унга манзил ёзилган қоғозни узатди.

Трейси шу яқин орада жойлашган Вестрен юнион офис почтасида Рио-де-Жанейродаги «Рио Отен плейс» меҳмонхонасига тўланган телеграмма юборди.

«Жума кунидан эътиборан икки ой муддатга энг яхши хонага буюртма қабул этсангиз, марҳамат қилиб: 217, Пойдрас-стрит, 408, Янги Орлеан, АҚШ, Жозеф Романога қисқача тасдиқ телеграмма юборсангиз».

Яна уч кун ўтди. Трейси банкка телефон қилиб, Лестер Торренсни чақирди. Унинг овозини эшитиб, мулозим бидирлай кетди.

– Лестер, балки мени ёдингиздан чиқаргандирсиз, мен Луриин Хатворд, мистер Романонинг котибаси, хўш...

– Сиздай аёлни унутиб бўладими? – Унинг бетоқат овози эшитилди. – Албатта, сизни унутганим йўқ, Луриин, мен...

– Шунақа денг? Жудаям миннатдорман. Сиз жуда кўп одамларни кўрасиз.

– Лекин сизга ўхшаганлар кам, – дея уни ишонтирди Лестер. – Учрашувимизни унутганингиз йўқми, а?

– Шу учрашувни қанчалик зориқиб кутаётганимни тасаввур ҳам қилолмайсиз. Кейинги сешанба сизни қониқтирадим, Лестер?

– Жуда яхши бўларди!

– Унда – учрашамиз. О, роса тентакман-да. Сиз билан суҳбатлашиб, ҳаяжонланганимдан нима учун кўнғироқ қилаётганимни ҳам унутибман. Ахир Мистер Романо банкдаги ҳисобрақамларини текшириб қўйишимни сўраган эдилар. Рақамларини айтиб юборолмайсизми?

– Албатта. Хотиржам бўлаверинг.

Лестер Торренс одатда мижозининг туғилган кунини сўрар ёки бошқа бирон расмиятчилик қиларди, лекин ҳозир бунга ҳожат йўқ деб ҳисоблади.

– Ҳозир, Луриин, – деди у.

У картотекага бориб Жозеф Романонинг ахборотномасини олди ва ҳайрон бўлиб кўздан кечира бошлади. Кейинги бир неча кун ичида Романонинг ҳисобрақамига ғайриодатий пул тушуми йиғилган эди. Романо ҳеч қачон бундай катта пул сақламасди банк ҳисобида. Нима бўлаётибди, деб ўзига-ўзи савол берди Лестер. Қандайдир катта иш қилган бўлса керак-да. Луриин Хатворд билан учрашганида бу ишни суриштириб кўради. Кичкина сир-асрорни билиб қўйиш ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди. У телефонга қайтди.

– Хўжайинингиз бизга анча иш орттирибди, – деди у Трейсига. – Унинг жорий ҳисобрақамида – уч юз минг доллардан зиёд пули бор.

– Яхши. Буни унга етказаман.

– Пулларни акцияга айлантириш хоҳиши йўқми унинг. Бунақа пулларни бу ерда сақлашга унчалик эҳтиёжи йўқ. Мен агар...

– Йўқ. Жо пуллари ўша жойда қолишини истайди, – деди қатъий равишда Трейси.

– О, кей.

– Сизга катта раҳмат, Лестер. Сиз – ажойибсиз.

– Бир дақиқа тўхтанг. Сешанба тўғрисида идорангизга кўнғироқ қилайми?

– Ўзим кўнғироқ қиламан, азизим, – деди Трейси ва шу билан алоқа узилди.

Энтони Орзатти тасарруфидаги замонавий кўп қаватли маъмурий бино Пойдрас-стритда жойлашган бўлиб, олд томони дарёга қараган, орқасида эса каттакон Луизиана тайёрагоҳи бор эди. Пасифик Импорт-экспорт компаниянинг хизмати учинчи қаватдаги барча хоналарни эгаллаган эди. Данғиллама кошонанинг бошида Орзаттининг, бу бошида Жо Романонинг хоналари жойлашганди. Кабинетлар оралиғида қабулхонада тўртта ёш котиба қиз ўтиришарди. Бу қизлар Орзаттининг кечки зиёфатларида оғайнилариининг кўнгилларини овлаш ҳамда казо-казо корчалонлар билан танишиб олиш учун хизмат қилишар эди. Орзатти апартаментлари бўсағасида умрини ўз боссларини кўриқлашга бағишлаган иккита барзанги ўтирарди. Уларнинг вазифасига, бундан ташқари, ҳайдовчилик, уқалагувчилик ва югурдаклик ҳам кирарди.

Орзатти пайшанба куни эрта билан ўз хонасида хуфия лотереялардан келган тушумлар миқдорини текширди. Буларда Пасифик Импорт-Экспорт компания тасарруфидаги букмеру фоҳишалар ва бошқа шу каби даромадли хизматларнинг ўнлаб вакиллари бор эди.

Энтони Орзатти ўзининг олтмиш ёшини аллақачон нишонлаб бўлган. Унинг жуссаси жуда ғалати бичимда – унинг оғир улкан гавдасини пакана бўйли одамга мўлжалланган ориқ оёқлари кўтариб юрарди. У ҳатто тик турганда ҳам ўтирган қурбақага ўхшайди. Юзлари бе-

тартиб ўргимчак уясига ўхшаб кетадиган чандиқлар билан қопланган, бунақасини фақат маст ўргимчак ўриши мумкин. Каллик касалига мубтало бўлган, ўн беш ёшидан бери бошида бир дона ҳам туки йўқ, ўшандан бери парик кийиб юради. Гарчи парик бесўнақай ўрнатилган бўлса ҳам, бу ҳақда ҳеч ким унинг эгасига миқ этмасди. Ташқи қиёфасида ниҳоятда катта оғзи, косаларидан бўртиб чиққан совуқ, айёрона бежо кўзлари бешта қизи билан муомала қилган маҳалларини ҳисобга олмаганда, мудом тўнг бўлиб қолган юзлари охирги чизги эди. Ҳиссиётини, руҳий кечинмаларини ифодаловчи, бу – унинг бўғиқ овози бўлиб, буям йигирма биринчи туғилган куни томоғидан сим боғлаб, уни ўлим қучоғига ташлаб қўйишининг оқибати эди. Бундай хатога йўл қўйган икки одам кейинги ҳафтасига ўзлари ўликхонага тушишди. Орзатти уларнинг режаларини барбод этди, бироқ овози ўлаётган кишидек хириллаб қолгандики, уни эшитиб тушуниб олиш мушкул эди.

Энтони Орзатти пора, қурол ва товламачилик йўли билан Янги Орлеанда ҳукмронлик қилади. Шаҳар, ўз навбатида, ҳукмдорга беадад бойликлар билан ўз эътиқодини билдирар эди. Мамлакатда барча мафия гуруҳлари уни ҳурмат қилишар, йўл-йўриқ ўрганишарди.

У Лейк-Вистадаги кўп хонали махфий уйида сақлайдиган маъшуқаси билан нонушта қилганидан кейин кайфи чоғ эди. Маъшуқасининг ҳузурига бир ҳафтада уч марта келиб турар, зотан бугунги ташрифи айниқса хуш ёққанди.

Орзаттининг ташкилоти бир маромда фаолият кўрсатар, айтарли муаммолар йўқ эди. Чунки Энтони Орзатти қийинчиликларни бартараф этиш йўлларини шундай бо-плардики, бирпасда муаммо муаммолигини йўқотар эди.

Бир куни у Жо Романого ўз фалсафасини сукди:

– Ҳеч қачон кичкина муаммони катта муаммога айланиб кетишига йўл қўйма, Жо, акс ҳолда у қор уюмидек катталашиб бораверади. Масалан, катта улуш олиш мақсадида шалпангқулоқ полициячи орқангга тушиб қолди

дейлик, дарров уни тинчит, тушундингми? Қор уюми дарров йўқолади-қолади. Йўлингда чикаголик бир олифта пайдо бўлиб, ўзининг кичкина тижорат қилиш ёки молиявий ишини Янги Орлеанда амалга ошириш учун рухсат сўрайди. Сен биласанки, ўша кичкинагина иш катта ишга айланиб кетади ва сенинг даромадларинг қирқила бошлайди. Шунинг учун аввал хўп, де, агар у шу ерда палак ёза бошласа, итваччани тинчит. Яна қор уюми йўқ бўлади. Тушундингми? Гап нимада эканига ақлинг етдими?

Жо Романо ҳаммасини аъло даражада яхши биларди.

Энтони Орзатти Романони ўғлидек яхши кўрар эди. Орзатти уни ҳали гўдаклигида, жин кўчаларда маст-аластларни тунаб юрган вақтида шогирд қилиб олган эди. Ўзи Жога устозлик қилди, ҳозир эса «ўша гўдак» устаси фаранглар билан бир қаторда ўйин кўрсатишга қодир. Романо содиқ, Романо зеҳнли ва ҳалол шогирд эди.

Энтони Орзатти ўн йил ичида Романони катта лейтенант унвонига кўтарди. Жо уларнинг амалга оширадиган барча ички ишларини назорат қилиб турар, бу ҳақда фақат Орзаттига ахборот берар эди.

Орзаттининг энг яхши котибаси эшикни қоқиб, ичкари кирди. Жувоннинг ёши йигирмаларда, университетни битирган бўлиб, ҳусни, қадди-қомати билан бир неча бор гўзаллик кўрик-танловларида ғолиб бўлган эди. Атрофида гўзал аёллар ўралашиб юришлари хуш ёқарди Орзаттига.

У столда турган соатга қаради. Ўндан қирқ беш дақиқа ўтган. У Люсидан, тушгача ўзини безовта қилмасликни илтимос қилганди. Шунинг учун қизга жаҳл билан назар ташлади.

– Нима?

– Безовта қилганим учун узр, мистер Орзатти. Қандайдир мисс Жижи Дюпре кўнғироқ қияпти. Унинг жазаваси кўзиган, нима истаётганини ҳам яхшилаб тушунтириб беролмайди. Шахсан ўзингиз билан гаплашишни талаб қилмоқда. Назаримда, жуда муҳимга ўхшайди.

Орзатти хаёлан ҳамма исмларни ўтказаркан, курсига ўтирди. Жижи Дюпре? Балки ўтган йили Вегасга борганида кўчадан топган фоҳишалардан биридир? Жижи Дюпре? Йўқ, гарчанд хотираси зўрлигидан яширинча ўзидан мағрурланиб юрса ҳам бу исмни эслолмади. Орзатти қизиқсиниб гўшакни олди ва Люсига чиқ деб ишора қилди.

– Ҳа-ҳа. Ким бу?

– Бу мистер Орзаттими? – аёл француз талаффузида гапирарди.

– Хўш, нимаиди?

– О! Худога шукр, менга вақт ажратдингиз-а, мистер Орзатти.

Люси ҳақ экан, жувоннинг жазаваси кўзиган... Энтони Орзаттининг ҳафсаласи пир бўлиб, энди гўшакни қўймоқчи эди, бироқ аёл гапида давом этди:

– Сиз уни тўхтатишингиз лозим, илтимос!

– Хоним, ким ҳақида гапиряпсиз, мен билмайман, вақтим зиқ.

– Менинг Жоим ҳақида-да. Жо Романо. У мени олиб кетаман деб ваъда қилганди. Тушуняпсизми?

– Ҳей, Жо билан урушиб қолган бўлсангиз, ўзларинг ҳал қилаверинг бунди. Мен сизларга энага эмасман.

– У мени алдади. Мен унинг Бразилияга учиб кетмоқчилигини ҳозиргина билиб қолдим. Ўша уч юз мингнинг ярмиси меники.

Бу гап Орзаттини қизиқтириб қолди.

– Қайси уч юз минг ҳақида айтяпсиз?

– О, Жо ўз ҳисобрақамида яшириб юрган пулларда. Бу пуллар сизлар айтгандек – эҳтиёт шарт пуллар.

Энтони Орзатти жуда қизиқиб қолди.

– Илтимос, Жога айтинг, у мени Бразилияга олиб кетсин. Ўтинаман! Хўп дейсизми?

– Ҳа, – дея ваъда берди Энтони Орзатти. – Мен бунинг чорасини кўриб қўяман.

Жо Романонинг янги Орлеанда энг олди архитектор-декоратори томонидан замонавий услубда безаган

кабинетида, ойттаю битта рангли «доғ» француз импрессионистларининг учта сурати эди. Романо ўз дидидан фахрланарди. У Янги Орлеан харобаларидан ўзига йўл оча туриб, йўл-йўлакай мустақил билимини ҳам оширди. У тасвирий санъатнинг билимдони бўлди, мусиқадан яхшигина хабари бор. У катта-катта зиёфатларда сомалье билан узоқ ва доно мунозаралар қилар эди. Гап йўқ, Жо Романо ўзидан мағрурланиш учун барча асослар етарли эди. Унинг тенгқурлари ҳаёт учун муштларини ишга солиб юрган пайтларда бу ўз ақлини ишга солиб гуллаб кетди. Бордию Энтони Орзатти Янги Орлеаннинг эгаси деб ҳисобланар экан, Жо Романо эса шаҳарни бошқарарди.

Котиба хонага кириб келди.

– Мистер Романо учун Рио-де-Жанейро самолётига билет билан югурдак келди. Чек ёзиб берайми? Тўлаб олиш шарти билан.

– Рио-де-Жанейрога? – Романо бош чайқади. – Унга айтиб қўйинг, қандайдир англашилмовчилик юз берибди.

Югурдак кийимидаги одам эшик олдида турарди.

– Менга шу манзилга, Жозеф Романого берасан, деб топшириқ берилган.

– Демак, сизга нотўғри айтишган. Нима, бу янги авиа-йўлдан мукофот сифатида ҳазилми?

– Йўқ, сэр. Мен...

– Қани кўрай-чи, – Романо чиптани олиб, унга кўз югуртирди. – Нега энди худди Рио-де-Жанейрога мен учишим керак экан?

– Бу жуда яхши савол, – деди Энтони Орзатти, югурдакнинг орқасидан қаддини ростлаб. – Сенга нима бўлди, Жо?

– Тони, бу ерда қандайдир даҳшатли тушунмовчилик юз берган, – Романо чиптани югурдакка узатди. – Қаердан олиб келган бўлсангиз, ўша ерга оборинг-да...

– Шошилма, – Энтони Орзатти чиптани қўлига олиб текширди. – Бу ерда биринчи класс чиптаси. Чекувчилар учун четдаги жой, Рио-де-Жанейрога, жума куни, фақат боришга, деб ёзилган.

Жо Романо кулиб юборди.

– Кимдир адашган, – деди ва котибасига ўгирилиб: – Медж, сайёҳлик агентлигига кўнғироқ қилинг-да, уларга айтиб кўйинг, ношуд экан улар. Қандайдир лапашанг самолёт чиптасини йўқотиб кўйган.

Котибанинг ёрдамчиси Жоулин кириб келди.

– Уэр, мистер Романо. Юк етиб келди. Рози бўлсангиз, унинг учун имзо чекиб юбораман.

Жо Романо котобага бақрайиб қолди.

– Қанақа юк? Мен ҳеч қандай юк-пук буюрмаганман.

– Бу ерга олиб кириш, – деб буюрди Энтони Орзатти.

– Ё, парвардигор! – хитоб қилди Жо. – Жинни-пинни бўп қолишганми булар?

Югурдак «Вьюитон» фирмасига қарашли учта жомадон кўтариб кирди.

– Бу нима? Мен буюрмаганман буларни.

Югурдак етказиш ҳужжатини солиштирди.

– Бунда: Жозеф Романо, Пойдрас-стрит икки юз ўн етти, тўрт юз саккизинчи хона деб ёзилган.

Романонинг зардаси қайнади.

– У ерда ёзилгани мени қизиқтирмайди! Уларни буюрмаганман мен. Олиб чиқинг юкларни бу ердан.

Орзатти жомадонларни кўздан кечира бошлади.

– Нима? Тўхтат, Тўхта. Балки бу совғадир? Нима, бугун туғилган кунингми?

– Йўқ. Ахир ўзинг биласан-ку популарни. Бунақалар доим кутилмаган совға қилишади.

– Бразилияга кетмоқчимисан? – қистовга олди Энтони Орзатти.

– Бразилияга? – кулиб юборди Жо Романо. – Тони, бу кимнингдир ҳазили бўлса керак.

Орзатти мулойим жилмайди ва котоба ҳамда югурдакларга ўгирилиб:

– Йўқол!!! – деди.

Улар чиқиб кетишгандан кейин Энтони гап бошлади:

– Жо, банкдаги ҳисобингда неча пул бор?

Жо Романо ҳайрон бўлиб унга қаради.

– Билмайман, бир ярим минг, нари борса иккита. Нимаиди?

– Шунчаки қизиқиб, банкка қўнғироқ қилиб билсанг, ёмон бўлмасмиди?

– Нима учун? Мен...

– Текшир, текшир, Жо.

– Албатта. Сенга шу керак бўлса, – дея котибага уланди. – Ферст мерченстс бош иқтисодчисини улаб беринг... Салом, азизим! Жозеф Романоман. Ҳисобимда қанча борлигини айтиб беролмайсанми? Туғилган куним – ўн тўртинчи октябрь.

Энтони Орзатти параллел телефоннинг гўшагини олди. Бир неча дақиқадан кейин банкдан жавоб беришди:

– Куттириб қўйганим учун узр, мистер Романо. Ҳисобрақамингизда бугунги кунда уч юз ўн минг тўққиз юз беш доллару ўттиз икки цент бор.

Романо қони қочиб, ранги бўзариб кетганини сизди.

– Қанча?

– Уч юз ўн минг тўққиз юз беш доллар ва ўттиз икки цент.

– Сен, аҳмоқ, итвачча! – деб бақирди Жо. – Ҳисобимда бунга пул йўқ! Адашгансан. Менга ановини улаб бер, ҳалиги...

Лекин у Энтони Орзаттини қўлидаги гўшакни олиб жойига қўйганини сизди.

– Бу пуллар қаердан келди, Жо?

Жо Романонинг ранги оқариб кетди.

– Худо урсин, Тони, бу пуллар ҳақида ҳеч нарса билмайман.

– Шундайми?

– Ишон менга! Кўрмаяпсанми? Кимдир мени чалмоқчи.

– Балки сени қаттиқ севадиган одамдир. У сенга мукофот сифатида йўлингга уч юз ўн минг доллар тутқазмоқда. – Орзатти креслога оғир чўқди ва Жо Романога узоқ тикилиб турди-да, бамайлихотир деди:

– Ҳаммаси ёлғон демоқчимисан, а? Рио-де-Жанейрога бир томонлама чипта ҳам, янги жомадонлар... Афтидан, янги ҳаёт бошламоқчимисан, чоғи?

– Йўқ! – Жо Романонинг овозида таҳлика сезилиб турарди. – Э худо, сен мени бошқалардан кўра яхши биласан-ку, Тони. Мен доим сен билан бирга бўлганман. Сен менга отадек одамсан.

У қаро терга тушиб кетди. Эшик тақиллади ва Меги кўлида конверт билан бошини суқди.

– Узр, сўзингизни бўлиб қўйдим, мистер Романо. Сизнинг номингизга телеграмма келди. Лекин унинг учун ўзингиз имзо чекишингиз керак экан.

Қармоққа тушган ҳайвондек табиий туйғу кўзғалди-ю, Романо:

– Йўқ, ҳозир эмас. Бандман, – дея олди жон ҳолатда.

– Мен оламан уни, – деди Энтони Орзатти ва аёл эшикни ёпишга улгурмасдан креслодан турди. У шошилмай телеграммани ўқиди ва дабдурустдан нигоҳини Жо Романога қаратди.

Энтони Орзатти шундай паст товушда гапирдики, Жо Романо унинг гапини зўрға эшитди.

– Сенга ўқиб бераман, Жо. «Хабар қиламизки, сизга биринчи сентябрдан бошлаб икки ойга люкс хона банд этиб қўйилган. Имзо – С.Монтелбенд, «Рио Отен Плейс» меҳмонхонасининг бошқарувчиси, Копакабано Бич Рио-де-Жанейро». Бу сенинг хонанг Жо. Энди унинг сенга ҳождати бўлмаса керак, шундай эмасми?

2

Андре Жилиан ошхонада қовурма спагетти, итальянча шакароб, нокли торт тайёрлаётган эди, шу пайт узук-юлуқ, лекин қаттиқ ваҳимали чарсиллаган овоз эшитилди-ю, шу заҳоти марказий совутгичнинг уйқу келтирадиган бир меъёрида гувиллаши тақа-тақ тўхтаб қолди ва сукунат чўқди.

Андре депсиниб, сўкинди:

– Нажосат! Бир кунам кор-қолсиз ўтмас экан-да!

У шошилиб девордаги электрузатгич жойлашган кутича олдига бориб, бирин-кетин ҳамма ёндиргичларни текшириб кўрди. Совутгич ишламади.

Мистер Поупнинг роса жаҳли чиқадиган бўлди-да! Хўжайиннинг ҳар жума кечкурунги покер ўйинини қандай сабрсизлик билан кутишини биларди Андре. Кўп йиллардан бери анъанага айланиб қолган бу ўйинда қатнашадиган казолар сафи ўзгармас эди. Совутгичсиз бу уйда ўтириб бўлмайди. Ҳеч чидаб бўлмайди! Янги Орлеан сентябрь ойида фақат оддий авомга фойдаси тегади. Ҳатто қуёш ботаётганда ҳам жазирама ва нам ҳаводан кутулиб бўлмайди. Андре ошхонага кириб, соатга қаради. Соат тўрт. Меҳмонлар саккизда келишади. Андре Поупга қўнғироқ қилиб, бўлган воқеани айтмоқчи бўлди-ю, бироқ адвокат куни билан судда бўламан, дегани эсига тушиб қолди. «Бу дилбар инсон доим иш билан банд. У дам олиш керак. Лекин аксига олиб, аҳвол бунақа!»

Андре ошхонадаги ғаладондан кичкина телефон дафтарчани олиб, керакли рақамларни терди.

Уч марта гудок бергандан кейин жарангли овоз қўшиқдек янгради:

– Сиз эскимос ҳавосовитгич хизмати билан уландингиз. Ҳозирги дамда мутахассислар йўқ. Агар сиз телефон рақамингиз ишдан чиққанлиги ҳақида қисқача маълумот қолдирсангиз, биз имконият туғилган заҳоти уста юборамиз. Марҳамат қилиб, қўнғироқни кутинг.

Жин урсин! Фақат Америкадагина машина билан гаплашишга мажбур этишади сени.

Андренинг қулоғини қаттиқ овоз батангга келтирди. У микрофонга гапира бошлади:

– Бу – синьор Перри Поупнинг уйи. Чарльз стрит, қирқ икки, совутгич тизими ишламаяпти. Тезроқ бирорта мутахассис юборинг.

Кейин жаҳл билан гўшакни қўйди. «Албатта, ҳеч ким йўқлиги маълум. Бу дўзахи шаҳарда совутгичлар би-

рин-сирин ишдан чиқаверса. Шундай иссиқ ва намликка чидаш бера оладиган иситкичнинг ўзи йўқ! Ишқилиб биронтаси кела қолса яхши бўлар эди тезроқ». Мистер Поупнинг феъли маълум, феъл-атвори жуда оғир одам.

Андре Жилиан адвокатнинг уйида уч йилдан бери ошпаз бўлиб ишлайди. «Ёш йигитнинг шундай дабдабали ҳаёт кечиршига ҳайрон қоласан киши». Перри Поуп ҳаммани жуда яхши билади. У бир имо қилиши билан ҳамма-ҳамма оёққа туради, ҳа, оёққа туради.

Андренинг назарида, уйнинг ҳавоси жуда қизиқ кетгандек туюлди. «Вазият оғир. Агар бирор-бир чора кўрилмаса, сассиқ ҳаво вентилляцияни ишдан чиқаради».

Андре салямини қоғоздек юпқа кесиб қўйиш мақсадида ошхонага қайтиб кирганида бу кеча улфатчилик барбод бўлади, деган ҳис-туйғу уни ваҳимага солди.

Ўттиз дақиқадан кейин эшик кўнғироғи жиринглаганда Андренинг уст-боши тер билан намиқиб, ошхона тандирдек қизиқ кетган эди.

Жилиан орқа эшикни очишга югуриб кетди. Комбинезон кийиб олган иккита ишчи қўлларида дастгоҳлар билан остонада туришарди. Улардан бири қора танли экан. Унинг оқ танли шериги лаллайган, уйқусираган, бўйи бир неча дюйм баландроқ эди. Уй орқасидаги эшик рўпарасида авария юк машинаси турарди.

– Совутгич ишдан чиқдимми? – деб сўради негр.

– Ҳа! Худога шукр, етиб келибсиз! Ҳозирнинг ўзидаёқ уни тузатиш лозим. Яқин орада меҳмонлар келиб қолишади.

Қора танли ўтманғал олдига бориб, пишган тортни ҳидлаб кўрди.

– Ҳиди ёқимли!

– Илтимос! – бетоқат деди Жилиан. – Бирон нарса қилинг!

– Қани, қувват қутисини кўрайлик, – деди паст бўйлиги. – Қаерда у?

– Бу ёққа.

Андре тезда уларни йўлақдан кўмакчи хонага бошлаб борди.

– Агрегат яхши, Ральф, – деди негр шеригига.

– Ҳа, Эл. Ҳозир бунақаларини чиқаришмайди.

– Хўш, унда нима учун ишламаётганини айтинг бўл-маса, худо хайрингизни берсин? – деб сўради Жилиан.

Икки ишчи унга ўгирилиб қарашди.

– Биз эндигина кириб келдик, – деди киноя билан Ральф. У чўккалаб агрегат эшигини очди, чўнтак фонарини олди-да, қорнига артиб, агрегат ичига қаратди. Бир дақиқадан сўнг ўрнидан туриб:

– Бузилган жойи бу ерда эмас, – деди.

– Бўлмаса қаерда? – сўради Андре.

– Балки бирон бўлмаси куйгандир. Балки бутун тизим куйиб кетгандир. Нечта совутгичингиз бор?

– Ҳар бир хонада биттадан. Қани, кўрайлик. Камида тўққизта бўлса керак.

– Бунда бир гап бор. Ток ўзгартгичи ортиқча кучланиб кетгандир. Бориб кўрайлик-чи.

Уччови даҳлизга чиқишди. Меҳмонхонадан ўтиб кетишаётганда:

– Уйдаги энг яхши хона шу ер бўлса керак, – деди Эл.

Меҳмонхона қимматбаҳо жиҳозлар, бутун бир бойликка арзигудек антиқий безаклар билан тўлиб-тошган эди. Ерга тўқин рангли форс гиламлари тўшалган. Меҳмонхонанинг сўл томонида расмий учрашувлар учун каттакон зиёфат столи ўнгида ишрат тахмон, ўртасида яшил мато тўшалган, ўйин учун мўлжалланган кенг стол қўйилган. Хонанинг бурчагида кечки зиёфат учун ҳамма нарса тахт.

Иккала механик тахмонга киришди ва Эл деворнинг юқори қисмига ўрнатилган совутгични қўл фонуси билан ёритди.

– Ҳм, – дея ғўлдиради у карта столи тепасидаги шифтга қараб туриб. – Тепада қанақа уй бор?

– Чордоқ.

– Бир кўриб кўяйлик.

Ишчилар Андре орқасидан чордоқдаги шифти паст, чанг ва ис босиб кетган узун хонага чиқишди.

Эл деворга ўрнатилган электрҳисоблагич олдига бориб чалкаш-чулкаш электр симларини титкилаб кўрди.

– Мана!

– Бирон нарса топдингизми? – дея бетоқат сўради Андре.

– Конденсатор синибди. Бу намликдан. Бу ҳафтада биз юзта жойга боришимиз керак эди. Энди қисқарадиган бўлди. Конденсаторни алмаштиришга мажбурмиз.

– Вой худойим-ей! Қанча вақт кетади?

– Ҳозир. Юк машинамизда янги конденсатор бор.

– Илтимос, тез бўлинг, – дея ялинди Андре, тез орада мистер Поуп келиб қолади.

– Бу ёғини бизга қўйиб беринг, – деди Эл.

Ошхонага тушганда Андре:

– Мен шакароб безагини тугатишим керак эди, – дея иқрор бўлди. – Чордоққа ўзингиз йўл топарсиз. – Эл қўли билан ишора қилди.

– Бошингни кўп қотираверма, оғайни. Бориб ишингни қилавер, биз ўз ишимизни бошлаймиз.

– О! Раҳмат. Катта раҳмат сизга

Ишчилар уйдан чиқиб, машинадан иккита катта брезент халта кўтариб келишганини кўрди Андре.

– Мабодо бирон нарса керак бўлиб қолса, мени чақиринг, – деди у.

– Ҳўп!

Ишчилар зинадан юқорига кўтарилишди, Андре эса ошхонага қайтди.

Ральф ва Эл чордоққа чиқишиб, ўзларининг брезент халталарини очишди, ичидан мўъжазгина йиғма столча, пўлат пармали бурғу, сэндвич солинган патнис, икки банка пиво, ғира-ширада узоқни кузатадиган иккита катта бинокль ҳамда тўртда уч миллиграмм промазин ацетилендан укол қилинган иккита тирик олмахон олишди. Сўнгра ишга киришишди.

– О, Эрнестина мендан хурсанд бўлади-да, – деди Эл базўр кулгисини босар экан.

Дастлаб Эл режага қарши эди.

– Сен эсингни еб қўйибсан, хотин. Менинг ҳеч қандай Перри Поуп билан олди-бердим йўқ. Кейин бу олифта изимга шундай тушадики, кўзимни очирмай қўяди.

– Сен ҳеч хавотир олма. У энди ҳеч кимни безовта қилмайди.

Улар Эрнестинанинг уйида ҳаво тўлдирилган резина тўшак устида қип-яланғоч ётишганди.

– Нима бўлгандаям, сенга нима оғирлиги тушади, азизим?

– У итнинг бешинчи оёғи.

– О, болажон, дунё бунақа аблаҳлар билан тўлиб кетганки, уларнинг уруғини қуритишинг учун бутун умринг ҳам етмайди.

– Хўп. Дўстим учун шу ишни қиламан.

– Трейсими дўстинг?

– Ҳа.

Элга Трейси ёқар эди. У озоддикка чиққан куни каттакон зиёфат уюштиришди.

– У ажойиб жувон, – иқрор бўлди Эл. – Лекин нима учун биз ўз бошимизни гаровга қўйишимиз керак уни деб?

– Чунки, агар биз ёрдам бермасак, у бошқа биров билан келишишга мажбур бўлади, бошқаси эса сендек моҳир уста бўлмаслиги мумкин, у қўлга тушгудек бўлса, яна ўша жойига обориб тиқиб қўйишади.

Эл тўшакка ўтириб Эрнестинага синовчан назар ташлади.

– Наҳотки, бу сен учун шунчалик муҳим бўлса, жонгинам?

– Ҳа, азизим.

Эл бунга ҳеч қачон тушуниб етмайди, лекин ҳамма гап шундаки, Эрнестина, Трейси қамоқхонага яна қайтиб, Катта Бертанинг панжасига тушиш мумкин, деган фикрга асло кўника олмасди. Эрнестина нафақат Трейси, балки ўзининг ҳам ғамини ерди. Ўзи Трейсига ҳомий

бўлиб чиқди, борди-ю, Треиси Бертанинг кўлига тушиб қолса, бу Эрнестинанинг мағлубияти ҳам бўлар эди.

Шунинг учун у гапни қисқа қилиб, деди:

– Ҳа. Бунинг аҳамияти мен учун жудаям катта, азизим. Хўш, бажарасанми?

– Жин урсин, бир ўзим буни уддалай олмайман, ахир, – ғўдранди Эл.

Шундагина Эрнестина ғалаба қилганини ҳис этди. У Элнинг узун гавдасига эркаланиб ишқаланди, сўнгра деди:

– Қария Ральфнинг куни кеча чиқиб келганидан хабаринг йўқми?..

Соат олти яримда тер ва чангга ботган иккала уста Андренинг ҳузурига ошхонага кириб келишди.

– Тузатдингизми? – ҳаяжонда сўради Андре.

– Ғирт дардисарнинг ўзи экан, – деди Эл. – Биласизми, кўйилган совитгичларингиз доимий ва ўзгарувчан тоқли экан, бу...

– Бунинг аҳамияти йўқ, – Андре унинг сўзини бўлди. – Ишқилиб тузатдингизми?

– Ҳа, ҳаммаси жойида. Беш дақиқадан кейин янгидек ишлаб кетади.

– Қандай яхши! Ошхонадаги столга ҳисобни ташлаб кетсангиз...

Ральф бош чайқади.

– Хотиржам бўлаверинг. Компания ҳисобни қоғози ёзиб жўнатади сизга.

– Омон бўлинглар. Кўришгунча.

Андре иккала ишчининг брезент халталарини кўтариб, орқа эшикдан чиқиб кетишганини кўрди. Кўздан йўқолгач, иккови ҳовлини айланиб ўтишди-да, кучланиш агрегати жойлашган темир эшикни очишди. Эл икки соат бурун узиб кўйилган симларни улагунга қадар, Ральф кўл фонарини ёқиб турди. Агрегат шу ондаёқ ишлаб кетди. Эл агрегатга илиб кўйилган чўптахтадаги телефон рақамини ёзиб олди. Бироздан кейин шу рақам орқали кўнғироқ қилди ва ҳаво совитгичлари Эскимос

компанияси операторининг магнитофонга ёзиб олинган товушини эшитгач, деди:

– Бу Чарльз стрит, қирқ иккидаги Перри Поупнинг уйи. Совиткичларимиз яхши ишламоқда. Бизникига механикларни юбориб овора бўлиб ўтирманг. Яхши қолинг.

Перри Поупнинг уйида ҳар жума куни ўтадиган карта (покер) ўйинини ҳамма ўйинчилар сабрсизлик билан кутарди. Ниҳоятда пухталиқ билан саралаб олинган ўйинчилар сафига Энтони Орзатти, Жо Романо, судья Генри Лоуренс, штат сенатори Олдерман ва, албатта, уй эгаси кирарди. Ганак – баланд, стол – ажойиб ва гуруҳ фақат амалдорлардан ташкил топган эди.

Перри Поуп ётоқхонасида уст-бошини алмаштирди: оқ шойи шалвар ва шунга мос спорт кўйлагини кийиб олди. У бўлажак кечки ўтириш ҳақида ширин хаёл суриб, бурни остидан ниманидир хиргойи қилар эди. «Ҳақиқатан ҳам умрим бўйи омадли ҳаёт кечириб келяпман», – дея бахтиёр хаёл сурарди у.

Янги Орлеанда, башарти, кимгадир расмий хизматга муҳтож бўлиб қолса фақат юрист Перри Поупга мурожаат этиши лозим. Унинг қудрати Орзатти оиласи билан яқинлигига асосланган. Унинг лақаби Аранжировкачи бўлиб, боиси кўча ҳаракати қондасини бузганлиги учун суд повесткасидан то қотиллик учун ҳукм қилишгача – ҳаммасини уюштириши, келишиб олиши мумкин эди. Ҳаёт ажойиб нарса-да!

Энтони Орзатти билан бирга меҳмонлар келишди.

– Жо Романо энди ўйнамайди, – деб эълон қилди Орзатти. – Сиз ҳаммангиз инспектор Ньюхаузни биласиз.

Кишилар бир-бирларини қўлларини сиқиб киришди.

– Жентльменлар, ичкиликлар жавон устида, – деди Перри Поуп. – Овқат бироздан кейин бўлади. Унгача бир чигилларни ёзиб олсак дейман?

Ҳаммалари стол атрофида ўз жойларини эгалладилар. Орзатти Жо Романонинг бўшаб қолган курсисини кўрсатиб, инспекторга деди:

– Бундан буён бу сенинг жойинг бўлади, Мёл.

Меҳмонлардан бири янги карта дастасини очгунча Поуп покер жетонларини тарқатиб, Ньюхаузга тушунтирди:

– Қора жетонлар – беш доллар, қизили – ўн, ҳаворанги – эллик, оқи – юз доллар. – Ҳамма беш юз долларли жетонларни сотиб ола бошлади. – Ўйинчиларнинг тиккан пулларига ўйнаймиз, банк соҳибининг ихтиёрига қараб, ганақни уч мартагача оширамиз.

– Менинг дидимга мос экан, – деди инспектор.

Энтони Орзаттининг кайфияти ёмон эди.

– Бошладик, қани бўлинглар, – унинг овози бўғилиб шивирлаш даражасигача борди, бу ёмон аломат эди.

Перри Поуп Жо Романого нима бўлганини билиш учун ҳамма нарсага тайёр эди-ю, лекин адвокат ҳозир буни муҳокама қилиш мавриди эмаслигини яхши англарди. Имкон туғилганда Орзаттининг ўзи айтади.

Орзатти ғамгин хаёл сурарди: «Мен Жо Романого оталарча муносабатда эдим. Унга ишонардим, ўзимнинг катта лейтенантим даражасига кўтардим! Бу итвачча менга сотқинларча зарба берди. Агар ўша тентак француз аёли кўнғироқ қилмаса бормиди, у пулларни олиб қочиб қоларди. Мана энди олиб қочадиган ҳеч вақоси қолмади. Қочолмайди ҳам. Ақллироқ бўлганда маъшуқаси билан шу ернинг ўзида ишрат қилаверган бўларди».

– Тони, бизга қўшиласанми-йўқми?

Энтони Орзатти бутун диққатини ўйинга қаратди. Бу стол атрофида жуда катта пуллар ўйналар ва бой берилар эди. Энтони ютқизаётганида кайфияти бузиларди-ю, лекин мағлубиятга кўника олмасди, чунки ўзини туғма ғолиб ҳисобларди. Кейинги олти ҳафта ичида Перри Поупнинг жуда омади чопди, шу боис Энтони Орзатти банкни ютиб олиш иштиёқида эди.

Улар банк соҳибининг раъйига қараб ўйнар эдилар: ҳар бир тарқатувчи ўзини кучли деб ҳис этган ўйинни танлайди. Ўйинчилар гоҳ бештадан, гоҳ еттитадан қарта

тарқатар, гоҳ кичик ўйин қилишар, баъзан жокер тортишарди, лекин қайси бир ўйин танланмасин Энтони Орзатти ҳаммасини бой бераверади ноилож. У пулларни қайтариб олиш мақсадида бемулоҳаза ганакни ошира бошлади. Ярим кечага бориб Андре тайёрланган таомларни баҳам кўриш учун ўйинга танаффус эълон қилишганда Орзатти эллик минг доллар ютқазган, Перри Поуп эса ҳаммасидан кўра кўп ютиб олган эди.

Таом ниҳоятда мазали бўпти. Орзатти туннинг шундай пайтлари одатда енгил тамадди қилиб олишни яхши кўрар, бироқ ҳозир у тезроқ ўйин столига ўтириш иштиёқида ёнарди. У бошқаларнинг оғзига қараб ўтириб, тезроқ бўлишларини қистар эди. Ютқизган пулларини қайтариб олиш – унинг мақсади эди.

– Тони, нега ҳеч нима емайсан? – деди Перри Поуп.

– Қорним тўқ. – Орзатти кумушранг қаҳвадонга чўзилиб, чинни идишга қаҳва қуйиб олди ва ўйин столига бориб ўтирди. Қаҳва қуяётган пайтида унинг идишига нимадир тушди. Орзатти қошиқ билан идишдаги қаттиқ нарсани жирканиб олди-да, кўздан кечира бошлади. Бу шувонинг бўлакчаси экан. Орзатти шифтга қараган эди, нимадир пешонасига келиб тушди. Шу пайт тепасидан қандайдир ғимир-ғимир товушлар қулоғига чалинди.

– Жин урсин, у ерда нима бор ўзи? – деб сўради Орзатти. Перри Поуп инспектор Ньюхаузга латифа айтиш билан овора эди.

– Маъзур тутасан. Тони, нимаиди?

Тепасидаги шовқин яққолроқ эшитилди. Яшил мато устига шувон бўлаклари тўкила бошлади.

– Шифтингда сичқонлар борга ўхшайди, – дея тахмин қилди сенатор.

– Йўғ-э, бу уйда сичқонлар йўқ, – Поупнинг аччиғи келди.

– Хўш, бўлмаса нима учун тўкилмоқда, жин урсин, – ғижинди Орзатти.

Яшил мато устига каттакон шувон бўлаги тушди.

– Ҳозир билиб келиш учун юбораман Андрени, – деди Поуп. – Овқатланиб бўлган бўлсак, ўйинни бошлайверамизми?

Энтони Орзатти миясининг қоқ тепасида шифтда пайдо бўлган кичкина тешикка тикилиб қолди.

– Тўхта. Ўша тепада... нималигини кўрайлик-чи?

– Нега, Тони, Андренинг ўзи...

Бу пайтда Орзатти ўрнидан туриб пиллапоя тамонкетди. Қолганлар ҳам аланг-жаламг қилишди-да, унга эргашишди.

– Балки чордоққа олмахон чиқиб олгандир, – дея тахмин қилди Перри Поуп. – Ҳозирги пайтда бу атрофда олмахонлар кўп. Қишга ёнғоқ ғамлаши мумкин. – Ўз ҳазилига ўзи кулиб юборди.

Улар чордоққа чиқиб боришганда Орзатти эшикни ланг очиб юборди. Перри Поуп чироқни ёқди. Уларнинг кўзига биринчи кўринган нарса – чордоқ хонасида талвасага тушиб югуриб юрган иккита қўлсичқон эди.

– Вой худо! – деди Поуп. – Уйимда каламушлар пайдо бўлибди-я!

Энтони Орзатти эшитмади. У хонани кўздан кечирар эди. Чордоқнинг қоқ ўртасида устида қоғозга ўралган сэндвичлар ва иккита пиво банкиси қўйилган столча турганди. Бошқа столда иккита бинокль ётибди. Орзатти яқинроқ бориб, ҳар бирини синчиклаб текшириб кўрди. Кейин чанг полга ўтириб шифтдан очилган тешикни беркитиб турган кичкина ёғоч ғўлачани олди. Орзатти тешикка мўралади. Шундай пастда ўйин столи кўриниб турар эди.

Перри Поуп эсанкираб қолди.

– Жин урсин, ким бу лаш-лушни бу ёққа олиб чиқди? Ҳозир аблаҳ Андре мендан кўради.

Орзатти оҳиста ўрнидан турди ва чангларини қоқиб ташлади.

Перри Поуп оёқ остига қаради.

– Бунга қаранг! – хитоб қилди у. – Улар шифтни тешиб қўйишибди. Бугун келган ишчилар бир тийинга қиммат.

У чўккалаб тешикка мўралади-ю, бирдан ранги оқариб кетди. У атрофга ғалати аланг-жаланг қилиб ўрнидан турди, ҳамма унга қараб турарди.

– Ҳой! – деди Перри Поуп. – Тағин ўйламанглар, мен... Ишонинг, дўстларим, бу – менинг ишим эмас. Бундан хабарим йўқ менинг. Сизни алдамаяпман. Худо ҳаққи, ахир биз дўстмиз-ку!

Орзатти унинг елкасини қоқиб кўйди.

– Ҳеч ташвиш чекма. – Унинг овози деярли эшитилмасди. Перри Поуп жазавага тушиб ўнг кўл бошмалдоғини кемирарди.

3

– Бу иккови тайёр бўлди, Трейси, – деди кулгидан ўзини тутолмаган Эрнестина Литлчеп. – Кўчаларда. «Адвокат энди хусусий ҳуқуқ ишлари билан шуғулланмаяпти, автомобиль ҳалокатига учрабди», деган дув-дув гап тарқабди.

Улар Ройял-стритга параллел тушган кўчадаги кичкинагина кафедра куймоқ еб ўтиришар эди. Эрнестина хахолаб кулиб юборди.

– Ҳой қиз, калланг зўр ишларкан. Мен билан савдогарчилик қилмайсанми, а?

– Раҳмат, Эрнестина. Менинг бошқа режаларим бор. Эрнестина сабрсизлик билан сўради:

– Навбатдагиси ким?!

– Лоуренс. Судья Лоуренс.

Генри Лоуренс ўзининг адвокатлик хизматини Луизиана штатидаги Лисвиль номли кичкина шаҳарчада йўлга кўйди. Юрист касбига унинг қобилияти етишмас, бироқ иккита муҳим хислати – истарасининг иссиқлигию ахлоқан пишиқлиги бор эди. Унинг фалсафий дунёқараши қонунни мижозларнинг эҳтиёжларини қондириш учун исталган томонга букиладиган бир таёқча деб ҳисобларди. Янги Орлеанга келганидан кейин Генри

Лоуренснинг адвокатлик амали кўтарилиб, ўзига хос доиралар ҳурматига сазовор бўлгани ажабланарли эмасди. У майда безорилик ва йўл ҳодисаларидан иш бошлаб, оғир жиноятларгача етиб борди ва бу вақт орасида йирик уюшмаларга аъзо бўлишга улгурди. У суд маслаҳатчиларини сотиб олиш, гувоҳларни шарманда қилиш бўйича мутахассис бўлиб қолди, ўзининг ишига ёрдам берадиган ҳар қандай одамга пора берарди. Қисқаси, у Энтони Орзаттига ўхшаб кетар, шу боис бу икковининг йўллари кесишди. Таниш-билишлик мафия салтанатида юзага келган мустаҳкам иттифоққа айланиб кетди. Лоуренс Орзатти уруғининг манфаатларини ифодаловчиси бўлиб қолди, бинобарин, кези келганда, Орзатти уни ҳакам лавозимида тайинланишда ёрдам берди.

– Қандай қилиб уни туширишингни мен билмайману, лекин у бадавлат, обрў-эътиборли, қўлинг етмайди, – дея мулоҳаза қиларди Эрнестина.

– У бой, обрў-эътиборли-ку, лекин қўл етмайдиган даражада эмас, – эътироз билдирди Трейси.

Трейси ўз режасини ўйлаб қўйди, лекин ҳакам Лоуренснинг қабулхонасига қўнғироқ қилиши билан бу режани ўзгартириш лозимлигини тушунди.

– Мен судья Лоуренс билан гаплашмоқчийдим.

– Афсус, бироқ судья Лоуренс йўқлар, – деди котиба.

– О! У киши билан боғланишнинг иложи бормикан?

– Иложи йўқ, деб қўрқаман. Ҳазрат мамлакатдан жўнаб кетганлар.

Трейси ҳафсаласи пир бўлганини билдирмай гапида давом этди:

– Тушунарли. Қаерга жўнаб кетганларини билсам бўладими?

– Ҳазрат Оврўпода суд ҳуқуқлари бўйича халқаро симпозиумда қатнашмоқдалар.

– Афсус, – деди Трейси.

– Ким қўнғироқ қилаётган?

Трейси асабийлашиб хаёл сурарди.

– Мен Элизабет Рованс Дастинман, Америка суди адвокатлари жанубий Уюшмасининг раиси. Биз Янги Орлеанда ўн иккинчи сентябрь куни судья Генри Лоуренс шаънига атаб тантанали кеча уюштирмоқчимиз. Уни биз йил одами деб эълон қилмоқчимиз.

– Жуда соз, – деди котиба. – Лекин, афсуски, судья етиб келолмасалар керак.

– Минг афсус. Биз энг ажойиб нутқлардан бирини эшитамиз, деб орзу қилувдик. Бизнинг сайлов кўмитамиз судья Лоуренсни бир овоздан маъқуллаган.

– Бунақа тантанага қатнаша олмаса, хафа бўладилар у киши.

– Ҳа, ишончим комил. Биласизми, бу жуда катта шараф. Ўтган йиллари мамлакатимизнинг энг буюк судьялари ноил бўлган бу тарафга. Тўхтанг! Менда бир фикр туғилди. Судья биз учун қисқа нутқ ёзиб бера олармиканлар – шунчаки миннатдорлик сўзларини?

– Тўғри-ку-я, бир нарса дейишим қийин. У киши иш билан жуда банд.

– Албатта телевизор ва газеталарда репортаж берилади. Орага сукунат чўкди.

Ҳазрат ўзи қатнашган воқеаларнинг ёритилишини қанчалар яхши кўришини Лоуренснинг котибаси билар эди. Дарҳақиқат, судьянинг бу саёҳати ҳам фақат унинг иззат-нафсини қондириш учун ташкил этилганини тахмин қилиш мумкин.

Котиба овоз чиқариб мулоҳаза қила бошлади.

– Сиз учун бир-икки сўз ёзиб беришга балки вақти топилди қолар. Мен сўраб кўраман.

– Жудаям яхши бўлар эди-да, – завқланиб кетди Треиси. – Шундай қилинса, кечамизга файз кирган бўларди.

– Бирон-бир аниқ мавзуда ёзиб беришларини истаймиз?

– Ҳа, бўлмасам-чи. Бизнинг фикримизча у киши... – Треиси иккиланиб қолди. – Биз танлаган мавзунини тушунтириш қийин. Яхшиси, ўзим тўғридан-тўғри у киши билан гаплашганим маъқул.

Орага бир дақиқага жимлик чўқди. Котиба нима қиларини билмай қолди. Бир тарафдан хўжайинининг қаерга кетганини айтиш қатъий тақиқланган бўлса, иккинчи томондан қилинган таклифдан уни бохабар қилмагани учун гап эшитиши турган гап. Судья бундай муҳим мукофотга қаршилиқ кўрсатмаса керак. Котиба иккиланиб деди:

– Мен, ростини айтсам, маълумот беришга ҳаққим йўқ, лекин ишончим комилки, бундай ажойиб хабар учун истисно қилади судья. Сиз у кишини Москвадан, «Россия» меҳмонхонасидан топасиз. Яна беш кунча ўша ерда бўладилар, кейин...

– Жуда соз. Ҳозироқ у киши билан боғланаман. Сиздан ниҳоятда миннатдорман.

– Сизга ҳам раҳмат, миссис Дастин.

Москвадаги «Россия» меҳмонхонасига судья номига бирин-кетин телеграммалар кетди.

Биринчи телеграмма қуйидагича эди: «Суд мажлисининг навбатдаги учрашувини ҳозир ташкил этиш мумкин, кунини қўлланмага биноан белгиланг. Борис».

Иккинчи телеграмма эртасига борди:

«Саёҳат режасини тузиш учун маслаҳат беринг. Опанинг самолёти кечикиб келди, эсон-омон кўнди, паспорт ва пуллар йўқолди, уни Швейцариядаги биринчи класс меҳмонхонага жойлаштиришни келишиб кўйдим, ҳисобини кейинроқ қиласиз. Борис».

Учинчи телеграммада қуйидагилар ёзилганди:

«Сизнинг опангиз Америка элчихонасидан муваққат паспорт олишга уриниб кўради. Янги виза тўғрисида ҳам фойдали маълумот йўқ. Швейцарияликлар русларни тақводор деб ҳисоблайдилар. Опангизни яқин кунларда жўнайдингиз кемага ўтқазиб юбораман. Борис».

ДХҚ³ ходимлари бошқа телеграммаларни ҳам кутишди. Бироқ бошқа телеграмма келмади. Улар судья Лоуренсни ҳибсга олишди. Ўн кеча-кундуз уни сўроқ қилишди.

³ ДХҚ – Давлат хавфсизлик қўмитаси.

- Кимга маълумот жўнатгансиз?
- Қанақа маълумот? Нима демоқчи эканингизни тушунмаяпман ҳеч?
- Биз режа ҳақида сўраяпмиз. Уни ким сизга берган?
- Қанақа режа?
- Совет атом кемасининг режасини.
- Эсингизни еб қўйибсиз, шекилли. Мен совет атом кемалари ҳақида нима билишим мумкин?
- Биз ҳам худди шуни аниқламоқчимиз. Ким билан махфий учрашгансиз?
- Яна қанақа махфий учрашув? Менда ҳеч қандай сир йўқ.
- Хўп. Бўлмаса, Борис кимлигини айтарсиз?
- Борис, қайси Борис?
- Швейцария банкида сизнинг ҳисобингизга пул қўйган одам.
- Қанақа банк, қанақа ҳисоб?
- Ходимлар дарғазаб бўлишди.
- Сиз ўжар тўнка экансиз. Сиз буюк ватанингизга суиқасд қилаётган бошқа барча Америка жосусларига ибрат сифатида жазоланасиз.
- Токи Америка элчисига уни кўришга рухсат беришгунча Лоуренс 15 фунтга озди. У охириги марта қачон ухлаганини ҳам эслолмас, тўкилиб бораётгандек ҳис қиларди ўзини.
- Нима учун менга бундай дағдаға қилишмоқда? – деди хириллаб судья. – Мен – Кўшма Штатлар фуқаросиман. Мен – судьяман. Худо хайрингизни берсин, мени бу ердан обчиқиб кетинг!
- Кўлимдан келган барча чораларни кўраман, – дея ишонтирди элчи.
- Лоуренснинг аҳволи элчини ҳайратга солди. Элчи икки ҳафта бурун суд ҳуқуқлари қўмитаси аъзоларини, жумладан, судья Лоуренсни ҳам табриклаган эди. Ҳозир элчининг олдида жилпанглаб турган хуркович, букчайиб қолган бу махлуқ куни кеча кўрган одамига мутлақо ўхшамас эди.

– Руслар нима қилишмоқчи ўзи? – қизиқиб қолди элчи. – Судья жосус бўлса, мендан ортиқмас. – У минг хаёлга борарди. – Бу воқеага таъсиримни ўтказишга ишончим комил.

Элчи КПСС МК бош котиби билан яккама-якка учрашишини қатъий илтимос қилди, бироқ илтимоси рад этилгандан кейин вазирлардан бири билан учрашишга рози бўлди.

– Мен расмий норозилик билдирмоқчиман, – деди элчи. – Мамлакатингизнинг судья Генри Лоуренсга нисбатан муносабати ножўя деб ҳисоблайман. Шундай миқёсдаги одамни жосус дейиш – куракда турмайдиган гап.

– Гапингиз тугаган бўлса, – совуқ жавоб берди вазир, – мана бунга бир қаранг, марҳамат.

У элчига телеграмма нусхаларини узатди. Элчи ўқиб чиқиб, таажжубланди:

– Хўш, бунинг нимаси ёмон? Ҳеч қандай ғаразгўйлик йўқ буларда.

– Шундайми? Эҳтимол, уларни қайта ўқиб чиқишга мажбур бўларсиз. Улар шифрланган. – Вазир телеграмманинг бошқа нусхасини узатди. Инглизча асл нусхадаги ҳар бир тўртинчи сўзнинг тагига чизилган эди.

Суд мажлисининг навбатдаги учрашувини ҳозир ташкил этиш мумкин бўлган кунини қўлланмага биноан белгиланг. Борис. Саёҳат режасини тузиш учун маслаҳат беринг. Опанинг самолёти кечикиб келди. Эсон-омон кўнди. Паспорт ва пуллар йўқолди, уни Швейцариядаги биринчи класс меҳмонхонага жойлаштиришни келишиб кўйдим. Ҳисобни кейинроқ қиласиз. Борис.

Сизнинг опангиз Америка элчихонасидан муваққат паспорт олишга уриниб кўради. Янги виза тўғрисида ҳали фойдали маълумот йўқ. Швейцарияликлар русларни тақводор деб ҳисоблайдилар. Опангизни яқин кунларда жўнайдиган кемага ўтказиб юбораман. Борис.

«Эҳ, мен болаи нодон», деб хаёл сурди элчи.

Генри Лоуренснинг иши ёпиқ эшиклар орқасида кўрилди. Судланувчи охиригача қайсарлик қилди ва Со-

вет Иттифоқига жосуслик ниятида келганлигини инкор қилаверди. Прокурор агар ушбу операциянинг раҳбарларини айтиб берса, ҳукми юмшатишга ваъда берди. Судья Лоуренс жонини ҳам гаровга қўяр эди, қани энди имкони бўлса, бироқ, афсуски, бундай қилолмасди.

Эртасига «Правда» газетасида Америка жосуси судья Лоуренс жосусликда айбланиб ўн тўрт йилга ҳукм этилганини, жазони Сибирда, қаттиқ режим колониясида ўташи ҳақида кичкина хабар эълон қилинди.

Америка разведка хизмати Лоуренс ишига тушунолмайдиган гаранг эди. ЦРУ, ФБР, махфий хизмат, АҚШ молия вазирлигида турли хил миш-мишлар тарқалди.

– У бизнинг одамимиз эмас, – дейишди ЦРУдагилар. – Балки молияга тегишлидир.

Молия вазирлиги бу иш ҳақида биттаям маълумотга эга эмас эди.

– Йўқ, Лоуренс – бизнинг одамимиз эмас. Афтидан, анави жинпўша ФБР бизнинг ишларга яна бурнини суққан кўринади.

– Унинг номини ҳеч қачон эшитмаганмиз, – дейишди ФБРдагилар. – Кўпроқ у мудофаа вазирлигининг Разведка бошқармасида ишлаган, чамаси.

Мудофаа вазирлигининг разведка бошқармаси бошқа маҳкамалар сингари ғафлатда қолишганди ва у ниҳоятда эҳтиёткорлик қилиб: «Изоҳга ҳожат йўқ», – дея қолди.

Ҳар қайси ташкилот судья Генри Лоуренсни чет элга бошқалар юборган деган қатъий ишончда эди.

– Ўйлайманки, унинг мардонавор туриши таҳсинга сазовор, – деди ЦРУ раҳбари. – У – бардошли одам. Тан олмади, ҳеч кимнинг номини ҳам айтмади. Тўғриси айтсам, бизда унга ўхшаганлар кўпроқ бўлишини истар эдим.

Энтони Орзаттининг ишлари чаппасига кета бошлади. Умрида биринча маротаба ишлари ўнгидан келмаяпти. Ҳаммаси Жо Романонинг муртадлигидан бошланди, кейин Перри Поуп, мана энди судья қандайдир жосусликка аралшиб, қуриб кетди. Уларнинг бари Орзатти жигарининг бўлакчалари ҳисобланарди – уларга суяниб қолганди.

Жо Романо ташкилотининг ўзига хос узатма тасмаси эди, афсуски, Орзатти унинг ўрнини босадиган биронта одам тополмади. Янгилари эса ишни пала-партиш, кўпол бошқарар эдилар. Натижада, шу пайтгача журъат қилмаган одамлардан шикоятлар туша бошлади. «Тони Орзатти қариб қолди, одамларини жиловда ушлай олмапти, унинг ташкилотининг путури кетмоқда», деган гаплар тарқалди.

Нью-Жерсидан қилинган кўнғироқ сабр косасининг сўнги томчиси бўлди.

– Биз ишларинг ўнгидан келмаяпти, деган хабарлар эшитяпмиз, Тони. Сенга ёрдам қилсакми, деган фикрдамиз.

– Ҳамма ишларим жойида, – деди ғазаб билан Орзатти. – Тўғриси, яқинда бир-иккита муаммо пайдо бўлганди, лекин мен уларни бартараф этдим.

– Бу биз эшитганларнинг ҳаммаси эмас, Тони. Сенинг шахринг бебош бўлиб қолган, уни назорат қиладиган одам қолмади, деган гап тарқалган.

– Мен назорат қилиб турибман.

– Балки жуда оғирлик қилаётгандир сенга? Бу аҳволда қанча ишлаш мумкин? Балки озгина дам олишинг зарурдир?

– Бу – менинг шахрим. Ҳеч ким уни мендан тортиб ололмайди.

– Ҳой, Тони! Уни сендан тортиб олмоқчи, деб ким айтапти? Биз шунчаки ёрдам қилмоқчимиз, холос. Шарқдаги оилалар йиғилиб, сенга ёрдам бериш учун бир неча вакил юборишга қарор қилишди. Эски қадрдонлар орасида нима гап бўлиши мумкин?

Энтони Орзатти бадани жимирлаб кетганини сизди. Гап шундаки, кичкина ёрдам катта бўлиб, қор уюмига айланиб кетиши мумкин.

Эрнестина криветкали шўрва тайёрлаётганди. Шўрва паст оловда қайнагунча улар Трейси иккови Элнинг қайтишини кутмоқда эдилар. Сентябрь ойининг жазирамаси ҳамманинг асабига таъсир қилган ва, ниҳоят, Эл

мўъжазгина хонага кириб келганида Эрнестина бақриб деди:

– Қайси гўрда юрибсан? Манави овқат куйиб кетди, мен ҳам куйиб адо бўлдим.

Элнинг кайфияти ниҳоят даражада кўтаринки бўлгани боис, бунга эътибор ҳам қилмади.

– Ҳой, хотин, мен бир хушxabар топиб келдим. Агар бирпас чакагингни тёлсанг, эшитасан. – У Трейсига ўғирилди. – Ўғрилар тўдаси Тони Орзаттини гум қилибди. Нью-Жерсидан келган оила барча ишни ўз қўлига олибди. – Унинг юзи кулгидан ёйилиб кетди. – Итвачча қўлга тушибди-ку! – дея у Трейсига қаради-ю, юзидаги табассум йўқолди. – Наҳотки сен севинмаётган бўлмасанг, Трейси!

«Жуда ғалати сўз, – деб хаёл сурди Трейси, – севинмаётган». Бу сўзнинг маъносини ҳам унутиб юборган Трейси ўзича, яна қачон севинишим мумкин, деб савол берди, оддий инсоний туйғуни ўзида ҳис эта оладими? Унда онаси ва энди орзуси амалга ошай деб турганида қалби бўм-бўш эди.

Трейси эртасига тонг маҳал гул дўконига кирди.

– Мен Энтони Орзаттига гул юбормоқчиман. Оқ қалампирмунчоқли кенг тасмага ўралган гулчамбар. Тасмага: «Тинч ёт!» – сўзларини ёзинг, дея ўзи бир варақча: «Дорис Уитнейнинг қизидан», деб ёзиб қўйди.

УЧИНЧИ КИТОБ

1

Филадельфия.

Сешанба, 7 октябрь, 16.00

Чарльз Стэнхоупдан ўч олиш вақти келди. Анави бошқалар – бегона одамлар. Чарльз эса Трейсининг севгилиси, туғилмаган боласининг отаси, жуда осонлик билан икковини сотиб юборган одам.

Эрнестина билан Эл аэропортда Трейсини кузатаётган эдилар.

– Сенсиз зерикиб қоламан, – деди Эрнестина. – Сен бу шаҳарни оёғини осмондан қилиб юбординг. Аҳоли сени ўзининг ҳокими этиб сайлаши лозим эди.

– Филлида нима қилмоқчисан? – деб сўради Эл.

Треиси уларга бор ҳақиқатни айтмади.

– Банкка, эски ишимга қайтаман.

Эрнестина ва Эл бир-бирларига қараб кўйишди.

– Улар... ҳе, ... боришингни билишадими?

– Йўқ. Аммо вице-президентнинг менга муносабати яхши. Бунинг қийинчилиги йўқ. Компьютерда ишлайдиган яхши операторларни топиш қийин.

– Ундай бўлса, сенга омад ёр бўлсин! Йўқ бўлиб кетма. Ёмон кўздан нари юр, қизалоқ!

Ўттиз дақиқадан сўнг Треиси Филадельфияга учадиган самолёт бортида ўтирарди.

«Хилтон» меҳмонхонасида тўхтаган Треиси ўзининг яккаю ягона кўзга яқин кўйлагини ваннахонада ҳўллаб дазмоллади. У эрта билан соат ўн бирда банкка борди ва Кларинс Дезмонднинг котибаси ҳузурига кирди.

– Салом, Мей!

Қиз худди арвоҳни кўргандек Трейсига бақрайиб қолди.

– Трейси! – ўзини ноқулай сезган котиба нигоҳини қаёққа олиб қочишни билмай саросимага тушганди. – Мен ... Қалайсан?

– Яхшиман. Мистер Дезмонд ўзларидами?

– Мен... билмайман. Ҳозир қарайман. Узр, – қиз саросимага тушиб, курсидан сакраб турди-да, вице-президентнинг хонасига шошиб кириб кетди.

Бир неча дақиқадан кейин чиқди у.

– Киришинг мумкин.

Трейси эшик олдида борганида котиба ўзини четга олди.

«Унга нима бўлди?» – ҳайрон бўлиб ўйлади Трейси. Кларенс Дезмонд ўз столи олдида турарди.

– Салом, мистер Дезмонд. Мана, қайтиб ҳам келдим, – дадил мурожаат этди Трейси.

– Нега? – деди тунд овозда. Совуқ муомаласи яққол сезилди.

Трейсини ҳайратга солди бу. Аммо у шиддат билан давом этарди.

– Ахир мен кўрганлар орасида сен энг яхши компьютер операторисан, деб ўзингиз айтган эдингиз, шунинг учун ўйловдимки...

– Мени олдинги иш жойимга олади, деб ўйловдингизми?

– Ҳа, сэр. Ишимни жонимдан ортиқ кўраман. Ҳаммаси эсимда. Ҳали мен...

– Мисс Уитней. Афсуслар бўлсинки, лекин сизнинг илтимосингизни инобатга ололмайман. Ишонаманки, қуролли босқинчилик ва қотилликка қўл ургани учун ётиб чиққан одам билан бизнинг мижозларимиз муомала қилишни истамасликларини яхши биласиз ўзингиз. Бу одоб-ахлоқ қоидаларига мос келмайди. Ўйлайманки, ўтмишингиздан бохабар бўлган биронта банк ишга олмайди сизни. Сизга маслаҳатим, ҳозирча аҳволингизга мосроқ бошқа иш қидиринг. Менинг сўзларимда ҳеч қандай гина-кудуратга ўрин йўқ деб ўйлайман.

Трейси Дезмонднинг сўзларини дастлаб ҳайратга тушиб тинглади, сўнгра бу туйғу ғазабга айланди. Дезмонд Трейсини қувғинга тушган, мохов даражасида тушунтирди. «Сиздек одамни йўқотишни истамасдик. Сиз энг бебаҳо ходимимиз ҳисобланасиз».

Яна гапингиз борми, мисс Уитней?

Трейсининг айтмоқчи бўлган гаплари мясида ғужғон ўйнардигани-ю, лекин бунинг фойдаси йўқлигига ақли етди.

– Йўқ. Назаримда ҳамма гапни айтиб бўлдингиз. – Трейси ўгирилиб, хонадан чиқиб кетди, юзлари ловиллаб ёнарди. Назарида, банкнинг барча ходимлари кўзларини унга лўқ қилиб тургандек. Мей: Трейси қамоқдан чиқиб келибди, деган гап тарқатибди. Трейси юраги муз, бошини ғоз кўтариб, эшик томон борарди. «Улар мени камситишларига йўл қўймайман. Яккаю ягона қолган бойлигим – ғурурим, зотан ҳеч ким уни мендан тортиб ололмайдигани».

Трейси куни билан ўз хонасида дили хуфтон бўлиб ўтирди. Улар мени кучоқ очиб кутиб оладилар, деб ўйлаганди-я, қанчалар гўл бўлмаса. Трейси жуда «машхур» бўлиб кетган эди. «Филадельфиянинг «Дейли Ньюс» газетаси саҳифаларида сенинг номинг босилган». «Ўлиб кетмайдими, ўша Филадельфияси», – дея хаёл сурарди у. Трейсининг бу ерда битта иши қолди, шуни амалга оширади-ю, жўнаворди. Уни ҳеч ким танимайдиган Нью-Йоркка кетади. Тамом-вассалом. Шундай қарорга келиши билан енгил ҳис эта бошлади ўзини.

Трейси ўша куни кечкурун «Кофе Роял»да якка ўзи меҳмон бўлди. Кларенс Дезмонд билан ҳақоратомуз суҳбатдан кейин роҳатбахш осудалик, шинам жой ва дилга ҳуш ёқувчи мусиқа, кўнгилни ёзувчи муҳитни қўмсарди. У ўзига ароқ ва мартини буюрди, официант қиз айтганларини олиб келгач, Трейси залга кўз югуртира бошлади. Дабдурустдан унинг юраги ўйнаб кетди. Икки қадам нарида бир хоначада Чарльз хотини билан ўтирарди. Улар Трейсини кўрганларича йўқ эди. Трейси аввалига туриб кетмоқчи бўлди. У Чарльз билан учрашувга тайёр эмасди.

– Яна бирон нарса буюрадиларми? – деб сўради зал оғаси.

– Мен... мен... бироз кутаман, раҳмат. – Ахир бир қарорга келишим лозим.

У нигоҳини яна Чарльзга тикди, бироқ ҳайратомуз ўзгариш содир бўлди: у қаршисида нотаниш кимсани кўриб турарди. Унинг назарида рангпар, сочлари тўкилаёзган, ранги кетган, юзларига тушуниб бўлмайдиган дилхираликнинг сояси рахна солган ўрта ёшлардаги, букчайиб қолган киши намоён бўлганди. Қачонлардир умрини шу одамга бағишламоқчи бўлганига сира ишонгиси келмасди Трейсининг. У Чарльзнинг хотинига қаради. Унинг чеҳраси ҳам худди шундай ғамнок эди. Бу икковининг қиёфаси қон-қонга тушган, вақт ва замон кучоғида қотиб қолган одамларнинг сиёқини берарди. Трейси хаёлан уларнинг келажақдаги диққинафас, муҳаббат ва қувончдан асар бўлмаган дилгир ҳаётларини кўз олдига келтирди. «Шунинг ўзи Чарльзга берилган жазо», ўйлади у ва бирдан қалбини эзиб турган оғирликдан халос бўлганини ҳис этди.

Трейси имлаб зал оғасини чақирди.

– Буюртма қабул қилинг.

Ҳаммаси тамом бўлди. Ўтмиш узил-кесил дафн этилди.

У меҳмонхонага қайтиб келгач, банкдаги хизматчилар вақфида пули қолгани эсига тушди. Ҳамма пулларини ҳисоблаб чиқди, бир минг уч юз етмиш беш доллару олтмиш беш цент бўлибди. Трейси Кларенс Дезмондга мактуб ёзиб юборди ва икки кундан кейин жавобини олди:

«Қадрли мисс Уитней!

Мистер Дезмонднинг илтимосига биноан сизга жавоб ёзиб, шуни маълум қиламанки, ахлоқий ва маънавий мулоҳазаларга кўра, сизнинг улушингизни умумий фондга ўтказиб юборишибди. У киши сизга ҳеч қандай шахсий адовати йўқлигини таъкидлаяптилар.

Самимият ила сизнинг Мей Трентон. Катта вице-президент котибаси».

Трейси ўз кўзларига ишонгиси келмади. Улар Трейсининг пулларини банкнинг маънавий негизларини ҳимоя қилиш баҳонасида ўғирлашибди. У ғазабдан ўзини кўярга жой тополмасди. «Ўзимни лақиллатиб қўймайман уларга. Бундан буён ҳеч ким, ҳеч қачон мени лақиллата олмайди», – дея қасам ичди у.

Трейси Траст энд файделити банкнинг таниш эшиги олдида турарди. Унинг бошига узун қора ясамасоч, юзига эса энгагида қип-қизил янги чандиқли қалин грим тортилганди. Мабодо бирон кор-ҳол бўлиб қолса, улар унинг юзидаги ана шу чандиғини эслаб қолишади. Ўзининг ташқи қиёфаси шу даражада ўзгарганига қарамасдан Трейси ўзини яланғочдек ҳис этарди, чунки у ушбу банкда беш йил ишлади ва ҳамма ходимлари яхши билар эдилар уни. Ўзини билдириб қўймаслик учун жуда эҳтиёт бўлиши керак.

У сумкасидадан шиша қопқоғини олиб туфлисининг ичига қўйди ва оқсоқлаганча банк биносига кирди. Банк мижозлар билан тўлиб кетган эди. Трейси атайлаб банкнинг иши кундалик бизнес билан қизғин вақтини танлади. У оқсоқланиб мижозларга хизмат кўрсатадиган стол олдида борди. Стол олдида ўтирган эркак кўнғироқ қилиб бўлиб:

– Хўш? – деди.

Бу банк ҳуқуқшуноси Ион Крейтон эди. У яхудий, қора танли ва пуэртофикен халқларини ёмон кўрарди. У беш йил давомида Трейсининг ғашига тегиб юрганди. Ҳозир у Трейсини танимагани юзидан шундоқ билиниб турибди.

– Салом, сеньор. Мен жорий ҳисоб очмоқчийдим, – деди Трейси мексикаликлар талаффузида, буни қамоқхонада ён ҳужрадаги кўшни Паулитадан бир неча ойлар давомида эшитган эди.

Крейтоннинг башараси нафратдан ўзгариб кетди.

– Исмингиз?

– Рита Гонзалес.

– Ҳисобга қанча қўймоқчисиз?

– Ўн доллар.

Крейтоннинг овозида масхараомуз кулги сезилди.

– Чекми ёки нақд?

– Нақд.

Трейси кармонида эзилиб, деярли йиртилиш ҳолига келган пулни чиқарди-да, унга узатди. Крейтон бўш бланкани унинг олдида ирғитди.

– Манавини тўлдилинг.

Трейси ўз дастхатини билдиришни истамасди. Шу боис қовоғи солинди.

– Узр, сеньор. Ҳалокатда қўлим жароҳатланган, иложи бўлса, ўзингиз ёзиб берсангиз, илтимос.

Крейтон жаҳли чиқиб тўнғиллади. «Қуриб кетсин шу саводсиз яғир елкалар!»

– Рита Гонзалес дедингизми?

– Ҳа.

– Манзилингиз?

Трейси ўзи яшаётган меҳмонхона манзили ва телефонини айтди.

– Онангизнинг қизлик исми-шарифи?

– Гонзалес. Ойим ўз амакисига эрга теккан.

– Туғилган вақтингиз?

– 1958 йил, йигирманчи декабрь.

– Туғилган жойингиз?

– Сьюдад де Мехико.

– Мехико шаҳри. Манави ерга имзо чекинг.

– Чап қўлим билан имзо чекишимга тўғри келади, – деди Трейси ва ручкани олиб пала-партиш имзо чекди. Ион Крейтон кириш ордери ёзиб берди.

– Сизга муваққат чек дафтари ёзиб бераман. Босилган чекларингизни уч-тўрт ҳафта ичида юборишади.

– Катта раҳмат, сеньор.

– Арзимаиди.

У Трейсини банкдан чиқиб кетгунча кузатиб турди.

Компьютерга киришнинг жуда кўплаб ноқонуний йўллари топиш мумкин. Трейси эса мутахассис эди.

У Траст энд файделитли бэнкда сигнал тизимини ўрна-тишда қатнашган ва ҳозир унга панд бермоқчи эди.

Биринчи навбатда, компьютер сотиладиган дўконга кириши даркор. У банк компютеридан пул ечиб олиш учун терминалдан фойдаланиши мумкин. Банкдан сал наридаги дўкон деяри кимсасиз эди.

Сотувчи дарров Трейсининг олдига борди.

– Хўш, хизмат?

– Ўзим, шунчаки томоша қиляпман, сеньор.

Сотувчи диққатини электрон ўйин ўйнаётган болага қаратди.

– Кечирасиз, – деди-ю, шошиб нари кетди.

Треиси кўргазмадаги телефонга уланган компьютер нусхасига ўгирилди. Тизимга уланиш осон, бироқ тегишли кодсиз ахборот танлашнинг иложи йўқ. Треиси бир марта янги кодни тасдиқлаш масаласи кўрилган мажлисда қатнашган эди.

– Биз уни мунтазам алмаштириб турмоғимиз лозим, – деган эди ўшанда Кларенс Дезмонд. – Токи ҳеч ким улана олмаслиги даркор, лекин бу код билан фойдаланишга рухсат берилган ходимларга осон бўлиши учун ҳам алмаштиришни кўзда тутмоғимиз лозим.

Охир-оқибатда, код учун йилнинг тўрт фаслидан фойдаланишга келишиб олишди.

Треиси диққат-этиборини терминалга қаратди ва кодни терди. У қаттиқ чийиллаган овоз янграши биланоқ гўшакни терминал модемига қўйди. Кичкина экранда: «Сизнинг шахсий кодингиз?» деган ёзув пайдо бўлди.

Бугун ўнинчи сана эди. «Куз, ўнинчи», – деб терди Треиси. «Бу нотўғри код». Компютер экрани ҳеч нарса кўрсатмади.

«Наҳот кодни ўзгартиришган бўлса?» Треиси кўз қири билан унинг олдига келаётган сотувчини кўрди. У бошқа компьютер олдига борди, шу пайт йўлак бўйлаб кимдир кела бошлади. Сотувчи қадамини секинлатиб, эшикдан кириб келаётган салобатли эр-хотин томон пешвоз чиқ-

ди. Трейси кўргазма учун қўйилган компьютер олдига борди.

У ўзини Кларенс Дезмонд ўрнига қўйиб кўрди. Дезмонд бир сўзли одам, Трейси эса унинг кодни жуда ўзгартирмасликка мойил эканига ишончи комил эди. У вақт ва кунларни ўзгартирмасдан қолдириши мумкин. Лекин қай йўсиндалиги номаълум. Барча кунларни қайта териб чиқиш мушкул, шу боис фаслларнинг жойини ўзгартириши ҳақиқатга яқинроқ.

Трейси яна бир бор уриниб кўрди. «Сизнинг шахсий кодингиз?» Қиш, ўнинчи. Бу нотўғри код. Яна экранда ҳеч вақо кўринмади.

«Ишламаяпти, – умидсизланиб ўйлади Трейси. – Яна бир марта ҳаракат қилиб кўрай-чи!»

«Сизнинг шахсий кодингиз?» Баҳор, ўнинчи.

Экран бир зум очиқ қолди, кейин ёзув кўринди: Марҳамат, давом этинг.

Демак, у фасллар жойини ўзгартирибди. Трейси дарров тера бошлади: Шахсий молия усуллари! Экранда шу заҳотиёқ банк усулларининг ҳар турлари ёришди.

Сизга лозим:

А.Пул қўйиш.

Б.Пул ўтказиш.

В. Муваққат ҳисобдан пул олиш.

Г. Халқаро бўлимга ўтказиш.

Д. Жорий ҳисобдан пул олиш.

Марҳамат танланг.

Трейси Б ни танлади. Экран ўчди, кейин яна ёзув пайдо бўлди. Ўтказиладиган пул ҳажми? Қаерга? Қаердан?

Трейси терди: «Умумий захира жамғармасидан Рита Гонзалесга». Пул ҳажмига келганда у иккиланиб тўхтаб қолди.

«Жуда қизиқ, – деб ўйлади Трейси. – Модомики код ҳуқуқи бор экан, итоатгўй компьютер орқали истаган миқдордаги пулни ўтказиб бериши мумкин. У хоҳласа, миллион доллар олади. Бироқ Трейси ўғри эмас. Унинг бор-йўқ истаги, ўзига қонуний лозим бўлган пулни олиш».

Трейси тера бошлади: Бир минг уч юз етмиш беш доллар олтмиш беш цент ва Рита Гонзалес ҳисобрақамини кўшиб кўйди.

Экранда: Операция тугади, яна нима хоҳлайсиз? Сўзлар ёришди.

Йўқ.

Алоқа тугади. Раҳмат.

Халқаро банкларда пул ўтказиш йўли билан адо этиладиган тўлов тизимлари автоматик тарзда ўтказилади.

Клерк, қовоғини солиб Трейсига яқинлашди. Трейси шу ондаёқ тугмачани босди, экран ўчди.

– Шу машинани сотиб олмоқчимисиз, мисс.

– Йўқ, – деди Трейси. – Мен бу компьютерларни ҳеч тушунмайман.

Трейси дорихона ёнидаги телефон автоматдан банкка кўнғироқ қилди ва катта кассирни чақириб беришларини сўради.

– Алло. Бу – Рита Гонзалес. Мен жорий ҳисобимдаги пулларни Нью-Йоркдаги Ферст ганновер бэнкнинг бош бўлимига ўтказмоқчиман.

– Ҳисобрақамингиз, мисс Гонзалес?

Трейси айтди.

Трейси бир соатдан кейин «Хилтон» меҳмонхонаси билан ҳисоб-китоб қилиб, Нью-Йоркка жўнаб кетди.

Эртасига тонгда «Ферст ганновер бэнк» очилиши билан Рита Гонзалес ўз ҳисобрақамидан пул олиш учун ўша ерда ҳозир бўлди.

– Қанча экан? – деб сўради у.

Кассир текшириб деди:

– Бир минг уч юз саксон беш доллару олтмиш беш цент.

– Тўғри.

Балки банк чекини олишни хоҳларсиз, мисс, Гонзалес?

– Йўқ, – деди Трейси. – Банкларга ишончим йўқ. Пулларни нақд оламан.

Трейси қамоқхонадан чиқаётганида штат жорий этган икки юз доллар ва устига Эмига қараган меҳнати

эвазига топилган қўшимча арзимас пул олган, лекин ҳатто банк фондидан олган пуллари билан ҳам у ўзини моддий жиҳатдан бадастир деб ҳисоблай олмасди. У тезроқ ишга кириши, қанча тез бўлса, шунча яхши деб ҳисобларди.

У Лексингтон авенюдаги унчалик қиммат бўлмаган меҳмонхонага ишга кирди ва Нью-Йорк банкларига компьютер операторлигига ишга қабул қилиниш ҳақида эълонлар юборди. Бироқ компьютер унинг душмани эканини бирдан сезиб қолди. Барча банк компьютерлари Трейсининг таржимаи ҳолини билишар ва истаган мижозга унинг ҳақидаги маълумотларни дарров хабар қилишар эди. Трейсининг аризаларига унинг судлангани ҳақида билганлар автоматик равишда рад жавобини беришарди.

«Ўтмишингиз ҳақида билган биронта банк сизни ишга олиши маҳол», – деганида Кларенс Дезмонд ҳақ экан.

Треysi компьютер билан боғлиқ суғурта компаниялари ҳамда ўнлаб бошқа идораларга аризалар юборди, бироқ ҳамма жойдан бир хил рад жавобини оларди.

«Жуда соз, – ўйлади Треysi. – Бошқа иш қилиш ҳам кўлимдан келади». У «Нью-Йорк таймс» газетасини сотиб олди ва ишга ёллаш бўйича эълонларни кўздан кечири бошлади. Унга ташқи алоқалар фирмасидаги котибалик лавозими ёқиб қолди. Бироқ ўша фирма остонасидан ҳатлаб ўтиши биланоқ кадрлар бошқармасининг бошлиғи шундай деди:

– Ия! Сизни телевизорда кўрганман! Сиз қамоқхонада бир болани қутқаргансиз, тўғрими?

Треysi ортига ўгирилди-ю, ташқарига ўқдек отилиб чиқди.

У эртасигаёқ Бешинчи авенюдаги «Сакс» дўконига болалар моллари бўлимига ишга кирди. Маоши, ўзининг одатда оладиганидан анча кам бўлса ҳам ҳар ҳолда кунига ярайдиган даражада эди.

Иккинчи куни жазаваси кўзиган харидор аёл шу қават бошлиғига ёш болани чўктириб ўлдирган қотил билан муомала қилишга қаршилигини билдирди. Трейсига

ҳатто сабабини ҳам билдирмай тўсатдан ишдан бўшатиб юборишди.

Трейсининг назарида, ўзи ўчини олган ўша одамлар қўлларидан келган ёмонликларини қилиб бўлгандек эди. Улар Трейсини қувғинга тушган давлат жиноятчисига айлантиришди. Бошига тушган адолатсизлик унинг кийноққа соларди. У бундан бу ёғига қандай кун кечирishi мумкинлигини ҳеч ҳам тасаввур қила олмас ва биринча марта ўзини қўярга жой тополмай қолди. У ўша кун кечкурун кармонида қанча пул қолганини текшираётиб, қамоқхонада Бетти Францискус бериб юборган бир парча қоғозга кўзи тушиб қолди.

Конрад Морган, заргар. 640. Бешинчи авеню. Нью-Йорк. «У жиноят ҳуқуқини ўзгартириш тарафдори. У қамоқхонада ётиб чиққан одамларга ёрдам қўлини чўзишни ёқтирарди».

Конрад Морганнинг заргарлик магазини эшиги олдида дарбони ва чиқишда қуролланган кўрикчиси бўлган ўзига яраша келишган корхона эди. Қимматбаҳо буюмлар билан безалган ораста дўкон эди.

Трейси котибага мурожаат этди:

– Мистер Конрад Морганни кўрсам бўладими?

– Учрашув тайинлаган эдиларми?

– Йўқ. Бир танишимиз у кишини кўриб кетишни тайинлаган эди.

– Исмингиз?

– Трейси Уитней.

Котиба телефон гўшагини олиб, бир нарсалар деб минғирлади. Трейси эшита олмади. Котиба гўшакни қўйиб, деди:

– Мистер Морган ҳозир бандлар. У киши соат олтиларда кела оласизми деб сўраяптилар?

– Ҳа, албатта, – деди Трейси.

У кўчага чиқиб, йўлакда бир дақиқа хаёл суриб туриб қолди. Нью-Йоркка келиши хато бўлганга ўхшайди. Бу Морганнинг унга ҳеч қандай ёрдами тегмайди, шекилли.

Қанақасига тегиши мумкин? Трейси унга мутлақо нота-ниш бўлса? «Менга панд-насихат қилиб озгина садақа бериб жўнатади. Менга эса садақалар керак эмас. Бир амаллаб кунимни кўриб кетаман. Жин урсин ўша Конрад Морганни. Бу ерга келмайман...»

Трейси бемақсад кўча кезди. Бешинчи авенюдаги ҳашаматли салонлар, Парк-авенюдаги соқчилик турар жойлар, Лексингтон ва Учинчи авенюдаги гавжум магазинлар ёнидан ўтса ҳам умиди пучга чиққанидан кўзига ҳеч нарса кўринмасди.

У соат олтида ўзи сезмаган ҳолда Бешинчи авенюдаги Конрад Морган дўкони олдига келиб қолди. Эшикоға кетган экан. Трейси эшикни тортган эди, кутилмаганда очилди.

Эшик олдида қиёфаси судхўрларникига ўхшаш эркак пайдо бўлди. У Трейсига тикилиб турарди. У оқарган яккам-дуккам сочлари қулоқларига осилиб тушган, очик чеҳраси қип-қизил ва ҳаётга ташна мовий кўзлари ялтираб турган гномга ўхшар эди.

– Сиз мисс Уитней бўлсангиз керак-а?

– Ҳа...

– Мен Конрад Морганман. Марҳамат, ичкарига киринг. Трейси бўшаб қолган дўконга кирди.

– Сизни кутиб турган эдим, – деди Конрад Морган. – Менинг кабинетимга кирайлик, ўша ерда бемалол гаплашиб оламиз.

Яхши дид билан жиҳозланган кабинет музокара қиладиган иш хонасидан кўра кўпроқ уйни эслатарди. Кушетка, стуллар ва чиройли қўйилган курсилар хонага чирой бахш этарди. Деворларга қадимий усталарнинг расмлари осилган эди.

– Нима буюрадилар? – сўради Конрад Морган. – Вискими, коньякми, балки шерри ичарсиз?

– Йўқ, раҳмат, ҳеч нарса ичмайман.

Трейси бирдан ҳаяжонлана бошлади. У бу одамнинг бирон-бир фойдаси тегиши мумкинлиги ҳақидаги фикр-

дан йироқ бўлса ҳам, лекин қалбида қандайдир илинж пайдо бўлганини ҳис этди.

– Мистер Морган, Бетти Францискус сизга учрашишимни тавсия этганди. У айтдики, сиз... бошига кулфат тушганларга ёрдам бераркансиз... ҳалиги. – У қамоқхона сўзини айта олмасди.

Конрад Морган чапак чалиб юборди ва Трейсининг тирноқлари қизил маникюр қилинганини кўриб қолди.

– Бечора Бетти. Шундай яхши леди. Биласизми, унинг омади чопмади.

– Омади чопмади?

– Ҳа. У қўлга тушиб қолди.

– Мен... Мен тушунмадим.

– Бу жўн нарса, мисс Уитней. Бетти менда ишларди. У жуда яхши ҳимояланган эди. Кейин у бечора аёл янги орлеанлик бир ҳайдовчини севиб қолди-ю, таваккал қилиб, у билан қочди... Кейин, уни ушлаб олишди.

Треиси ҳайрон бўлди.

– Бетти сизда сотувчи бўлиб ишлармиди?

Конрад Морган ўзини орқага ташлаб, шундай хахолаб кулиб юбордики, ҳатто кўзларидан ёш ҳам чиқиб кетди.

– Йўқ, азизим, – деди у кўз ёшларини артар экан. – Афтидан, Бетти сизга ҳеч нарсани тушунтириб бермаган кўринади. – У стулга ялпайиб ўтириб олди-да, бармоғини бигиз қилди. – Менда қизиқ бир даромадли иш бор, мисс Уитней, ҳамкасбларим билан даромадни орттириш менга катта хузур бағишлайди. Мен қамоқхонада ўтириб чиққанларни бажонидил шу ишга ёллайман.

Треиси Морганга янада ҳайрон бўлиб қаради.

– Кўриб турибсизки, иш шароитим аъло даражада. Мижозларим ҳам ишончли. Мижозларим бора-бора менга дўст бўлиб қолишади. Улар менга ишонишади... – У бармоқларининг учи билан иккинчи кўлининг кафтини оҳиста чертиб ўтирарди. – Улар қачон сафарга чиқишларидан хабардор бўлиб тураман. Бу нотинч замонда камдан-кам одам зеб-зийнат билан саёҳатга чиқади, шу-

нинг учун қимматбаҳо буюмларини уйда қолдиришади. Мен уларга ўз хазиналарини қандай қилиб асрашни ўргатаман. Кимда қанақа заргарлик буюмлари борлигини аниқ биламан, чунки бу буюмларни мендан сотиб олишади-да. Улар...

Трейси ўрнидан сапчиб турди.

– Менга вақтингизни аямаганингиз учун миннатдорман, мистер Морган.

– Шу дамда кетмоқчи бўляпсизми?

– Агар мен ўйлаётган нарсани кўзда тутаётган бўлсангиз...

– Ҳа, ўлманг, мен шуни кўзда тутяпман.

Трейси юзига қизиллик тепганини сизди.

– Мен жиноятчи эмасман. Мен бу ерга ишлаш учун келганман.

– Мен ҳам сизга иш таклиф қиляпман, азизим. Бу бир ё икки соат вақтингизни олади, холос, аммо шунинг учун сизга йигирма беш минг доллар тўлайман. – У истехзоли жилмайиб қўйди. – Албатта ҳеч қандай солиқсиз.

Трейси ғазабини зўрға яшириб турарди.

– Мени бу иш қизиқтирмайди. Илтимос, мени бу ердан кузатиб қўйсангиз.

– Майли, хоҳишингиз. – У ўрнидан туриб Трейсини эшикка кузатиб қўйди. – Мисс Уитней, шуни эсда тутингки, заррача ҳам фош этилиш хавфи бўлганда эди, мен бу ишга қўл уриб ўтирмасдим. Мен ўз обрўйимни сақлашим лозим.

– Мен ҳеч кимга айтмайман, деб ваъда бераман, – деди совуқ оҳангда Трейси.

Морган мийиғида кулиб деди:

– Айтадиган гапнинг ўзи йўқ, тўғри эмасми? Айтмоқчиманки, ким ҳам сизга ишонарди? Мен – Конрад Морганман.

Дўкондан чиқаверишда қўшиб қўйди:

– Мабодо фикрингиз ўзгариб қолса, менга хабар қилинг. Кутаман.

– Йўқ, – қатъий жавоб берди Трейси ва қоронғилик чўка бошлаган кўчага чиқиб кетди. У меҳмонхонага етиб борганида ҳам ички қалтироғини боса олмас эди.

Трейси хизматкорни кофе ва сэндвич келтиришга юборди. Конрад Морган билан учрашувидан кейин устига мағзава ағдарилгандек ҳис этарди. Трейсини ҳар хил жинойтларга аралашиб келган ўта қув ва қаллоб хотинларга ўхшатиб юборди. Трейси Уитней эса компьютерни дастурлаштириш бўйича мутахассис, фуқаролик қонунига амал қиладиган ҳалол аёл.

Аммо, ҳеч ким уни ишга олмасди. У ўз келажагини ўйлайвериб кечаси билан мижжа қоқмади. Ишсиз, пули ҳам оз қолган. Трейси иккита қарорга келди: эрта билан арзонроқ жойга кўчиб ўтади ва ўзига иш топади. Қанақа бўлишидан қатъи назар.

Арзон жойи Лоуэр Ист Сайддаги лифтсиз тўртинчи қаватдаги бир хонали қоронғи уй бўлиб чиқди. Трейси деворлари фанердан қилинган хонасида кўшниларнинг хорижий тиллардаги суҳбати эшитилиб турарди. Кўчада қатор жойлашган дўкончаларнинг панжарали эшик-ойналари тақа-тақ беркитилган. Трейси бунинг боисини тушунди. Бу даҳада пияниста, фоҳиша ва гиёҳвандлар яшар экан.

Магазинга кетаётиб, йўлда унга уч марта тажовуз бўлди: икки марта – эркаклар, бир марта – хотин киши.

«Бунга чидайман. Бу ерда узоқ яшамайман», – деб ўзини овутди Трейси.

Трейси яшаётган уйдан сал нарида меҳнат биржасини топди.

Биржани жуда семиз, ёши ҳам улғайиб қолган миссис Мэрфи бошқарарди. У Трейсининг маълумотларини ёзиб оларкан, унга илинж билан қараб қўйди.

– Мендан нима ишташингизни билмайман-у, лекин сизни қучоқ очиб чорлаб оладиган ўнлаб компаниялар нақд. Трейси чуқур хўрсиниб қўйди:

– Мени бир нарса қийнамоқда, – деди у. Миссис Мэрфи унинг гапига диққат билан кулоқ солиб ўтирди. Трейсининг гапи туттагандан кейин дик этиб ўрнидан турди-да:

– Ундай бўлса компьютерда ишлашни орзу ҳам қилмай кўя қолинг.

– Ахир, ўзингиз айтдингизки...

– Компаниялар компьютер безориларидан юракларини ҳовучлашади. Улар судланган одамни ёлламайдилар.

– Лекин мен ишлашим керак. Мен...

– Ишнинг бошқа турлариям бор. Сотувчи бўлиб ишлашга ҳушингиз қалай?

Трейси универмагдаги ўзининг охири вой бўлган тажрибасини эслади. Бунинг қайтарилишига асло йўл кўя олмайди.

– Яна бошқа бирон-бир иш йўқми?

Аёл иккиланиб турди. Афтидан, миссис Мэрфи мўлжаллаган малакасиз иш Трейси Уитнейга тўғри келмайдиган кўринарди.

– Менга қаранг, – деди охирида аёл. – Мен тушуниб турибман, бу сизга малол келиши мумкин, лекин «Жексон туйнуги»да официанткаликка бўш ўрин бор, Аппер Ист Сайддаги кафе-гамбургерда.

– Официантликми?

– Ҳа. Рози бўлсангиз, сиздан ҳеч қандай воситачилик ҳақини олмайман, гап шундаки, бу ҳақда ҳозиргина хабар қилишди.

Трейси ўтирган жойида яхши-ёмон томонларини мулоҳаза қиларди. Ҳозир олдида ҳаёт-мамот масаласи турибди.

– Ишлаб кўраман, – деди ниҳоят.

«Жексон туйнуги» сершовқин, сабр-тоқатсиз мижозлар ва ҳолдан тойиб зардаси қайнаган ошпазларга тўла. Шунга қарамай овқатлари мазали, нархлари ҳам чидаса бўладиган жой экан. Лекин, энг муҳими, Трейси ишлаб пул топарди.

Трейси эртасига тушлик пайтида савдогарлар ўтирган столини хизматини адо қилаётганида эркаклардан

бири унинг кўйлаги остига қўлини чўзди, Трейси эса унинг бошига чили¹ солинган товоқни ағдариб юборди.

Миссис Мэрфи олдига қайтиб бориб, бўлган воқеани айтиб беришга мажбур бўлди.

– Сизга яхши янгилик бор, – деди миссис Мэрфи. «Веллингтон Армс»га администратор ёрдамчиси керак. Сизни ўша жойга юбормоқчиман.

«Веллингтон Армс» – Парк Авенюдаги унча катта бўлмаган башанг меҳмонхона бўлиб, унга бадавлат аслзодалар келиб туришарди. Администратор Трейси билан суҳбат ўтказиб, уни ишга қабул этди. Иш қийин эмас, хизмат ходимлари ёқимтой одамлар экан.

Трейсини бир ҳафтадан кейин бошлиқ хонасига таклиф этишди. Бошлиқнинг ёрдамчиси ҳам ўша жойда ҳозир эди.

– Сиз бугун саккиз юз йигирма еттинчи хонани текширган эдингизми? – деб сўради бошлиқ Трейсидан. Ўша хонани Ҳолливуд актрисаси Женифер Мэрлоу эгаллаб турган эди. Оқсоч ходимлар ўз ишларини яхшилаб адо этишлари учун ҳар бир хонани синчиклаб текшириб туриш Трейсининг вазифасига кирарди.

– Ҳа, нима бўпти?

– Қайси вақтда?

– Соат иккида. Бирон нарса рўй бердими?

Бошлиқ ёрдамчиси бидирлади:

– Миссис Марлоу соат учда қайтиб келиб қарасалар, бриллиант кўзли узуклари ғойиб бўлган эмиш.

Трейси аъзои бадани тортишаётганини сизди.

– Ётоқхонага кирдингизми, Трейси?

– Ҳа. Мен ҳар бир хонани кўздан кечирдим.

– Ётоқхонага кирганингизда бирор жойда ётган қимматбаҳо буюмга кўзингиз тушмадими?

– Йўқ, бунга нега мендан сўраяпсиз?

– Мисс Марлоу хонадан чиқиб кетаётганимизда узугим пардоз курсида ётган эди, деяптилар.

– Бу ҳақда мен ҳеч нарсани билмайман.

– Бу хонага киришга бошқа ҳеч кимнинг ҳуқуқи йўқ. Оқсочларимиз бизда кўп йиллардан бери ишлашади.

– Мен узукни олган эмасман.

Бошлиқ ёрдамчиси хўрсиниб қўйди.

– Бу ишни текшириш учун полицияни чақиришга мажбурмиз.

– Балки бу ишни биров қилгандир, – қичқириб юбёраёзди Трейси. – Ё бўлмаса мисс Марлоу узугини бошқа жойга олиб қўйгандир.

– Судланганингизни эътиборга олинса... – минғирлади бошлиқ.

Мана, «Судланганингизни эътиборга олинса...» сўзлари ҳам эслатиб ўтилди.

– Полиция келгунча шу хонада тура туришингизни илтимос қиламан.

Трейси ёноқлари ловиллаб кетганини сизди.

– Яхши, сэр.

Соқчилардан бири уни хонага кузатиб қўйди, Трейсининг назарида қамоқхонага қайтиб келгандек бўлди. Чунки унда тамға бор эди-да. «Ёки хулқ-атворим билан ўтмиш айбини унутишга мажбур қилишим керакдир», – надомат билан ўйлади Трейси.

Бошлиқ ёрдамчиси ўттиз дақиқадан кейин хонага илжайиб кириб келди.

– Мана бу бошқа гап! – гўлдиради у. – Мисс Марлоу узугини топди. Ҳар ҳолда узугини бошқа жойга олиб қўйган экан. Арзимаган тушунмовчилик содир бўлди.

– Жуда соз, – деди Трейси.

У хонадан чиқди-ю, тўғри Конрад Морганнинг заргарлик дўконига йўл олди.

– Бу – кулгили даражада оддий нарса, – тушунтира кетди Конрад Морган. – Мижозларимдан бири, Лойс Беллами Оврўпога жўнаб кетган. Унинг уйи Лонг-Айлендаги Денгиз Қояси деган жойда. Дам олиш кунлари барча хизматкорлари дам олишади, шу боис уйда ҳеч ким йўқ. Шахсий соқчи ҳар тўрт соатда текшириб туради. Сиз бир неча дақиқадаёқ уйга кириб, яна чиқиб кетасиз.

Трейси Конрад Морганнинг хонасида ўтирарди.

– Мен сигнал бериш тизимини ҳам, сейф шифрини ҳам биламан. Сизнинг бор-йўғи қиладиган ишингиз – кириб, қимматбаҳо буюмларни олиб чиқишдан иборат. Зеб-зийнатларни менга олиб келасиз, мен тошларни гардишдан олиб, катталарини арралаб, бўламан ва қайтадан сотаман.

– Модомики, бу шунчалар оддий иш экан, нима учун ўзингиз қилмайсиз? – Чўрт кесиб савол берди Трейси.

Морган ҳаворанг кўзларини пирпиратди:

– Чунки мен зарур иш билан шаҳардан кетишим керак. Арзимаган нохушликлар бўлаётган вақтда доимо шаҳардан чиқиб кетаман.

– Тушунарли.

– Мабодо бу ўғирлик миссис Белламига зарар келтиради, деган шубҳангиз бўлса, буни миянгиздан чиқариб ташланг. У шунчалик бадавлат аёлки, қимматбаҳо зебу зийнатлар тиқиб ташланган уйлари бутун дунёда тўлиб тошиб ётибди. Бундан ташқари, у бутун заргарлик буюмларини икки маротаба суғурта қилдирган. Табиийки, уларнинг ҳаммасининг баҳосини мен қўйганман.

Трейси Конрад Морганга бақрайиб қараб ўтираркан, ўзича: «Жинни-пинни бўлиб қолдим-ов. Бу одам билан шу уйда ўтириб олиб бамайлихотир қимматбаҳо буюмларни ўғирлаш ҳақида маслаҳат қилмоқдаман», – деб ўйларди.

– Мистер Морган, яна қамоқхонага тушишга хоҳишим йўқ.

– Бундан хавотир олманг. Одамларимнинг биронтаси ҳам менга ишлаган вақтида қўлга тушмаган. Хўш... Нима дейсиз?

Телбаларча хомхаёлга ўхшарди.

– Йигирма беш минг доллар дедингизми?

– Менга топширганингизда нақд оласиз.

Бу, Трейси ўз келажаги муаммосини ҳал қилаётган бир вақтда, бутун бир давлат-ку.

У ўзи яшаётган қоронғи кичкина ҳужра ҳақида ўйлади, фарёд қилаётган болаларни «Менга қотил аёлнинг хизмати керакмас», – деб бақирган харидорни, «Бу ишни текшириш учун полиция чақиришга мажбурмиз», – деган бошлиқ ёрдамчисини эслади.

Бироқ Трейси шунда ҳам рози бўла олмасди.

– Бу ишни шанба куни оқшомда амалга оширишни тавсия этардим, – деди Морган. – Хизматкорлар ҳар шанбада пешин вақтида кетишади. Мен сизнинг номингизга ҳайдовчининг гувоҳномасини ҳамда кредит карточкасини олиб бераман. Сиз шу ерда, Манхэттенда ижарага машина оласиз-да, Лонг-Айлендга жўнайсиз, соат ўн бирларга у ерга етиб борасиз. Қимматбаҳо буюмларни олиб Нью-Йоркка қайтиб келасиз, машинани топширасиз... Ишончим комилки, машина ҳайдашни билсангиз керак?

– Ҳа.

– Жуда соз. Поезд Сент-Луисга тонг билан соат бешу қирқ бешда жўнайди. Купе буюриб кўяман. Мен сизни Сент-Луис станциясида кутиб оламан. Менга буюмларни топширасиз, мен эса сизга йигирма беш минг долларни бераман.

Рад жавобини бериб, туриб кетадиган вақт келди. «Кетаман, лекин қаерга?»

– Менга оқиш рангдаги ясама соч керак бўлади, – оҳиста деди Трейси.

Трейси кетди, Конрад Морган ўз хонасида у ҳақда ўйлаб қолди. Гўзал аёл. Жуда латофатли. У ўзидан уялиб кетди. Миссис Беллами уйидаги сигналлаштирилган махсус тизим билан унчалик таниш эмаслигини Трейсига айтиб қўйиши лозим эди.

2

Конрад Морган минг долларни олдиндан тўлаб қўйди. Трейси бири оч малла, иккинчи сочлари майда-майда қилиб ўралган иккита ясама соч сотиб олди. Лексингтон-

авенюдаги кўча сотувчисидан тўқ ҳаворанг костюм-шим, қора комбенизон ва саквояж харид қилди. Ҳозирча ҳаммаси силлиқ кетяпти. Трейси конвертда Морган ваъда қилган Эллен Бранг номидаги ҳайдовчи гувоҳномасини, Беллами уйидаги сигнализация тизими чизмасини, ётоқхонада жойлашган сейфнинг махфий шифрини ва Сент-Ауисгача поезд чиптасини (энг четдаги купедан) олди. Трейси ўзининг барча лаш-лушини йиғиштириб, ҳужрасидан чиқиб кетди. «Бундан кейин ҳеч қачон бундай хонада яшамайман», – деб ўзига-ўзи ваъда берди у. Ижарага машина олди-ю, Лонг-айлендга жўнаб кетди.

У қилаётган иши тушида бўлаётгандек, чўчиб тушди. Ушлаб олишса-чи? Таваккал қилишга арзийдими?

«Бу – кулгили даражада оддий нарса. Ишончим комил бўлмаса, бунақа ишга қўл уриб ўтирмасдим. Мен ўз обрўимни сақлашим керак». «Менинг ҳам обрўим бор, – эслади Трейси алам билан. – Шундай обрўки, ҳимоя қилишнинг ҳожати йўқ. Қимматбаҳо буюмлардан бир бўлаги йўқолиб қолгудек бўлса, токи айбдор эмаслигим исботланмагунча мени таъқиб қилишаверади».

Трейси жазавага тушгунча ўзини қийнашга ҳаракат қилди. Ўзини жиноятга тайёр қилишга ҳаракат қиларди. Бироқ бунинг уддасидан чиқолмади. «Денгиз Қояси»-га яқинлашганда асаблари дош беролмади. Трейси сал бўлмаса икки марта автомобиль ҳалокатига учрай деди. «Балки полиция қондани бузганим учун ушлаб олиб кетар, – умид билан ўйлади у. – Шунда мистер Морганга айтадиган баҳона топилади».

Афсуски, полиция машинаси кўринмасди. «Албатта, уларга жуда зарурат туғилганда қоралари ҳам кўринмайди», – нафрат билан хулоса қилди Трейси.

У Конрад Морган кўрсатган йўлланмасига риоя қилган ҳолда Лонг-Айленд томон кетиб борарди. «Унинг атрофи сув билан ўралган. Номи «Эмберс». Бу викториан услубидаги кўҳна данғиллама бино. Ёнидан ўтиб кетмайсиз».

«Қанийди, кўрмай ўтиб кетсам», – илтижо қилди у.

Мана, қоронғиликда мисоли одамхўрнинг афсонавий қасридек бинонинг тарҳи кўрина бошлади. Бино узоқдан овлоқ жойга ўхшарди.

«Хизматкорлар уйни ташлаб кетишга қандай журъат этишибди! – ғазаби жўшиб ўйлади Трейси, – ҳаммасини ишдан ҳайдаш керак!»

Трейси машинани толзорга яшириб қўйди-да, атрофга кулоқ осди. Ҳеч қандай овоз сукунатни бузмасди. Бино бош йўлдан ичкарида бўлиб, бу кечки пайтда йўлда ҳеч қандай ҳаракат йўқ эди.

«Уй дарахтлар панасида, азизим, энг яқин қўшни эса уйдан бир неча акр нарида, шу боис сизни бирон кимса кўриб қолишидан кўрқманг. Соқчи машина кеч соат ўнда кейин тун соат иккида текширув қилади. Иккигача сиз жуда узоқда бўласиз».

Трейси соатига қаради. Ўн бир. Демак, биринчи соқчи машина ўтиб кетган. Навбатдаги соқчи келгунча унинг ихтиёрида уч соат бор. Ёки машинасини буриб Нью-Йоркка қайтиши ва бу телбаликни унутиши учун у дақиқа вақти бор. Бироқ нимасига қайтади?

«Компьютерда ишлашни хаёлингизга ҳам келтирманг. Улар судланган одамни ёлламайдилар...»

«Бир ёки икки соат «меҳнати»нгиз учун йигирма беш минг доллар. Агар шубҳаланаётган бўлсангиз, у ҳақиқатан ҳам даҳшатли хотин».

«Нима қиляпман?» – ўйларди Трейси. – Мен ахир қароқчи эмас, ишни асабий барбод қилиш ёқасида турган, уста кўрмаган ҳаваскорман. Агар зиғирча ақлим бўлса, ҳали кеч бўлмасдан, ҳали мени ушлаб отиб ташлаб, ифлос жасадимни денгизга улоқтиришмасдан бу ердан жўнаб кетишим лозим эди. Газеталарда қандай сарлавҳа бўлишини тасаввур қилиши мумкин: «Хавфли жиноятчи аёл ўғрилиқ қилаётганида отиб ташланди».

Ким унинг ўлимига аза тутаяди? Эрнестина ва Эми. Трейси соатига қаради. «Эй худойим!» У машинада яна

йигирма дақиқа ўтирди. «Модомики, шу ишни қилар эканман, унда, яхшиси, тезроқ ишга киришмоқ даркор».

Трейси қимирлай олмасди. Уни ваҳима босди. «Бу ерда узок туролмайман!»

Трейси чуқур нафас олди-да, машинадан чиқди. Тиззалари қалтирарди. У секин-аста уйга яқинлашиб борди.

«Кўлқоп кийиб олишни унутма».

Трейси чўнтагидан кўлқопларни олди. «Эй худо, нима қилмоқдаман!.. – ўйлади у. – Дарҳақиқат, олға кетяпман». Юраклари дук-дук урганидан Трейсининг қулоқлари ҳеч қандай овоз эшитмасди.

«Сигнализация – кираверишдаги эшикнинг сўл томонида. Бешта тугмачаси бор. Агар қизил чироқ ёнса, сигнализация кўйилган бўлади. Уни ўчириш шифри – уч, икки, тўрт, бир, бир. Қизил чироқ ўчганидан кейин сигнализация узилган деб биласиз. Манави фонарчадан фойдаланинг. Уй ичида асло чироқ ёқманг. Чунки уй ёнидан биронтаси ўтиб қолиши мумкин. Беканинг ётоқхонаси – тепадан сўлда, деразалари кўрфазга қараган. Сейф Лойс Белламининг сурати орқасида. Жуда оддий сейф. Қиладиган ишингиз – мана шу шифрни териш...»

Трейси қалтираган, тик этган товушдан қочишга тайёр ҳолда асаблари таранг турарди. Сукунат. У секин-аста кўлини чўзиб сигнализация тизимининг тартиб билан тугмачаларини босар экан, чироқ ўчиб қолмаса бўлгани, деб илтижо қиларди. Қизил чироқ ўчди. Кейинги қадам уни адо этади. Бу ҳақда учувчиларнинг: қайтмас нуқта, деган иборасини эслади.

Трейси калитни кулф тешигига тикди – эшик ланг очилди. Ичкари кирмай бир дақиқа туриб қолди. Уй ваҳимали сукунатга чўккан. Трейси фонарчани олиб ёқди ва кўзига зина кўринди. У ичкарига кириб, пиллапоядан юқорига кўтарила бошлади. Ҳозирги дамдаги унинг яккаю ягона орзуси – ишни тезроқ тугатиб, қочиш.

Иккинчи қаватда фонарнинг хира ёғдусидаги йўлак ваҳимали зулмат ичида эди. Трейси йўлакдан борар

экан, йўл-йўлакай ҳар бир хонага мўралаб ўтди. Барчаси бўш экан.

Беканинг ётоқхонаси йўлакнинг этагида жойлашган эди. Трейсининг кўзига чодирга ўралган каравот, қип-қизил гуллар билан безалган кийим жавон иккита қизил кресло ва камин олдига қўйилган емак столи кўринди. «Мен ҳам худди шундай хонада Чарльз ва болам билан яшашим мумкин эди», – деб хаёлидан ўтказди Трейси.

У дераза олдига борди ва узоқдаги кўрфазда қотиб турган кемаларга назар ташлади. «Эй худойим, нима учун Лойе Белламини мана бундай ҳашамли уйда яшашни, мени эса уни ўмаришни тақдири азал қилдинг? Ишни тезроқ битир, ҳой қиз! – деди у ўзига-ўзи. Бўлмағур хаёлларга берилма! Бир неча сониядан сўнг вақт тугайди, ҳар сония ғанимат. Ишни тезроқ бажар!»

Трейси деразадан орқасига ўгирилди ва Морган айтган девордаги сурат олдига борди. Лойс Белламининг нигоҳи жиддий ва такаббуруна эди. «Ҳақиқатан ҳам, бу хотиннинг турқи совуқ экан». Сурат четга сурилди, орқасида эса унча катта бўлмаган сейф бор экан. Трейси шифрни эслади. «Уч ўнгга бурилади, қирқ иккида тўхташ лозим. Икки сўлга бурилади, ўнда тўхташ керак. Бир ўнгга бурилади, ўттизда тўхташ керак». Трейсининг қўллари шундай қалтирардики, ишни икки қайтадан бошлашга мажбур бўлди. Ширқ этган товуш эшитилди. Темир эшик очилди.

Сейф қалин конвертлар ва қоғозлар билан тўла, лекин Трейси уларга аҳамият бермади. Орқадаги кичкина тоқчада зеб-зийнат солинган халтача ётганди. Трейси халтачани жойидан олди. Шу ондаёқ сигнализация мослама ишлаб кетди-ю, қулоқни қар қиладиган қўнғироқ янграб кетди. Унинг овози уйнинг ҳар бурчагидан хавф-хатардан дарак бериб, акс садо бераётгандек эди. Трейси ваҳимадан тарашадек қотиб қолди.

«Нимада хато қилдим? Наҳотки Конрад Морган сейфнинг ичида қимматбаҳо буюмлар олинаётган пайтда ишлаб кетадиган сигнализациядан хабари бўлмаган бўлса?»

Бу ердан тезроқ жуфтакни ростлаб қолиш лозим. Аммо шу пайт бошқа хатарли хуштак овози эшитилди. Трейси яқинлашиб келаётган хуштакнинг чуриллашини эшитди. Қўрқувдан юраги қинидан чиқаёзганди, оғзи қуриб кетган Трейси иккинчи қаватда турарди. У дераза олдига югуриб борди-да, дарпардаларни кўтариб ташқарига қаради. Оқ-қора соқчи машинаси уйнинг олдига катта тезликда келиб тўхтади. Трейси, бир полициячи орқа эшикка, иккинчиси эса олдинги эшик олдига югуриб келаётганини кўрди. Қочишнинг иложи йўқ. Хуштак уй ичида ҳам, ташқарида ҳам тинмай чурилларди. Бу хуштак бирдан унга жанубий Луизиана хотинлар қамоқхонасидаги даҳшатга солувчи увиллашларни эслатди.

«Йўқ! – ўйлади Трейси. – Мени яна ўша ёққа жўнатишларига йўл қўймайман».

Олд эшикнинг кўнғироғи янгради.

Лейтенант Мелвин Дэркин Денгиз Қояси деб аталмиш тинч шаҳарчанинг полиция бўлинмасида ўн йил хизмат қилган. Полициянинг асосий кучлари безориларни саранжом қилиш ёки шанба оқшомларида содир бўлиши мумкин бўлган кўча ёқалашувларини бартараф этишга қаратилар эди. Беллами уйидаги сигнализациянинг ишлаб кетиши бошқа тоифага киради. Лейтенант Дэркин Лойс Белламини ва унинг бебаҳо суратлар коллекцияси ҳамда заргарлик безакларини билар эди. Беллами кетганидан кейин бу уйга алоҳида эътибор қаратган ва вақти-вақти билан уй атрофида соқчилик қилар эди. «Мана, биттасини қўлга туширдим-ов», деб ўйлади лейтенант. Қўриқчилар бўлинмасининг навбатчисидан радио орқали юборилган сигнални яқин орада туриб эшитди. «Бу менинг унвонимни оширишда катта таъсир беради. Зўр!»

Лейтенант Дэркин эшик кўнғироғи тугмасини яна босди. У ўз кўрсатмасида уйга бостириб кириши учун куч ишлатишдан олдин уч марта кўнғироқ қилганини муҳрлаб ёзиб бермоқчи эди.

Унинг шериги орқа эшикни тўсиб турибди, шу боис босқинчи учун қочиш имкони йўқ. Мелвин Дэркиндан ҳеч ким қочиб қутулолмайди.

Лейтенант учинчи марта қўнғироқни босиш учун қўлини узатганда, тўсатдан эшик очилди. Полициячи ҳайрон бўлганча жойида тўхтади. Остонада эркак киши хаёлининг парвозига ўрин қолдирмайдиган, ниҳоятда юпқа тун кўйлак кийган аёл пайдо бўлди. У юзига ниқоб суриб олган, жингала сочлари чодра билан ёпилган эди.

– Нима гап? – сўради аёл.

Лейтенант Деркин дудуқланиб:

– Мен... сиз кимсиз?

– Менинг исмим Эллен Бранг. Лойс Белламининг меҳмони бўламан. Хоним Оврўпога кетган.

– Буни биламан, – деди лейтенант хижолат чекиб. – Хоним бизга меҳмон ҳақида ҳеч нарса демаганлар.

Остонада турган аёл тушунгандек бош ирғади-да:

– Лойсдан буни кутса бўлади. Кечирасиз, шовқинга ҳеч тоқатим йўқ, – деди.

Лейтенант Деркин Лойс Белламининг меҳмони сигнализация тугмачаларига бармоқларини узатиб, тартиб билан рақамларини босиб чиқишини кузатиб турди, шовқин тинди.

– Шунда яхши бўлади, – дея хўрсинди аёл. – Сизни кўрганимдан қанчалик хурсанд бўлганимни изҳор этолмайман ҳам, – дея сохта кулиб қўйди. – Мен энди ўринга ётмоқчи бўлган эдимки, сигнализация ишлаб кетса бўладими. Уйга ўғри кирибди деб кўрқиб кетдим, ахир, бир ўзим бўлсам. Хизматкорлар пешинда кетишган.

– Уйни кўриб чиқсак, нима дейсиз?

– Марҳамат, ҳатто талаб ҳам қиламан.

Қоронғи бурчакларда ҳеч ким яширинмаганлигига ишонч ҳосил этиш учун лейтенант Деркин ва унинг шеригига бир неча дақиқа вақт кетди, холос.

– Ҳаммаси равшан, – хулоса қилди лейтенант. – Сохта шовқин. Нимасидир бузилган бўлса керак. Электрон

ўйинчоқларга ишониб ҳам бўлмайди. Мен ҳозир соқчилар бўлинмасига телефон қиламан, тизимни текшириб чиқишларига мажбур эгаман.

– Ўтиниб сўрайман, шундай қилинг, – деди аёл.

– Қани, тезроқ кета қолайлик, – деди лейтенант.

– Келганингиз учун катта раҳмат. Энди ўзимни бежавотир сезаман.

«Жозибали жувон экан», хаёлидан ўтди лейтенант Деркиннинг ва аёлни ниқоб, ёпинчиқсиз кўз олдига келтирди.

– Мисс Бранг, неча кун меҳмон бўлиб турасиз?

– Бир ё икки ҳафта, Лойс келгунча.

– Мабодо менинг ёрдамимга муҳтож бўлсангиз, хабар қилинг.

– Раҳмат меҳрибонлигингиз учун.

Трейси полиция машинаси қоронғилик қаърида ғойиб бўлгунча ортидан қараб турди, сўнгра чопиб юқори қаватга чиқди-да, юзидаги ниқобни ювиб ташлади, сохта сочини, тунги кўйлагини ечди-ю, ўзининг қора комбезонини кийиб олди-да, олд эшик орқали чиқиб, эҳтиёткорлик билан сигнализацияни улаб қўйди.

У Манхэттен йўлининг ярмига борганда ўз-ўзидан қиқирлаб кулди, қиқирлаш баралла хахолаб кулишга айландики, ноилож йўл четига бурилиб тўхташга мажбур бўлди. Трейси кўз ёшлари юзларига оқиб кетгунга қадар кулди. У бу йил биринчи марта шундай кулиши эди. Энди ўзини жуда енгил ҳис қилаётганди.

3

Амстердам поезда Пенсильвания вокзалидан қўзғалгандан кейингина Трейси сал енгил нафас ола бошлади. Ҳар дақиқада у оғир қўл елкасига тушиб: «Сиз ҳибсга олиндингиз», деган овозни эшитаман, деган хавотирда эди.

У поездга чиқаётган ҳар бир йўловчини пинҳона кузатарди, бироқ ҳеч ким унга эътибор бермаётган эди. Асабий тангликда елкалари учиб турарди. Трейси кимдир тезда изимга тушмаган, мабодо тушган бўлса ҳам менга

қарши ҳеч қандай далил-исбот кўрсатиша олмайди деб, ўзини-ўзи ишонтирар эди. Конрад Морган йигирма беш минг доллар билан уни Сент-Луисда кутмоқда. Пулинг борми, еганинг олдингда, емаганинг ортингда! Шунча пулни топиш учун банкда бир йил ишлаши лозим бўларди. «Оврупоба жўнайман, – деб хаёл сурди Трейси. – Париж. Йўқ. Парижга эмас. Биз Чарльз билан ўша ерга асал ойини ўтказишга бормоқчи эдик. Мен Лондонга бораман». Қизиғи шундаки, ҳозиргина Трейси ўтган синов, ўзини мутлақо бошқа одам деб ҳис этишга мажбур этди. Худди янгидан туғилган кимсадек.

У купесини ичидан қулфлаб олди ва чарм халтачани олиб, оғзини ечди. Зеб-зийнатлар ранго-ранг товланиб, унинг кафтига тўкилди. Учта бриллиант узук, зумрад кўзли тўғнағич, ёқут кўзли билагузук, уч жуфт зирак, иккита балдоқ, биттаси – ёқут, иккинчиси – марваридли эди.

«Бу ерда бир миллиондан зиёд долларли зеб-зийнат бор экан-ку», – ҳайратга тушди Трейси. У орқасига ташланиб, кун бўйи хаёл суриб ўтирди.

Ижарага олинган машина... «Денгиз Қояси»га бориши... Тун сукунати... сигнализацияни ўчириб уйга кириши... сейфни очиши... сигнализациянинг ишлаб кетишидан ҳанг-манг бўлиб қолгани ва полициячиларнинг пайдо бўлиши. Улар тунги кўйлакли, юзи ниқобли, жингалак сочи ўралган аёлнинг ўзи қидирилаётган ўғри бўлиши мумкинлигини хаёлларига ҳам келтирмадилар.

Трейси ҳозир ўз купесида ўтириб, мамнун бўлиб жилмаяр эди. Полицияни лақиллатиб кетгани унга ҳузур бағишларди. У ниҳоят хавфли, бошни ҳайратомуз гангитиб кўядиган вазиятдан йўлини топа олди. Трейси ўзини мутлақо енгилмайдигандек ҳис этарди.

Купесининг эшиги тақиллади. Трейси тақинчоқларни шоша-пиша чарм халтага солди-да, халтани жомадонига жойлаб, чиптани кўлига олиб, эшикни очди.

Кулранг костюмли икки киши йўлакда туришарди. Биттаси кўринишдан ёши ўттиздан хиёл ошган, иккин-

чиси эса ундан чамаси ўн ёшларча каттага ўхшайди. Ёшроқ эркакнинг истараси иссиққина, алп қоматли эди. Мугуз гардишли кўзойнақдан ақлли кўк кўзлар тикилиб турарди. Ёши катта кўринган кимсанинг жигарранг кўзлари совуқ назар ташларди.

– Хўш, хизмат?

– Ҳа, мэм, – деб жавоб берди ёши каттароғи. У чўнтагидан гувоҳномани олиб кўрсатди: Кўшма Штатлар Федерал тергов бюроси, юстиция бўлими.

– Мен – махсус вакил, Деннис Тревор бўламан. Бу – махсус вакил Томас Боуэрс.

Трейсининг оғзи бир зумда қуриб қолди. У ўзини зўрлаб жилмайди.

– Афсус, тушунмаяпман. Бирон кор-ҳол юз бердими?

– Ҳа, мэм, – деди ёш вакил. У юшоқ жанубий талаффузда гапирарди.

– Бир неча дақиқа бурун поезд Нью-Жерсига ўтди. Ўғирланган молларни чегарадан олиб ўтиш жиноят ҳисобланади.

Треиси бирдан бўшашиб кетди. Кўз олди қоронғи-лашди. Деннис Тревор сўзида давом этди:

– Марҳамат қилиб, юкларингизни очсангиз. Бу илтимос эмас, балки буйруқ.

Треиси пўписа қилмоқчи бўлди.

– Йўқ, очмайман! Менинг купемга бундай тарзда киришга қандай журъат этдингиз. – Трейсининг овозида қаҳр-ғазаб оҳанги сезилиб турарди. – Ҳалол одамларни безовта қилишдан бошқа ишингиз йўқми? Мен ҳозир вагон оғасини чақираман.

– Биз у билан гаплашиб бўлдик, – деди Тревор.

Трейсининг пўписаси ўтмади.

– Э-ҳа, ҳибсга олишга ордерингиз борми?

Ёш эркак мулойим деди:

– Бизга ордернинг ҳожати йўқ, мисс Уитней. Биз сизни жиноят устида қўлга оляпмиз.

Улар ҳатто Трейсининг исмини ҳам билишар экан. Қопқонга тушди. Қутулишнинг иложи йўқ. Ҳа, ҳа...

Тревор жомадонини очиб, Трейсининг кўзи олдида буюмларни титкилаб, чарм халтачани олди. Тугунчани ечиб, шеригига қараб имлаб қўйди. Оёқлари бирдан ҳолсизланган Трейси ўриндиққа аста ўтириб қолди.

Тревор чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқариб, халтачадаги бор нарсани рўйхатга солиштириб кўрди-да, сўнг халтачани чўнтагига солди.

– Ҳаммаси тўғри, Том.

– Қандай...қандай қилиб исботлайсиз буни? – аламоқ оҳангда базўр сўради Трейси.

– Бизга бирон-бир ахборот беришга рухсат этилмаган, – жавоб берди Тревор. – Сиз ҳибсга олиндингиз. Индамасликка ҳаққингиз бор, лекин гапириш олдидан адвокат ёллашингиз мумкин. Ҳозир айтган барча гапларингиз ўзингизга қарши далил сифатида қўлланилиши мумкин. Тушундингизми?

– Ҳа, – деди Трейси шивирлаб.

– Афсуски, шундай бўлди. Мен сизнинг ўтмишингизни билишимни назарда тутмоқдаман, чин дилдан ачинаман.

– Худо хайрингни берсин, – деди ёши каттароғи. – Ахир бу дўстона учрашув эмас.

– Биладан, лекин тағин...

Ўрта ёшлардаги киши Трейсига қўлкишан узатди.

– Қўлларингизни олдинга чўзинг, марҳамат қилиб.

Трейсининг юрак-бағри тилка-пора бўлиб кетди. У қўлларига кишан тортилган ҳолатда Янги Орлеан аэропортида турганлигини ва унга тикилиб қараб турган ба-шараларни эслади.

– Илтимос! Наҳот... Ахир бунинг зарурати борми?

– Ҳа, мэм.

Ёшроқ киши деди:

– Деннис, сенда икки оғиз гапим бор...

Деннис Тревор елка қисди:

– Окей.

Улар йўлакка чиқишди. Трейси ҳайратдан донг қотиб қолди. Уларнинг суҳбатлари узук-юлуқ эшитиларди.

– Худо хайрингни берсин, Деннис, унга қўлкишан кийгизиш шарт эмас-ку. У қочишга жазм қилолмайди.

– Қачон сен бунақа содда болалигингни ташлайсан. Бюрода менчалик ишлаганингдан кейин...

– Юр. Унга дам олишга рухсат берайлик. У шу даражада ҳаяжонланяптики...

– Унинг нима қилмоқчи бўлаётганига нисбатан бу ҳали ҳолва...

Трейси суҳбатнинг давомини эшита олмади. Истаги ҳам йўқ эди. Бир дақиқадан сўнг улар купега киришди. Ўрта ёшдаги киши жаҳлдордек кўринарди.

– Хўп, – деди у. – Қўлкишан кийдириб ўтирмаймиз. Сизни кейинги бекатда туширамиз. Радио орқали Бюро билан боғланамиз, улар машина юборади. Сизга купедан чиқишга рухсат этилмайди, тушундингизми?

Тили калимага келмаётган Трейси бош ирғади.

Ёш йигит Том Боуэрс раҳми келиб гўёки: «Кўлимдан келганда сиз учун кўпроқ ёрдам қилардим», – дегандек елкаларини учирди.

Ҳеч кимнинг қўлидан келмайди ҳам. Айниқса ҳозир. Жуда кеч. Трейсини жиноят устида қўлга олишди. Полиция қандайдир йўл билан унинг изига тушиб ФБРга маълум қилган.

Агентлар йўлакда вагон оғаси билан гаплашиб туришарди. Боуэрс Трейсини кўрсатиб бир нималар деди, лекин тушунмади. Вагон оғаси бош ирғади. Боуэрс купенинг эшигини беркитди. Трейсининг назарида қамоқ эшиги ёпилгандек бўлди.

Трейси дераза ортида ўтиб бораётган қишлоқ манзарасига парво ҳам қилмасди. У ваҳима исканжасида қалт-қалт титрарди. Қулоқлари остида нимадир гумбир-гумбир қиларди-ю, лекин бу шовқиннинг ғилдирак тақиллашига ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Трейси берилган имкониятдан фойдалана олмади. Рецидивист бўлиб қолди. Унга олий жазо беришади, бу сафар қутқариши лозим бўлган қамоқхона бошлиғининг қизи бўлмайди. Қандай

қилиб ушлаб олишди экан булар? Ўғрилиқдан хабардор бўлган бирдан-бир одам – Конрад Морган, боз устига, Трейсини ва қимматбаҳо буюмларни ФБРга топшириш учун унда ҳеч қандай сабаб бўлмаган. Балки унинг дўконда қандайдир Клерк бундан хабар топиб полицияни огоҳ қилгандир. Бироқ қай йўсинда бўлганининг аҳамияти йўқ. Муҳими шуки, уни қўлга олишди. Трейси кейинги бекатда яна қамоқхонага жўнайди. Аввал дастлабки тинглов, кейин суд, ундан кейин эса...

Трейси кейингисини ўйлашдан воз кечиб, кўзларини юмиб олди. Юзларидан иссиқ ёш томчилари оқиб тушди.

Поезд тўхтаётган бошлади. Трейси бор кучи билан елпинарди. Унга ҳаво етишмаётганди. ФБРнинг икки айғоқчиси уни олиб кетиш учун ҳар дақиқада кириб қолишлари мумкин. Салдан кейин бекат кўринди, бир неча дақиқадан сўнг поезд бир силкиниб, тўхтади. Лаш-лушни йиғиштирадиган вақт келди. У жомадонини йиғиштирди-да, чўккалади. Ҳеч ким келмасди. Улар нима қилишлари мумкин. Трейсининг эсига уларнинг айтганлари тушди: «Сизни кейинги бекатда тушириб юборамиз. Биз радио орқали Бюро билан боғланамиз, улар машина юборишади. Сизга купедан чиқиш ман этилади».

Вагон оғасининг бақириви эшитилди:

– Ҳамма вагонларга чиқсин.

Трейси саросимага туша бошлади. Балки улар платформада кутиб туришгандир. Шундай бўлса керак. Агар вагонда қолса, уни қочишга уринишда айблайдилар, бу эса ишни янада оғирлаштиради. Трейси жомадонини кўтарди-ю, купе эшигини очиб, йўлакка чиқди.

Вагон оғаси:

– Ҳа, шу ерда тушмоқчимисиз, мисс? – сўради у. – Шовилмаганингиз маъқул эди. Келинг, ёрдамлашиб юбораман. Сизнинг аҳволингиздаги хотин юк кўтариши мумкин эмас.

Трейси унга диққат билан тикилди.

– Қайси аҳволда деяпсиз?

– Уялиб ўтирманг. Акаларингиз менга сизни ҳомиладор дейишди ва қараб тулинг, деб илтимос қилишди.

– Акаларим?

– Ажойиб йигитлар экан. Сиз учун қайғуришаётгани шундоқ кўриниб турибди.

Дунё ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Ҳамма нарса остин-устин бўлди.

Вагон оғаси жомадонни олиб чиқиб, Трейсига вагондан тушишга кўмаклашиб юборди. Поезд тезлигини оширди.

– Акаларим қаёққа кетишганини билмайсизми? – бақириб сўради Трейси.

– Йўқ, мэм. Улар поезд тўхташи билан сакраб таксига чиқиб олишди.

«Баҳоси бир миллионлик ўғирланган зебу зийнат билан-а?»

Трейси аэропортга отилди. Модомики икки киши такси ёллашган экан, борадиган яккаю ягона жойлари ўша ер, уларнинг шахсий машиналари йўқ, бинобарин, иложи борича шаҳардан тезроқ чиқиб кетиш чорасини кўрадилар. У таксининг орқа ўриндиғида уни шу кўйга солишгани учун ич-этини кемираётган ғазабдан, шу даражада лақиллатиб кетишгани учун номусидан ўзини кўярга жой тополмай кетарди. Иккови ҳам бир-биридан ўтиб тушади-я! Вой ярамаслар-ей! Ўз ролларини аъло даражада бажаришди! У моҳирона ўйналган полициячилар найрангига лаққа тушганини ўйлаб қизариб кетди.

«Худо хайрингни берсин, Деннис, унга қўлкишан кийдириш шарт эмас. У қочмоқчи эмас-ку...»

«Шунақа болаларча соддалигинг қачон қолади. Мен каби Бюрода шунча ишласанг...»

Бюро? Иккови ҳам қаллоб, иккови ҳам қонунга чап бериб юришгани аниқ. Шундай экан, Трейси ўша зебу зийнатни қайтариб олиши керак. У иккита муттаҳам лақиллатиб кетиши учун бошидан шунча нарса кечирмаган. У ўз вақтида аэропортга етиб бориши шарт.

Трейси энгашиб ҳайдовчига деди:

– Тезроқ ҳайданг, илтимос, тезроқ.

Трейсини тунаганлар учиш майдонига чиқаверишда туришарди. Трейси уларни дарров таниди. Ўзини Том Боуэрс деган ёшроқ киши энди кўзойнаксиз эди, у мўйловини олиб ташлаганди. Иккинчи эркак, Деннис Тревор қалин қора сочларини тақир қилиб олиб ташлаганди. Шунга қарамасдан Трейси уларни таниди. Кийимларини алмаштиришга вақтлари етмабди. Трейси етиб олганида икки қароқчи деярли учиш йўлига чиқаётган эдилар.

– Сиз бир нарсани унутибсиз, – деди Трейси уларга тик боқиб.

Икковлон орқаларига ўгирилиб, Трейсига кўрқув назарини ташлашди. Ёшроқ эркакнинг қовоғи солинди.

– Бу ерда нима қилиб юрибсиз? Бюродан сизни олиб кетиш учун бекатга машина келиши керак эди-ку, – унинг тилидаги жанубий талаффуз йўқолганди.

– Ундай бўлса юринг, қайтиб бориб уни топамиз, – таклиф этди Трейси.

– Иложимиз йўқ. Бизда бошқа топшириқ бор, – деди Тревор. – Биз ана шу самолётга улгурмоғимиз лозим.

– Аввал менинг тақинчоқларимни беринг, кейин учасиз, – талаб қилди Трейси.

– Афсус, бундай қилолмаймиз, – деди Боуэрс. – Бу ашёвий далил, тақинчоқларни олганимиз ҳақида сизга тилхат юборамиз.

– Йўқ. Менга тилхат керак эмас. Менга тақинчоқлар керак.

– Кечирасиз, – деди Тревор. – Биз уларни суд қарорисиз ҳеч кимга беролмаймиз.

Улар самолётга чиқиш учун йўлга тушишди. Тревор текширувчига кўлидаги қоғозни узатди. Трейси умидсизликка тушиб атрофга аланг-жаланг қаради ва нарироқда турган полициячини кўриб қолди-ю, қичқираёзди:

– Жаноб офицер! Жаноб офицер!

Трейсини тунаганлар кўрқиб ортларига ўгирилдилар.

– Жин ургур, нима қилаётганингни биласанми? – дўқ қилди Тревор. – Ҳаммамизни ҳибсга олишини истайсанми?

Полициячи улар томон кела бошлади.

– Хўш, мисс? Нима гап?

– О, ҳаммаси жойида, – деди кулиб Трейси. – Манави ажойиб икки киши мен йўқотган бир-иккита қимматбаҳо буюмларимни топиб олишибди, энди менга қайтариб беришяпти. Мен жуда кўркувдимки, йўқотганим ҳақида ФБРга мурожаат этишимга тўғри келадими деб.

Иккала эркак бир-бирларига ғалати қараб қўйишди.

– Улар мени таксигача кузатиб қўясиз, деб таклиф қилишмоқда, албатта, йўқ демасангиз.

– Албатта. Бахтиёр бўламан.

Трейси эркакларга ўгирилди.

– Энди хавф бартараф бўлди, тақинчоқларни менга берсангиз бўлаверади. Бу ёқимтой офицер менга ғамхўрлик қилади.

– Лекин кечирасиз, – эътироз билдирди Том Боуэрс. – Яхшиси, ўзимиз.

– О, йўқ, жуда илтимос қиламан, – бўш келмасди Трейси. – Ишончим комилки, шу самолётда кетиш сизга ҳам фойдадан холи бўлмаса керак.

Иккала эркак полициячига ночор нигоҳ ташлаб, сўнг-ра бир-бирларига қарашди. Улар ҳеч нарса қилолмасдилар. Том Боуэрс истар-истамай чўнтагидан чарм халтачани олди.

– Мана у! – деди Трейси халтачани кўлига оларкан, уни очиб ичига қаради. – Худога шукр! Ҳаммаси жойида.

Том Боуэрс сўнгги бор уриниб кўрди.

– Уларни хавфсизроқ жойда биз сақлаб турсак ёмон бўлмасди, деб ўйлайман, токи биз...

– Шарт эмас, – деди Трейси. У сумкасини очиб халтачани солди-да, иккита беш доллар олиб, ҳар бирига беш доллардан улашди.

– Бу – миннатдорчилигимнинг арзимас белгиси, менга кўрсатган илтифотингиз учун.

Барча йўловчилар ўтиб бўлишган эди. Текширувчи таклиф қилди:

– Ҳой йигитлар, самолётга чиқмайсизларми, бортга чиқишингиз керак.

– Яна бир бора сизга катта раҳмат, – Трейси чиройи очилиб, табассум қилди ва полициячининг қўлтиғидан ушлаганча нари кетаркан:

– Бизнинг давримизда ҳалол одамларни учратиш жуда камёб ҳодиса-да, – деди.

4

Том Боуэрс, асли Жеф Стивенс иллюминатор олдида ўтириб, самолётнинг ердан узилишини томоша қиларди. У юзига даструмолини босди, алампдан йиғлаб, елкалари титрай бошлади. Унинг ёнида ўтирган Денис Тревор – Бриндон Хиггенс деган одам Жефга ҳайрон бўлиб тикилди.

– Ҳой, – деди у, – ахир бу бор-йўғи пул-ку. Шунинг деб уввос солишнинг ҳожати йўқ.

Кўзлари ёшга тўлган Жеф Стивенс унга ўгирилди-ю, қиқирлаб кулаётганини кўриб ҳайратга тушди.

– Сенга нима бўлди, жин ургур? – деб сўради Хиггинсдан. – Кулишнинг асло ҳожати йўқ.

Жефнинг бунга важи бор. Улар аэропортда олган панднинг Трейси амалга оширган услуги Жеф қачон бўлмасин ўзи гувоҳ бўлган найранглар ичида энг буюғи эди. Конрад Морган эса, бу аёл – оддий бир ишқивоз, деб таъриф берганди. «Ё тавба, ҳақиқийсига айланганда бу аёл қандай бўлиб кетар экан?» – деб ўйлади у ўзича. Жеф умрида учратган аёллар ичида Трейси Уитней, шубҳасиз, энг латофатлиси эди. Ақли бало Жеф қаллобликда ўзига тенг келадигани йўқ деб ғурурланиб юрарди, Трейси эса уни доғда қолдириб кетди. «Бу қиз Вилли амакига ёққан бўларди», хаёлидан ўтди унинг.

Вилли амаки Жефни тарбия қилди. Жефнинг онаси сепига ер-сувли ферма олиб, фикр-хаёли тез орада бойиб кетиш ниятида юрган исрофгар бир фитначига эрга тегиб кетди. Жефнинг қорачадан келган, қадди-қомати келишган, тили бийрон отаси беш йилда хотинининг

бутун меросини кўкка совурди. Жефнинг ёшлик хоти-расида фақатгина ота-онасининг пул учун ва отасининг суюқоёқлиги туфайли чиқадиган доимий жанжаллари қолган. Ота-онасининг турмуши аччиқ ва омадсиз бўлиб чиқди, натижада, болакай: «Мен ҳеч қачон уйланмайман. Ҳеч қачон», – деб уйланмасликка қарор қилди.

Отасининг укаси Вилли амаки эса ўртамиёна карнавал⁴ эгаси эди. Бир куни Марион яқинидаги Стивенслар истиқомат қиладиган Огайо штатига бориб қолганда уларни кўргани кирди. Вилли амаки эртанги фаровон ҳаёт орзуларига тўла некбин хаёллар оғушида яшарди. У Жефга қизик-қизик тухфалар олиб келар ва уни ғаройиб кўз-бўямачиликка ўргатарди, нега деганда Вилли амаки ишни циркда кўзбойлағич бўлиб бошлаганди. Отаси хонавайрон бўлганда Вилли амаки ҳамма ишни ўз қўлига олди.

Жеф ўн тўрт ёшда. Онаси автомобил ҳалокатига учраб, нобуд бўлганидан икки ойдан сўнг отаси барда официантка бўлиб ишлайдиган ўн тўққиз ёшли бир қизга уйланди.

– Эркак киши бир ўзи яшамаслиги керак, – отаси уйланишининг сабабини шундай тушунтирди. Лекин бола қаттиқ ранжиди, ўзини хўрланган деб ҳисоблади.

Отаси гумашта бўлиб ишларди, уйига уч ҳафталаб келмасди. Бир куни тунда Жеф эшикнинг ғийқиллаб очилишидан уйғониб кетди. Бир дақиқадан сўнг ёнида юмшоқ, яланғоч ётган гавдани кўрди. Жеф ваҳимадан ўрнидан сапчиб туриб кетди.

– Мени кучоқла, Жеф, – шивирлади ёш ўгай онаси. – Момақалди роқдан кўрқаман.

– Бу... бу момақалди роқ эмас, – дудуқланиб жавоб берди Жеф.

– Бўлмаса ҳозир бўлиши мумкин. Газетада ёмғир ёғади деб хабар беришган. – Ўгай она болани бағрига маҳкамроқ босди. – Ишқ ўйинини қилайлик, болакай.

Бола саросимага тушиб қолди.

– Яхши. Балки бу ишни отамнинг ўрнида бажарармиз?

⁴ Ярмарка усулидаги цирк томошалари.

- Окей, – дея аёл нозланиб кулди. – Ўйинлар билан, а?
- Ҳозир бораман, – дея ваъда берди Жеф.

Аёл ўрнидан даст туриб, иккинчи хонадаги ётоқхонасига ўтди. Жеф умрида биринчи марта тез кийиниши эди. У деразадан сакраб ошиб тушди-да, орқасига қарамай Вилли амакининг цирки томоша кўрсатаётган Канзас штатидаги Симарронга жўнади.

Вилли амакининг «Нега уйдан қочиб келдинг», деган саволига, Жеф:

- Ўгай ойим билан келишолмадик, – дея қисқа жавоб берди.

Вилли амаки Жефнинг отасига кўнғироқ қилди ва телефон орқали бўлган узоқ суҳбатдан кейин бола карнавалда қолади, деб қарор қилишди.

- Жеф бу ерда ҳар қандай бошқа мактабдан яхшироқ таълим олади, – деб ваъда берди Вилли амаки.

Карнавал ўзига хос бутун бир дунё эди.

- Биз якшанба мактабида томоша кўрсатмаймиз. Биз – ҳийла-найранг устасимиз, – деб, тушунтирди Вилли амаки. – Лекин, ўғлим, шуни ёдингда тут, сен мол-дунё орттириш йўлида муккасидан кетмаган одамларни алдашга ҳаққинг йўқ. Филдс бу қондани ўйлаб топган. Сен ҳалол одамларга фириб бермаслигинг даркор.

Масхарабозлар Жефга дўст бўлиб қолишди. Карнавалда дилбар, гўзал қизлар ҳам қатнашаётган эдики, улар ёш йигитларни ўзларига маҳлиё қилардилар. Жефга онасининг сезгирлиги-ю, отасининг қизил юзли гўзаллиги мерос бўлиб қолганди ва хонимлар Жеф билан биринчи кечани ўтказиш ҳуқуқини олиш борасида бир-бирлари билан тортишиб қолишди. Шу йўсинда Жефнинг ишқий тажрибаси орта борди.

Вилли амаки Жефни карнавалда мавжуд бўлган турли хил ишга жалб этарди.

- Вақти-соати келиб, буларнинг ҳаммаси сеники бўлади, – деди Вилли амаки. – Бунга эришишнинг ягона йўли – циркни бошқалардан кўра яхшироқ билиш.

Жеф олтита мушук билан ўйин кўрсата бошлади. Томошабин брезент олдидаги ёғоч пояга ўтказилган олти-та мушукни копток билан уриб тушириш учун пул тўларди. Томоша эгаси дастлаб уларни уриб тушириш қанчалик осон эканини намойиш этади, лекин томошабин қилмоқчи бўлса, брезент орқасида турган «нишондор» мушукларни бошланғич вазиятда ушлаб турган яширин чивикни кўтарар эди.

– Ҳой, ахир сен жуда паст отяпсан-ку, – дерди ҳар қандай томошабинга хўжайин. – Бор-йўғи эҳтиёт бўлиб урсанг енгил кўчади.

«Эҳтиёт ва енгил» сўзлари ўзига хос пароль бўлиб, хўжайин шу сўзларни айтганида брезент орқасида турган «нишондор» чивикни туширарди ва хўжайин ёғоч пояда мушукларни уриб туширар эди. Шундан кейин у:

– Нима деганим тушунарлими энди? – деб сўрар ва бу сўзлар «нишондор» учун чивикни яна кўтариш учун ишора вазифасини бажарар эди. Бу томоша учун ҳиринг-ҳиринг «қизи» олдида ўзини кўрсатмоқчи бўлган ношуд қишлоқи йигит доим топилиб туради.

Вилли амаки бир куни Жефга:

– Ишларинг ёмонмас, йигит, – деди, – сен билан мағрурлансам бўлади, жуда устаси фаранг бўлиб кетяпсан.

Устаси фаранглар жамиятнинг эркатойига айланади, қолган кўғирчоқбозлар эса уларга очикдан-очик ҳурмат билан қарашади. Усталар ҳар қандай бошқа циркчига нисбатан кўп пул топишар, энг яхши меҳмонхоналарда кўнишар ва қимматбаҳо лимузинларда юришарди. Қаллобларнинг севимли эрмаклари секторлари рақамларга бўлинган кўрсаткичли ясси рулетка бўларди. Пулини тўлаган мижоз рулеткани айлантиради, кўрсаткич биронта рақамли секторда тўхтайди, кейин уни бекитишади. Навбатдаги айлантириш учун кўшимча ҳақ тўлаш лозим. Қаллоб, барча секторлар ёпилгандан кейин мижоз катта пул ютади, деб тушунтирар эди. Корчалон унга имкониятнинг ортыпти, деб далда беради. Қаллоб асабий равишда аланг-жаланг қилиб, шивирлайди:

– Мен ўйинни тан олмайман, лекин ютаман деб ўйловдим. Агар сен ютсанг менга озгина чўзворасан-да?

Қаллоб мижоздан беш-ўн доллар ундириб олгандан кейин:

– Мен учун кўясанми? Бўлди, энди ютқизмайсан! – деб эълон қиларди.

Бечора содда «шеригим» бор, деб ишонади. Жеф мижозлардан пул «соғиб олиш» бўйича мутахассис бўлиб қолди. Чунки рулеткада очик жой борган сари камаяр, ютмоқчи бўлган тентаклар эса кўпаяр, ўйин қизиби борар эди.

– Энди нишонга тегасан! – хитоб қиларди Жеф, ўйинга кўрқмай яна пул чиқарарди. Ниҳоят, қолган биттаю битта кичиккина сектор қолганда ўйин авжига чиқади. Қурбон бор пулини кўяди. Аммо мижозлар ҳеч қачон юта олмас эдилар. Бунга ё корчалон, ёки билдирмасдан тирсаги билан столни суриб кўядиган ёрдамчи сабаб бўладими, ҳар ҳолда кўрсаткич керакли жойда тўхтамасди.

Жеф кўғирчоқбозларнинг барча жаргонларини жуда тез ўзлаштириб олди.

«Сўлкавой»... Бу – ўйин дастгоҳини лақма одамлар ютмайдиган қилиб кўйиш атамаси. Иккинчи даражали шоу олдида туриб маҳмаданагарчилик қиладиганларни «валдирвас» десалар, кўғирчоқбозлар уларни «гапдон», дейишарди. Гапдон «тўда», яъни халойиқ йиққани учун тушумнинг ўн фоизини оларди. «Ҳийла» – топширилган соврин; «Почтачи» – улушга кирган айғоқчи.

Карнавалнинг энг даромадли фокусларидан бири – чопаётган сичқон. Тирик сичқонни столнинг ўртасига кўйиб, устини товоқ билан ёпишади. Стол томонлари бўйлаб ўнта рақамланган тешик кўйилган, товоқ кўтарилганда сичқон истаган тешикка қочиши мумкин. Мижоз бирорта тешикка гаров кўярди. Сичқон қайси тешикка қочса шу одам ютади.

– Бунда сўлкавойни қандай қилиб уддалайсан? – деб сўради Жеф Вилли амакидан. – Ўргатилган сичқонларнинг борми?

Вилли амаки овози борича хахолаб юборди.

– Жиннимисан, сичқонларни ўргатишга кимнинг вақти бор? Йўқ, йўқ. Бу – оддий нарса: томоша эгаси қайси тешикка гаров қўйилмаганини кўриб, бармоғини сирка билан хўллайди ва сичқон қочиши керак бўлган ўша тешикка бармоғини теккизиб қўяди. Сичқон ҳар сафар ўша тешикка чопаверади.

Қорин рақсини ижро этувчи кўҳликкина қиз, Карен Жефни калит ўйини билан таништириб қўйди.

– Шанба кечқурун, – деди унга Карен, – эркакларни битта-биттадан четга чақир ва менинг автошатагимнинг калитини сот.

Калитлар беш доллардан сотилди. Ўн ёки ундан зиёд эркаклар Кареннинг автошатаги атрофида гирдикапалак бўлиб айланишар эди. Бу пайтда Карен шаҳардаги меҳмонхоналаридан бирида тунни Жеф билан ўтказди. Эртасига фириб қурбонлари ўч олиш учун тўхташ жойига келишади, бироқ шоу узоққа кетиб қолган бўлади.

Жеф кейинги тўрт йил ичида инсон табиати ҳақида кўп нарсани билиб олди. У очкўзлик уйғотишнинг қанчалик осонлигини, одамларнинг лақма ва соддалигини тушунди. Улар ёлғон-яшиқ гапларга ишонардилар, чунки очкўзлик шунга мажбур этарди.

Жеф ўн саккиз ёшида ҳайратомуз даражада гуллаган гўзал йигитга айланди. Аёллар унинг маънодор кулранг кўзларига, баланд қомати ва жингалак қора сочларига дарров баҳо берар эдилар. Эркаклар унинг ақлига ва очиқ ҳазил-мутойибани ҳис этишидан қойил қолишарди. У болалар қалбига дарров йўл топарди. Томошага келган аёллар ўйлаб ўтирмай Жеф олдига гирдикапалак бўлишарди, лекин Вилли амаки огоҳлантирди.

– Шаҳарлик қизлардан нари юр, болажоним. Уларнинг оталари доим шерик бўлиб чиқади.

Жеф карнавални пичоқ отувчи бир қиз деб ташлаб кетди. Карнавал Жоржия штатининг Миледжвил шаҳрига борди. Циркка сицилиялик пичоқ отувчи Буюк Зорбини исмли янги артист ёллашди. Буюк Зорбини асбоб-ан-

жомларини бир ёқлик қилгунча унинг латофатли хотини Жефни меҳмонхонадаги ўз хонасига таклиф этди.

– Зорбини кун бўйи банд бўлади, – деди малла сочли гўзал Жефга. – Кичкина базми жамшид қилмаймизми?

– Ёмон фикр эмас.

– Менга бир соат муҳлат бер, кейин хонамга чиқавер, – деди аёл.

– Нега бир соат кутиш керак? – сўради Жеф.

Аёл жилмайиб жавоб берди.

– Барча тараддударимга шунча вақт кетади.

Жеф кутди, унинг синчковлиги ортиб борар ва, ниҳоят отель хонасига борганда қиз уни остонада ярим яланғоч ҳолда кутиб олди. Жеф унга интилди, лекин аёл унинг кўлини қайтариб, деди:

– Бу ёққа, юр.

Ванна илиқ сув билан аралаштирилган олти хил зардобга тўла эди.

– Бу нима?

– Бу овқат. Ечинавер, бэби.

Жеф ечинди.

– Энди ваннага туш.

У ваннага тушиб ўтирди ва умрида ҳис этмаган ширин шаҳвоний ҳирсни сизди ўзида. Юмшоқ силлиқ суюқлик баданининг ҳар нуқтасига кириб, силаб-сийпалаётгандек эди. Аёл унга кўшилди.

– Ҳозир бизда ленч⁵.

У Жефнинг кўкрагидан желени ялай бошлади, кейин пастга тушди.

– Ҳмм, бунақа ширин бўлмаган! Мен қулупнайлигини яхши кўраман.

Жувоннинг тили ва ипақдек юмшоқ желенинг суркалаши тасвирлаб бўлмайдиган шаҳвоний ҳирс уйғотарди, энг авжига чиққан пайтда ванна эшиги ланг очилиб, остонада Буюк Зорбини пайдо бўлди. Сицилиялик хотинига ва Жефга ўтли қараш қилиб итальянча қичқириб деди:

⁵ Ленч – таом.

– Оҳ, сен фоҳиша! Икковингни ҳам ўлдираман! Пичоқларим қонсираяпти!

Жеф биронта сўзга тушунмаган бўлса ҳам оёқости бўлган эрнинг важоҳатини сизди. Буюк Зорбини пичоқларига югуриб кетди, Жеф эса баданига ёпишиб қолган желе билан ваннадан сакраб чиқди-да, кийимларини олиб деразадан сакради ва хиёбон бўйлаб қочди. У орқасида бўлаётган шовқинни эшитар ва боши узра визиллаб учиб ўтган пичоқни ҳис этди. Бир, икки, шу тариқа бир нечтаси учиб ўтди, бироқ Жеф пичоқ етадиган доирадан узокда эди. Кейин у кийинди ва автобус бекатига етиб олди.

Олти ойдан кейин Жеф Вьетнамда пайдо бўлди. У ғалаба қилиб бўлмайдиган урушда икки йил вақтини ўтказди. Ғоят катта миқдорда йўқотилган маблағ ва одам ҳаётлари уни ларзага солди ва ҳарбий ҳаракатларга, сотқинликка, ўз ўйинлари билан қовун тушираётган генералу сиёсатдонларга нисбатан нафрат сеза бошлади. «Биз ҳеч ким ис-тамаган урушга қўшилдик, – деб ўйлади Жеф. – Бу – тов-ламачилик. Дунёдаги энг катта товламачилик».

Жеф демобилизациядан икки ҳафта бурун Вилли амакисининг ўлими ҳақида хабар топди. Карнавал ёпилибди. Ўтмиш тамом бўлди. Келажак билан лаззатланиш вақти келди.

Хилма-хил саргузаштлар билан бойиган йиллар ўтди. Жеф учун бутун дунё карнавалга, одамлар эса ўлжага айланди. У фириб йўлларини камолотга етказди. Жеф бир долларни олиб, ўз қурбонига президентнинг сурати акс этган почта маркасини юборарди. Ё бўлмасам, журналларга муштарийларни огоҳлантириб беш долларни юбориш муддатига олтмиш кун қолди, йўқса, кеч бўлади, деб эълонлар юборди. Эълонларда шу беш долларга нима сотилиши айтилмасди, лекин пуллар бинойидек келиб турар эди.

Жеф денгизни яхши кўрарди. Оғайниси Таиландга кетаётган елканли кемада ишга таклиф этганда у матрос бўлиб ишга ёлланди. Узунлиги бир юз олтмиш беш футли оқ кема таранг тортилган елканлари билан офтобда тов-

ланар эди. Йигирма ўринли умумий салонга электр плиталар билан жиҳозланган кема ошхонасидан овқат тортилар эди. Экипаж каюталари бурун томонда жойлашган. Капитан, стюарт ва бош ошпаздан ташқари командада яна бешта палуба матрослари бор эди. Жефнинг иши елканларни кўтариш, мис ювиш, елканларни йиғиштиришдан иборат эди. Кемада саккизта одам саёҳатга чиққан.

– Кема эгасининг исми – Холлендер, – деди Жефнинг оғайниси.

Холлендер олтинранг сочли, йигирма беш ёшли гўзал Луиза Холлендер бўлиб чиқди. Отаси Марказий Американинг деярли ярмисига хўжайин эди. Қолган йўловчилар Луиза Холлендернинг дўстлари ҳисобланар, матрослар эса уларни нафрат билан «тасқаралар» деб аташарди.

Жеф палубада қуёш жазирамасида ниманидир артаётган эди. Луиза Холлендер унинг ёнида тўхтади-да:

– Сиз янги одаммисиз? – деб сўради.

Жеф нигоҳини кўтарди.

– Ҳа.

– Исмингиз?

– Жеф Стивенс.

– Чиройли исм экан. Менинг кимлигимни биласизми?

– Йўқ.

– Мен – Луиза Холлендерман. Бу менинг кемам.

– Тушунарли. Демак, мен сизга ишлаётган эканман-да.

Жувон жилмайиб кўйди.

– Тўғри.

– Ундай бўлса, бекорга пул сарфлашни истамай десаңгиз, ишимни давом эттиришга ижозат беринг. – Жеф шундай дедию ишини давом эттираверди.

– Экипаж аъзолари кечқурун ҳазил-мутойиба билан йўловчиларни ҳақорат қилиб ўтиришди. Лекин Жеф уларга ҳаваси келаётганини ўзича эътироф этди. Уларнинг келиб чиқиши, маълумоти, ўзларини эркин тутишларига ҳавас қиларди. Уларнинг ҳаммаси бадавлат оилалардан, энг яхши мактабларда ўқишган. Жефнинг мактаби эса – Вилли амаки ва унинг карнавалидан нари ўтмайди.

Кўғирчоқбозлар орасида қандайдир қимматбаҳо ёд-горликларни ўғирлаб сотиб юборгани учун университетдан ҳайдалган археология профессори ҳам кўшилиб қолган эди. Узоқ суҳбатдан кейин профессор Жефда археологияга қизиқиш уйғотди.

– Сен инсониятнинг келажагини ўтмишдан ўқиб олишинг мумкин, – деди профессор. – Ўғлим, шу ҳақда бир ўйлаб кўр. Минг йиллар бурун ҳам сен ва менга ўхшаган одамлар яшаган, ўзларининг орзу-умидлари бўлган. Афсоналар тўқишган, қисқаси, ўз ҳаётларини кечирганлар ва, ўз навбатида, бизнинг бобокалонларимизга жон беришган, – профессор хаёлчан уфққа бефарқ боққанча гапида давом этди, – Карфаген – мен қазилмаларни давом эттирмоқчи бўлган ерим. Исо туғилишидан анча бурун ҳам бу улуғ шаҳар бўлган. Қадимий Африканинг Парижи эди. Унда одамларнинг ўз ўйинлари, ўз ҳаммомлари, жанг арвалари бўлган. Баҳайбат Циркус Максимус кўлами жиҳатидан ҳозирги бешта футбол майдонидан катта бўлган.

У Жефнинг кўзларида қизиқиш уйғонганини сизди.

– Сен Катта Катон Рим сенатида нутқларини қандай яқунлашга одатланиб қолганини биласанми? «Карфаген вайрон этилиши даркор», дер эди у. Охир-оқибатда, унинг тилаги рўёбга чиқди. Римликлар шаҳарни таг-туги билан вайрон қилдилар, лекин йигирма беш йилдан кейин унинг харобалари ўрнида янги, буюк шаҳар барпо этиш учун қайтиб келдилар. Қани эди, сени ҳам ўша ерга олиб борсам, ўғлим.

Археолог бир йилдан кейин ичкиликбозликдан вафот этди. Жеф ажойиб кунлардан бир куни ўша ерда қазилма ишлари олиб боришга онт ичди. Даставвал ўзининг профессори хотираси учун.

Бир куни кечки пайт Жефни Луиза Холлендер каюта-сига таклиф этди. Луизанинг бадани шаффоф шойи халатда жилва қилиб турарди.

– Мени кўрмоқчи экансизми, мэм?

– Сиз жувонбозмисиз, Жеф?

– Бу сизнинг ишингиз эмас, деб ўйлайман, мисс Холлендер, лекин жавоб бераман – йўқ. Шунчаки мен дидли одамман.

Луиза Холлендер лабини тишлаб қолди.

– Сизга қанақа аёллар ёқади? Қандайдир фоҳишалар бўлса керак-да?

– Ўз вақтида, – рози бўлди Жеф. – Яна нима истайдилар, мисс Холлендер?

– Ҳа, эртага кекурун кенгроқ даврада тушлик ўтказмоқчиман. Сиз қатнашишни истайсизми?

Жеф жавоб беришдан олдин бекасига узоқ тикилиб қолди.

– Йўқ демасдим.

Шундан бошланди...

Жеф ва Луиза Манхеттеннинг Ист Сайд кўчасидаги хизматкорлари ғиж-ғиж йигирма беш хонали уйда истиқомат қилишарди. Луизанинг Лонг-Айленд ва Багамада йирик ер-мулки, Сардинияда вилла ҳамда Париждаги Фок-авенюда жуда катта уйи бор эди. Луиза – «Мазаратти», «Роллс корник», «Ламборжини» ва «Даймлер» маркали машиналар эгаси.

«Бу ғаройиб», деб ўйлади Жеф.

«Бу ажойиб», деб ўйлади Жеф.

«Бу зерикарли ва хўрланиш», деб ўйлади Жеф.

У бир куни эрта билан ўн саккизинчи асрга оид шойи чодирли кароватидан турди-да, елкасига «Салка» фирмасининг халатини ташлаб Луизани ахтариб чиқиб кетди.

Уни ошхонадан топди.

– Мен ишга боришим керак, – деди Жеф.

– Худо хайрингни берсин, жонгинам, нима учун? Бизга пул керакмас.

– Пул учун эмас. Наҳотки мени икки кўлини қовуштириб ўтирадиганлардан деб ўйласанг? Мен ишлашим керак.

Луиза бир зум ўйланиб қолди.

– Жуда яхши, малагим. Мен акам Тумба билан гап-лашаман. Унинг фирмаси бор. Сен унинг фирмасида ишлагинг келяптими, азизим?

– Мен стулдан ўзимни узиб олсам бўлгани, – деб ғўлдиради Жеф.

Жеф Тумбада ишлай бошлади. У шу вақтгача тўраларча вақти чекланган кун тартибига кўра ишламаган эди. «Менга ёқиб қолади», деб хаёл сурди Жеф, гарчанд Тумбани ёмон кўрса ҳам. У фақат уйига ойлигини олиб келиш учунгина ишлар эди.

– Қачон ўз боламиз бўлади? – деб сўради у Луизадан кечки якшанба тамаддисидан сўнг.

– Яқинда, азизим. Мен ҳаракат қиляпман.

– Ётдик бўлмаса. Яна ҳаракат қилиб кўрамиз.

Жеф беш-олти саноат магнатлари даврасида қайноғаси учун буюртма қилинган таом столида ўтирар эди.

Тумба эълон қилди:

– Дўстлар, ҳозиргина гўшт-консерва компаниясининг ҳисобини олдик. Бизнинг даромадимиз деярли қирқ фоизни ташкил этибди.

– Негаям бўлмасин? – стол атрофида ўтирганлардан бири кулиб юборди. – Сен барча қабул қилувчиларни сотиб олгансан. – У бошқаларга юз ўгирди. – доно қари Тумба сифати ёмон гўшт сотиб олиб, «биринчи» деган муҳрни босади-да, бошқаларга сотади ва ўлгудек катта даромад олади.

Бу хабар Жефни ҳайратга солди.

– Ё тавба! Ахир гўштни одамлар ейди. Болаларига беришади. Шу гап ростми, Тумба?

Тумба хиринглади-да:

– Манавинга қаранг, ўргулдим сендек насиҳатгўйдан!

Жеф кейинги уч ой ичида дастурхон атрофидагиларни яхши билиб олди. Эд Зеллер Ливияда фабрика қурилиши учун бир миллион доллар пора берган. Конгломерат бошлиғи Майк Квинси компанияларни сотиб олаётганда доллар курсини сунъий камайтирган ва дўстларига ҳиссадорлик компанияларни қачон сотиш керагу қачон сотиб олиш кераклиги ҳақида қимматли ахборот етказиб турган. Энг бой ҳисобланган Алан Томпсон ўз компаниясининг сиёсати ҳақида керилиб гапирди.

– Улар аҳмоқона қонунларини ўзгартириб олгунларича биз чолларни нафақага чиқмасларидан бир йил илгари ишдан бўшатиб юбориб, катта маблағни сақлаб қолдик.

Ҳаммалари солиқ тўламаслик учун ҳар хил ҳийланай-ранг ўйлаб топишар, суғурта компанияларни гўл қилишар, йирик-йирик пуллар ҳисобини сохталаштириб, ҳозирги маъшуқаларининг гўёки котиб ёки ёрдамчи сифатида хизмат қилаётгандек тўлов рўйхатларига жойлаштирар эдилар.

«Вой худойим-ей! – ўйларди Жеф. – Ахир уст қиёфаларини ўзгартириб олган ҳақиқий кўғирчоқбозлар-ку».

Хотинлари ҳам эрларига мос экан. Улар хасис, қўлларига нима тушса шунга чанг солишар, эрларига хиёнат қилишарди.

Жеф ичидагини Луизага тўкиб солганда у кулиб юборди.

– Соддалик қилма, Жеф. Кечираётган ҳаётинг ўзингга ёқади, шундай эмасми?

Очиғини айтса, унга ёқмас эди. У Луизага керакман, деган ишонч билан уйланган. Болаларим ҳаммасини ўзгартириб юборар, деб ҳисобларди.

– Ке, ҳеч бўлмаса битта туғиб бер. Турмуш қурганимизга бир йил бўлди.

– Фариштагинам, сабр қилгин. Мен дўхтир олдида бўлувдим, у соппа-соғсан деди. Балки сен ҳам соғлигинг ҳақида ишонч ҳосил қилиш учун текширтириб кўрарсан.

Жеф шундай қилди.

– Соғлом авлод етказишингиз учун шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади, – дея ишонтирди уни доктор.

Лекин бояги-боягидек ҳеч нарса ўзгармади.

Хосиятсиз душанба куни Жефнинг руҳий дунёси парчаланди. Ҳаммаси эрталаб, Жеф аспириин оламан деб, Луизанинг дори қутисини титкилаганидан бошланди. Қути ҳомилага қарши дорилар билан тўлган. Ўрамлардан бири деярли бўш эди. Унинг ёнида оқ порошокли шишача билан тилла қошиқча ётганди. Лекин бу бошланиши экан.

Жеф туш пайти «Пилигрим» клубидаги чуқур креслода Тумбани кутиб ўтирган эди. Бирдан орқа томондан икки эркакнинг суҳбатини эшитиб қолди.

– Италиялик кўшиқчиники жуда катта деб мақтан-япти у.

Секин қиқирлаган кулги эшитилди.

– Албатга, Луиза каттароғини яхши кўради-да.

«Улар бошқа Луиза ҳақида гапиришмоқда», деб ўйлади ўзича Жеф.

– Анави масхарабозга шунинг учун эрга теккан экан-да. Луиза у ҳақда шундай ғаройиб воқеаларни айтиб берадики. Яқинда у кўрсатган қилиғини айтиб берсам ишонмайсан ҳам...

Жеф ўрнидан турди-да, рўпарасидаги ҳеч нарсани пайқамай клубдан чиқиб кетди.

Уни ҳали ҳеч қачон ҳис этмаган ғазаб қийнамоқда эди. У қанчалик ташна! У нотаниш италияликни ўлдиради. Луизани ҳам ўлдиради. Кейинги бир йил ичида нечта эркакни кўриб чиқди? Ҳамма Жеф устидан кулмоқда. Тумба, Эд Зеллер, Майк Квинси, Алан Томпсон ва уларнинг хотинлари. Нияти, биринчи навбатда, кўч-кўронини йиғиб кетиш эди. Бироқ ақлли одамнинг иши эмас эди бу. Ҳамманинг ўз орқасидан майна қилиб қолишларига йўл қўйиб бўлмайди.

Жеф кундузи уйга келганида Луиза йўқ эди.

– Хоним эрта билан чиқиб кетган эдилар, – деди қарол Пикенс. – Бир нечта учрашувлари бор шекилли.

«Гаров ўйнайман, у висол учрашувига кетган, – хаёлидан ўтказди Жеф. – У ўша италиялик билан...»

Луиза уйига қайтиб келганида Жеф ўзини босиб турди.

– Кунни яхши ўтказдингми? – сўради Жеф.

– Одатдагидек диққинафаслик билан, жонгинам. Сартарошхона, дўконлар... Ўзинг қалай, фариштам?

– Ажойиб кун бўлди, – очиғини айтди Жеф. – Кўп нарсани билиб олдим.

– Тумбанинг айтишича, ишларинг жуда яхши эмиш.

– Ҳа, шунақа, – тасдиқлади Жеф. – Тез орада бунданам яхши бўлади.

Луиза унинг қўлини силаб қўйди.

– Менинг ажойиб эргинам. Вақтлироқ ўринга ёта қол-сак нима дейсан?

– Бугун эмас, – жавоб берди Жеф. – Бошим қаттиқ оғрияпти.

Жеф кечани кейинги ҳафтанинг режасини тузиш билан ўтказди.

Ишни клубда ленч устида бошлади.

– Сизлар компьютерда безорилик қилиш ҳақида эшитганмисиз? – деб сўради Жеф.

– Нимаиди? – қизиқиб сўради Эд Зеллер. – Сенам бир унаб кўрмоқчимисан?

Хахолаб кулиб юборишди.

– Йўқ, бу – жиддий гап, – деди қатъий равишда Жеф. – Бу – катта фалокат. Одамлар кодни териб компьютерларга киришади-да, банк, суғурта компаниялари ва бошқаларнинг миллион-миллион долларини ўмаришади. Бу нарса кундан-кунга авж олмоқда.

– Ўзинг ҳам ўшалардан бирига шерикчилик қилаётгандай гапирасан-а? – ғўлдиради Тумба.

– Мен яқинда биттаси билан учрашиб қолдим. У шундай компьютер топибдики, унга кириб бўлмас эмиш.

– Сен уни доғда қолдирмоқчимисан? – жиддий сўради Майк Квенси.

– Гап шундаки, мен унинг пулларини қайтариб бериш тарафдориман. Сиздан сўраётганим, орангизда компьютерни биладиган борми?

– Йўқ, – деб ишшайди Тумба. – Лекин ҳамма ихтирочиларни биламиз.

Жеф икки кундан кейин Тумбанинг ёнига борди:

– Маъзур тутасиз, бугун сизларга қўшила олмайман. Бир меҳмон келиши керак эди, – деди.

Жеф бошқа столга бориб ўтирганда Алан Томпсон кулимсираб деди:

– Нима, у циркдаги соқолли хоним билан тушлик қилмоқчими?

Букчайган оқсоч бир чол киши кириб келди-да, Жефнинг столи ёнига борди.

– Вой худойим! – ҳайратланди Майк Квинси. – Ахир бу профессор Акерман-ку!

– Профессор Акерман ким ўзи?

– Тумба, унинг иқтисодиёт ҳақида мақолаларини ўқимаганмисан? Ўтган ойда «Таймс» ўз муқовасида Вернон Акерманнинг суратини берди. У – президент давлат илмий жамоасининг раиси. У – мамлакатимизнинг энг буюк олими.

– Жин урсин, куёвимда қандай иши бор экан?

Жеф ва профессор овқат устида қизғин суҳбатлашиб ўтиришди. Тумба ва унинг дўстлари борган сари бетоқат бўла бошладилар.

Профессор кетганидан кейин Тумба столи олдидан ўтиб кетаётган Жефни тўхтатиб қолди:

– Ҳой, Жеф, ким у?

Жеф айбдорона қараш билан:

– Хў-ўш... Вернон ҳақида сўраяпсанми? – деди.

– Ҳа. У билан нимани гаплашдингиз?

– Биз... ҳалиги... – қолганлар кўзларини еб юборгудек Жефга бақрайиб туришарди. – Мен... хўп... у ҳақда китоб ёзмоқчиман. У – жуда ажойиб шахс.

– Ёзувчи эканингни билмас эканман.

– Ҳаммамиз ҳам қачонлардир ёзишимиз керак, деб ўйлайман.

Уч кундан кейин Жеф бошқа одам билан нонушта қилди, бу сафар Тумба уни таниди.

– Ҳой! Ахир бу халқаро компьютерлар ҳайъатининг раиси Симор Жеррит-ку. Нима бало қилиб юрибди у бу ерда Жеф билан?

Жеф ва унинг меҳмони яна узоқ суҳбат қуришди. Расмий нонушта тугаганидан сўнг Тумба Жефни топиб, деди:

– Жефери, ўғлим, Симор Жерритда нима ишинг бор сени?

– Ҳеч нима, – дарров жавоб берди Жеф. – Шунчаки гап сотишдик.

Жеф кетишга шайланган ҳам эдики, Тумба уни тўхтатди.

– Шошилма, оғайни. Симор Жеррит жуда банд одам. У шунчаки гап сотиб ўтирмайди, – деди жиддий равишда.

– Яхши, Тумба, гап шундаки, Симор марка йиғишга ишқивоз, мен унга топиб бермоқчи бўлган маркам ҳақида айтиб бердим.

«Гап шундаки, мен – эшакман», деб ўйлади Тумба.

Жеф кейинги ҳафтада дунёда энг йирик тижорат корхоналаридан бири – «Бартлет энд Бартлет»нинг президенти Чарльз Бартлет билан тушлик қилди клубда. Тумба, Эд Зеллер, Алан Томпсон ва Майк Квинси бурнини бурнига теккизиб суҳбатлашиб ўтирган бу икки кишига мафтун бўлиб қараб қолишди.

– Куёвинг кейинги пайтлари баланд парвоз қилмоқда, – деди Зеллер. – Тумба, у зимдан қандай иш қилиб юрганникин?

Тумба аччиғи келиб:

– Ҳозир билмайман, лекин албатта билиб оламан, жин урсин! Жеррит билан Бартлет қизиқиб қолишибдими, демак бир қоп пулнинг ҳиди келяпти.

Бартлет ўрнидан туриб Жефнинг кўлини ушлаб шавқ билан силкитиб қўйди-да, чиқиб кетди. Жеф уларнинг столи олдидан ўтиб кетаётганида Тумба унинг кўлидан ушлаб қолди.

– Бирпас ўтир-чи, Жеф. Бизнинг сенда бир-икки оғиз гапимиз бор.

– Идорага боришим керак, – эътироз билдирди Жеф.

– Сен менда ишляяпсан, унутдингми? Ўтир! – Жеф ўтирди. – Ким билан тушлик қилдинг?

Жеф иккиланди.

– Шунчаки. Эски дўстим билан.

– Чарли Бартлет эски дўстингми?
– Шунга ўхшашроқ.
– Унда, уша эски дўстинг Чарли билан нима ҳақда суҳбатлашдинг?

– Умуман... Ҳа... автомобиллар. Қария Чарли антиқа автомобилларни яхши кўради, мени эса ўттиз еттинчи йилда чиққан «Паккерд» ҳақида хабарим бор эди...

– Найрангбозликни кўй, – гапини бўлди Тумба. – Сен марка йиғмайсан, машина сотмайсан, ҳеч қандай китоб ёзмайсан. Нимани бошламоқчисан?

– Ҳеч нимани. Мен...

– Сен пул ўмаряпсан, шундайми, Жеф? – деб сўради Эд Зеллер.

– Йўқ! – тез жавоб берди Жеф, гўё ўзини оқламоқчидек.

Тумба ўзининг гўштор кўлини Жефнинг елкасига ташлади.

– Ҳой, оғайни, ахир мен сенинг қайнағангман. Биз бир оиламиз, унутдингми? – Жефни бесўнақай кучоқлади. – Ҳалиги ўғирликдан ҳимоя қилинган компьютер ҳақида, ўтган ҳафтада гапирувдинг-ку, ўшами?

Улар Жефнинг қопқонга тушганини пайқашди афтидан.

– Ҳа, шу.

«Бу тиш суғуришдек гап эди. Бу итваччадан бир нарсани билиб олиш учун нималар қилмайсан!»

– Акермен ҳам бу ишга аралашганини бизга нимага айтмадинг?

– Мен, бунинг сизларга қизиғи йўқ, деб ўйловдим.

– Янглишяпсан. Сенга капитал керак бўлса, дўстларингга мурожаат этишинг керак.

– Мен билан профессорга пул керакмас, – деди Жеф. – Жеррит ва Бартлет...

– Жеррит билан Бартлет – аждарнинг ўзи. Улар сени тириклайин ютиб юборади, – хитоб қилди Ален Томпсон.

Эд Зеллер уни кўллади:

– Жеф, агар сен дўстларинг билан бирга иш қилсанг, зиён кўрмайсан.

– Ҳаммаси тўғри бўлди, – деди Жеф, – Чарли Бартлет...
 – Бирон ҳужжатга қўл қўйдингми?
 – Йўқ, лекин сўз бердимки...
 – Унда ҳеч нарса тўғри бўлмаган. Жин урсин, Жеф, қария, бизнинг одамлар ҳар дақиқа қарорларини ўзгартириб туришади. – Сизларга бу ҳақда гапирмаслиги лозим эди, – эътироз билдирди Жеф. – Профессор Акерменнинг номи эслатилиши мумкин эмас. У ҳукумат комиссияси билан шартномага имзо чеккан.

– Биз буни биламиз, – деди Томсон мулойим. – Профессор ўша нарса иш беради, деб ўйламоқда шекилли?

– Унинг компьютер ишлатишдан хабари бор.

– Бу Акерменга қулай ва бизга тўғри келади, тўғрими, дўстлар?

Бир овоздан маъқулланган товуш янгради.

– Афсус, мен олим эмасман, – деди Жеф. – Мен ҳеч нарсага кафолат беролмайман. Билишимча, ўша нарсанинг ҳеч қандай қиймати бўлмаслиги мумкин.

– Албатта. Тушунамиз. Лекин айт-чи, қанчага баҳоланмоқда, Жеф. Кўпгами?

– Икки миллион доллар, лекин бизга бор-йўғи икки юз эллик минг доллар нақд керак, холос, Бартлет ваъда...

– Бартлетни унут. Арзимаган пул экан, қария. Биз ўзимиз ўша пулни тўлаймиз. Фақат бу нарсани махфий тут. Тўғрими, дўстлар?

– Тўғри!

Тумба аланглаб бармоқларини қарсиллатди, официант шошиб унинг ҳузурига келди.

– Доминик, мистер Стивенсга бир варақ қоғоз билан ручка келтириб бер. – Официант шу онда топшириқни адо этди.

– Кичкинагина ишимизни шу ернинг ўзидаёқ бажарсак бўлади, – деди Тумба Жефга. Сен бор-йўқ бир ҳужжат ёзиб, менга ҳуқуқ берасан, икковимиз имзо чекамиз, эрта-лаб икки юз эллик мингга чек оласан. Шунга розимисан?

Жеф пастки лабини тишлади.

– Тумба, мен мистер Бартлетга ваъда...

– Ўргилдим, ўша Бартлетингдан, – тўнғиллади Тумба.
– Сен унинг синглисига уйланганмисан ёки менинг синг-лимгами? Қани ёз.

– Менда ҳали патент йўқ, иннакейин...

– Ёзавер, жин урсин! – Тумба Жефнинг қўлига ручка тутқазди.

Жеф истар-истамас ёза бошлади:

«Ўз ҳуқуқимни, КАБА деб аталувчи электрон ҳисоблаш машинасига бўлган хусусий ва фоизли даромад ҳуқуқимни харидорлар – Дональд Тумба Холлендер, Эд Зеллер, Алан Томпсон ва Майк Квинсига бўлажак икки миллион долларлик муқобил таъминлаш учун имзоланишда тўланадиган икки юз эллик минг доллар эвазига хусусий ҳуқуқимни топшираман. КАБА ҳар томонлама синовдан ўтган, ишда мустаҳкам (ишончли), сотувдаги ҳар қандай компьютердан камроқ қувват сарфлайди. КАБА камида ўн йил давомида таъмир ёки бирон-бир қисмни алмаштиришни талаб қилмайди». Ҳаммаси Жефнинг елкаси оша ёзувга қараб турарди.

– Ё тавба! – деди Эд Зеллер. – Ўн йил-а! Сотувда бунга тенг келадиган биронта компьютер йўқ!

Жеф ёзишда давом этди: «На менинг, на профессор Акерменнинг қўлида КАБАга патент йўқлигидан харидорлар хабардордирлар...»

– Ўзимиз бунинг чорасини кўрамиз, – бетоқат сўз қотди Алан Томпсон. – Патент бўйича менинг юрист танишим бор.

Жеф аниқ-равшан қилиб қуйидаги сўзларни ёза бошлади: «Мен харидорларга, КАБА ҳеч қандай бозор нархига эга бўлмаслигини, ҳамда на профессор Акермен, на мен КАБА учун юқорида зикр этилганлардан ортиқ бирон-бир масъулият ва кафолат берамиз». Жеф имзо чекиб қоғозни узатди.

– Шу етарлими?

– Ўн йилга эканига ишончинг комилми? – сўради Тумба.

– Кафолатланган. Мен фақат ҳужжатдан нусха оламан, – деди Жеф. Унинг нусха олишини ҳамма кузатиб турди. Тумба унинг қўлидан ҳужжатларни тортиб олди-да, имзо чекди. Зеллер, Квинси ва Томпсон ҳам шундай қилишди. Тумба қувончидан яшнара эди.

– Бир нусхаси сенга, бир нусхаси менга. Қария Симор Жеррит билан Чарли Бартлетлар оғир аҳволга тушиб қолсалар керак, а, йигитлар? Ишдан ҳайдалганларини англаганларини билиб қоладиган дамларини кутавериб, кўзларим тўрт бўлади энди.

Тумба эртаси эрталаб Жефга икки юз эллик минг сўмлик чек берди.

– Компьютер қани? – сўради Тумба.

– Мен уни туш пайтида клубга етказинг деб буюрдим. Ҳамма тўпланган маҳал олиб келишгани маъқул деб ўйловдим.

Тумба унинг елкасини қоқиб қўйди.

– Жеф, жуда бамаъни одамсан-да. Тушликда учрашамиз.

Қути кўтарган югурдак соат ўн иккига бонг урганида «Пилигрим» клубининг залида пайдо бўлди. Уни гердаёйиб ўтиришган Тумба, Зеллер, Томпсон ва Квинсилар столи олдига кузатиб қўйишди.

– Мана, келди! – хитоб қилди Тумба. – Ё тавба! Бу нарса ҳали ихчам ҳам экан-а!

– Жефни кутамизми? – сўради Томпсон.

– Балога гирифтор бўлмайдими у! Манави нарса энди бизники.

Тумба қути устига ўралган қоғозни йиртиб ташлади. У похолга ўралган нарсани эҳтиёткорлик билан кўтарди. Эркаклар бақрайиб қараб туришди. Тумба қўлида узунлиги бир футча келадиган, атрофида бир неча қатор сим билан сиқиб ўралган тўртбурчак ромни ушлаб турарди. Ўртага давомли сукунат чўкди.

– Бу нима? – ниҳоят савол берди Квинси.

– Бу – АБАК. Осиё мамлакатларида ҳисоб учун ишлатиладиган ихтиролардан бири, – деди Томпсон ва юз пардаси ўзгариб кетди.

– Вой худо! КАБА, бу – тескариси ёзилган абак-ку! – У Тумбага ўгирилди. – Бу қанақа ҳазил ўзи?

Зеллер оғзидан кўпиги чиқиб бақирди:

– Сотувдаги бор ҳар қандай компьютердан юз қувват кам сарфлайди. Фойдаланишда мустаҳкам... Лаънати чекни тўловдан тўхтатиш лозим!

Телефон орқали устма-уст кўнғироқ қилиш бошланди.

– Сиз имзоланган чек ҳақида билмоқчимисиз? – деб сўради бош иқтисодчи. – Бундан хавотир олманг. Мистер Стивенс бугун эрта билан ҳаммасини нақд олди. – Қарол Пикенс минг бор узр сўради, лекин мистер Стивенс юкларини жамлаб жўнаб кетди.

– У киши узоқ саёҳат ҳақида гапирган эдилар.

Ғазабдан жинни бўлаёзган Тумба ўша куниёқ профессор Вернон Акерменга кўнғироқ қилишга муяссар бўлди.

– Ҳа, ўша, Жеф Стивенс. Ажойиб одам. Куёвим деяп-сизми?

– Профессор, Жеф билан нима ҳақда гаплашган эдинг-лар?

– Ўйлайманки, бунинг ҳеч сирли жойи йўқ. Жеф мен ҳақимда китоб ёзиш орзусида. Унинг наздида, дунё, одам қанақа бўлишини кўпроқ билгиси келармиш...

Симон Жеррит ёрилгиси келмасди.

– Мистер Стивенс билан нима ҳақда суҳбатлашганимиз нега қизиқтириб қолди сизни? Нима, сиз, марка ишқивозимисиз?

– Йўқ. Мен...

– Бўлмаса бировнинг ишига бурнингизни суқманг. Ўхшаши йўқ бир марка бор экан, мистер Стивенс ўша маркани топа олса, менга сотаман деб ваъда берди.

Жеррит жаҳл билан гўшакни қўйди.

Тумба Чарли Бартлет нима дейишини олдиндан билар эди.

– Жеф Стивенс дейсизми? Э-ҳа, мен эски автомобиль йиғаман. Ўттиз еттинчи йилда чиққан ўша тўрт эшикли «Паккард»ни қаердалигини билади...

– Кўп ташвиш чекаверманг, – дўстларига таскин берарди Тумба. – Пулни қайтариб оламиз ва ўша итваччани қамоқхонада чиритиб юборамиз. Қаллобликка қарши қонун бор-ку, ахир!

Унинг кейинги манзили Скотт Фогартиринг идораси бўлди.

– У бизни икки юз эллик минг долларга алдаб кетди, – деди Тумба юристга. – Мен уни бутун қолган умрини қамокда чиритмоқчиман. Ордер ёз...

– Тумба, контракт ёнингиздами?

– Ҳа, мана, – Тумба Жеф ёзиб берган қоғозни узатди. Юрист унга кўз югуртирди, кейин қайтадан диққат билан ўқиб чиқди.

– Сизнинг имзоингизни қалбаки қилганми?

– Йўқ, нимага, – эътироз билдирди Майк Квинси. – Биз ўзимиз унга имзо чекканмиз.

– Бу ерда нима ёзилганини ўқиб чиққандингизми, – деди Эд Зеллер жаҳл билан.

– Албатта, ўқиб чиққанмиз. Бизни тентак деб ўйла-япсизми?

– Бу ҳақда ҳукм чиқаришни ўзингизга ҳавола этаман. Сиз икки юз эллик минг долларли нақд пулга ҳеч қандай патенти бўлмаган ва баҳоси йўқ нарсани сотиб олаётганингиз ҳақидаги шартномага имзо чеккансиз. Юридик тилда, қари профессор айтганидек, бунинг номини: «Сизни болаб тузлашибди», дегани бўлади.

Жеф ажралиш ҳужжатини Ренода расмийлаштирди. Янги жойга ўрнашаётиб тасодифан Конрад Морган билан учрашиб қолди. Морган бир пайтлар Вилли амакининг қўлида ишлаган.

– Жеф, жиндек хизмат чиқиб қолди, ёрдам бериб юбормайсанми? – илтимос қилди Конрад Морган. – Ёшгина бир хоним бир озгина қимматбаҳо буюмлар билан Нью-Йоркдан Сент-Луисга саёҳат қилиб кетяпти...

Жеф самолётнинг иллюминаторидан қараб Трейси ҳақида ўйларди. Унинг юзида енгил табассум қалқиб турарди.

Трейси Нью-Йоркка келганидан кейин биринчи ташрифини Конрад Морганнинг заргарлик дўконига бурди. Морган уни ўзининг кабинетига кузатиб кириб, эшикни бекитди.

У қўлларини ишқаб деди:

– Мен жуда хавотирландим, азизим. Сизни Сент-Луисда кутдим ва...

– Сиз Сент-Луисда йўқ эдингиз.

– Нима? Нима демоқчисиз бу билан? – Унинг чуқур кўзлари ялтираб кетди.

– Айтмоқчиманки, сиз Сент-Луисга бормагансиз. Мени кутиб олишни ҳатто хаёлингизга ҳам келтирмагансиз.

– Йўғ-ей, мен бордим. Қўлингизда қимматбаҳо юк ва мен...

– Сиз иккита йигитни мени тунаш учун юборгансиз.

Морганнинг қиёфасида саросима аломати пайдо бўлди.

– Тушунмадим.

– Дастлаб мен бу иш ҳақида яна кимдир хабар топиб қолган бўлса керак, деб ўйладим. Лекин ҳеч ким билмаган, шундай эмасми? Сиз айтдингизки, шахсан ўзим поездга билет оламан деб, купемнинг рақамини бир ўзингиз билар эдингиз. Мен бировнинг номида, ниқобда эдим, лекин сизнинг одамларингиз мени қаердан топишни аниқ билар эканлар.

Морганнинг фариштадек бокира юзида ниҳоятда ҳайратланиш аломати пайдо бўлди.

– Сиз айтмоқчисизки, қандайдир одамлар сиздан зеб-зийнатларни ўғирлаб кетишган, шундайми?

Трейси жилмайди.

– Мен айтмоқчиманки, улар ўғирлашолмади. – Морганнинг юзи шу заҳотиёқ самимий тус олди.

– Буюмлар ўзингиздами?

– Ҳа. Дўстларингиз самолётга шошилганларидан уларни унутиб қолдирдилар.

Конрад бир дақиқача Трейсига тикилиб қолди.

– Кечирасиз.

У ички эшикдан чиқди, Трейси эса чигилларини ёзиб кушеткага ястаниб олди.

Конрад Морган ўн беш дақиқача йўқ бўлиб кетди, қайтиб келганида унинг юзида саросимага тушганлиги кўриниб турарди.

– Қандайдир хатолик ўтибди шекилли, катта хатолик. Сиз ўзингизнинг йигирма беш минг долларингизни ишлаб олдингиз. – У завқ билан жилмайди. – Зеб-зийнатни беринг ва...

– Эллик минг.

– Кечирасиз, тушунмадим.

– Уларни икки марта ўғирлашга мажбур бўлдим. Бу – эллик минг доллар дегани, мистер Морган.

– Йўқ, – қатъий эътироз билдирди у. Кўзларидан қувонч йўқолди. – Бунчалик кўп беролмайман деб кўрқаман.

Трейси ўрнидан турди.

– Жуда соз. Лас-Вегасда уларни қимматроққа оладиган биронтасини топаман, – деди-да, эшик томон юрди.

– Эллик минг доллар? – такрор сўради Конрад Морган.

Трейси бош силкиди.

– Зеб-зийнатлар қаерда?

– Пени бекатидаги юкхонада. Менга нақд пулни беришингиз билан, таксига ўтирамиз ва мен сизга калитни бераман.

Конрад Морган мағлуб бўлганини тан олиб хўрсиниб қўйди.

– Пулни бераман сизга.

– Раҳмат, – тетик жавоб берди Трейси. – Сиз билан ишлаш менга, ниҳоят, ҳузур бағишлади.

5

Даниэль Купернинг Ж.Ж. Рейнолдс ҳузурида гап нима ҳақда боришини кўнгли сезиб турарди, чунки компаниянинг барча терговчиларига бир ҳафта бурун Лойс Беллами уйида содир бўлган ўғирлик ҳақида баённома юбо-

ришган эди. Даниэль Купер мажлисларни жини ёқтирмасди. Шу каби тадбирда ўтириб аҳмоқона гапвозликни эшитиш ёмон таъсир қилади.

У Ж.Ж.Рейнолдснинг кабинетига қирқ беш дақиқа кечикди ва кириб борганида Рейнолдс нутқининг ярмисини ирод қилиб бўлганди.

– Кириб, илтифот кўрсатганлигингиз учун раҳмат, – захархандалик билан деди Рейнолдс. Купер писанд этмади. «Вақтни бекорга ўтказиш», – қарор қилди Рейнолдс. Купер пичингни тушунмайди. На пичингни ва на Рейнолдсни ташвишга солаётган нарсани. Шунақа ишларда Купер бағоят истеъдод эгаси эканлигига тан берарди Рейнолдс.

Кабинетда компанияларнинг учта энг яхши терговчиси ўтирар эди: Дэвид Свифт, Роберт Скифер ва Жерри Девис.

– Ҳаммангиз Беллами уйдаги ўғирлик ҳақидаги ахборотни ўқигансиз, – давом этди Рейнолдс. – Лекин яна баъзи бир янгиликлар кўшилди, Лойс Белламининг амакиваччаси полиция комиссари экан. У шундай жанжал кўтарибдики, шайтонлар ин-инига кириб кетибди.

– Полиция нима қиляпти? – сўради Дэвис.

– Журналистлардан қочиб юрибди. Зеро, бу – табиий. Полиция терговчилари ҳатто ўғри аёл билан гаплашишга ҳам улгуришибди, уни уйда ушлашибди ва қочиб кетишига имкон беришибди. Бунақасини атайлаб ўйлаб тополмайсан!

– Демак, уларда аёл ташқи қиёфасининг тасвири бўлиши керак, – таклиф киритди Свифт.

– Уларда ҳузурларига чиққан аёлнинг тунги кўйлак тасвири бор, – умидни пучга чиқарди Рейнолдс. – Улар унинг қадди-қоматига шундай лол бўлишган эканки, ҳатто аёлнинг сочлари қандай рангда эканини ҳам билишмасди. Аёлнинг сочларини қандайдир нарса бекитиб олган, юзи эса косметик ниқоб остида бўлган. Улар аёлнинг ёши йигирма бешларда, кетию, кўкраклари ғаройиблигини таъ-

рифлаб беришган, холос. Ҳеч қандай далил-исбот йўқ. Ҳеч қанақа кўшимча маълумот ҳам йўқ. Ҳеч қанақа.

Даниэль Купер шунча ўтириб, биринчи маротаба сўз қотди:

– Бор.

Ҳаммалари турли хил истехзо билан унга юз ўгирдилар.

– Хўш, нима демоқчисиз? – сўради Рейнолдс.

– Унинг кимлигини мен биламан.

Воқеадан хабар топган Белламининг уйини кўриб келишга қарор қилди. Мантиқ Даниэль Купер учун худо берган қобилиятини ишлатиш, ҳар қандай муаммони ечиши учун хизмат этар эди. Купер Белламининг Лонг-Айленддаги мулкига бориб, ҳатто машинадан чиқмай туриб бир назар ташлади-да, машинани қайтарди ва Манхэттенга жўнади. Ўзига зарур бўлган ҳамма нарсани билиб олди. Бино холи бўлиб, атрофида ҳеч қандай жамоат транспорти қатнамасди, демак ўғри бу уйга машинада келган.

У ўз далилларини Рейнолдс хонасидаги мажлис қатнашчиларига тушунтирди:

– Модомики, ўғри аёл уни кузатишлари мумкинлигидан кўрқиб шахсий машинасидан фойдаланишни хоҳламаган. Машина ё ўғирланган, ё бўлмасам ижарага олинган. Мен ижара идорасидан маълумот олишга қарор қилдим. Машинани Манхэттенда ижарага олган бўлса керак, у ерда изни йўқотиш жуда осон. – Бу далил Жерри Дэвисни ишонтирмади.

– Бунча содда бўлманг, Купер. Манхэттенда бир кунда минглаб машинани ижарага олишади.

Купер унинг бу гапига аҳамият бермади.

– Машиналарни ижарага беришнинг барча жараёни компьютерлаштирилган. Машина оладиган аёллар унчалик кўп бўлмайди. Ҳаммасини текшириб чиқдим. Зикр этилаётган аёл Вест-стрит кўчаси йигирма учдаги Пирс-олтмиш бирда жойлашган Баджет ижара идорасига мурожаат этган. Кеч соат саккизда «Чеви каприк» машинасини ёллаб, идорага кечаси соат иккида қайтарган.

– Айнан шу машина билан ўғрилиқ содир бўлганини қаердан билдингиз? – шубҳа билан сўради Рейнолдс.

Аҳмоқона саволлар Купернинг чаккасига тегди.

– Мен автомобиль неча миль юрганини текширдим. Бу масофа Лойс Белламининг уйигача ўттиз икки милни, қайтиши учун ҳам шунчани ташкил этади. Бу «каприк»-нинг йўл кўрсаткичига мос тушади. Машина Эллен Бран номига олинган.

– Сохта, – фаҳмлади Дэвид Свифт.

– Тўғри. Аёлнинг ҳақиқий исми Трейси Уитней.

Ҳамма унга бақрайиб тикилди.

– Қандай қилиб буни билиб олдингиз, жин урсин? – савол берди Скифер.

– У сохта исм ва манзилни айтган-у, лекин шартнома – мажбурият нусхасига қўл қўйишга мажбур бўлган. Мен бу ҳужжатни «Уан полис»га олиб бориб, уларга ҳужжатдаги бармоқ изини картотекадаги бармоқ изларига солиштириб кўришларини таклиф этдим. Аёл Жанубий Луизиана аёллар қамоқхонасида жазо ўтаган. Агар ёдингизда бўлса, мен шу аёл билан бир йил бурун Ренуар суратини ўғирланиши ҳақида суҳбатлашган эдим

– Ҳа, эсимда, – рози бўлди Рейнолдс. – Сиз ўшанда унинг айби йўқ деган ёдингиз.

– Ўшанда айтгандим. Энди уни айбсиз деб бўлмайди. У Беллами уйида қиладиган ишини қилган.

Бу пасткаш шу ерда ҳам улгурибди! Боз устига осонликча бажарибди. Рейнолдс ҳасадини билинтирмасликка ҳаракат қиларди.

– Купер, жуда бошлабсиз. Ҳақиқатан ҳам абжирлик бу. Энди уни ҳибсга олайлик. Полиция билан уланамиз-да, айтамиз, улар уни ушлаб...

– Қайси айб билан? – такаббуруна сўради Купер. – Машинани ижарага олгани учунми? Полиция уни танимайди, боз устига, унга қарши ҳеч қандай ашёвий далил ҳам йўқ.

– Бўлмаса нима таклиф этасиз? – қаҳр билан сўради Скифер. – Жазога тортилмай кетаверсинми?

– Ҳа, – деди Купер. – Лекин энди мен унинг аслида кимлигини биламан. У шунга ўхшаш жиноятни яна содир этади. Шундай қилганида мен уни қўлга оламан.

Ниҳоят, мажлис тугади. Купер ўлгудек дам олгиси келарди. У кичкина қора дафтарчани чўнтагидан чиқариб аниқ қилиб ёзиб қўйди: ТРЕЙСИ УИТНЕЙ.

6

«Янги ҳаёт бошлаш вақти келди, қарор қилди Трейси. – Лекин қандай ҳаёт? Мен бегуноҳ қурбондан кимга ... айландим? Ўғрига... Мана, гап нимада?» У Жо Романо, Энтони Орзатти, Перри Поуп ва судья Лоуренсларни эслади. «Йўқ. Қасоскор. Мана, кимга айландим? Эҳтимол, авантюрачи ҳамдир». У полицияни, касб-кори қаллоблик бўлган икки кишини алдаб кетди, заргарга фириб берди. Трейси Эрнестина ва Эми ҳақида хаёл суриб юраги орқасига тортиб кетди. У «Шварц» супермаркетига бориб, етти-саккиз иштирокчиси бўлган кўғирчоқ театрини сотиб олди-да, Эмига юборди. Откреткага ёзди: «Сенга янги дўстлар юбормоқдаман. Сени соғиниб, яхши кўрувчи Трейси».

У навбатдаги учрашувни Медисон-авенюдаги мўйна магазинига тайин қилди. У ерда Эрнестина учун мўйна сотиб олди ва икки юз доллар пул билан қўшиб юборди. Откреткада қисқача: «Раҳмат, Эрни, Трейси», деб ёзилганди.

«Энди ҳамма қарзлардан узилдим», – ўйлади Трейси. У ўзини енгил ҳис этди. Энди у эркин, истаган томонига бориб, истаган ишини қилиши мумкин.

У ўз эркинлигини осмонўпар «Хелмелей Палас» меҳмонхонасига кўчиш билан нишонлади. Трейси қирқ еттинчи қаватдаги ўз хонасида туриб пастдаги Авлиё Патрик ибодатхонасини ва узокдаги Жорж Вашингтон кўпригини томоша қилди. У куни кеча истиқомат қилган чалдевор бу ердан бир неча миль нарида эди. «Энди ҳеч қачон», – онт ичди Трейси.

У меҳмонхона раҳбарияти юборган шампан шишасини очди ва ҳўплаб ичиб Манхэттеннинг осмонўпар бино-

лари ортига ботаётган қуёшни кузатиб ўтирди. Трейси ой чиқиб келгунга қадар бир қарорга келди. У Лондонга жўнайди. У ҳаёт тақдим этиши мумкин бўлган барча ажойиботларга тайёр. «Мен ўз қарзларимдан узилдим, – ҳаёл сурарди Трейси. – Жиндек бахтга лойиқман».

Трейси тўшакда ётган ҳолда телевизор орқали сўнгги ахборотни кўриб ётарди. Икки эркак суҳбатлашмоқда эди. Бири – ўрта бўйли, миқтидан келган, ўзига мос келмаган костюм-шим кийиб олган рус кишиси Борис Мельников, иккинчиси – оппонент, баланд бўйли, ориқ, олифта Пётр Негулеску.

– Шахмат мусобақаси қаерда ўтказилади? – сўради суҳбатни олиб борувчи.

– Сочида, Қора денгиз бўйида, – жавоб берди Мельников.

– Иккалангиз ҳам халқаро гроссмейстрсиз, бу эса катта қизиқиш уйғотади, жентльменлар. Кейинги учрашувингиз дуранг билан яқунланди. Мистер Негулеску, ҳозир мистер Мельников чемпион. Сиз ундан бу унвонни тортиб олишга кўзингиз етадими?

– Сўзсиз, – деб жавоб берди суҳбатдоши.

Трейси шахматга ақли етмасди, лекин иккала эркакнинг очиқ-ойдин кўриниб турган такаббурлиги унинг ғашига теккани учун пулт тугмачасини босиб телевизорни ўчирди-да, уйқуга кетди.

У эрта билан саёҳатчилар идорасига кириб машҳур «Қиролича Елизавета II» кемасининг Олий даражадаги каютасини буюрди. У чет элга саёҳатга чиқаётганидан гўдаклардек қувонарди ва қолган уч кунини кийим-кечак ва юк сотиб олиш билан ўтказди.

«ҚЕ II» кемаси турган причалга келган Трейси бир тўда сураткаш телерепортёрларни кўриб капалаги учиб кетди. Бир дақиқадан кейин пиллапоя олдида интервью бераётган икки кишини кўриб таниди. Улар халқаро гроссмейстерлар Мельников ва Негулеску эди. Трейси полициячига паспортини кўрсатди-да, уларнинг ёнидан лип этиб ўтиб кемага кўтарилди. Палубада стюард Трей-

сининг билетини кўриб, унинг таърифга сиғмайдиган қимматбаҳо, айвонли каютасини кўрсатди. Трейси каютага кириб, шунча пулга арзийди, деган қарорга келди.

У жомадонларини ўровдан ечиб қўйиб, йўлак бўйлаб айланиб юрди. Деярли ҳар бир каютада кулги, шампан виноси ва шўх суҳбатли хайрлашув кечарди. Трейси ўзини ўкинч билан ёлғиз ҳис этди. Уни ҳеч ким кузатмайди, ҳеч ким унга ғамхўр эмас. «Бу ёлғон, – деди ўз-ўзига Трейси, – катта Берта мени хоҳлайди». Шунини ўйлаб кулиб юборди.

Трейси ўзига тикилган эркакларнинг мафтункор нигоҳлари-ю, аёлларнинг ҳасад билан кузатиб туришларига эътибор бермай палубага кўтарилди.

Кучсиз гудок ва: «Барча кетувчилар бортга чиқсин» деб бақирган товушлар эшитилди. Кутилмаганда уни ваҳима босди. У мутлақо номаълум келажак сари сузиб кетмоқда. Шатакчи кема торта бошлаганда улкан лайнер силкинди. Трейси палубада, йўловчилар орасида, Озодлик ҳайкалининг узоқлашиб, кўздан ғойиб бўлаётганини кузатиб турди.

«Қиролича Елизавета II» узунлиги тўққиз юз футдан зиёд ва ичида тўрт ресторан, олти бар, иккита ўйин зали, иккита тунги клуб ва «Денгиз маъданли сувининг олтин девори», кўплаб дўкончалари, тўртта бассейн ва гимнастика зали, гольф ўйнайдиган майдон, югуриш треки сиғиб кетган, бўйи ўн уч қаватли уйдек келадиган, ўзига хос шаҳарга ўхшайди. «Менга қолса бу кемани ҳеч қачон тарк этмасдим», – дея тинмай ҳайратини ифодалар эди Трейси.

Трейси бош овқатланиш залидан нисбатан бежиримроқ кўринган «Малика Гриль»да столча буюрди. Ўтирар-ўтирмас қулоғига:

– Салом! – деган таниш овоз эшитилди.

У нигоҳини кўтарди. Унинг қаршисида ФБРнинг сохта агенти Том Боуэрс турарди. «Оҳ, нима ёмонлик қилувдим», деб ўйлади Трейси.

– Қандай кутилмаган бахт! Ёнингизда ўтирсам қаршилик қилмайсизми?

– Жудаям-да.

Йигит рўпарага ўтириб Трейсига майин жилмайди.

– Биз дўст бўлиб қолишимиз мумкин эди. Қолаверса, икковимиз ҳам бир сабаб туфайли шу ердამиз, тўғрими?

Треysi унинг нимага шама қилаётганидан беҳабар эди.

– Менга қаранг, мистер Боуэрс...

– Стивенс, – бамайлихотир аниқлик киритди у. – Жеф Стивенс.

– Барибир, – Треysi ўрнидан тура бошлади.

– Тўхтанг. Мен сўнгги учрашувимизни тушунтириб бермоқчи эдим.

– Ҳожати йўқ, – шартта бўлди Треysi. – Бефаҳм гўдак ҳам тушуниши мумкин эди.

– Мен Конрад Морганни хизматини адо этмоқчи эдим.

– Жеф ғамгин илжайди. – Афсус, омадим юришмади.

Унинг оҳангида ўша-ўша мафтункор болаларча табиийлик сезилиб турарди. Бу табиийлик Трейсини илгари ҳам чалғитган. «Худо хайрингни берсин Денис, қўлкишан кийгизиш шарт эмас. Ахир у қочиб кетмоқчи эмас-ку...»

Треysi адоват билан деди:

– Афсуски, мен билан ҳам омадингиз юришмади. Бу кемада нима қилиб юрибсиз?

Жеф кулиб юборди:

– Бизни Максимилиан Пьерпонт бортга чиқариб олди.

– Ким?

Жеф унга ҳайрон бўлиб қаради.

– Бундан чиқди, сиз ростанам беҳабар экансиз-да?

– Нималигини билмайман?

– Макс Пьерпонт – дунёда энг бадавлат одамлардан бири. Рақобатидаги компанияларни касодга учратиш унинг севган машғулоти. У ювош бияларни-ю, енгилтак аёлларни ёқтиради, унисидан ҳам, бунисидан ҳам етарли унда. У – учига чиққан маишатпараст одам.

– Сиз эса уни ортиқча пуллардан халос этмоқчисиз, а?

– Дарвоқе, унда ортиқча пуллар жуда кўп, – Жеф синовчан назар ташлади. – Биласизми, икковимиз нима қилишимиз лозим?

– Албатга, биламан, мистер Стивенс. Икковимиз хайрлашишимиз даркор.

У ўтирган жойида Трейсининг ўрнидан туриб овқат залидан чиқиб кетаётганини кузатиб қолди.

Треysi ўз каютасида тамадди қиларкан, бу не қисматки, яна унга дуч кеп қолдим, деб ўйларди. Ўшанда поездда бошдан кечирган даҳшатни унутгиси келди. «Лекин саёҳатимни бузишига йўл қўймайман. Унга эътибор бермайман, вассалом».

Тамадди қилиб бўлиб Треysi палубага чиқди. Ажойиб оқшом, бахмалдек осмонда юлдузлар чарақлайди. У борт ёнида ой нурининг оғушида, тўлқинларнинг майин милтираши-ю, оқшом шабадасининг эсишига мафтун бўлиб турарди. Жеф унинг орқасидан келди.

– Шу ерда туришингизни ўзи қандай гўзаллигини ўзингиз ҳам тасаввур қилолмайсиз. Сиз уммоний ишқмуҳаббатга ишонасизми?

– Бўлмаса-чи. Ишонмайдиган нарсам – битта. У ҳам бўлса – сиз, – Треysi кетмоқчи бўлди.

– Тўхтанг. Менда сиз учун янгилик бор. Ҳозиргина хабар топдим – Макс Пьерпонт бу кемада йўқ экан. Сўнгги дақиқада фикридан қайтган у.

– О, жуда ёмон бўпти-ку. Сиз йўлкирага чув тушибсиз.

– Жудаям унчалик эмас, – у Трейсига синовчан назар ташлади. – Мана шу сафар давомида жиндек бойлик ортириб олиш ғоясига қандай қарайсиз?

– Бунақасини кўрмаганман! Чўнтагингизда сувости кемаси ёки вертолёт бору биронтасини тунамагунингизча ғойиб бўлмайсиз, шекилли.

– Сизга ким айтди, биронтасини ўмаради деб? Борис Мельников ва Петр Негулеску деган одамларни ҳеч эшитганингиз борми?

– Эшитган бўлсам, нима қипти?

– Мельников билан Негулеску Россияга шахмат чемпионатига кетишмоқда. Агар сизга иккови билан ўйин таклиф этсам-чи, – деди жиддий равишда Жеф. – Бир талай пул ишлаб олардингиз. Бунда ҳеч нима ютқазмайсиз.

Трейси унга шубҳали назар ташлади.

– Агар сиз улар билан ўйин ташкил этсангиз, а? Ютқазмайсиз дейсизми?

– Ҳа-да! Хўш, қалай?

– Менга ёқади. Лекин жуда арзимаган «лекин»и бор-да.

– Қанақа?

– Мен шахмат ўйнашни билмайман.

– Муаммо йўқ. Ўргатиб қўяман.

– Сиз эсингизни еб қўйибсиз, – деди Трейси. – Сизга битта маслаҳатим бор – сиз ўзингизни яхши руҳий докторга кўрсатишингиз лозим. Хайрли тун.

Эртасига тонгда Трейси палубада бадантарбия қилаётган Мельниковга муболағасиз урилиб кетди. Трейси йиқилди.

– Кўзингга қарасанг бўлмайдими, – ғўлдиради Мельников югуришда давом этаркан. Ҳангу манг бўлиб қолган Трейси ўрнидан туриб, унинг орқасидан қараб қолди.

– Шунақаям кўрс бўладими, – Трейси кийимини қоқди. Стюард келиб:

– Лат емадингизми, мисс? Мен кўрдим, у...

– Йўқ, ҳаммаси яхши, раҳмат.

Ҳеч ким унинг саёҳатини бузолмайди.

Трейси ўз каютасида Стивенснинг олти та мактубига кўзи тушди. Уларга аҳамият бермади. Кундузи у чўмилди, мутолаа қилди, уқалатди, кечга бориб овқат олдидан коктейл ичиш учун барга кирди, унинг димоғи чоғ эди. Бироқ кўтаринки кайфият тез орада тушди. Пётр Негулеску Трейсини кўриб, ўрнидан турди-да:

– О, нотаниш гўзал хоним, ижозатингиз билан сизни меҳмон қилсам, – деди.

Трейси иккиланиб туриб, кейин рози бўлди.

– Йўқ демайман, раҳмат.

– Нима истайдилар?

– Ароқ, мумкин бўлса.

Негулеску барменга имо қилди ва Трейсига ўгирилди.

– Мен – Пётр Негулеску.

– Биладан.

– Албатга. Ҳамма билади. Мен дунёда энг буюк шахматчман. Ўз мамлакатимда миллий қахрамонман. – У Трейси томон яқинроқ энгашиб кўлини унинг тиззасига қўйди-да, деди: – Бунинг устига мен гўзаллик шайдосиман.

– Нима?

– Гўзаллик шайдоси.

Трейси унинг юзига ароқни сепиб юборгиси келди-ю, бироқ ўзини ушлади.

Лекин унда бошқа фикр пайдо бўлди.

– Кечирасиз, – деди Трейси. – Дўстим билан учрашмоқчи эдим.

У Жеф Стивенсонни ахтариб кетди. Жефни «Малика Грил»дан топди, лекин у оқшом кўйлакли малласоч, қадди-басти ниҳоятда келишган, соҳибжамол жонон билан ўтирган эди. «Шундай бўлиши ҳам керак эди», деган фикр Трейсининг хаёлидан кечди ва ўгирилди-ю, йўлакка чиқди. Бир дақиқадан сўнг ёнида Жеф турарди.

– Трейси... мени кўрмоқчи эдингизми?

– Иштахангизни бўғмоқчи эмасдим.

– Шунчаки газак учун, – деди Жеф бепарво. – Хизматингизга тайёрман.

– Мельников ва Негулеску ҳақидаги гап жиддий эдими?

– Албатта. Нима эди?

– Назаримда, уларга сабоқ бериб қўйиш керак бўлади.

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман. Уларга сабоқ бериш баробарида пул ишлаб оламиз.

– Яхши. Режангиз қанақа?

– Сиз уларни шахматда «таъзирларини» берасиз.

– Жиддий гапиряпсизми?

– Ҳа.

– Сизга айтдим-ку ахир, шахмат ўйнамайман деб. Мен пиёдани қиролдан ажрата олмайман. Мен...

– Хавотир олманг, – ваъда берди Жеф, – мендан бир-икки сабоқ олсангиз икковини ҳам абжағини чиқарасиз.

– Икковини?

– О! Сизга айтган эдим-ку? Улар билан бир пайтнинг ўзида ўйнайсиз деб.

Жеф «Синган пианино» барида Борис Мельников ёнига келиб ўтирди.

– Бир ажойиб шахматчи аёл бор, – деди у Мельниковнинг қулоғига. – Яширин исм билан саёҳатга чиққан.

Ўрис ғўлдираб деди:

– Аёлларнинг шахматга ақли етмайди. Улар ўйлашга нўноқ.

– Бу аёл бошқача. У сизни бемалол ютаман, деди.

Борис Мельников хахолаб кулиб юборди.

– Ҳеч ким мени ютолмайди.

– Ўша аёл сиз ва Пётр Негулеску билан бир вақтнинг ўзида ўйнаб, энг камида иккаловингиздан бирингиз билан дуранг ўйнашга гаров ўйнамоқчи.

– Нима? Ахир бу кулгили гап. Иккаламиз билан бир вақтда ўйнаш, а. Ўша хоним шунчаки ишқибозми?

– Ҳа. Ҳар бирингизга ўн мингдан.

– Ундай бўлса, ўша бетамиз сурбетнинг таъзирини бериб қўйишим керак бўлади.

– Агар сиз ютсангиз, пулни истаган мамлакатингизга номингизга ўтказишади.

Ўриснинг юзида бойиб кетиш иштиёқи ярқ этиб кетди.

– Ўша одам ҳақида ҳеч эшитганим йўқ. Боз устига, биздек икки шахматчи билан ўйнаса. Тавба! Бу аёл эса-хушини йўқотиб қўйган бўлса ажабмас.

– Ўша аёлнинг йигирма минг нақд пули тайёр.

– Миллати қанақа уни?

– Америкалик.

– Ҳа! Шунинг ўзиданоқ ҳаммаси маълум. Ҳамма бойвачча америкаликлар соғ эмас, айниқса аёллари.

Жеф ўрнидан қўзғалар экан, деди:

– Наздимда, у фақат Пётр Негулеску билан ўйнаши керак бўлади, шекилли.

– Негулеску ўша аёл билан ўйнамоқчимми?

Ахир, сизга айтмовдимми? Аёл икковингиз билан ўйнамоқчи деб. Модомики кўрқаётган бўлсангиз...

– Кўрқаётган бўлсам? Борис Мельников кўрқадими? – унинг овози ҳайқириш даражасига кўтарилди. – Уни яксон қилиб ташлайман. Қачон бўлади энди бу кулгули ўйин!?

– Унинг режасига кўра, жума куни кечқурун. Етиб бориш арафасида сўнгги кеча.

Борис Мельников чуқур ўйга толди.

– Яхшиси, учтадан иккитаси.

– Йўқ. Фақат битта ўйин.

– Ўн минг доллар.

– Шундай.

Ўрис хўрсинди.

– Менда бундай нақд пул йўқ ҳозир.

– Ҳечқиси йўқ, – ишонтирди уни Жеф. – Мисс Уитнейнинг бор-йўқ истаги – буюк Борис Мельников билан ўйнаб, ўз ғурурини қониқтириш. Агар ютқазсангиз, дастхатли сувратингизни тақдим этасиз. Мабодо ютсангиз ўн минг доллар оласиз.

– Ким тикади? – Унинг гап оҳангида аччиқ шубҳа ифодаси янгради.

– Кема интенданти хизматининг бошлиғи.

– Жуда соз, – қарор қилди Мельников. – Демак, жума куни кечқурун. Роппа-роса кеч соат ўнда бошлаймиз.

– Уитней жуда хурсанд бўлади, – уни инонтирди Жеф.

Эртасига эрталаб Жеф икки эркак машқ қилаётган гимнастика залида Пётр Негулеску билан суҳбатлашди.

– У америкалик аёлми? – аниқлик киритди Пётр Негулеску. – Унда тушунарли. Ҳамма америкаликларнинг ақли жойидамас.

– Бу аёл – буюк шахматчи.

Пётр Негулеску нафратомуз кўл силтади.

– Буюк?! Бу ҳеч нарса эмас ҳали. Энг зўри ҳисобга ўтади. Менман ўша энг зўри...

– Худди шунинг учун ҳам сиз билан ўйнаш иштиёқида ёнмоқда. Агар ютқазсангиз, дастхатли сувратингизни унга тақдим этасиз. Мабодо ютсангиз нақд ўн минг доллар оласиз ёки...

– Негулеску ҳаваскорлар билан ўйнамайди.

– ... истаган мамлакатингизга ўтказишлари мумкин.

– Бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

– Унда, ўйлайманки, у фақат Борис Мельников билан ўйнайди.

– Нима? Айтмоқчисизки, Борис Мельников ўша аёл билан ўйнашга рози бўлдими?

– Албатта. Лекин ўша аёл икковингиз билан бир йўла ўйнашни орзу қилган эди.

– Мен ҳеч эшитмаганман бу каби... – Негулеску керакли сўз тополмай тутилиб қолди ва, ниҳоят, топганидан кейин, деди: – Мақтанчоқликни. У ким бўптики, биздек юқори савиядаги, дунёдаги тенги йўқ уста шахматчиларни мағлуб этаман деб ўйласа? У жиннихонадан қочиб чиқмаганми мабодо?

– Бу аёл жиндек ғалати, – рози бўлди Жеф. – Лекин пули бор. Ҳаммаси нақд.

– У ютқазса ўн минг доллар беради деяпсизми?

– Шундай.

– Борис Мельников ҳам шунча оладими?

– Агар аёлни ютса.

Пётр Негулеску тиржайди.

– О, Борис уни ютади. Мен ҳам.

– Ўзаро, ростини айтсам, мен ҳам ҳеч бунга шубҳа қилаётганим йўқ.

– Ким тикади?

– Кема интендант хизматининг бошлиғи.

«Нима учун биргина Мельников ўша аёлнинг пулини олиши керак?» – деб ўйлади Негулеску.

– Қўлингни ташла, дўстим. Қачон ва қаерда?

– Жума куни кечқурун соат ўнда. Қирол залида.

Пётр Негулеску бўридек иржайди.

– Мени ўша ерда кутсин.

– Сиз уларни рози бўлишди демоқчимисиз? – бақириб юборди Трейси.

– Шундай.

– Иссиғим чиқяпти.

– Сизга сочиқни хўллаб олиб келаман.

Жеф шоша-пиша ваннага кириб кетди ва сочиқни совуқ сувда хўллаб олиб келди. Трейси юмшоқ курсига ястаниб олганди. Жеф сочиқни унинг пешонасига қўйди.

– Ўзингизни қандай ҳис этяпсиз?

– Жуда ёмон. Бошимда жиддий оғриқ бошланганга ўхшайди.

– Илгариям шу дард билан оғриганмисиз?

– Йўқ.

– Ундай бўлса, менга қулоқ солинг, Трейси, шунга ўхшаш тадбирлар олдида ўзи шунақа бўлади, бу табиий.

Трейси сапчиб турди-ю, сочиқни улоқтирди.

– Шунга ўхшашми? Ҳеч қачон бунақаси бўлмаган! Мен сиздан битта сабоқ олиб, иккита халқаро шахмат усталари билан ўйнамоқчиман, ва...

– Бир йўла, – дея тузатди Жеф. – Сизда шахмат ўйнашга туғма қобилият бор.

– Вой худойим, нима учун сизнинг сўзингизга кира қолдим?

– Чунки биз анча-мунча пул ишлаб оламиз.

– Мен пул ишлашни истамайман, – Трейси йиғлаб юборди. – Менинг истагим – ана шу кема сувга ғарқ бўлсин. Нима учун бу «Титаник» эмас?

– Энди тинчланинг, – деди Жеф мулойим. – Йўқса...

– Йўқса, фалокат юз беради! Кемадагиларнинг барчаси ўйинни кузатади.

– Аслида, ҳамма гап шунда-да? – жилмайди Жеф.

Жеф интендант хизмати бошлиғи билан биргаликда барча тадорикни кўрди.

Унга тикиш учун Трейси номига иккита йигирма беш минг долларлик чек берди ва жума кунига иккита шахмат

столи тайёрлаб қўйишни илтимос қилди. Овоза кемага тез тарқалди, йўловчилар ҳақиқатан ҳам ўйин бўлишига ишонч ҳосил қилиш учун Жеф ҳузурига келишар эди.

– Албатта, – дея ишонтирарди Жеф барча қизиқувчиларни. – Ақл бовар қилмайди. Бечора мисс Уитней ютаман, деб ўйлапти. У гаров ўйнаб қўйди.

– Қизиқ, – деди бир йўловчи. – Пул тикишимиз мумкинми?

– Бўлмасам-чи. Истаганингизча. Мисс Уитней унга бир имконият бермоқда.

Биринчи гаровга тикишдан бошлабоқ дарвоза кенг очилиб кетди. Афтидан бортдаги ҳар бир йўловчи, машина бўлинмаси аъзолари-ю, зобитлар ҳам гаровга пул тикишга тайёр эдилар. Бадал беш доллардан эллик долларгача кўтарилар ва ҳар бир бадални ё ўрисга ёки руминга қўйишар эди.

Интендант хизматининг бошлиғи шубҳаланиб капитанга ахборот берди.

– Мен ҳеч қачон бунақасини кўрмаган эдим, сэр. Бу бир балонинг ўзи. Йўловчиларнинг деярли ҳаммаси қатнашмоқда. Менда гаровга қўйилган пул тахминан икки юз мингга етиб қолди.

Капитан унга хаёлчан тикилиб турди.

– Гапингиз бўйича мисс Уитней Мельников ва Негулеску билан бир йўла ўйин кўрсатмоқчи?

– Ҳа, капитан.

– Сиз анави икки одам – ҳақиқий Пётр Негулеску ва Борис Мельниковлар эканини тасдиқлайсизми?

– Ҳа, албатта, сэр.

– Улар бу ўйиндан воз кечишлари эҳтимоли борми?

– Нафсониятлари йўл қўймайди бунга. Ўйлайманки, ундан кўра ўлимга рози бўлишади. Агар шу аёлга ютқазиб қўйишса борми, уйларига боришлари биланоқ бир ҳодиса рўй беради.

Капитан сочини силаркан, гаранг бўлиб қовоғини солди.

– Хўш, сиз мисс Уитней ёки мистер Стивенс ҳақида эшитганмисиз илгариям?

– Ҳеч вақо, сэр. Билганим шуки, улар алоҳида-алоҳида саёҳатга чиқишган.

Капитан бир қарорга келди:

– Умуман олганда, бу ишдан ғирромликнинг иси кел-япти. Аммо ўзим ҳам шахматга қизиқаман ва шу боис бир нарсага кафил бўла оламанки, шахматда қаллоблик қилиниши мумкин эмас. Ўйин бўлаверсин. – У ўзининг ёзув столига бориб, қора чарм кармонини олди. – Менинг эллик фунтимни ҳам тўлаб қўйинг. Икки шахматчига қўяман.

Жума куни кеч соат тўққизга бориб Қирол зали биринчи тоифа йўловчилар, яширин йўллар билан кириб олган иккинчи ва учинчи тоифадагилар ҳамда зобитлар, кеманинг вахтадан бўш экипаж аъзолари билан тўлди. Жеф Стивенснинг илтимосига кўра, шахмат турнири учун икки бўлма ажратилганди. Битта стол Қирол залида, иккинчи стол қўшни салонда эди. Бир зал билан иккинчисининг ўртасига парда тортилди.

– Ўйинчилар бир-бирларига қараб чалғимасликлари учун, – деб тушунтирди Жеф. – Илтимос қилар эдикки, томошабинлар ўзлари танлаган залда қолаверсинлар.

Оломон бир мунча нари туриши учун столлар атрофини қора бахмал осилган арқон билан ўраб қўйишди. Томошабинлар бундан кейин насиб этмаслиги мумкин бўлган мароқли томошанинг бошланишини бетоқат бўлиб кутишар эди. Ҳеч ким буюк Пётр Негулеску ва Борис Мельников билан бир йўла ўйнашга ҳамда ҳар бири билан дуранг қилишга журъат эта оладиган мана шу америкалик гўзал аёл ҳақида ҳеч нарса билмас эди.

Жеф Трейсини ўйин олдидан икки донгдорга бир йўла таништирди. Трейси оч-кўк рангли шифон кийимда, бир елкаси очиқ Дриада ҳайкалига ўхшаб кетарди. Рангпар юзларида катта-катта кўзлари ажралиб турар эди.

Пётр Негулеску уни бошдан-оёқ кўздан кечириб чиқди.

– Сиз шахмат турнирларида авваллари ҳам ютганми-сиз? – сўради у.

– Ҳа, – самимий жавоб берди Трейси.

Негулеску елкаларини қисиб қўйди.

– Сиз ҳақингизда ҳеч эшитмагандим.

Борис Мельников аввалги сафарда қандай қўпол бўлса, шундайлигича қолди.

– Сиз америкаликлар пулларни қаерга қўйишни билмайсиз, – деди у. – Олдиндан сизга раҳмат айтиб қўйишим лозим. Ютуғим оиламни бахтиёр қилади.

Трейсининг кўзларида қаҳр ўти ёнди.

– Мистер Мельников, ҳали ютганингизча йўқ.

Мельниковнинг ич-ичидан чиққан ботиний кулгиси залда ўз аксини топди.

– Қимматли хоним, кимлигингизни билмайман-у, лекин ўзим кимлигимни биламан. Мен – тенги йўқ Борис Мельников бўламан.

Жеф соат ўнда залларга кўз югуртириб чиқди, иккала зал ҳам томошабинлар билан лиқ тўла.

– Ўйинни бошлаш вақти келди.

Трейси Мельниковга рўбарў бўлиб столга ўтирди ва ўз-ўзига, бу ишга нима жин уриб қўл урдим, деган савол берди.

– Ҳечқиси йўқ, – овутиди уни Жеф. – Менга ишонаверинг.

Трейси, жинни бўлмаса, ўшанга ишонармиди. «Эсимни еб қўйган бўлсам керак», – деб ўйлади. У жаҳоннинг икки буюк шахматчиси билан беллашмоқда, ўзи эса шахмат ўйинидан мутлақо беҳабар.

Тантанали дам етиб келди. Трейсининг оёқлари қалтирай бошлади. Мельников интизор оломонга ўтирилиб илжайди. У стюардни ҳуштак чалиб чақирди.

– Менга бир рюмка «Напольон» келтиринг.

– Адолат юзасидан, – деди Жеф Мельниковга, – сиз оқлар билан ўйнаб юришни бошлаб берсангиз, деб таклиф қилмоқчиман, мистер Негулеску билан мисс Уитней оқлар билан ўйнаб, юришни бошлаб беради.

Иккала донгдор рози бўлди.

Борис Мельников халойиқ тинчиб улгурмасданоқ кўлини стол узра чўзиб шоҳ гамбитидан ўйинни бошлади... «Бу хотинни шунчаки ютмайман, балки яксон қилиб ташлайман».

У Трейсига қараб қўйди. Трейси тахтадаги вазиятни кўздан кечирди ва биронта сипоҳга қўл урмасдан ўрнидан турди. Стюард унга кутиб ўтирган Пётр Негулеску рўпарасидан жой эгаллаганда залда камида юз нафар одам йиғилган эди.

– Келдингизми, менинг жажжи қушчам. Борисни йиқитиб бўлдингизми? – Пётр Негулеску ўз ҳазилига ўзи хахолаб кулиб юборди.

– Мен ўйинни давом эттиряпман, мистер Негулеску, – шарт бўлди уни Трейси.

У олдига энгашиб ҳозиргина Мельников қилган юришни қайтарди. Негулеску унга қараб мийиғида кулиб қўйди. Унинг уқалатадиган вақтига ҳали бир соат бор, шу боис ўйинни ўшангача тугатишни режалаб қўйган эди. Негулеску кўлини сипоҳларига чўзиб жавоб юришини қилди. Трейси бир дақиқа тахтага қараб ўрнидан кўзғалди. Стюард уни Борис Мельников олдига кузатиб қўйди.

Трейси стол олдига ўтириб, Мельниковга руминнинг юриши билан жавоб қилди. У кўз қири билан Мельников маъқуллаб бош ирғганини сизди.

Борис Мельников иккиланмай оқ филини икки катак илгари сурди.

Негулеску шоҳни сурди. Трейси ўрнидан туриб Мельников ўтирган залга борди. У шоҳини сурди.

«Хўш! Бу аёл унчалик гумроҳ эмас-ов, – ўйланди Мельников Трейсини кутиб ўтириб. – Кўрамиз, мана бунга қандай жавоб бераркан». У отини юрди.

Трейси бу юришни эслаб қолди-да, бошини лиқиллатиб Негулеску олдига бориб Мельниковнинг юришини қайтарди.

Негулеску филни икки катак илгари сурди, Трейси ҳам Мельников хузурига бориб, Негулескунинг юришини қилди.

Иккала донгдор шахматчи қаршиларида жуда зўр рақиб дона сураётганига борган сари ишончлари ортиб борарди. Қанчалик маккор юриш қилмасинлар бу ҳаваскор жавоб беришнинг уддасидан чиқарди.

Борис Мельников ва Пётр Негулеску алоҳида жойларда бўлганликлари сабабли, аслида бир-бирига қарши ўйнаётганлари хаёлларига ҳам келмас эди. Мельниковнинг ҳар бир юришини Трейси Негулескуга, Негулескунинг жавоб юришини Мельниковга қарши ишлатарди.

Ўйин қизғин борар, энди шахматчилар гердайишни унутишган. Улар ўз обрўлари учун курашмоқдалар. Улар аламларини сигаретдан олиб, залда у ёқдан-бу ёққа юрардилар. Фақат Трейсигина кўринишдан хотиржам ўйинчига ўхшарди.

Мельников ўйинни тезроқ тугатиш мақсадида отини қурбон қилди, бу оқ фил учун шоҳга кишт дейиш имконини яратарди. Трейси бу юришни Негулескуга ишлатди. Негулеску диққат билан ўрганиб қурбонни қабул қилмади.

Трейси ўз ишини давом эттирди. Ўйин тўрт соатдан бери давом этаётган бўлса ҳам залдаги биронта томошабин жойидан жилмади.

Ҳар бир чемпионнинг миясида бошқа шахмат усталари билан ўйналган юзлаб партиялар бир-бир ўтмоқда эди. Ўйиннинг охирига бориб Мельников ҳам, Негулеску ҳам бир-бирларининг услубларини билиб қолишди.

«Қанжиқ, Негулескудан ўрганиб олибди. Ўша ўргатган», – хаёлидан кечди Бориснинг.

Негулеску эса: «Бу хотин – Мельниковнинг шогирди. Бу ҳаромзода ўз ўйинини ўргатибди», – деб ўйлади.

Кураш қанчалик шиддатли тус олмасин, Трейсини ютишнинг иложи йўқлиги шунчалик равшанланиб борди. Ўйинлар дуранг натижага борарди. Ҳар бир тахтада

учтадан пиёда, от ва шоҳ қолди. Тарафларнинг бирон-тасида ҳам ютиш имконияти қолмади. Мельников ўйин устида узок бош қотириб ўтирди-да, сўнгра чуқур-чуқур нафас олиб деди:

– Дуранг таклиф этаман.

Оломон ғала-ғовурида Трейси рози бўлди:

– Майли қабул қиламан.

Халойиқнинг жазаваси кўзий бошлади.

Трейси туриб оломон ўртасидан ўзига йўл очиб, кўшни залга ўтди ва энди столга ўтирмоқчи бўлувдики Негулеску бўғилиб:

– Мен дуранг таклиф этаман, – деди.

Бу залда ҳам шовқин гувоҳликларида содир бўлган воқеага ишонгилари келмасди. Қаердандир пайдо бўлган номаълум хотин жаҳоннинг икки улкан шахматчиси билан бир йўла ўйнаб, дуранг натижага эришди!

Трейси ёнида Жеф пайдо бўлди:

– Кетдик, – дея жиймайди у. – Иккаламиз қиттак отишимиз лозим.

Борис Мельников билан Пётр Негулеску эса ўз курсиларига ўрнашиб ўтириб олганча шахмат тахталарига маъносиз тикилар эдилар.

Трейси ва Жеф «Юқори палубада» икки кишилиқ столни эгаллаб ўтиришарди.

– Роса бопладингиз, – кулди Жеф. – Мельниковнинг юз ифодасига эътибор бердингизми? Унинг юраги ёрилиб ўлади деб ўйловдим.

– Менинг эса ўзимнинг юрагим ёрилаёзди, – жавоб берди Трейси. – Қанча ютдик?

– Икки юз минг долларга яқин. Биз эрталаб Саутгемптонда тўхтаганда пулларни интендант хизмати бошлиғидан оламиз. Нонушта вақтида тамадди залида учрашамиз.

– Яхши.

– Энди ухласак бўлар, деб ўйлайман. Ижозатингиз билан сизни каютангизга кузатиб қўйсам.

– Ҳали уйқум келмаяпти. Жеф, қаттиқ ҳаяжонландим. Сиз бораверинг.

– Сиз – чемпионсиз, – Жеф энгашиб Трейсининг юзидан оҳиста ўпиб қўйди. – Яхши ётиб туринг, Трейси.

Трейси кўзи билан уни кузатиб қолди. Ҳозир ухлаш ҳақида гап бўлиши мумкинмас. Бугун Трейси умридаги энг ғаройиб тунни бошидан кечирди. Ўрис ва румин ўзларига ҳаддан зиёд бино қўйишган, кибр-ҳавода эдилар. Жеф эса ўшанда: «Менга ишонаверинг», – деди ва Трейси унга ишонди. Унинг кимлиги ҳақида Трейси хомхаёлларга бормасди. У – муттаҳам. Лекин ниҳоятда некбин, ғалати ва доно бўлиб, у билан муомала қилиш осон кечадиган одам экан. Бироқ Трейси унга жиддий эътибор бермасди, албатта.

Жеф ўз каютасига кетаётиб кема зобитларидан бирига дуч келиб қолди.

– Ажойиб шоу бўлди, мистер Стивенс. Ўйин ҳақида радиодан ахборот берилди. Саутгемптонда матбуот сизларни қандай кутиб олишини кўз олдимга келтиряпман. Сиз мисс Уитнейнинг менежеримисиз?

– Йўқ, биз бор-йўғи кемада танишиб қолдик, – осонлик ила жавоб берди Жеф, лекин миясида шубҳа ғужғон эди. Борди-ю унинг иши Трейси билан боғлиқ бўлса, унда тил бириктиришган деган фикр туғилади. Текширув бошланади. У шубҳа туғилгунга қадар пулларни олиб кетишга қарор қилди.

Жеф Трейсига мактуб ёзди: «Пулни олиб кетдим. «Савой меҳмонхонасида тантанали нонушта пайтида учрашамиз. Сиз ажойибсиз, ЖЕФ». У мактубни конвертга солиб муҳрлади ва стюардга топширди.

– Илтимос, хатни эрта билан мисс Уитней қўлига тегиш чорасини кўриб қўйинг.

– Хўп, сэр.

Жеф интендант хизмати бошлиғининг хонасига борди.

– Безовта қилганим учун узр сўрайман, – дея кечирим сўради Жеф. – Хўш, бир неча соатдан сўнг етиб бо-

рамиз. Шу боис мени бир нарса безовта қияпти. Балки ҳисоб-китоб қилиб олганимиз маъқулдир.

– Гап бўлиши мумкинмас, – жилмайди интендант хизмати бошлиғи. – Бу дейман, ёш леди жуда жозибали экан-а?

– Ҳа, албатта.

– Қарши бўлмасангиз, бир нарсани сўрасам, мистер Стивенс, қаерда шахматни бу даражада ўйнашни ўрганган у?

Жеф энгашиб ишончли оҳангда деди:

– Эшитишимча, у Бобби Фишерга шогирд тушган.

Интендант хизмати бошлиғи сейфдан қоғозга ўралган иккита катта конвертни олди.

– Олиб юриш учун хатардан холи бўлмаган анчагина нақт пул бор бу ерда. Истасангиз, шу пул миқдорига тенг келадиган чек бераман?

– Йўқ, хавотир олманг, нақдиям ёмон эмас, – Жеф уни ишонтирди. – Менга бир илтифотингиз зарур бўлиб қолди, хўп десангиз? Почта катери кема тўхташ жойига бормасдан етиб келади, шундайми?

– Ҳа, сэр? Биз уни эрталаб соат олтида кутмоқдамиз.

– Мени почта катерига ўтқазиб юборишга ёрдам берсангиз, сиздан беҳад миннатдор бўлар эдим. Ойим жуда оғир ётибдилар. Кечикмай етиб борсам дегандим, токи... – унинг овози титраб кетди. – Кеч бўлмаса эди.

– О, минг афсус, мистер Стивенс. Албатта, сиз учун тайёрман. Божхонадагилар билан келишиб қўяман.

Жеф Стивенс олтию ўн бешда иккита конвертни яхшилаб жойлаган жомадони билан арқонли нарвонда почта катерига тушиб борди. У улкан кеманинг тарихига сўнгги бор назарини ташлади. Йўловчилар ҳали ширин уйқуда. Жеф причалга «Қиролича Елизавета II» боришидан анча илгари етиб олади.

– Жуда ажойиб сафар бўлди-да, – дея гап қотди Жеф почта катерида матрослардан бирига.

– Ҳа, ажойиб, – деди унга жавобан матрос.

Жеф ўгирилди, Трейси ўралган арқон устида ўтирар, шамол сочларини майин елпир эди.

– Трейси! Бу ерда нима қилиб юрибсиз?

– Сиз нима деб ўйловдингиз?

Жеф унинг юз ифодасини кўрди.

– Тўхтанг, тўхтанг! Наҳотки мени сизни ташлаб қочиб кетади деб ўйлаган бўлсангиз!

– Шундай ўйлаб менга зарур келибдими? – Трейсининг овозида надомат оҳанги сезилиб турар эди.

– Трейси, мен сизга мактуб қолдирган эдим. Сиз билан «Савой»да учрашмоқчи ва...

– Албатта, учрашмоқчи бўлгансиз, – уни бўлди Трейси. – Сиз қочишни хаёлингизга келтирмагансиз, шундайми?

Жеф унга қараб тураркан, жавоб учун бир нарса дея олмаслигини тушунди.

Трейси «Савой» меҳмонхонасидаги хонасида Жефнинг пулларни бўлишини синчковлик билан кузатиб турди.

– Сизнинг улушингиз бир юз минг долларни ташкил этди.

– Раҳмат, – Трейси совуқ оҳангда жавоб берди.

Жеф ичидагини базўр чиқариб деди:

– Биласизми, Трейси, мен тўғримда нотўғри фикрдасиз. Имкон берсангиз, очиғини айтиб берсам дейман. Кечқурун бирга овқатланайлик.

Трейси бир дам жим турди-да, кейин рози бўлди:

– Майли.

Жеф кечқурун меҳмонхонага келиб, клеркдан Трейсини сўрагани у:

– Минг афсус, сэр. Мисс Уитней бугун эрталаб ҳисоб-китоб қилди, борар манзилени қолдирмай кетди, – деб жавоб берди,

7

Жеф Стивенс билан пулларни бўлишиб олишгандан кейин Трейси «Савой» билан ҳисоб-китоб қилиб, тинчроқ, хоналари кенг ва хизмати биринчи даражали яримхонаки меҳмонхонага кўчиб ўтди.

Лондонда бўлишининг иккинчи куни Трейсининг хонасига портъе каллиграфик услубда ёзилган таклифнома келтириб берди: «Умумий дўстимиз танишиб олишни таклиф этди, зотан иккимиз учун бу фойдадан холи бўлмаса ажаб эмас. Бугун соат тўртда «Рица»да мен билан бир пиёла чойни баҳам кўришга розимисиз? Сийқаси чиққан жумла учун афв этгайсиз. Мен сизни қизил қалампирмунчоқ гул билан кутиб оламан». Пастдаги имзо «Гюнтер Хартог».

Трейси Гюнтер Хартог ҳақида ҳеч қачон эшитмаганди. Дастлаб у хатга ҳеч қандай эътибор бермоқчи эмасди, бироқ қизиқувчанлиги устун келди ва у соат тўрту ўн бешда «Рица» меҳмонхонасининг муҳташам тамадди зали эшиги олдида пайдо бўлди. У Гюнтерни дарров таний олмади. Гюнтер қомати келишган, ориқ, ақлли юзли, териси силлиқ, тоза, деярли тиниқ, ёши олтмишлар атрофида киши экан. Устидаги қимматбаҳо кулранг костюми жисмига ярашган эди. Ёқасига қалампирмунчоқ гул қадаб олганди.

Трейси стол олдига яқин борди, Хартог ўрнидан туриб, хиёл таъзим қилди.

– Таклифимни қабул қилганингиз учун раҳмат.

У Трейсини эскича такаллуф билан ўтқазди. Трейсига бу маъқул тушди, Хартог ўзга дунё одамига ўхшаб кетарди. Унинг ўзида нима иши бор эканлигини ўйлаб ўйига етолмасди.

– Менга жуда қизиқ туюлгани учун бу ерга келдим, – тан олди Трейси. – Мени бошқа бир Трейси Уитней билан адаштириб юбормадингизми тағин?

Гюнтер Хартог жилмайди.

- Мен эшитганим Трейси Уитней фақат биттагина.
- Нимани эшитдингиз?
- Дастурхон устида шуни муҳокама қилиб ўтиришнинг ҳожати бормикан?

Дастурхонга қирқилган тухум ва бодрингли сёмга ба-лиғи, шакароб ва жўжали сэндвичлар, кремли, шиннили ёпган нон ва юмшоқ пряниклар қўйилганди. Улар гапни дастурхон устида бошлашди:

- Сиз умумий дўстимиз дебсиз, – деди Трейси.
- Конрад Морган. Мен у билан вақти-вақти билан тижорат ишлари бўйича боғланиб тураман.

«Фақат бир марта у билан иш қилдим, – паришон хаёл сурди Трейси. – Шунда ҳам мени алдамоқчи бўлди».

- У сизнинг катта мухлисингиз.

Трейси унга диққат билан назар ташлади. Ўзини тутиши оқсуякларга хос, бадавлат кишиларга ўхшайди. «Ҳар ҳолда мендан нима истайди?» – ўз-ўзидан сўради Трейси. У ишнинг асл моҳиятини билиб олишга қарор қилди, лекин на Конрад Морган, на Хартог билан тил бириктирмоқ ҳақида гап бўлди.

Трейсига ёққан бу учрашув унда қизиқиш уйғотди. Гюнтер унга ўз келиб чиқиши ҳақида сўзлаб берди:

- Мен Мюнхенда туғилганман. Отам бадавлат банкир бўлган, мен, афсус, ўлгудай ахлоқсиз, ажойиб расмлар ва ноёб, қимматбаҳо буюмлар орасида суюлган бола бўлиб ўсдим. Онам яхудий миллатига мансуб бўлгани боис, Гитлер ҳокимият тепасига келганда отам билан ажралишдан воз кечиб, бор буд-шудидан айрилди. Улар бомбардимон вақтида ҳалок бўлишди. Дўстлари мени Германиядан Швецарияга ўтказиб юборишди, уруш ту-гагандан кейин эса мен Ватанимга қайтмасликка қарор қилдим. Лондонга келиб Моунт-стритда ўртамиёна ноёб буюмлар дўконини очдим. Кунлардан бир кун қадам ранжида этасиз, деб умид қиламан.

«Э, гап буёқда экан-да, – ўйлади Трейси ҳайрон бўлиб. – У менга бирон буюм сотмоқчи».

Маълум бўлишича, Трейси адашган экан.

Гюнтер Хартог ҳисобварағи бўйича пул тўлаётди деди:

– Гемпширда менинг кичкина дала ҳовлим бор. Уч-тўрт дўстларни уик-эндга таклиф этганман, бинобарин, бизга қўшилсангиз бошим осмонга етарди.

Трейси иккиланиб қолди. Ундан нима талаб қилиниши ҳам қоронғи эди. Шунда ҳам, нимани йўқотардим, деган хулосага келди.

Уик-энд, афтидан, жуда яхши бўладиганга ўхшарди, Гюнтер Хартогнинг «кичкина дала ҳовли» ўттиз акр жойни эгаллаган ўн еттинчи асрга тааллуқли серҳашам сарой бўлиб чиқди. Уйда хизматкорлару Гюнтернинг ўзидан бошқа ҳеч ким истиқомат қилмас экан. Уй эгаси Трейсига ўз мулкани айланиб кўриб чиқишни таклиф этди. Дастлаб ўнга яқин от боқувда ётган отхона, сўнгра парранда ва чўчка кўпайтириладиган молсаройга боришди.

– Бу ҳеч қачон оч-наҳор юрмаслигимиз учун, – деди Гюнтер жиддий оҳангда. – Ижозатингиз билан ҳозир суюкли машғулотимни кўрсатсам.

У Трейсини каптарлар билан тўла оғилхонага бошлаб кирди.

– Бу – хонаки каптарлар. – Унинг овозида ғурур оҳанги сезилди. – Манави кичкина ажойиб каптарга қаранг. Ҳу анави кўк каптарни кўрясизми, мана бу ерда? Бу – Марго.

У каптарни кўлига олди ва Трейсига ушлаб кўриши учун узатди.

– Бу – жуда ёмон мода, буни биледи ўзи, лекин қачон қарасанг бошқалар билан уришаверади, барибир бу – энг яхшиси.

Ҳўжайин меҳр билан Маргонинг бошидаги кокилини силаб қўйди ва уни ерга қўйди. Қушларнинг патлари камалак рангларда товланар эди.

– Биронта ҳам оқи йўқ экан, – эътибор берди Трейси.

– Хонаки каптарлар оқ бўлмайди, – тушунтирди Гюнтер. – Чунки оқ патлар жуда тез тўкилади, уйда яшовчи каптарлар эса соатига ўртача қирқ милгача учади.

Трейси Гюнтернинг кушларга витаминлар қўшилган махсус хўрак бераётганини кузатиб турди.

– Буларнинг зоти жуда ғаройиб, – деди Гюнтер. – Биласизми, улар ўз уйини беш юз миль наридан ҳам топиб келади.

– Жудаям қизиқ!

Меҳмонлар орасида парламент аъзоси ўз хотини билан, граф, генерал қиз ўртоғи билан ва жуда мулойим дилбар ёш ҳинд аёли ҳам бор эди.

– Илтимос, мени Ви Жей деяверинг, – деди у талаффузни бузмай. У олтин ҳалли тўқ қизил рангли сарига ўрганиб олган, Трейси умрида кўрмаган зеб-зийнатлари унинг кўзини қамаштирарди.

– Мен зебу зийнатларимнинг кўпини сейфда сақлайман, – тушунтирди Ви Жей. – Бизда ўғрилар ҳаддан зиёд кўп.

Трейси Лондонга кетишга ҳозирланишидан олдин Гюнтер уни якшанба куни кундузи ўз кабинетига чорлади. У чой қўйилган патнис олдида унга рўпара бўлиб ўтирди. Трейси «Беллик» фирмасининг ниҳоятда нозик чинни идишларига чой қуяр экан:

– Мени бу ерга нима учун таклиф этганингиз сабабини биламан, – деди. – Лекин сабаби қандай бўлмасин вақтимни жуда соз ўтказдим.

– Мен хурсандман, Трейси. – Бир дақиқа сукутдан сўнг гапини давом этгирди. – Мен сизни кўп кузатдим.

– Тушунаман.

– Келажакда биронта режаларингиз борми?

Трейси ўйланиб қолди.

– Йўқ. Нима қилишимни ўйлаб кўрмадим ҳали.

– Истасангиз, иккимиз бирга ишлашимиз мумкин...

– Ноёб буюмлар дўконингизни назарда тутяпсизми?

Гюнтер кулиб юборди.

– Йўқ, азизим. Сизнинг қобилиятингизни бунга сарф қилиш адолатдан бўлмайди. Гап шундаки, мен сизнинг Конрад Морган билан ўтказган тажрибангиздан хабардорман. Сиз уни боплагансиз.

– Гюнтер... бу энди ортда қолди.

– Хўш, олдинда нима бор? Гапингизга қараганда, ҳеч қандай режангиз йўқ. Сиз ўз келажагингизни ўйлашингиз даркор. Ҳозир сизда мавжуд пуллар ҳам қачондир тугайди. Мен сизга ҳамкорликни таклиф этаман. Чунки мен жуда бой халқаро доираларга аралашиб юраман. Хайрия кечаларида, овда, елканли регаталарда бўламан.

– Тушунмаяпман, бунга менинг нима алоқам...

– Мен сизни олтин жамиятга олиб киришим мумкин. Трейси, мен «олтин» дея ҳазиллашаётганим йўқ. Мен сизни афсонавий расмлар, мисли йўқ зебу зийнатлар ҳақидаги маълумотлар билан таъминлаб, уларга хавф-хатарсиз эришиш йўл-йўриғини айтиб тураман. Шахсан ўзим харидорини топишим мумкин. Сиз бировларнинг ҳисобига бойиб кетганларнинг ҳисоб китоблари мувозанатини тўғрилаб қўйишингиз лозим бўлади. Даромадни иккимиз бўлиб оламиз. Бунга нима дейсиз?

– Йўқ дейман.

Гюнтер хаёлчан унга қараб турди.

– Мен тушунаман. Борди-ю, фикрингиздан қайтсангиз, менга қўнғироқ қиларсиз?

– Фикримдан қайтмайман, Гюнтер.

Трейси кечга яқин Лондонга қайтиб келди.

Трейси Лондонга сажда қилгудек эди. У «А-ля Гаврош», Билл Бентлис ва «Камин ёнида» ресторанларида тушлик қилар, театрдан кейин «Дроунс»га ҳақиқий америкача гамбургерлар қўшиб ерди. У Миллий театр ва Қирол театрига кирди, Кристи ҳамда Сотби кимошдиларида ҳозир бўлди. Гарродс, Фортнум ва Мейсон дўконларидан буюмлар харид қилди, Хэтчард ҳамда Фойлесдаги китобларни кўриб чиқди. Трейси ҳайдовчиси билан машина ёллаб Гемпшир графлигида янги ўрмон ёқасидаги «Чеутон Глен» меҳмонхонасида унутиб бўлмайдиган учрашув ўтказди, бу ажойиб кеча эди ва бунда аъло даражада хизмат кўрсатилди.

Бироқ бу ҳузур-ҳаловати, кайфу сафо катта пул турарди. «Ҳозир сизда мавжуд пуллар ҳам қачондир тугайди».

Гюнтер ҳақ бўлиб чиқди. Трейсининг пуллари тугаб борарди, бинобарин, у келажак учун режалар тузишга мажбур эди. Гюнтер уни дала ҳовлисига уикэндларга кетма-кет таклиф этар ва Трейси жон деб ҳар бирида қатнашар, Гюнтернинг даврасида ҳузур қилар эди.

Кунлардан бир куни якшанба оқшомида овқат маҳали парламент аъзоси Трейсига юз ўгириб:

– Мен ҳақиқий техасликни кўрмаганман ҳеч, – деди. – Мисс Уитней, улар қанақа ўзи?

Трейси ролга кириб техаслик бева аёлни ўйнаб берди, барча меҳмонлар мазза қилиб кулди.

Кейинроқ, Трейси ва Гюнтер холи қолишганда:

– Худди шу сингари бошқа қиёфага кириб, бирозгина пул ишлаб олишга қандай қарайсиз?

– Мен артист эмасман, Гюнтер.

– Сиз ўзингизни камситяпсиз. Лондонда «Паркер энд Паркер» деган битта заргарлик фирмаси бор. У ерда сиз, америкаликлар ибораси билан айтганда, мижозларни алдаб бойиш билан ҳузур қиладилар. Уларнинг инсофсизликлари учун жазолаш ғоясини сиз бердингиз менга.

У Трейсига ўз фикрини ўртоқлашди.

– Йўқ, – деб жавоб берди Трейси. Лекин бу ҳақда қанча кўп ўйласа, қизиқиш шунча кўп ортиб борар эди.

У Лонг-Айлендда полицияга панд бериб, Борис Мельников, Пётр Негулеску ҳамда Жеф Стивенснни алдаб кетганида қанчалик ҳаяжонланганини эслади. Бу тасвирлаб бўлмайдиган мароқли туйғу эди. Лекин буларнинг бари ўтмиш ҳаётнинг бир бўлаги эди, холос...

Октябрь ойи Лондонда мавсумдан фарқли ўлароқ иссиқ келди. Инглизлар ва туристлар серқуёш кунлардан унумли фойдаланадилар. Оқ «Даймлер» машинаси Оксфорд-стритдан Нью-Бонд-стритга бурилиб, серқатнов кўчалар бўйлаб Рональд Картье, Гейчерс магазинлари ҳамда Шотландиянинг Қирол банки ёнидан ўтиб кетди. Бир неча биноларни ортда қолдириб, заргарлик дўкони ёнида тўхтади. Ялтираб турадиган камтарона тахтача-

га: ПАРКЕР ЭНД ПАРКЕР деб ёзилган. Махсус кийимдаги ҳайдовчи лимузиндан чиқди-да, шошилиб машинани айланиб ўтди. «Сэссун» модасида қирқилган оқ-малла сочли, яхшилаб пардоз-андоз қилиб олган, сувсар пўстин остидан таранг тўқима кўйлак кийиб олган хотин машинадан чаққон тушди.

– Манави кулбага қаердан кирилади, ўғлим? – деб сўради у. Овозида техасликлар тилига хос қаттиқ урғу сезилиб турарди.

Ҳайдовчи эшикни кўрсатди.

– Бу ёққа, хоним.

– О, кей, азизим. Шу ерда туратур. Узоқ қолмайман

– Мен, яхшиси, уйнинг орқасига ўтиб тураман. Бу ерда машиналар туриши ман этилган.

Хотин унинг елкасига қоқиб:

– Сен буюрганларимни қилавер, тасқара.

«Тасқара?» Ҳайдовчи сесканиб кетди. Бу ижарага олинган машинани ҳайдашга рози бўлгани эвазигами? У американларни, айниқса, техасликларни унчалик хуш кўрмасди. Булар пулдор бўлса ҳам, жуда ёввойи бўлишади.

Трейси оғзи қулоғига етиб илжайди-да, эшик томон одимлади, ливрея либосидаги дарвозабон эшикни очиб:

– Тонгингиз хайрли бўлсин, хоним, – деди.

– Ҳой тасқара. Бу кулбада майда-чуйда ўйинчоқдан ташқари жиддийроқ нарсаям сотиладими? – харидор ўз ҳазилидан хахолаб кулди.

Дарвозабоннинг ранги ўчди. Трейси ҳамма ёққа «Хлоэ» атрининг нафасни бўғадиган ҳидини таратиб, магазинга тантанавор кирди.

Сотувчи Артур Чилтон унга пешвоз чиқди.

– Бирон-бир ёрдамим керак бўладими, жоним?

– Балки керак бўлар, балки йўқ. Қария Пи Жей кичкина совға буюрганди, шу боис бу ердан. Ниманглар бор?

– Хонимни бирон жиддийроқ буюм қизиқтирадими?

– Ҳой, йигит, сиз инглизларни қўлларинг чаққон, а? – Трейси барралла кулиб юборди ва унинг елкасига қоқиб кўйди, сотувчи ўзини зўрға босиб тураверди.

– Балки зумрад оларман? Чол Пи Жей менга зумрад харид қилишни яхши кўради.

– Марҳамат қилиб бу ёққа ўтсангиз, бу ёққа...

Чилтон хотинни зумрадлар терилган бир нечта патнис кўйилган кўргазма олдига бошлаб борди. Пардозланган малла соч аёл уларга истехзо билан назар ташлади.

– Бу – боллари. Оналари ва оталари қани?

Чилтон ўзини зўрға босиб жавоб берди:

Бу намуналарнинг баҳоси ўттиз минг доллардан ошади.

– Жин урсин, ахир мен ўз сартарошимга шунча чойчақа бераман, – хотин кўпол қилиб кулиб кўйди. – Чол Пи Жей ана шу майда тошларни бирини олиб борсам хафа бўлади-я.

Чилтон қари Пи Жейни кўз олдига келтириб кўрди. Семиз ва қориндор, шу хотинга ўхшаб қақилдоқ ҳамда бадфеъл бўлса керак. «Иккови – бир жуфт этик. Нега энди пуллар шунга арзимайдиган одамларга оқиб боради», – қизиқсиниб сўради ўзидан-ўзи.

– Хоним қанақа нарҳдаги безаклардан олмоқчилар?

– Қандайдир юз минг кўкидан бошласакми, дейман?

Чилтон ҳайрон бўлди.

– Юз минг кўкидан?

– Жин урсин, инглиз тилини билмайсизми? Юз минг кўки – юз минг доллар дегани.

Чилтон тупугини ютди.

– О! Агар ундай бўлса, бизнинг бошқарувчимиз билан гаплашганингиз маъқул.

Бошқарувчи Грегори Холстон кўпдан бери йирик савдо муомалаларида шахсан ўзи қатнашишни маъқул кўрарди, ўшандан бери «Паркер энд Паркер» хизматчилари восита пулини олмас эдилар. Бундай жирканч харидорни Чилтон жон деб Холстонга рўпара қилди. Чилтон пештахта остидаги тугмачани босди ва бир дақиқадан сўнг орқа хонадан рангпар, хивичдек ориқ киши чиқиб келди. У пала-партиш кийинган малласочга қараб,

ишқилиб шу хотин чиқиб кетгунча доимий мижозларидан бири келиб қолмасин-да, деб худога илтижо қилди.

Чилтон гап бошлади:

– Мистер Хилтон, бу – миссис, э...

У хотинга юз ўгирди.

– Бенек, азизим. Мэри-Лу Бенек. Қария Пи Жей Бенекнинг хотини бўламан. Пи Жей Бенекни эшитган бўлсангиз керак, а?

– Албатта, – Грегори Холстоннинг лабларида табасум пайдо бўлди.

– Миссис Бенекни зумрад қизиқтиряпти, мистер Холстон.

Грегори Холстон зумрад терилган патнисни кўрсатди.

– Бу ерда ажойиб зумрадлар қўйилган, улар...

– Хонимни тахминан юзминглик тақинчоқ қизиқтирмоқда.

Грегори Холстоннинг лабидаги табассум жиддий тус олди.

– Кунни шундай бошлаш жуда яхши-да.

– Биласизми, менинг туғилган куним эди, шу боис қария Пи Жей биронта арзигулик буюмни ўзим танлаб олишимни истайди.

– Албатта, – деди Холстон. – Ижозатингиз билан бу ёққа юрсангиз?

– Оббо шумтака-ей, нимани ўйлаб қўйдингиз? – ҳиринглади малласоч.

Холстон ва Чилтон бир-бирига алампнок қараб қўйишди. «Жин ургур америкаликлар!»

Холстон хотинни кичкина, равшан ёритилган хонага бошлаб кирди ва эшикни ёпиб кулфлади.

– Биз бу ерда улуғ мижозларимизга аталган молни сақлаймиз, – деб тушунтирди у.

Хонанинг ўртасидаги кўргамада бир қанча ҳайратомуз олмос, ёкут, зумрадлардан ялт-ялт қилиб ётарди.

– Бу бошқа гап, булар мен қидирган нарсага кўпроқ ўхшаб кетади. Қария Пи Жей буларни кўриб эси оғиб қолади.

– Хоним, биронтасини танлайдиларми?

– Келинг, олдин нима борлигини кўрайлик. – Трейси зумрадлар терилган кўргазма олдига борди. – Хўв анави ўрамни менга олиб кўрсатинг-чи.

Холстон чўнтагидан кичкина калитча чиқариб кулфни очди, зумрадларни олиб стол устига қўйди. Бахмал кутида ўнта зумрад бор эди. Холстон аёлнинг улар ичидан энг каттасини қўлига олишини кузатиб турди. Бу фавқулодда санъаткорона ясалган платина гардишли тўғнағич эди.

– Пи Жейнинг ибораси билан айтганда, манави ерига менинг исмимни ёзиб қўйса бўлади.

– Хонимнинг диди нозик. Бу ўн каратли кўм-кўк «колумбиялик». Унинг биронтаям нуқсони йўқ.

– Зумрадларда нуқсон бўлмайди.

Холстон бир зум довдираб қолди.

– Хоним ҳақлар, албатта. Менинг назаримда...

У хотинларнинг кўзи мана шу зумрад каби кўк бўлишини биринчи марта кўриб туриши эди.

– Бизда буларнинг турлари кўп, агар...

– Қийналма, қанддек шириним. Мен шуни оламан.

Олди-сотди уч дақиқадан камроқ вақтни олди.

– Жуда соз, – деди Холстон, кейин одоб билан: – Доллар билан юз минг. Қайси пулда ҳисоб қиладилар?

– Хавотир олманг, Холстон. Лондон банкларидан бирида ҳисобрақамим бор. Мен ўз номимдан чек ёзиб берман. Қария Пи Жей тўлаб қўйиши мумкин.

– Жуда соз. Мен тошни тозалатиб, сизнинг меҳмонхонангизга юборишни буюриб қўяман.

Зумрад тозалашга муҳтож эмасди, лекин Холстон токи чек текширилмагунча уни ўз тасарруфидан чиқаргиси келмасди. Ҳаддан кўп заргарлар қаллобларга алданган. Холстон ўзини ҳеч ким, ҳеч қачон алдамаганидан мағрур эди.

– Зумрадни қаерга юборишни буюрадилар?

– Биз «Дорче»да, Оливер Месси хонасига жойлашганмиз.

Холстон «Дорчестер» деб ёзиб қўйди.

– Мен уни Оливер Месси дейман, – аёл кулиб юборди.
– Кўпчиликка бу меҳмонхона энди ёқмай қолган, чунки у ерда араблар тўлиб ётибди. Лекин қария Пи Жей улар билан катта ишлар қиляпти. Нефтнинг ўзи бир мамлакат, дейди у. Пи Жей бунинг қадрига етади.

– Бунга ишончим комил, – жавоб берди Холстон эҳтиром ила.

У аёлнинг чекни очиб, тўлдираётганини кузатиб турди. У чекни Барклайс бэнкка қарашли эканини ўзига қайд этиб қўйди. Ҳисобрақамининг ҳақиқий эканини текшириб берадиган таниши бор. Холстон чекни олди.

– Мен зумрадни шахсан ўз қўлингизга топширишларини таъминлайман.

– Қария Пи Жейга ёқиши аниқ, – таъкидлади аёл.

– Ишончим комил, – деди мулойим Холстон.

У аёлни эшиккача кузатиб чиқди.

– Ролстон...

Холстон аёлнинг хатосини тузатмоқчи бўлди-ю, фикридан қайтди. Энди бу хонимни ҳеч қачон кўрмайди, худога шукр!

– Ҳа, хоним?

– Кундузлари бизнинг хонага бир пиёла чойга кирарсиз деб умид қиламан? Қария Пи Жей сизга ёқиб қолади.

– Ишончим комил. Афсуски, кундузи ишда бўламан.

– Афсус.

У мижозини йўлак четига чиққунча кузатиб турди. Оқ «Даймлер» машинаси келиб тўхтади, ҳайдовчиси чиқиб эшикни очди. Малласоч аёл кетаётиб орқасига ўгирилди-да, маъқуллаш маъносида бошмалдоғини кўтарди.

Холстон хонасига қайтиб кириши биланоқ Барклайсдаги ошнасига қўнғироқ қилди.

– Питер, азизим, менинг қўлимда миссис Мери Лу Бэнк ҳисобрақамидан юз минг долларга ёзиб берилган чек бор. Шу тўғрими?

– Ҳозир, оғайни.

Холстон кутиб турди. У чек ҳақиқий бўлиб чиқишига умид қиларди, чунки кейинги вақт савдонинг мазаси йўқ эди. Бечора ака-ука паркерлар талабнинг камайиб кетишида худди у айбдордек доим норозилик билдирар эдилар. Даромад бор эди, лекин олишлари мумкин бўлганидан катта даромад эмасди, зотан «Паркер энд Паркер»-нинг заргарлик буюмларини тозалашга ихтисослашган дўконлари мавжуд эдики, эгаларига олиб келинган молларига нисбатан ёмонроқ моллар қайтариларди. Питер симда яна пайдо бўлди.

– Ҳаммаси жойида, Грегори. Ҳисобрақамида пул ҳаддан зиёд.

Холстон жуда енгил тортди.

– Раҳмат, Питер.

– Арзимаёди.

– Шу ҳафта таом мендан.

Чек жойида, эртаси эрта билан «колумбиялик» зумрад ишончли югурдак орқали «Дорчестер» меҳмонхонасига миссис Пи Жей Бенек номига етказилди.

Ўша куниниёқ, ёпилишидан сал илгари котиба Грегори Холстонга хабар берди:

– Қандайдир Бенек сизни кўрмоқчи, мистер Холстон.

Унинг юраги орқасига тортиб кетди. Бу аёл тақинчоқни қайтариб бериш учун келган, йўқ дея олмайди. «Жин урсин бу аёлларни, барча америкалигу техасликларни!» Холстон зўраки табассум билан аёлни кутиб олиш учун чиқди.

– Яхшимисиз, миссис Бенек. Наҳотки тўғнағич эрингизга ёқмаган бўлса?

– Фикрингиз нотўғри, қароқчи. Қария Пи Жей уни кўриб ақлдан озаёзди.

Холстоннинг юраги енгил ура бошлади.

– Наҳотки!

– Гап шундаки, эримга тақинчоқ шундай ёқиб қолдики яна битта сотиб олмоқчи, бир жуфт қилиб тақиб юрасан деяпти... Мен сотиб олганга ўхшаганидан яна битта беринг.

Грегори Холстоннинг пешонаси тиришди.

– Жиндек қийинчилик туғиладими, деб кўрқаман, миссис Бенек.

– Қандай қийинчилик, азизим!

– Сиздагиси – ягона тош. Унга ўхшаши бошқа йўқ. Бизда бошқа услубдагилари жуда кўп. Бенек мен...

– Бошқачаси менга керакмас. Мен ўзим сотиб олганимга айнан ўхшашини хоҳлайман.

– Очиғини айтадиган бўлсам, миссис Бенек, ўн каратли «колумбиялик»ларнинг нуқсонсизи бўлмайди унча кўп. – У аёлнинг юзига қаради. – Тошларда кусур ҳам бўлиши эҳтимол.

– Давом этавер, йигитча. Лекин қаердадир шунақаси бўлиши керак-ку.

– Ростини айтаман, бунақа сифатли тошни жуда камдан-кам учратганман, зеро, бунинг шакли ва ранги такрор бўлишининг иложи йўқ деярли.

– Бизнинг Техасда айтишадикки, иложи йўқ нарсага эришиш учун жиндек кутиб турмоқ даркор. Шанба куни – туғилган куним. Пи Жей худди шунақа тақинчоқ олишимни истайди. Бинобарин, Пи Жей истайдими, демак, олади.

– Уддасидан чиқолмасам кераг-ов...

– Бу тақинчоқ учун қанча тўладим? Юз мингми? Мен билан Пи Жей шунақа ҳар бир тош учун икки юз минг, ҳатто уч юз минг доллар тўлашга тайёرمىз.

Григори Холстоннинг мияси тез ишлаб кетди. Қаердан бўлмасин шунақа тош топиш лозим, модомики Пи Жей Бенек ортиқча икки юз минг доллар тўламоқчи экан, у ҳолда катта даромад бўлади бу. «Дарҳақиқат, – чамалаб кўрди Холстон. – Бу ишни шундай уддалашим керакки, фойдаси ўзимга қолсин».

– Мен қидириб кўраман, миссис Бенек, – деди у. – Ишончим комилки, Лондондаги биронта заргарда ҳам бунга ўхшаши йўқ, лекин очиқ савдоларда ҳар доим зебу зийнатлар сотилиб туради. Мен эълон бердириб юбораман, кўрамиз, бирор фойдаси бўлармикин.

– Агар ҳафтанинг охиригача топсангиз, – дея таъкидлади малласоч аёл, – ўзаро гап-ку, лекин қария Пи Жей нархини уч юз эллик минггача ошириб олиши ҳам мумкин.

Шундай деб миссис Бенек чиқиб кетди.

Грегори Холстон ўз кабинетида ширин хаёл оғушида ўтирар эди. Тақдир унинг қўлига шундай одамни юбордики, малласоч қанжиқ уни ўзига шундай ром қилиб олганидан у ҳатто юз минг долларлик зумрад тошга уч юз минг тўлашга тайёр. Соф фойдаси икки юз эллик минг бўлмоқда. Грегори Холстон ака-ука Паркерларни бу битим тафсилотлари билан таништириб ўтиришнинг ҳожати йўқ деб ҳисоблади. Йўли осон – иккинчи зумрадини юз мингга сотилди деб дафтарга қайд этади-ю, қолганини чўнтагига уради. Икки юз эллик минглик устама умрининг охиригача етади. Бор-йўқ қиладиган иши миссис Бенекка сотган зумрадининг эгизагини топиш, холос.

Эгизагини топиш Холстон ўйлаганидан ҳам қийинроқ бўлиб чиқди. У кўнғироқ қилган барча заргарларда бунақаси йўқ экан. Холстон Лондоннинг «Таймс», «Файнэншл таймс» газеталарига эълонлар берди, Кристи ва Сотби ҳамда мол сотадиган ўнлаб агентликларга кўнғироқ қилди, бироқ улар таклиф этганлари Холстон ахтарган нарсага ҳеч ўхшамас эди.

Чоршанба куни миссис Бенек кўнғироқ қилди.

– Йўқ ҳали, миссис Бенек, – иқрор бўлди Холстон. – Хавотир олманг, топамиз.

Жума куни у яна кўнғироқ қилди.

– Эртага туғилган куним, – эслатиб қўйди у Холстонга.

– Биламан, миссис Бенек. Агар яна бир неча кун муҳлат бўлганида, ўзим билардим...

– Ҳечқиси йўқ, йигит. Эртага эрталаб зумрадининг иккинчиси топилмаса, сотиб олганимни сизга қайтариб бераман. Қарол Пи Жей, худо ўз паноҳида асрасин, шаҳар четидан катта қаср сотиб олиб бераман деяпти. Суссекс деган жойни эшитган бўлсангиз керак?

Холстонни тер босди.

– Миссис Бенек, – инграб деди у. – Сиз Суссексда жонингиздан тўясиз. Шаҳар четидаги уйда яшаб қийналиб қоласиз. Уйларининг талай қисми бир пулга қиммат, марказий иситгичи йўқ, ҳам...

– Гап орамизда қолсин-у, – Бенек унинг сўзини бўлди, – менга қолса зумрадни танлаган бўлардим. Қария Пи Жей гап орасида шунақа тошга ҳатто тўрт юз минг тўлашга ҳам тайёрман, деди. Қария Пи Жей қандай қайсар одам бўлиши мумкинлигини ҳатто тасаввур қилолмайсиз.

Тўрт юз минг! Холстон бармоқлари орасидан пул сочилаётгандек ҳис этди ўзини.

– Менга ишонаверинг, кўлимдан келган барча чораларни кўраман, – зорланди у. – Бироз вақт керак.

– Бу менга боғлиқ нарса эмас, – валдиради малласоч, – Пи Жейга боғлиқ.

Алоқа шу билан узилди. Холстон ўз тақдирига лаънат ўқирди. Айнан шунга ўхшаш ўн каратли зумрадни қайдан топади? У ўзининг аламли хаёлларига берилиб, сектори чириллаётганини эшитмади, учинчи бор чириллаганида хуши ўзига келди. У тугмачани босиб:

– Ким у яна? – дея ўдағайлади.

– Мистер Холстон, виконтесса Марисса кўнғироқ қиляпти. У сизнинг зумрад ҳақидаги эълонингиз бўйича кўнғироқ қиляпти.

Яна биттаси! Эрталаб унга камида ўн марта кўнғироқ қилишди. Ҳаммаси куруқ сафсата. У гўшакни олди ва:

– Эшитаман, – деди кўпол равишда.

Мулойим аёл овози итальянча лаҳжада янгради:

– Салом, сеньор. Мен эълон ўқигандим, сиз зумрад сотиб олмоқчисиз шекилли.

– Менинг таърифимга қараганда шунга ўхшайди. – У бетоқат бўлаётганини овозидан яшира олмади.

– Мен аждодимиздан мерос бўлиб қолган бир зумрад сақлаб келаман. Афсуски, ҳозир жуда қийналиб қолганман, шу боис уни сотишим лозим.

Холстон шу каби воқеаларни илгари ҳам эшитган. «Яна бир марта Крести ёки Сотбига кўнғироқ қилиб кўрсам, балки сўнгги дақиқада тўғри келадиган бирортаси топилиб қолса зора...»

– Сиз ўн каратли зумрад қидиряпсизми?

– Ҳа!

– Менда ўн каратли яшил «колумбиялик» бор.

Холстон нафаси тикилиб зўрға гапира бошлади:

– Илтимос, нима дедингиз? Қайтаринг, яна қайтаринг.

– Менда ўн каратли кўм-кўк «колумбиялик» бор. Сизни қизиқтирадими деяпман?

– Бўлиши мумкин, – ўзини босиб олди у. – Қизиқ, хузурига олиб келиб кўрсата оласизми?

– Йўқ. Ҳозир жуда бандман. Биз эримнинг элчихонасидаги учрашувга ҳозирлик кўряпмиз. Эҳтимол, кейинги ҳафтага олиб келишим мумкин...

– Йўқ! Кейинги ҳафта кеч бўлади. Хўп десангиз ўзим бораман. – Холстон бетоқатлигини босиб олишга уринар эди. – Ҳозироқ етиб боришим мумкин.

– Э, йўқ. Бугун эрталаб бандман. Магазинларни айланмоқчи эдим.

– Қаерда тўхтагансиз, виконтесса?

– «Савоей»да.

– Ўн беш дақиқадан кейин етиб боришим мумкин. Ўн дақиқа. – Холстон ҳаяжонини яшира олмади.

– Яхши. Исмингиз?..

– Холстон. Грегори Холстон.

– Менинг хонам – йигирма олтинчи.

Таксида юриш чексиздек туюлиб кетди. Холстон гоҳ арши аълога чиқади, гоҳ дўзах азобига тушади, агарда зумрад сотилганига айнан ўхшаб қолса, у ҳолда унинг фойдаси уч юз минг – ҳеч кутилмаган орзулар рўёбга чиқади. Холстон Ривьерада уй сотиб олади. Эҳтимол яхтага ҳам ортиб қолар. Ўзининг вилласи ва шахсий кема-си ёрдамида ўзи хоҳлаганча ёш йигитларни ўзига жалб этиши мумкин...

Грегори Холстон худога ишонмас эди, лекин «Савой» меҳмонхонасининг йўлақларидан борар экан, беихтиёр худога илтижо қилаётганини сезиб қолди. «Шу зумрад тош ишқилиб, Пи Жей мамнун бўладиган даражада ўхшаш бўлсин-да».

У виконтесса эшиги олдида ўзини босиб олиш учун чуқур нафас олиб турарди. Эшикни тақиллатди, аммо жавоб бўлмади.

«Эй худо, ўз паноҳингда асра. Бу хотин мени кутмасдан кетиб қолибди. Магазинларни айланиб юрган бўлса керак».

Эшик очилди. Холстоннинг кўз олдида қора кўзли, юзларини ажин босган, сочларига оқ оралаган, эллик ёшлардаги келишган аёл намоён бўлди.

Аёл гапира бошлаганда унинг тили майин италянча лаҳжада ёқимли жаранглади.

– Хўш?

– Мен – Грегори Холстонман. Сиз қ-қўнғироқ қилган эдингиз. – У нима учундир дудуқлана бошлади.

– Э-ҳа, мен – виконтесса Марисса бўламан. Марҳамат, киринг.

– Раҳмат.

Холстон ичкари кирди, ҳаяжонли қалтираётганини билдирмаслик учун оёғини қаттиқ босди. Сал бўлмаса: «Зумрад қани?» деб юбормоқчи ҳам бўлди. Бироқ ўзини босиши ва иштиёқини яшириб туриши лозимлигини тушунарди. Агар зумрад тош кўнгилдагидек бўлса, унда савдолашиш имконияти туғилади. Қолаверса, у – мутахассис.

Аёл эса – гўл.

– Марҳамат, ўтиринг, – деди виконтесса.

Холстон курсига ўтирди.

– Мен инглизча яхши гапира олмайман.

– Майли, майли. Жуда яхши, жуда соз.

– Раҳмат, қаҳва истайдиларми? Ёки чой?

– Ташаккур, виконтесса.

Холстон ичаклари тортиб бораётганини ҳис этарди. Суҳбат мавзусини зумрадга ўтказиш вақти келмадимикан? Унинг бир зум кутишга ҳам тоқати йўқ.

– Зумрад...

Аёл сўз қотди:

– Э-ҳа, зумрадни менга бувим тақдим этганди. Қизимга йигирма беш ёшида тақдим этмоқчи эдим, бироқ эрим Миланда янги бир бизнесга қўл урмоқчи, мен эса...

Холстоннинг хаёли бошқа ёқларда дайдиб юрар эди. Уни қаршисида ўтирган бегона аёлнинг тарихи қизиқтирмасди. У зумрадни кўриш иштиёқида куярди. Кутишга ортиқ иложи қолмади.

– Ўз ишини бошламоқ учун эримга ёрдам жуда зарур. – Виконтесса ғамгин жилмайди. – Балки хато қилаётгандирман...

– Йўқ, йўқ, – шу зумдаёқ жавоб берди Холстон. – Ҳеч ҳам, виконтесса. Хотиннинг бурчи – доимо эрнинг пинжида бўлмоқ. Зумрад қаерда ҳозир?

– Ўзимда, – деди виконтесса.

Ва чўнтагидан кимхобга ўралган зумрад тошни олиб, Холстонга узатди. Холстон зумрадни диққат билан кўздан кечирар экан, базўр нафасини ростлаб олди. Унинг кўз олдида нозик иш маҳсули бўлмиш ўн каратли кўм-кўк «колумбиялик» зумрад турарди. Унинг наздида, миссис Бенек сотиб олган зумрад ҳозир кўз ўнгидаги зумраддан катта-кичиклиги, ранги жиҳатидан жуда ўхшаб кетарди ва уларнинг орасидаги фарқни ажратишнинг ҳеч иложи йўқ эди. «Бу жудаям ўшанақа эмас-ку, – деди ўз-ўзига Холстон. – Лекин фақат мутахассисигина уларнинг орасидаги фарқни ажрата олади». Унинг қўллари қалтирай бошлади.

– Ниҳоятда ажойиб тош.

– Ажойиб. Шунча йил уни эъзозлаб келдим. Бу тош билан айрилиш мен учун нақадар оғир.

– Сиз тўғри қиялпсиз, – дея уни ишонтирди Холстон. – Эрингизни келажакда шундай омади келадикки, бу каби

тошларни истаганингизча сотиб олишингиз мумкин бўлади.

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман.

– Мен ўз дўстимга жиндек ёрдам бермоқчиман, виконтесса. Бизнинг дўконимизда ундан ҳам яхшироқ тошлар мавжуд, бироқ менинг дўстим хотини сотиб олган зумраднинг айнан ўхшашини олмоқчи. Ўйлашимча, бу тош учун олтмиш минг доллар тўлашга ҳам рози бўлади.

Виконтесса хўрсиниб қўйди.

– Бувим гўрида ётиб ҳам тинчлик бермайди менга, агарда уни олтмиш минг долларга сотсам.

Холстон лабини тишлади. У бу хотинга нархини ошириш учун имкон бермаслиги лозим.

– Мен сизга бир гапни айтмоқчиман... Дўстимни юз минг долларгача кўндира оламан. Бу жуда катта пул, лекин у ушбу тошни олишни сабрсизлик билан кутаётган бўлса керак.

– Бу жуда адолатли гап, – деди виконтесса.

Грегори Холстоннинг юраги гупиллаб ура бошлади.

– Мен чек китобчамни олиб келгандим, шу боис ёзиб берсам-да...

– Афсуски, бу менинг муаммоларимни ечолмайди, – виконтессанинг чеҳраси тундлашди.

Холстон унга диққат билан қаради.

– Сизнинг муаммоларингиз?

– Ҳа, эрим янги иш очмоқчи эканлигини айтган эдим, шекилли. Бунинг учун унга уч юз минг доллар керак. Менда юз минги бор, бироқ яна икки юз минг доллар етмайди. Умид қиламанки, унинг харажатларини зумрад ҳисобига қоплайман.

Холстон бош чайқади.

– Менинг азиз виконтессам, биронта зумрад шунча пул турмайди. Юз минг доллар... Бундан яхши нарх бўлмаган.

– Ҳа, бунга ишонаман мен, мистер Холстон, – деди виконтесса, – у ҳолда мен эримнинг ҳожатини чиқара

олмайман, ахир шундай эмасми? – ўрнидан турди. – Қизимга берсам тошни асраб қолган бўламан, – дея нозик кўлини узатди, – келганингиз учун ташаккур.

Холстон довдираб қолди.

– Андак сабр қилинг, – илтимос қилди у. Ундаги пулга бўлган очкўзлик ақл билан курашар, лекин у зумрадни кўлдан бермаслиги лозимлигини идрок этарди. – Илтимос, ўтиринг, виконтесса. Ишончим комилки, биз бир битимга келишамиз. Борди-ю, мен миждозимни бир юз эллик минг долларга кўндира олсам-чи?

– Икки юз эллик минг доллар.

– Хўп айтайлик, икки юз минг доллар...

– Икки юз эллик минг доллар.

Бу аёлнинг иродасини букиб бўлмасди. Холстон бир қарорга келди. Юз эллик минг долларлик даромад – ҳеч нарсадан кўра яхшироқ. Бу – ўртаҳол вилла ва яхта деган гап, ҳар ҳолда қандайдир мулк, ахир. Бундан ташқари бу ака-ука Паркерларга Холстон билан разилона муносабатлари эвазига ўч олиш ҳам бўлади. У уч-тўрт кундан сўнг ариза беради. Келаси ҳафта эса Ложувард соҳилда дам олади

– Бу жуда катта пул, хоним, – деди у.

– Жуда яхши-да! Мен розиман...

«Сен қанжиқ шунга ҳам рози бўлмаслигинг мумкинми?» – ўйлади Холстон. Ўзиям афсус қиладиган жойи йўқ. У сўнгги бор зумрадга кўз ташлади-да, чўнтагига солди.

– Мен сизга дўкон ҳисобидан чек ёзиб бераман.

– Яхши, синьор.

Холстон аёлга чек ёзиб берди. Аёл ўз чекини тўрт юз минг нақдига айлантириши зарур эди. Питер унинг учун чекдан нақд пул олиб беради, Холстон эса виконтессанинг чекини ака-ука Паркерларнинг чекига алмаштириб беради-ю, қолган фарқини ўз чўнтагига солади. Бу ҳақда Питер билан келишиб олиши мумкин, шу боис ҳар ойда ака-ука Паркерларга бериладиган расмий ҳисоботда икки юз эллик минглик чек кўринмай кетади!

Холстон шу дамнинг ўзидаёқ Франциянинг иссиқ қуёш нурларидан баҳраманд бўлаётгандек ҳис қилди ўзини.

Таксида орқасига қайтар экан, вақт жуда тез ўтгандек туюлди. Холстон миссис Бенекка ажойиб янгилик тўғрисида хабар етказганда унинг қувончини кўз олдига келтирди. Холстон хонимга нафақат қимматбаҳо тошни топиб берди, балки уни қишлоқда кулбаи харобада елви-зақда яшашдан ҳам асраб қолди.

Холстон ҳовлиқиб дўконга кирганида, уни Чилтон:

– Сэр, сизни бир харидор кутмоқда, – деб кутиб олди.

Холстон қувончини яширолмай унга қўл силтади.

– Кейин.

Мижозларга унинг вақти йўқ. Ҳозир ҳам, умуман ҳеч қачон. Шу дақиқадан эътиборан одамлар уни кутиб туради.

Холстон ўз кабинетига отилиб кирди-да, зумрадни стол устига қўйиб, телефон рақамларини тера бошлади.

– «Дорчестер» меҳмонхонаси, – деб жавоб берди навбатчи.

– Марҳамат қилиб, Оливер Миссиснинг хонасини улаб берсангиз.

– Ким билан гаплашишни истайдилар?

– Миссис Бенек билан.

– Бир дақиқа.

Холстон навбатчи жавоб бергунга қадар хотиржам ҳуштак чалиб турди.

– Кечирасиз, миссис Бенек меҳмонхонадан чиқиб кетибдилар.

– Унда кўчиб ўтган хонасига қўнғироқ қилинг.

– Бунинг иложи йўқ. Миссис... Мен сизни қабулхона билан улаб бераман.

Эркак кишининг овози эшитилди:

– Қабулхона. Хўш хизмат?

– Миссис Бенек қайси номерга кўчиб ўтди?

– Миссис Бенек бугун эрта билан меҳмонхонадан жўнаб кетган.

Йўғ-е, бунинг ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди! Ҳеч кутилмаган, фавқулодда ҳол бу?

– Балки борадиган манзилини қолдириб кетгандирлар? Бу...

– Кечирасиз, хоним ҳеч нарса қолдирмадилар.

– Албатта қолдирган! Текшириб кўринг...

– Миссис Бенек билан ўзим ҳисоб-китоб қилганман. У киши ҳеч қандай қоғоз қолдирган эмас.

Холстон гўшакни оҳиста жойига қўйди. У миссис Бенек билан боғланиш йўлини қандай бўлмасин топиши ва, ниҳоят, зумрад топилганини хабар қилиши даркор! Бу орада виконтесса Мариссага ёзиб берган чекини қайтариб олиши ҳам керак.

У шошилиш «Савой» меҳмонхонасига кўнғироқ қилди.

– Йигирма олтинчини, илтимос.

– Марҳамат, кимга кўнғироқ қиляпсиз?

– Виконтесса Мариссага.

– Бир дақиқа.

Лекин навбатчи телефонга қайтиб келгунча Холстоннинг кўнглини қандайдир фалокат бўлиши мумкин деган мудҳиш ваҳима боса бошлади.

– Кечирасизу, лекин виконтесса ҳисоб-китоб қилиб, кетибдилар.

У гўшакни жойига қўйди. Бармоқлари аянчли қалтирар эди, шу боис банк рақамини зўрға терди:

– Менга бош иқтисодчини тезда улаб беринг! Мен чек тўловини тўхтатмоқчиман.

Афсуски у кечиккан эди. Холстон ўзи сотган юз минг долларлик зумрадни икки юз эллик минг долларга сотиб олди. У курсига ўзининг оғир гавдасини ташлади-ю, ака-ука Паркерларга нима деб тушунтиражагини ўйлаб кетди.

8

Трейси учун янги ҳаёт бошланди. У Итон-сквер 45 да Георг услубида қурилган ажойиб кўҳна уй сотиб олди. У уйни шундай таъмирлаб жиҳозладики, оқибатда, бу уй Лондоннинг диққатга сазовор биноларига айланди.

Гюнтер Трэйсини импорт ва экспорт билан шуғулланиб, катта мол-мулк орттирган кишининг беваси сифатида таништирди. Гўзал, ақли, латофатли бу аёл тезда ҳурмат-эътибор қозонди ва кетма-кет тушаётган таклифларга кўмилиб кетди у.

Трейси вақти-вақти билан Франция, Бельгия, Италияга бориб турар ва ҳар сафар Гюнтер Хартог билан мўмайгина пул орттириб келарди.

Гюнтер Хартог раҳбарлигида у «Готт альманахи»ни, Дебренинг «Пэрлар китоби»ни ва қирол оилалари аъзолари, Овруподаги нуфузли шахслар ҳақида батафсил маълумот берилган бошқа мўътабар китобларни ўқиб ўрганди. Трейси буқаламунга, грим ниқоблар, лаҳжалар бўйича ҳақиқий мутахассисга айланди. У беш-олтига паспорт эгаси эди. Ҳар хил мамлакатларда ўзини гоҳ британия герцогиняси, гоҳ фаранг стюардессаси, гоҳ жанубий америкалик бадавлат меросхўр деб таништиради. Трейси бир йил давомида ўзига керагидан ортиқ пул тўплади ва жамғарма ташкил этди. Бу жамғарма орқали қамоқда ётиб чиққан аёлларга ёрдам қилувчи ташкилотларга яширин равишда хайр-эҳсон, ҳамда ҳар ойда Отто Шмидтга катта нафақа юбориб турар эди. Бу касбидан воз кечишни энди хаёлига ҳам келтирмай қўйганди у. Зийрак, ақли, доно, омадли одамларга қарши чиқишни ёқтириб қолди. Ҳар бир муваффақиятли амалидан кейин вужудида сезган тўлқини унга кўкноридек таъсир этардики, охир-оқибатда, янги-янги йирик беллашувларга чанқоқлик сеза бошлади у. Унинг шиори бегуноҳ одамни ҳеч ҳам хафа қилиб қўймаслик учун эҳтиёткорлик билан иш кўриш эди. Зотан унинг қармоғига очкўз ёки ҳаромхўр одамлар тушарди. Лекин баъзан бу иккала сифат бир одамда мужассам бўлиб турарди. Трейси ўзига ўзи:

«Мен таъзирини берган биронта шундай одам ўз жонига суиқасд қилмайди», – деб ишонтирган эди.

Газеталар бутун Оврупада содир бўлаётган бу каби дадил ва қалтис амаллар ҳақида хабар бериб турар, ҳа-

монки Трейси хилма-хил ниқоб кийиб ҳаракат қилгани учун полиция мардонавор ижро этилган қаллоблик ва ўғриликларнинг кўпайиб кетиши гангстерлар тўдасининг иши деб изоҳларди.

Ж.Ж. Рейнолдс Даниэль Куперни чақиртирди.

– Бизда муаммо пайдо бўлди, – деди Рейнолдс. – Оврупанинг бир талай миждозларига, афтидан, қандайдир қароқчи аёллар зиён етказмоқчи. Ҳамма дод демоқда! Тўдани қўлга олиш зарур. Бу – сизнинг вазифангиз, Дан. Эртагаёқ Парижга учинг.

Трейси Моун-стрит кўчасидаги «Скотс» ресторанида Гюнтер билан овқатланиб ўтирарди.

– Трейси, сиз Максимилиан Пьерпонт ҳақида ҳеч эшитганмисиз?

Исм танишдек туюлди. Қаерда эшитган эди бу исмни? Жеф Стивенс «Қиролича Елизавета» кемасида: «Сиз билан биз бу ерда бўлишимизнинг битта сабаби бор – Максимилиан Пьерпонт», деганди.

– Жуда бадавлат, шундайми?

– Ва бешафқат. У компанияларни сотиб олиш ва уларни хароб қилиш бўйича мутахассис.

«Жо Романо фирмани бошқаришни ўз қўлига олиб ҳаммани ишдан бўшатди ва ишни бошқаришга ўз одамларини қўйди. Кейин у компания курсини сунъий равишда пасайтира бошлади... Улар ҳаммасини – фирмани, ўша уйни, ҳатто онамнинг машинасини тортиб олишди».

Гюнтер унга ҳайрон бўлиб қаради.

– Трейси, соғлигинг жойидами?

– Ҳа. Жуда яхши. – «Ҳаёт тез-тез адолатсиз бўлиб туради, – деб хаёл сурди у. – Биз эса унинг бевафолигидан ўч олмоғимиз даркор». Менга Максимилиан Пьерпонт ҳақида батафсил сўзлаб бер.

– Унинг учинчи хотини ажрашиб кетган, ҳозир сўққабош. Агар шу жентльмен билан танишиб олсанг, ўйлайманки, сенга катта фойда келтиради. У Лондондан

Истанбулга кетадиган жума кунига Шарқий экспрессга чипта буюриб қўйган.

Трейси жилмайди.

– Мен ҳали Шарқий экспрессда юрмаганман. Бу саёҳатдан жуда мамнун бўлсам, ажабмас.

Гюнтер ҳам унга жавобан жилмайди.

– Яхши. Максимилиан Пьерпонтда қимматбаҳо санъат буюми бор – Фаберже санъатига мансуб тухум, биттаси унда бўлса, иккинчиси Ленинграддаги Эрмижада. Ўша биттасининг нархи йигирма миллион доллар.

– Борди-ю, сенга бир нечта тухум топиб берсам, – деб сўради Трейси. – Уларни нима қиласан, Гюнтер? Ахир улар жудаям машҳур, сотиб бўлмайди.

– Хусусий коллекционерлар, Трейси. Сен менга майда тухум топиб келасан, мен эса унга уя топаман.

– Қўлимдан келганча ҳаракат қиламан.

– Максимилиан Пьерпонт шундай одамки, унинг ёнига йўл топишнинг ўзи бўлмайди. Лекин жума кунини Шарқий экспрессга Венецияда бўладиган кинофестиваль муносабати билан иккита каптарчаларга ҳам, чипта буюрилган. Назаримда, улар мева бериш учун жуда етилган. Сен Силвана Луадини эшитганмисан?

– Италиялик кино юлдузими? Бўлмасам-чи!

– У – ўша даҳшатли киноэпопеяларни суратга оладиган Альберто Фортатининг хотини. Фортати касб ахлоқини бузяпти, умуман аблаҳлик қиляпти. Актёрларни фильм экранга чиққанидан кейин катта фоиз улуш бераман деб, арзимаган пулга ёллайди-да, ҳамма фойдани ўзида қолдиради. У шунча пул топадики, ҳатто хотинига қимматбаҳо зебу зийнатлар олиб беради. Силвана ҳозирнинг ўзидаёқ ўз шахсий заргарлик дўконини очса ҳам бўларди. Ишончим комилки, сен уларни ўзингга муносиб кўрасан.

– Шунини орзиқиб кутяпман.

«Венеция-Симплон» Шарқий экспресси Лондоннинг Викториа вокзалидан ҳар жума кунини эрта билан соат

ўн биру қирқ тўртда жўнайди. У Истанбулга бораётиб Булон, Париж, Милан ва Венецияда тўхтаб ўтади.

Шарқий эксперсснинг янги эгалари темир йўлда саёҳат қилишнинг олтин асрини тиклашга ҳаракат қилганлар, чунки бу каби саёҳатлар ўн тўққизинчи аср охирларида мавжуд эди. Шу боис замонавий поездни аслига ўхшатиб, унинг қаторига Британиянинг «кўҳна» пульман вагонлари, ресторани барлари, барча қулайликларга эга бўлган ётоқ вагонлари бўлишига эришганлар.

Олтин уқали, 1920 рақамли денгиз тўлқинлари рангидаги махсус кийимли ҳаммол Трейсининг иккита жомадони ҳамда сумкачасини мўъжазгина купега олиб кириб берди. Купеда майда гулли ангор эчкиси юнги билан қопланган биттагина ўриндиқ бор эди холос. Гилам ва юқоридаги тоқчага чиқишда фойдаланадиган нарвон ҳам яшил духоба билан қопланган. Хуллас, купе шоколад қутчасига ўхшаб кетарди.

Треиси кумуш патнисдаги шампан шишасига қадалган ташрифномани ўқиди: Оливер Оберт, Поезд маъмури.

«Бирон байрам баҳонаси топилмагунча буни сақлаб кўяман», – қарор қилди Треиси. Жеф Стивенснинг иши ўнгидан келмади. Мистер Стивенсдан устин келганини ҳис этиш, бу – ажойиб туйғу. Треиси хаёлидан кечган бу фикрлардан мамнун илжайиб кўйди.

Треиси тор хонасида жомадонларини бўшатди ва ўзига зарур бўлиши мумкин кийимларини илиб кўйди. У Панамерика реактив самолётларида саёҳат қилишни афзал кўрса ҳам, бу галги сафар одатдан ташқари қизиқ бўладиганга ўхшарди.

Шарқий экспресс белгиланган вақтида жойидан жилди. Треиси бахмал ўриндиқда ястаниб ўтириб олиб, орқада қолаётган Лондонга туташ шаҳарчаларни томоша қила кетди.

Поезд соат биру ўн бешда Фолстоун портига етиб келди. У ерда йўловчилар Ла-Маншдан олиб ўтадиган па-

ромга ўтиб олдилар. Булонда улар яна жанубга кетаётган Шарқий экспрессга қайтиб ўтдилар.

Трейси вагонбонлардан бирининг олдига борди.

– Билишимча, Максимилиан Пьерпонт ҳам биз билан саёҳатга чиққанмиш. У қаерда эканини менга кўрсатиб беролмайсизми?

Вагонбон бошини чайқади.

– Билсам эдим, жоним билан кўрсатардим, мэм. У купе буюриб, пулини ҳам тўлаб қўйган, бироқ кўринмади. У – шунақа, ҳеч тушуниб бўлмайдиган жентльмен. Ҳар ҳолда менга шундай дейишди.

Демак, Силвана Луади билан унинг эри – тез эсдан чиқадиган киноэпопелар продюсери қолди.

Йўловчиларни Булонда Оврupo қуруқлигидаги Шарқий экспрессга кўчиришди. Афсуски, Трейсининг купеси биринчи поезддагисидан фарқ қилмас экан. У кунни ҳаракат режалар тузиш билан ўтказди ва соат роппа-роса йигирмада кийина бошлади.

Қабул қилинган одат бўйича Шарқий экспрессда оқшом либоси тавсия этиларди. Трейси ҳам кўкимтир-кулранг кўркам кўйлак билан кулранг пайпоқ ва кўкимтир силлиқ туфли кийиб олди. Яккаю ягона тақинчоғи бир бойлам марварид бўлди. У хонасидан чиқишдан олдин ўзини синчиклаб кўзгуга солиб кўрди – унинг кўк кўзлари бокираликни ифода этар, чеҳрасида эса заифлик белгиси қотиб қолганди.

«Кўзгу алдаяпти, – ўйлади Трейси. – Мен бунақа аёлмасман. Мен маскарадда қатнашмоқдаман. Аммо-лекин, ниҳоятда қизиқ маскарадда қатнашмоқдаман. Аммо-лекин, ниҳоятда қизиқ маскарад бу».

Трейси купедан чиқаётиб қўлидаги сумкачасини тушириб юборди. Уни олиш учун эгилар экан, эшикнинг ташқи кулфларини кўздан кечириб олди. Ўзи ёпиладиган «американинг» универсал кулфи экан. Ишонса бўлади. Трейси қаддини ростлади ва вагон-ресторан томон кетди. Поезд таркибида ўриндиқлари бахмал, деворла-

ри юпқа ёғоч билан қопланган, тўқ қизил абажур билан ўралган бронза қандилларидан майин нур сочиб тура-
диган учта вагон-ресторан бор эди.

Метродотель уни олқишлади.

– Бир кишилик столми, мадемуазель?

Трейси залга кўз югуртириб чикди.

– Раҳмат, мен дўстларим ёнига бориб ўтираман.

Кейинги вагонда ҳам шу каби бўш ўриндиқлар қолган эди.

– Хайрли кеч, – деб кўришди у билан метродотель. – Бир ўзингиз овқатланасизми?

– Йўқ. Учрашувим бор. Раҳмат.

Учинчи вагонда бўш жой йўқ экан.

Метродотель уни тўхтатди.

– Хоним, бу ерда ҳамма столлар банд. Марҳамат, бош-қа вагонларга чиқишингиз мумкин.

Трейси залга назар ташлаб чикди ва қидираётган ўзига керакли стол олдига борди.

– Афв этасиз, – деди у ўзини айбдордек кўрсатиб. – Ҳамма жой банд. Агар сиз билан ўтирсам, қарши бўлмай-сизми?

Хўранда дарров Трейсига маънодор қараб кўйди-да, хитоб қилди:

– Марҳамат, ўтиринг. Хурсанд бўламиз. Мен Альберто Форнати бўламан, бу – менинг хотиним. Силвана Луади.

– Трейси Уитней, – бу гал у ўз исмидан фойдаланди.

– Э-ҳа! Америкаликмисиз? Мен америкача жуда яхши гапираман.

Силвана Луади нима сабабдан бу пакана, кал, бақалоқ Альберто Форнатига турмушга чиққани ва Римда ўн икки йил бирга яшагани Трейси учун жуда муҳим масала бўлиб қолди. Силвана Луади беқиёс даражада гўзал, одамда жуда ширин туйғулар уйғотувчи қоматли. Оскар мукофоти ва Кумуш хурмо бутоғининг соҳиби, доимо катта шуҳрат қозониб келган бетакрор, ҳақиқий истеъдод эгаси эди. Трейси унинг эғнидаги Валентино қиёфасидаги оқ-

шом кўйлагини тахминан беш минг доллар, тақинчоқлари миллион долларга арзийди, деб баҳолади. Трейси Гюнтер Хартогнинг «Эри унга қанча хиёнат қилса, шунча зебу зийнат олиб беради», – деган гапини эслади.

– Сиз Шарқий экспрессда биринчи маротаба бўлишингизми? – деб гап бошлади Форнати.

– Ҳа, биринчи марта, – деди Трейси.

– Э... Бу жуда ишқий-романтик поезд, бу ҳақда кўп афсоналар тўқилган. – Унинг кўзлари намланди. – Мана, масалан, сэр Бэзил Захаро эски Шарқий экспрессда доимо еттинчи купеда юришни яхши кўрар эди. Бир куни тунда бақириқ овозлари эшитилиб, эшигини кимдир қаттиқ тақиллатган. Келишган ёш испаниялик герцогиня унинг купесига отилиб кирган, – Форнати жиндек сукут сақлаб, бурама кулчасига ёғ суртиб, тишлади. – Эри уни ўлдирмоқчи экан. Ота-онаси уни зўрлаб ўшанга узатишган, бечора қиз эрининг жинни эканини кейин билибди. Захаро эрни тийиб кўйган ва кўрқиб кетган ёш жувонни тинчитган, ана шу билан улар орасидаги ишқий роман қирқ йил давом этган.

– Ғаройиб воқеа, – деди қойил қолиб Трейси. Унинг кўзлари қизиққанидан кенгайиб кетди.

– Ҳа. Ўша воқеадан кейин улар ҳар йили Шарқий экспрессда учрашадиган бўлишган. Сэр Бэзил еттинчи, жувон эса саккизинчи купеда бўлишган. Жувоннинг эри вафот этганидан кейин улар турмуш қуришди ва сэр Бэзил ўз муҳаббати белгиси сифатида хотинига Монте Карлодаги казинони тақдим этган

– Қандай ажойиб воқеа, мистер Форнати!

Силвана Луади бир оғиз ҳам сўз қотмади.

– Олинг, – дея илтифот қилди Форнати Трейсига.

Таомномада олти хил таом зикр этилган бўлиб, Трейси Альберто Форнати ўзининг ликобчасида ҳам, хотинининг ликобчасида ҳам борини еб битираётганини кузатиб ўтирди. Орада у жаврашини давом эттирар эди.

– Сиз актриса бўлсангиз керак, а? – деб сўради у Трейсидан.

– Э, йўқ. Мен шунчаки туристман.

Альберто Форнати илжайди.

– Сиз актрисалардек гўзал экансиз.

– Ахир, у артист эмасман деди, – қатъий оҳангда деди Силвана.

Альберто Форната хотинининг гапига эътабор бермади.

– Мен фильмлар оламан, – деди у Трейсига қараб. – Сиз балки эшитган бўлсангиз керак. «Ёввойи тентаклар», «Найрангбоз хотинга қарши курашган девлар».

– Мен кинони жуда кам кўраман, – деди Трейси айбдорона оҳангда. У Альбертонинг семиз оёғи стол остида ўзининг оёғини босганини сезди.

– Ўзимнинг баъзи киноларимни сизга кўрсатиш имконим бўлар.

Силвана ғазабдан ранги оқариб, тескари ўгирилиб олди.

– Сиз Римда бўласизми? – Унинг оёғи Трейсининг тиззасини ишқалай бошлади.

– Мен Венециядан кейин Римга бормоқчиман.

– Жуда соз! Ўшанда ҳаммамиз бирга овқатланамиз, тўғримми? – У Силванага бир зум назар ташлади-ю, давом этди. – Аппий шоҳ кўчасидан сал нарида ажойиб вилламиз бор. Ўн акр⁶...

У қулоч ёяман деб шарбат идишни хотинининг тиззасига ағдариб юборди. Трейсининг назарида, бу жўрттага қилингандек бўлди. Силвана Луади ўрнидан ирғиб турди, кўйлагидаги доғ кенгайиб борарди.

– Э, ярамас! Фоҳишангни менсиз меҳмон қилавер! – деб бақирди-ю вагондан югуриб чиқиб кетди. Ўтирганлар уни бақрайиб кузатиб қолди.

– Яхши бўлмади-да, – деди Трейси. – Шундай ажойиб кўйлак.

– У ўз хотинини камситгани учун бу эркакка тарсаки тортиб юбормоқчи бўлди.

⁶ Бир акр – 0,4047 га тенг келади.

«Бу аёл тақинчоқларидаги барча каратларга арзийди. Ҳатто ортиғи билан», – ўйлади Трейси.

Эр хўрсиниб қўйди.

– Форнати унга бошқасини олиб беради. Унинг қилиғига аҳамият берманг. У Форнатини жуда рашк қилади.

– Ишончим комилки, хотинингизда бунга асос бор, – Трейси пичингини мийиғида жилмайиб яширди.

Форнати унинг юзига тикилди.

– Бу – ҳақиқат. Аёллар Форнатини жуда ёқтиришади.

Трейси бу кичкина одамчанинг мақтанчоқлиги устидан, сал бўлмаса, хахолаб кулиб юбораёзди.

– Бунга тушунишим мумкин.

Форнати чўзилиб Трейсининг қўлидан ушлади.

– Сиз Форнатига ёқяпсиз, – деди у. – Сиз Форнатига жуда қаттиқ ёқяпсиз. Топиш-тутишингиз қалай?

– Мен судда котиба бўлиб ишлайман. Бутун топган-тутганимни шу саёҳатга бағишладим, чунки Овруро-да яхшироқ иш топишга умидим бор.

Форнатининг косасидан чиқиб кетган кўзлари уни бошдан-оёқ қараб чиқди.

– Сиз учун бунинг муаммоси бўлмайди. Форнати сизга ваъда беради. У яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтарган кишиларга жуда хайрихоҳ.

– Илтифотли экансиз жуда, – оҳиста деди Трейси уялинқираб.

– Балки бу масалани кечқурун сизнинг хонангизда ҳал қилиб олармиз?

– Жуда ноқулай-да.

– Нега?

– Сиз машҳур одамсиз. Поезддагиларнинг бари кимлигингизни билса керак.

– Табиий. Борди-ю, менинг купемга борсангиз, бу воқеага бошқача урғу беришлари мумкин. Сизнинг хонангиз менинг хонам билан девор-дармиён бўлса, бошқа гап бўларди. Купенгиз нечанчи?

– Етмишинчи, – у Трейсига шахвоний нигоҳ билан қараб кўйди.

Треysi хўрсинди.

– Мен бошқа вагондаман. Венецияда учраша қолсак нима дейсиз?

Форнатининг чехраси ёришди.

– Яхши! Менинг хотиним кўп вақтини купеда ўтказди, негаки унга қуёш нури ёқмайди. Сиз Венецияда ҳеч бўлганмисиз?

– Йўқ.

– О! Сиз билан иккимиз Торселлога борамиз. Бу кичкина чиройли оролча, Локанд Киприанида ажойиб ресторан бор. Боз устига, бу меҳмонхона ҳам. – Унинг кўзлари порлаб кетди.

Треysi тушунган киши бўлиб жилмайди.

– Эҳтиросли жарангларкан. – Треysi бирон гап қўшишдан ийманиб ерга қаради.

Форнати энгашиб унинг қўлини маҳкам сиқди, оғзидан кўпигини чиқариб деди:

– Сен ҳали эҳтирос нималигини тушунмайсан, шекилли.

Треysi ярим соатдан кейин ўз купесида эди.

Шарқий экспресс тун қоронғисида танҳо елиб борарди. Йўловчилар ухлаб ётишганларида Париж, Дижон ва Валарбни босиб ўтди. Барча чегара расмиятчиликларни вагонбонлар ўзлари эплашди.

Треysi соат учу ўттизда секин ўз купесидан чиқди. Поезд Швейцария чегарасидан ўтади ва соат ўн бешга Миланга етиб бориш учун соат бешу йигирма бир дақиқада Лозаннада бўлади.

Пижама, унинг устидан халат кийиб олган Треysi кўлида саквояжи билан йўлакдан кетиб борар эди. Таниш бўлиб қолган ҳаяжон ичида асаблари таранг ва юрагини тез-тез уришига сабаб бўларди. Купеларда ҳожатхоналар йўқ, улар ҳар вагоннинг охирида жойлашган эди. Трейсидан сўраб қолишса аёллар ҳожатхонасини қидиряпман дейди. Вагонбонлар билан ҳаммоллар ҳали чега-

рага етиб борилгунча бўлган вақтда бу тонгги соатларда ухлаб олиш бахтига муяссар эдилар.

Трейси етмишинчи купега эсон-омон етиб борди. У думалоқ дастакни ушлаб тортди, эшик берк экан. Трейси саквояжини очиб, ичидан темир буюм билан нинали кичкина шишани олиб ишлай бошлади.

Ўн дақиқадан кейин ўз купесига келди, яна ўттиз минутдан кейин эса янги ювилган юзларида табассум ила ухлаб ётар эди.

Шарқий экспресс Миланга етиб боришига икки соат қолганда эрталаб еттида етмишинчи купеда чинқирик товушлар эшитилиб қолди. Қичқирик вагондагиларнинг уйқусини бузди. Йўловчилар нима бўлди, деб ўз купеларидан бошларини чиқардилар. Вагонбон йўлакдан югуриб келиб етмишинчи купега кирди.

Силвана Луади жазаваси тутиб ўзини ҳар ёққа урарди.

– Ёрдам беринг! – бақирарди у. – Барча тақинчоқларим ғойиб бўпти! Бу ифлос поездда ўғрилар тиқилиб ётибди!

– Илтимос, тинчланинг, хоним, – ёлворди вагонбон.

– Тинчланинг?! – унинг овози янаям кўтарилди. – Менга бундай дейишга қандай журъат этдингиз, аҳмоқ чўчқа. Кимдир менинг миллион доллардан зиёд турадиган тақинчоқларимни ўғирлаб кетибди!

– Қандайдир содир бўлди бу? – ҳайратдан хитоб қиларди Форнати. – Эшик берк, Форнатининг эса уйқуси зийрак. Агар кимдир кирса, мен дарров уйғонган бўлардим.

Вагонбон хўрсинди. У қандай бўлиши мумкинлигини биллади, чунки илгари ҳам бунақа воқеалар содир бўлган. Кимдир кечаси йўлакдан келиб шприц билан кулф тешиги орқали эфир сепган. Кулфлар – ўғри учун ўйинчоқ. Ўғри ичкари кириб, эшикни беркитиб олгану хонани титкилаб истаган нарсасини олиб ўз купесига қайтган, бу орада ўғирланган мол эгалари қаттиқ уйқуда бўлишган. Бироқ бу ўғрилик бошқаларидан бир жиҳати билан фарқ қилади. Илгари содир этилган ўғриликларда, ўғриларни ушлашнинг иложи бўлмаган, чунки поезд сўнгги бекати-

га келиб қоларди, шу боис улар ғойиб бўлишар эди. Ҳозирги воқеа бошқача вазиятда содир бўлди: ўғрилиқ қилингандан кейин ҳеч ким поезддан тушмаган, бинобарин, бу ҳол тақинчоқлар поездда эканлигини англатади.

– Хавотир олманг, – деди вагонбон Форнатининг ёстикдошига. – Ўз тақинчоқларингизни қайтариб оласиз. Ўғри ҳали шу ерда, поездда.

У Милан полициясига шошилишч кўнғироқ қилди.

Шарқий экспресс Миланга яқинлашиб борган пайтда биронта ҳам йўловчини ва ҳеч қандай юкни текширувсиз поезддан туширмаслик тўғрисида буйруқ олган йигирмата форма кийган полициячи ҳамда оддий кийимдаги детективлар платформада саф тортиб туришарди.

Катта инспектор Луиджи Ричини тўғри Форнатининг купесига олиб киришди. Силвана Луада арзимаган гапга жазавази кўзиб турарди.

– Мендаги бор тақинчоқларнинг ҳаммаси мана шу қутичада эди, – йиғламсираб айтиб берди у. – Биронтаси ҳам, аксига олиб, суғурта қилинмаган!

Инспектор бўм-бўш қутичани кўздан кечирди.

– Ўтган тунда ўз тақинчоқларингизни шу қутичага солганингиз аниқми?

– Албатта, аниқ. Ҳар тунда шу ерга солиб қўяман.

Миллионлаб хушторларини ҳаяжонга соладиган унинг ажойиб кўзларидан йирик-йирик ёш оқар, Ричи ҳам шу жувон учун аждаҳо билан жанг қилишга тайёр эди.

У купе эшиги олдига борди-да, эгилиб кулф тешигини ҳидлади. Эфирнинг ҳали учиб улгурмаган ҳиди сезилиб турибди. Ўғрилиқ содир бўлган ва у бешафқат ёвузни албатга тутди.

Инспектор Ричининг ишончига асоси бор эди. У барча юкларни муҳрлаб қўйишни буюрди, энди жиноятчининг қочиш кетишига имкони қолмади.

Изқуварлар ҳар бир йўловчини ўраб олинган кутиш залигача кузатиб борар, у ерда йўловчиларни бошдан-

оёқ тинтув қилар эдилар. Жамиятда катта мавқега эга бўлган йўловчилар бунга эътироз билдиришарди.

– Мени афв этасиз, – дея тушунтирди уларнинг ҳар бирига инспектор Ричи. – Лекин бир миллион долларли ўғирлик ниҳоятда жиддий масала.

Йўловчиларни поезддан чиқарганларидан кейин изкуварлар бўш қолган купеларни остин-устин қилиб текширдилар. Хоналарнинг ҳар бир қаричини тинтув қилишди. Инспектор Ричи жуда қулай имкониятга эга эди ва бу имкониятни қўлдан беришни истамасди. Агар у ўғирланган тақинчоқларни қайтарса, хизмат юзасидан кўтарилиш ва унвонининг оширилишга эришиш мумкин. Бу ўйин унга руҳ бахш этар эди. Силвана Луади ҳам унга миннатдорлик билдириши, уни таклиф этиши мумкин... У куч-ғайрати ошиб буйруқлар бера бошлади.

Трейси купесининг эшиги тақиллади, сўнгра детектив кириб борди.

– Афв этасиз, синьорина. Ўғрилик содир бўлган. Шу боис барча йўловчиларни тинтув қилишга тўғри келади. Марҳамат, мен билан юрсангиз...

– Ўғрилик? – ҳайрон бўлиб хитоб қилди Трейси. – Шу поездда-я?

– Афсуски, шундай, синьорина.

Трейси ўз купесидан чиқди ва иккита искович кириб унинг барча жомадонларини очиб ичидагиларни синчковлик билан текшира бошлади.

Қидирувнинг тўртинчи соатида бир неча ўрам наша, беш граммча қора дори, пичоқ ва ноқонуний тўппонча топишди. Лекин йўқолган тақинчоқларнинг изи ҳам йўқ эди. Инспектор Ричи бунга ишонгиси келмади.

– Поезднинг ҳаммаёғини тинтиб кўрдингизми? – деб сўради у лейтенантдан.

– Инспектор, биз ҳар бир қарич жойни тинтиб кўрдик. Локомотивни, вагон-ресторанларни, бар, ҳожатхона-ю купеларни синчиклаб текшириб чиқдик, барча юкларни

тиндик. Мен, тақинчоқларнинг бу поездда йўқолмаганига қасам ичишга тайёрман. Балки хоним янглишгандир.

Лекин инспектор Ричи официантлар билан суҳбат уюштиришгандан сўнг Силвана Луади ҳақиқатан ҳам бир кун олдин кечкурун тақинчоқ билан кўринганини билиб олди.

Шарқий экспресснинг мухтор вакили Миланга етиб келди.

– Сиз ортиқ бу поездни ушлаб тура олмайсиз, – дея талаб қилди у. – Биз шундай ҳам графикдан чиқиб кетдик.

Инспектор Ричи мағлуб бўлди. Поездни ушлаб туриш учун унинг ҳеч қандай далили йўқ эди. У кўлидан келган барча ишни қилди. Тунда содир бўлган воқеани тушунтириш учун яккаю ягона асоси сифатида у, ўғри тақинчоқларни ташқарида кутиб турган шеригига ташлаб юборган, деб исботлаши мумкин. Шундай бўлиши мумкинми? Ўғри йўлакда бирорта бегона одам ёки вагонбон, йўловчилар ўша атрофда юришлари мумкинлигини, поезд эса кимсасиз келишилган жойдан ўтишини олдиндан билиши мумкин эмас эди. Инспектор бу топишмоқнинг ечимини тополмади ва:

– Поездни жўнатиш! – деб буюрди.

У шарқий экспресснинг бекатдан секин силжиб жўнаб кетишини ночор аҳволда кузатиб турди. Поезд билан унинг хизматда силжиш, унвонининг оширилиши, Силвана Луади билан сурадиган айшу ишрати тўғрисидаги орзу-умидлари ҳам кетиб борарди.

Эрталабки нонуштадаги ягона суҳбат мавзуси ўғирлик бўлди.

– Ҳаётимда содир бўлган воқеаларнинг энг ҳаяжонлиси шу бўлди, – дея иқрор бўлди қизлар гимназиясининг бошланғич синфлари ўқитувчиси, у ўзидаги кичкина бриллиантли олтин тақинчоқни пайпаслади. – Буни олиб қўймаганларига ҳам шукур.

– Ҳа, албатта, – деди Трейси жиддий тортиб.

Вагон-ресторанга кириб келган Альберто Трейсини кўриб унинг ёнига учиб келди.

– Бўлган воқеадан хабардор бўлгансиз деб ўйлайман. Лекин сиз Форнатининг хотинини тунаб кетишганини билмайсиз, албатта.

– Йўқ!

– Ҳа! Менинг ҳаётим катта хавф остида! Ўғрилар тўдаси менинг купемга кириб мени хлорофос билан маст қилиб қўйибди. Форнати уйқусида ўлдириб қўйишлари мумкин эди!

– Қандай даҳшат!

– Лекин бизни тозалаб кетишибди!

– Энди Силванага барча тақинчоқларни топиб бериш керак. Бу менга бутун бир мулк пулига тушади.

– Полиция уларни топа олмадимми?

– Йўқ, лекин Форнати ўғрилар тақинчоқлардан қай йўсинда қутулишганини билади.

– Наҳотки, хўш, қандай?

Форнати атрофга аланг-жаланг қилиб:

– Шериги биз тунда ўтиб кетаётган бекатларнинг бирида кутиб турган. Ўғри тақинчоқларни поезддан улоқтирган, вассалом.

Трейси ҳайратдан ҳайқириб юборди:

– Қандай зийрак экансиз, а. Яхши фаҳмлабсиз!

– Ҳа, – деб у қошларини маънодор чимирди. – Сиз бизнинг Венециядаги учрашувимизни унутмадингизми?

– Йўғ-е, қандай қилиб унутай? – жилмайди Трейси.

У Трейсининг қўлини сиқиб қўйди.

– Форнати бу висолни сабрсизлик билан кутади. Ҳозир Силванани тинчитиш учун боришим керак. Унинг жазаваси қўзиган.

Шарқий экспресс Венециянинг Санта Лучия вокзалига етиб борди. Трейси поезддан тушган йўловчиларнинг биринчиларидан эди. У ўз юкларини тўғри аэропортга юборди ва Силвана Луади тақинчоқлари билан Лондонга энг яқин рейсда учиб кетди. У Гюнтер мамнун бўлишини тушунар эди.

Интерпол халқаро жинойт полицияси ташкилоти бўлимнинг йигирма етти қаватли биноси Париждан олти

миль наридаги Сен Клод тепаликлариди Рю Армето 26 кўчасида жойлашган эди. Бино баланд яшил тўсиқ ва оқ тошли девор билан ўраб олинганди. Кўча дарвозалари кечаю кундуз 24 соат давомида берк. Келувчиларни махсус текширув тизимлари ёрдамида синчиклаб текшириб кўрганларидан кейингина ўтказиб юборар эдилар. Бино ичида ҳар бир қават оралиғида тунда қулфланадиган оқ рангли темир дарвозалар ўрнатилганди, ҳар бир қават эса алоҳида сигнализация ҳамда туташ канал орқали рентгенографик назорат қурилмаси билан жиҳозланган эди.

Кўшимча хавфсизлик чоралари мажбурий эди, чунки ушбу бинода икки ярим миллион жиноятчидан олинган бармоқ излари сақланарди. Интерпол – етмиш саккиз мамлакат учун ахборот муассасаси бўлиб, жаҳоннинг қаллоблар, қалбаки пул ясовчилари, наркотик моддалар савдогарлари, қароқчилар ва қотиллар билан кураш фаолиятини бошқаради.

Интерпол «фармойиш» деб аталувчи сўнгги кўшимча ахборот маълумотномасини тарқатади. Париж бўлими яширин полиция ёки Париж префектурасининг собиқ исковучлари билан тўлдирилган.

Интерпол бўлими бошлиғи инспектор Андре Триньяннинг хонасидаги мажлис май ойининг эрта тонгида бошланди. Шинам, оддий жиҳозланган хонанинг деразасидан ажойиб манзара кўринарди. Узоқда осмонўпар Эйфель минораси, ён тарафидаги Монмартда Сакре-Кёр жомесининг гумбази кўриниб турарди. Қирқ беш ёшли инспекторнинг қиёфаси ақлли, қадди-басти салобатли, қора сочли, унинг синчков жигарранг кўзлари мугуз ойнақдан қараб турарди. Мажлисда Англия, Бельгия, Франция ва Италиядан келган изкуварлар қатнашмоқда эди.

– Жентельменлар, – дея гап бошлади инспектор Триньян. – Мен сизларнинг мамлакатларингиздан кейинги пайтларда Оврупода содир этилган қатор жиноятлар ҳақида ахборотнома тузиш учун шошилиш талабнома

олганман. Ўнга яқин мамлакатларда ёппасига, очик-ойдин қаллоблик ва ўғрилик содир бўлмоқдаки, буларда бир неча ўхшашлик аломатлари бор. Жабрдийдалар – ёмонотлик обрўли одамлар. Бу воқеаларда зўравонлик содир этилмаган. Жиноятчи, одатда, аёл киши. Биз халқаро жиноятчи аёллар гуруҳи билан дуч келганмиз деган қарорга келдик. Бизда фоторобот – суратларнинг термаси борки, ҳар бир сурат жафо чекканлар ёки тасодифий гувоҳларнинг кўрсатмаларига асосан тузилган. Уларнинг баъзилари малла сочли, баъзилари қора сочли. Уларга ҳар хил таъриф беришади, гоҳ инглиз, гоҳ фаранг, гоҳ испан, гоҳ италиялик, гоҳ америкалик аёл бўлади.

Инспектор Триньян тутмачани босди ва экранда бир нечта сурат пайдо бўлди.

– Сиз бунда фоторобот ёрдамида тузилган суратларни кўряпсиз. Калта сочли қорамағиз аёл... – У яна тугмачани босди. – Бу ерда сочлари кўпол ёйилган малласоч аёл... Бунда яна битта сочлари жингалак қилингани... Сочлари «Паж» русумидаги қорамағиз аёл. Бунда эса сочлари турмакланган ёши ўтинқираган аёл... Бўялган кокил сочлиси, ёши ўтинқираган кўрқинчли гажак сочли аёл.

Инспектор апаратини ўчирди. – Бизда гуруҳ бошлиғи ҳақида, уларнинг тўпланадиган жойи ҳақида ҳеч қандай ахборот йўқ. Улар ўзларидан кейин ҳеч қандай ашёвий далил қолдиришмай, тутундек ғойиб бўлишади. Эртами-кечми улардан бирини ушлаймиз, ўшанда бутун гуруҳни қўлга олиш мумкин бўлади. Шунга қарамай, жентльменлар, токи биронтангиз махсус ахборот топа олмасангиз, жойимиздан жилмай тураверамиз...

Даниель Купер учаётган самолёт Парижга кўнди. Уни «Шарль де Голь» аэропортида инспектор Триньяннинг муовинларидан бири кутиб олди ва «Георг V» дан машхурроқ, унга ёнма-ён жойлашган «Шаҳзода Галль» меҳмонхонасига элтиб кўйди.

– Сизнинг инспектор Триньян билан учрашувингиз эртага тайинланган, – ахборот берди Куперга унга

ҳамроҳлик қилувчи ҳамкасби. – Сизни олиб кетиш учун саккизу ўн бешда кираман.

Даниель Купер Парижга келишидан ҳеч қандай яхшилик кутмасди. У ўзига топиширилган ишни иложи бори-ча тезроқ адо этиб, уйига қайтмоқчи эди. У Парижнинг маишат қиладиган жойларини билар ва у ерда бўлишни ихтиёр этмас эди.

Купер меҳмонхонада рўйхатдан ўтди ва хонасига қадам қўйиши биланоқ ваннахонага йўналди. Ваннанинг кенглиги унинг уйидагидан хийла каттароқ эканини кўриб ажабланди. У иссиқ сувни очиб қўйди-ю, жомадонини бўшатиш учун ётоқхонага кирди. Жомадоннинг тагида яхши кўрган костюми билан ички қўйлаги орасига мўъжазгина қути қўйилганди. У қутичани қўлига олиб диққат билан кузатганча бироз ушлаб турди. Унинг бутун умри шу қутида мужассамдек туюлди. Қутичани ваннахонага олиб кириб чаноққа қўйди. Қулфлар терилган кичкина узукдаги жажожигина калитча билан қутини очди. Сарғайиб кетган газета бўлагидаги сўзлар ҳайқирикдек унинг кўзи ўнгида намоён бўлди.

«БОЛА ҚОТИЛЛИК ТЎҒРИСИДА СУДДА ГУВОҲЛИК БЕРМОҚДА»

Ўша куни ўн икки ёшли Даниель Купер ёш боланинг онасини номусига тегиб, ўлдиргани ҳақида Фред Зиммер устидан ўтказилаётган судда гувоҳлик берди. Мактабдан қайтган бола қўшниси бўлмиш Зиммерни уйдан қонга бўялган ҳолда чиқиб келаётганини кўрган. Бола уйига кирганда ўз онасининг жасадини ваннахонадан топган. Онаси санчилган зарбалардан ҳалок бўлган. Зиммер миссис Купернинг ошиғи эканига иқроп бўлгану, лекин қотиллик қилганини бўйнига олмаган.

Даниель Купер қўллари қалтираб қутичани беркитди. У атрофга аланг-жалам қилди. Ваннахонанинг деворлари, шифтига қон сачрагандек туюлди. У ваннада қонга бўялган сувда онасининг яланғоч жасади ётганини кўрди. У кўнгли беҳузур бўлиб боши айланиб бораётганини

ҳис этиб чанокқа таянди. Ич-ичидан чиқаётган фарёд кулқуллаётган инграшга айланди ва у телбалардек уст-бошини ечиб улоқтирди-да, қондек қизил ваннага ўзини ташлади.

– Сизга шуни маълум қилишим лозимки, мистер Купер, – деди инспектор Триньян, – бу ерда сизнинг вази-фангиз одатдагидан бошқачароқ. Сиз полиция вакили эмассиз, зотан сизнинг иштирокингиз норасмий. Шундай бўлса ҳам бир неча Оврупо мамлакатларининг полиция бошқармалари бизнинг сиз билан ҳамкорлигимизни кенгайтириши лозим эканлигини қаттиқ талаб қилишмоқда.

Даниель Купер ҳеч нарса демади.

– Менинг тушунчамда сиз суғурта ҳамда суғурта компанияларининг концерциумини ҳимоя қилувчи халқаро ассоциациянинг терговчисисиз.

– Яқинда бизнинг бир нечта мижозимиз катта зарар кўрди. Менга хабар қилишларича, ҳеч қандай из қолмаган.

Инспектор Триньян хўрсинди.

– Афсуски, бу ишнинг мураккаблигининг фақат яна битта тасдиғи. Жуда ақлли аёллар тўдасига дуч келганимизни биламиз.

– Расмий даракчилардан ҳеч қанақа ахборот йўқми?

– Йўқ. Ҳеч қандай.

– Наҳотки бу сизни ҳайрон қолдирмаса, таажжубли эмасми бу?

– Нимани назарда тутяпсиз, мсье?

Купер учун бу равшан, шу боис у ўз ғазабини яширишга уринмасди.

– Агар тўда аралашган бўлса, қай бири кўп валдирайди, қай бири ҳаддан кўп ичади, қай бири ниҳоятда кўп сарф-харажат қилади. Бир тўда одам сир сақлаб қололмайди. Ижозатингиз билан шу тўда иши тўпланган папкани бир кўрсам.

Инспектор аввал рози бўлмади. Унинг назарида, ўзи учратган одамлари ичида Даниель энг ёқимлиси эди. Боз

устига, уччига чиққан такаббур. У «думбага кириб қолган тиканак» бўлади, лекин инспектордан унга тўлақонли ёрдам беришни илтимос қилишган. Инспектор ноилож рози бўлди.

– Сиз учун нусхалар тайёрлаб беришларини сўрайман. У селектор орқали французча бир нарса деди.

Инспектор суҳбатни давом эттирар экан, гап орасида:

– Мана, ҳозиргина менга келтириб беришди, жуда қизиқ маълумот. Шарқий экспрессда қимматбаҳо тақинчоқлар ўғирланган, қачонки...

– Бу ҳақда кеча ўқидим. Ўғри италиялик полициячиларни лақиллатиб кетган.

– Бу ўғирлик қандай яқун топганини ҳеч қачон билиб бўлмайди.

– Бу жуда оддий, – деди кўпол равишда Даниель Купер. – Оддий мантиқ керак, холос.

Инспектор Триньян кўзойнаклари устидан унга таажжуб билан тикилди. «Вой худойим, ахир у чўчқалик қилмоқда», совуққонлик билан давом этди.

– Бу воқеага мантиқ ёрдам беролмайди. Поезднинг ҳар бир қаричи тинтиб кўрилган, ходимлари-ю, йўловчилари ҳам, боз устига, барча юклар тинтувдан ўтказилган.

– Бундай эмас, – эътироз билдирди Купер.

«Бу одамнинг эси жойидамас», – хулоса қилди Триньян.

– Нима учун?

– Улар барча юкларни тинтув қилишмаган.

– Сизга айтяпман-ку, ҳаммасини деб, – ўзиникини маъқуллади инспектор Триньян. – Мен полиция ҳисоботини кўриб чиқдим.

– Тақинчоқлари ўғирланган аёлнинг исми Силвана Луадими?

– Ҳа.

– У ўз тақинчоқларини кечаси қутичага солиб қўйган, ўша жойдан ўғирлашган.

– Ҳа, шунақа.

– Полиция миссис Луадининг чемоданини тинтиб кўрганми?

– Йўқ, фақат қутини. Бу аёл – жабрдийда. Унинг жомадонини титкилашнинг нима ҳожати бор?

– Шунинг учунки, мантиқан ўша ўғри тақинчоқларни яшириб қўйиши мумкин бўлган ягона жой – эгасининг жомадони ичи. Эҳтимол, ўша жомадонларнинг иккита туби бўлган, барча юкларни платформага тўплаб қўйишганда ўғрининг битта қиладиган иши – жомадонларни алмаштириб олиб, ғойиб бўлиш эди. – Даниель Купер ўрnidан турди. – Маълумотлар тайёр бўлган бўлган бўлса, мен уларни варақлаб кўраман.

Инспектор Триньян ўттиз дақиқадан сўнг Альберто Форнати билан телефонда гаплашмоқда эди.

– Мсье, – деди инспектор. – Телефон қилаётганим, Венецияга етиб борганингизда хотинингизнинг юклариди чалкашлик рўй бермадими?

– Ҳа, ўша аҳмоқ ҳаммол унинг жомадонларини алмаштириб юборибди, – шикоят қилди Форнати. – Меҳмонхонага келиб, хотиним жомадонини очса, унинг ичида эски журналлардан бошқа ҳеч нарса йўқ экан! Мен Шарқий экспресс раҳбариятига кўнғироқ қилгандим. Нима, улар хотинимнинг жомадонини топишибдими?

– Йўқ, мсье, – деди инспектор. Ўзича эса қўшиб қўйди: «Сенинг ўрнингда бўлсам, ундан умидимни мутлақо узган бўлардим».

Телефондаги суҳбатини тугатган инспектор ўз креслосига ястаниб олди-да, хаёл сурди: «Бу Даниель Купер жуда ғалати одам-ку». Дарҳақиқат жуда ғалати.

10

Итон-сквердаги уй Трейси учун бандаргоҳ хизматини бажарар эди. Олд томони қадимий дарахтлар хиёбонига қараган қирол Георг услубида қурилган шахсий уйлар худудидаги ўз паноҳига қайтаётган Трейси оҳорли кўйлак кийиб олган энагаларни учратарди. Энагалар ара-

вачаларда ҳар хил жамият табақаларига мансуб болачаларни шағал тўкилган йўлакларда ўйнатиб юрар эдилар. «Эмини жуда соғиндим», – хаёлдан ўтказди Трейси. У қадимги кўчаларни айланиб юраркан, кўкат, мева-чева харид қилди, Элизабет-стритдаги дорихонага кирди, катта-кичик дўконлар олдидаги ранго-ранг гулзорларга мафтун бўлиб ўтди.

Гюнтер Хартог Трейсига пулларини хайрия йўлларида оқилона сарф қилиши ва яхши одамлар билан мулоқотда бўлишини маслаҳат берарди. Трейси бадавлат герцоглар, ночор аҳволга тушган графлар билан суҳбатда бўларди. Унга турмуш қуриш учун кўплаб таклифлар туша бошлади, ахир Трейси ҳали ёш, гўзал ва бадавлат аёл эди.

– Сени ҳар жиҳатдан бекам-кўст номзод деб ўйлашади ҳамма, – деб кулди Гюнтер. – Сен ҳақиқатдан ҳам ўзинг учун яхши ишладинг. Энди ўзингни таъминлаб олдинг. Истаган нарсангга етиша оласан

Бу ҳақ гап эди. Трейсининг пуллари бутун Оврупо банкларида сақланади, ўз уйи бор, истаган нарсаси муҳайё. Фақат шу бойликларни баҳам кўрадиган одами йўқ. Трейси бир зумда ўтиб кетган ҳақиқий ҳаётини, эри ва боласи ҳақида ўйларди. Яна шундай ҳаёт қайтиб келадими? У ҳеч қандай вазиятда ҳам биронта эркакка ўзининг аслида ким эканлигини ошкор этолмас, ўтмишини яшириб яшай олмасди. У шунча ролларни ижро этдики, энди аслида ким эканлигига ўзининг ҳам ишончи комил эмас мутлақо, лекин ўша ҳаётига энди қайта олмаслигини билар эди. «Ҳаммаси жойида, – ўзига далда берарди Трейси. – Қанча одамлар сўққабош. Мана, масалан, Гюнтер, уям яхши яшамоқда. Менинг ҳамма нарсам бор».

Трейси Венециядан қайтиб келганидан кейинги кечда қабул уюштирди.

– Мен сабрсизлик билан кутяпман. Сенинг зиёфатларинг Лондонда ҳаммада катта қизиқиш уйғотган.

Трейси назокат билан сўради:

– Ким менинг ҳомийим бўлади? Зиёфатга кимлар келади ўзи?

– Ҳамма, – деб жавоб берди Трейси.

Ҳамма – Трейси учратишни хаёлига ҳам келтирмаган яна бир меҳмон бўлиб чиқди. У улкан мулк вориси, жозибали баронесса Ховартни таклиф этганди. Трейси баронессанинг келганини кўриб, унга пешвоз чиқди. Лекин сўзлари оғзида қотиб қолди. Баронесса билан Жеф Стивенс келган эди.

– Трейси, азизим, сен мистер Стивенс билан таниш эмаслигингни биламан. Бу миссис Трейси Уитней, бизнинг мезбонимиз.

Трейси зўрға саломлашди:

– Салом, мистер Стивенс.

Жеф Трейсининг узатган кўлини олди ва керагидан жиндек кўпроқ ушлаб қолди.

– Миссис Уитней? – деди Жеф. – Ҳа, албатта! Мен сизнинг марҳум эрингиз билан таниш эдим. Биз у билан Ҳиндистонда бўлганмиз.

– Бу жуда қизиқ! – хитоб қилди баронесса.

– Таассуфки, эрим сиз ҳақингизда менга ҳеч нарса демаган, – деди совуқ оҳангда Трейси.

– Наҳотки? Ҳайронман. Қизиқ одам эди. Афсуски, оқибати ёмон бўлди.

– Ия, нима бўлди? – қизиқиб сўради баронесса.

Трейси кўзлари олайиб Жефга қаради.

– Арзимаган гап.

– Ҳеч гап-а! – истехзо билан деди Жеф. – Агар хотирам панд бермаса, уни Ҳиндистонда осишган.

– Покистонда, – чўрт кесди Трейси. – Э, эсимга тушди, дарҳақиқат эрим гапирганди сиз ҳақингизда, хотинингиз қалай?

Баронесса Ховарт Жефга қаради.

– Уйланганинг ҳақида менга ҳеч гапирмаган эдинг, Жеф.

– Сесилия билан ажрашиб кетганмиз.

Трейси кувлик билан жилмайди:

– Мен Розани сўраяпман?

– Э, бу хотиним ҳақида денг.

Баронесса Ховартнинг ҳайрати яна-да ошди.

– Икки марта уйланганмисан?

– Бир марта, – деб жавоб берди эътиборсиз. – Роза билан тўйни бекор қилган эдик. Жуда ёш эдик.

Жеф ўзини четга олмоқчи бўлди, лекин Трейси:

– Улар эгизак эмасмиди? – деб сўради.

– Эгизак? – деди ҳайрат билан баронесса.

– Улар оналари билан туришарди, – деди Жеф ва Трейсига кўз қирини ташлади. – Сиз билан суҳбатлашиш бизга қанчалик ёқишини сўз билан ифодалаб бўлмайди, миссис Уитней, лекин мезбонлик ҳуқуқини сунистеъмол қилиб, сизни чарчатмаслигимиз лозим.

У баронессанинг қўлтиғидан ушлаб нари кетди.

Трейси эртасига эрталаб «Харроди» универмаги лифтида Жефни учратиб қолди. Универмагда одам кўп. У лифтдан чиқаётиб, Жефга юзланиб, баланд овозда деди:

– Дарвоқе, ахлоқсизлигингиз учун оладиган жазодан қандай қилиб қутулиб қоласиз?

Эшик ёпилди ва Жеф лифтда қолди, атрофидагилар унга нафрат билан қарашар эди.

Тунда Трейси ўрнида ётар ва Жеф ҳақида ўйлар экан, беихтиёр кулиб юборди. У, дарҳақиқат, ажойиб одам. Но-бакор-у, лекин дилбар йигит. Унинг баронесса билан муносабатлари қай даражага боргани Трейсини қизиқтирар эди. «Жеф билан мен – бир дарахтнинг меваларимиз», – хаёлидан ўтказди Трейси. Ҳеч қайсиси ҳеч қачон қуйилмайди. Улар кечираётган умр ҳаяжонли, ҳа, ҳаддан зиёд.

Трейси хаёлини яқин келажакда бўладиган ишга бурди. Франция жанубида ўтказилиши лозим бўлган операция уларни ҳайратга солса ажаб эмас. Гюнтер унга полиция тўдаси қидираётганини айтди. Трейси лабларида кулги билан уйқуга кетди.

Даниэль Купер Париж меҳмонхонасида инспектор Триньян берган маълумотномани ўқиди. Соат тонгги тўртни кўрсатаётган бўлса ҳам, Купер билан неча соатдан бери жуда усталик билан содир этилган ўғрилиқлар ва қаллоблиқлар қоришмасини таҳлил қилар эди. Купер баъзи қаллоблиқларни танир, лекин кўпчилиги унинг учун янгилик эди. Инспектор Триньян таърифлаганидек, ҳамма жабрланувчилар шубҳали ном чиқарган одамлар экан. «Бу гуруҳдаги одамлар, афтидан, ўзларини Робин Гуд деб ҳисобласалар керак», – деб хаёл қилди Купер.

У танишувни деярли тугатган эди. Фақат учта маълумот қолганди. Битта папканинг устида «Брюссель» деган ёзув кўринди.

Купер муқовани очиб ҳисоботга кўз югуртирди. Қатор шубҳали молиявий битимларга иштирок этган бельгиялик биржа маклерининг девор сейфидан икки миллион долларлик қимматбаҳо буюмлар ўғирланибди.

Эгалари таътилда бўлиб, уйдан чиқиб кетганлар. Купер саҳифадаги бир нарсага эътибор берди-ю, юраги ҳаприқиб кетди. У биринчи қайд этилган ҳужжатга қайтди ва маълумотноманинг ҳар саҳифасини жиддий эътибор билан ўқиб чиқди. Ҳужжат бошқалардан бир жиҳати билан ажралиб турар эди. Ўғри аёл чироқни ўчириб қўйган, полиция етиб келганида эса, уларни остонада юпқа матодан тўқилган тунги кўйлакдаги аёл кутиб олган. У сочларини жингалак қилиш учун бурмалаган, юзларига эса қалин қилиб крем суртганди. Бу аёл Ван Раузенларнинг меҳмони сифатида ўзини таништирган. Полиция аёлнинг сўзларига ишонган ва, лекин, уй эгалари билан боғланиб, воқеани текширгунларича аёл ҳам, қимматбаҳо буюмлар ҳам ғойиб бўлган.

Купер маълумотномани четга суриб қўйди. Мантиқ, мантиқ...

Инспектор Триньяннинг тоқати тоқ бўлди.

– Сиз янглишяпсиз. Сизга айтяпману, битта аёл шунча жиноят содир этиши мумкин эмас деб.

– Буни текшириш мумкин, – эътироз билдирди Даниэль Купер.

– Қандай қилиб?

– Мен кейинги пайтларда ана шунга ўхшаш содир этилган ўғрилиқ ва қаллобликларнинг компьютер кўрсатмалари билан танишиб чиқсам девдим.

– Бу жуда осон, лекин...

– Ундан кейин жиноят содир этилган шаҳарларда бўлган ҳар бир америкалик аёл туристлари ҳақида маълумот олсам. Ўша аёл вақти-вақти билан сохта паспортлар, ҳатто ўзининг ҳақиқий исми билан фойдаланганлари бордир.

Инспектор Триньян ўйланиб қолди.

– Мен фикрингизни англадим, мсье, – у рўпарасида турган паст бўйли одамга диққат билан тикилди. – Жуда соз.

Шу туркумдаги ўғриликларнинг биринчиси Стокгольмда содир этилди. Интерполнинг швед бўлимининг маълумотномасида ўша ҳафтада Стокгольмга келган америкалик турист аёллар рўйхати берилган эди. Шу рўйхатни компьютерга солишди. Кейинги шаҳар Милан. Ўғрилик содир этилган вақтдаги Миланда бўлган америкалик турист аёлларнинг исмларини Стокгольмдаги рўйхат билан солиштириб кўришди. Эллик бешта бўлиб чиқди. Бу рўйхатни навбатдаги қаллоблик найранги бўлган – Ирландияга борган америкалик аёллар исм-шарифларига солиштиришди. Ўхшаш исмларнинг рўйхати ўн бештагача камайиб кетди. Инспектор Триньян ксеро нухани Даниэль Куперга берди.

– Мен бу исмларни Берлинда содир этилган битта муттаҳамгарчилик кундаги рўйхат билан солиштириб кўраман, – деб гап бошлади Триньян, – сўнг...

– Ўзингизни қийнаманг.

Рўйхатнинг бошида Трейси Уитней турарди.

Ниҳоят, аниқ маълумот топилди ва Интерпол ҳаракатга тушди. Трейси Уитнейни кузатиш ҳақидаги шоши-

линч қизил фармойишлар ҳамма мамлакатларга тарқатилди.

– Биз шунингдек телетайплар орқали яшил огоҳлантиришлар ҳам юборамиз, – деди инспектор Триньян.

– Яшил огоҳлантириш?

– Биз рангли код тизимидан ҳам фойдаланамиз. Қизил огоҳлантириш, бу – шошилинич, ҳаворанг – шубҳаланувчи ҳақида талаб, яшиланг, полиция маҳкамаларини шундай шахс шубҳа остида эканлигини ва уни кузатиб туриш зарурлигини билдиради, қора ранг – жасадни аниқлаш ҳақида талабнома. Миссис Уитней қайси бир мамлакатга бормасин, шу дақиқадан эътиборан у божхона текширувидан ўтади, ҳамда кузатув остида бўлади.

Трейси Уитнейнинг жанубий Луизиана қамоқхонасидаги суратлари Интерпол маҳкамасига тарқатилди.

Даниэль Купер Ж. Ж. Рейнолдсга кўнғироқ қилди, у гўшакни олгунча телефон ўн маротаба жиринглади.

– Алло...

– Менга баъзи бир ахборот керак.

– Бу сизми, Купер? Худо хайрингизни берсин, ҳозир тонгги соат тўрт бўлса. Мен шундай уйкуда эдимки.

– Трейси Уитней ҳақида ҳар қандай маълумотингиз бўлса юборсангиз. Газеталардан парчами, суратми, плёнками – барибир.

– Нима бўляпти ў..?

Купер гўшакни кўйди.

«Бир кунмас бир кун бу аблаҳни ўлдираман», – деб қарор қилди ўзича Рейнолдс.

Даниэль Купер илгари Трейси Уитнейга унча аҳамият бермасди, энди бу аёл асосий мақсадига айланди. У Трейсининг суратларини Париж меҳмонхонасидаги ўзининг кичкина хонасига ёпиштириб ташлади, газеталарда босилган у ҳақдаги барча маълумотларни ўқиб чиқди. У ижарага видеоманитофон сотиб олиб, Трейсини ҳукм қилинганидан кейин, унинг қамоқхонадан озод бўлганидан кейинги барча кўрсатувларни қайта-қайта кўриб

чиқди. Купер қоронғи хонада соатлаб ўтириб, клипларни томоша қиларкан, Трейси ҳақидаги дастлабки шубҳа-гумонлари тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилди.

– Мисс Уитней, сиз гангстер аёллар тўдасининг ўзи экансиз, – деди овоз чиқариб Даниэль Купер. Сўнгра видеомагнитофоннинг қайта ўраш тугмасини яна босди.

11

Ҳар йили биринчи шанба куни граф де Матини Париждаги болалар касалхонасига моддий ёрдам кўрсатиш учун хайрия базми ташкил қиларди. Эркаклар фракда, аёллар эса оқшом кўйлақларда келишлари лозимлигини эслатувчи ҳар бир таклифнома нархи минг доллар турар, кечада қатнашиш учун жаҳоннинг турли бурчагидан олий табақа вакиллари етиб келар эди.

Граф де Матинининг Антиба яқинидаги ўн бешинчи асрга оид саройи Франциянинг диққатга сазовор биноларидан бири ҳисобланар эди. Байрам кечаси башанг кийинган меҳмонлар дабдабали безалган катта ва кичик залларни тўлдиришди. Бекам-кўст тикилган ливрея кийиб олган хизматкорлар меҳмонларга бокалларда истаганча шампан таклиф этардилар. Қатор тизилган катта столларда георгман услубидаги кумуш идишларда хилма-хил таомлар қўйилган эди.

Трейсига оппоқ тўр кўйлақ жуда ярашган эди. Баланд турмакланган сочларидан бриллиантли тиара¹ ҳуснига ҳусн қўшиб турарди. У етмиш ёшли бева, ўрта бўйли, келишган, рангпар, ориқ юзли мезбон граф де Матини билан рақс тушарди. «Болалар касалхонасига ёрдам бериш учун ҳар йили ўтказиладиган хайрия – ҳақиқий рэкет, – деди ўшанда Гюнтер Хартог Трейсига. – Йиғилган пулларнинг ўн фоизи болаларга, қолган тўқсон фоизи ўзининг чўнтагига тушади».

– Герцогиня, сиз жуда зўр рақсга тушар экансиз, – деб мақтади граф.

Трейси жилмайиб кўйди.

– Чиройли рақсга тушишим мен билан рақс тушаётган шеригим туфайли.

– Нима учун биз илгари учрашмаган эканмиз?

– Мен Жанубий Америкада тураман, – тушунтирди Трейси. – Таъбир жоиз бўлса, жунглида.

– Нима учун, хўш?

– Эрим, Бразилиядаги бир неча шахта хўжайини.

– Э-э, эрингиз ҳам шу ердами?

– Йўқ. Афсуски, ишлари бу ерга келишга имкон бермади.

– Омади келмабди, лекин менинг омадим бор экан, – графнинг кўллари Трейсининг белларини қаттиқроқ сикди. – Биз яқин дўст бўлиб қолишимизни жудаям истайман.

– Мен ҳам, – деди Трейси.

Трейси графнинг елкаси оша Жеф Стивенснинг курортда ҳаддан ташқари куйган башарасига кўзи тушди. У чиройли, хипчиндек нозик, тўқ қизил мовутли кўйлак кийиб олган, у бутун вужуди билан Жефга ёпишиб олган жувон билан рақс тушмоқда эди. Жеф Трейсини кўриб жилмайиб кўйди.

«Бу ҳаромзоданинг кулиш учун етарли асоси бор», – ғамгин хаёл сурди Трейси. У кейинги икки ҳафта ичида қилиши лозим бўлган иккита ўғирлик устида қунт билан режа тузаётган эди. Трейси биринчи уйга кириб сейфни очди, лекин у бўм-бўш экан! Жеф Стивенс Трейсидан ўтиб тушди. Иккинчи марта Трейси ўзи мўлжаллаган уйга кетаётиб орқасидан келаётган машина овозини эшитиб қолди, у ёнидан визиллаб ўтиб кетди – ичида Жеф ўтирган эди. Бу сафар ҳам у Трейсини доғда қолдирди. Жеф Трейсини қонига ташна қиларди. «Энди у мен мўлжаллаган уйга келибди», – деб ўйлади у.

Жеф ўзи билан бирга рақсга тушаётган жувон билан Трейсининг ёнига келди-да, илжайиб деди:

– Хайрли кеч, граф.

Граф де Матини жилмайиб жавоб берди:

– Э, Жеф, хайрли кеч. Ташриф буюргангингиздан жуда миннатдорман.

– Келмаслигимнинг иложи йўқ эди, – Жеф бағрида эриб кетишга тайёр жувонга ишора қилди.

– Бу мисс Уoleyс, граф.

– Ажойиб аёл экан! – Граф Трейсига ишора қилиб деди: – Герцогиня, рухсатингиз билан мисс Уoleyс ва мистер Стивенснни таништираман. Герцогиня де Лароса.

Жеф ҳайрон бўлиб қошларини чимирди.

– Кечирасиз, исми шарифларини эшитмай қолдим.

– Де Лароса, – дона-дона қилиб тушунтирди Трейси.

– Де Лароса... Де Лароса... – Жеф Трейсига диққат билан назар ташлади. – Менга танишдек туюляпти. Ҳа, албатта! Эрингизни билардим! Жуда ёқимтой йигит, шу ердами у?

– У Бразилияда, – ғижиниб деди Трейси.

Жеф илжайди.

– Афсус. Бир пайтлар бирга ов қилардик. Ўша бахтсиз ҳодиса рўй бергунча, албатта.

– Бахтсиз ҳодиса? – ҳайрон бўлди граф.

– Ҳа, – ўкинч билан деди Жеф. – Милтиғи бузилиб, ўқ унинг нозик жойига тегиб кетганди. Жуда аҳмоқона иш бўлди-да. – У Трейсига юз ўгириб деди. – Яна қайта рисоладагидек эркак бўлишига умид борми?

Трейси бамайлихотир жавоб берди:

– Бир кунмас бир кун у сизга ўхшаган рисоладаги эркак бўлиб кетишига ишончим комил.

– Жуда соз, унга саломимни етказиб кўясиз, герцогиня!

Мусиқа тугади. Граф де Матини Трейсидан узр сўраб:

– Афв этасиз, азизим, – деди ва Трейсининг кўлини маҳкам қисди, – ўзимнинг баъзи бир мезбонлик вазифаларимни бажаришим лозим. Менинг ёнимда ўтиришингиз лозимлигини унутманг, хўпми?

Граф кетиши билан Жеф йўлдошига мурожаат этди:

– Фариштам, сумкачангда аспириин бор эди. Бир дона-сини олиб келиб берсанг, илтимос. Бошим қаттиқ оғриб қолди.

– Жонингдан айланай. – Кўзларида меҳр учқунлари порлади. – Ҳозир олиб келаман, азизим.

Трейси жувоннинг залдан силлиқ юриб кетишини кузатиб қолди.

– Шу қиз деб диабетга мубтало бўлишдан кўрқмай-сизми?

– Жуда ажойиб қиз, а? Герцогиня, куни кеча ўзингиз ким эдингиз?

– Бунга ҳеч алоқангиз йўқ, шундай эмасми?

– Йўқ, бор, гап шундаки, мен хавотирдаман ва, сизга дўстона маслаҳатим шуки, манави қасрни тунаб кетишни хаёлингизга келтирманг-а.

– Нега? Сиз отингизни олдинроқ қамчилаб қолмоқчимисиз?

Жеф Трейсининг қўлидан ушлаб фортепиано олдидаги кимсасиз жойга етаклади. Фортепиано олдида қоракўз ёш йигитча америка шлягерларидан олинган терма мусиқани зўр бериб чалиб ўтирарди.

Трейси Жефнинг гапини мусиқа садолари орасида эшитиб турарди.

– Гап шундаки, мен бир режа тузиб кўйганман, лекин бу ниҳоятда хатарли.

– Наҳотки? – Бу суҳбат Трейсининг вақтини чоғ қиларди. Аслингни яширмай, риёкорлик қилмай турсанг, қандай енгил тортасан. «Қадимги римликлар буни аниқ ифода этганлар, – деб ўйлади Трейси, – «Риёкор» сўзи грекча «актёр»дан келиб чиққан.

– Менга қаранг, Трейси, – деди Жеф жиддий оҳангда. – Бундай қила кўрманг. Аввало шуки, яшил девордан ошиб ўтолмайсиз. Кечаси кўриқчи итларни ечиб юборишади.

Трейси Жефнинг айтган сўзларига диққат билан кулоқ солаётганини ўзиям сезмай қолди. Жеф уйни тунаб кетишни режалаштирмоқда.

– Барча деразалару эшиклар сигнализациялаштирилган. Сигнализация мосламалари бевосита полиция бўлимига уланган. Боринги, бинонинг ичига кирдингиз ҳам дейлик, барча хоналар инфрақизил нурлар билан ихаталаган.

– Бундан хабарим бор, – деди Трейси мағрурона жилмайиб.

– Сиз яна шуни билиб қўйишингиз лозимки, нур сиренани ичкари кираётганингизда эмас, аксинча чиқаётганингизда ишга солади. Сигнал механизми ҳаракатнинг сал ўзгаришини ҳам сезади. Уни бузишнинг ҳеч қандай йўли йўқ.

Трейси буни билмас экан. «Жеф буларни қаердан билиб олдийкин?»

– Менга буларни айтишдан мақсадингиз нима?

Жеф жилмайди, Трейси уни ҳеч қачон бу даражада ёқимтой кўрмаганига иқроп бўлди.

– Мен чиндан ҳам сизни қўлга тушиб қолишингизни истамайман, герцогиня. Ёнингизда бўлиш менга ёқади. Биласизми, Трейси, биз сиз билан жуда яхши дўст бўлиб қолишимиз мумкин эди.

– Янглишяпсиз, – Жефнинг дугонаси шошиб келаётганини кўрган Трейси қатъий эътироз билдирди.

– Бу ерга мисс Диабет келмоқда. Яхши қолинг.

Трейси нари кетаркан, Жефнинг маъшуқаси:

– Мен сенга дори устидан ичиб юбориш учун шампан олиб келдим, – дея меҳрибонлик қилаётганини эшитди.

Ўтириш дабдабали, таомлари ниҳоятда хилма-хил зиёфатга айланиб кетди. Башанг кийинган оқ қўлқопли хизматчилар ҳар бир таом учун алоҳида вино олиб келишарди...

Зиёфатдан кейин граф де Матини Трейсига мурожаат этди:

– Сиз санъат асарларига қизиқаман дегандек бўлган эдингиз. Балки мен йиққан тасвирий санъат йиғмасига назар ташлаш хоҳишингиз бордир?

– Жоним билан.

Шахсий музейда италиялик усталар, франциялик импрессионистлар ва, ҳатто, Пикассонинг ишлари бор экан. Узун суратлар галереяси ёрқин чироқлар, хилма-хил ранглару шакллар билан одамни мафтун этарди. Бу ерда Мане, Ренуар, Каналетто, Гварди ва Тинтореттолارнинг чизган расмлари, Тъепполо, Гверчино ва Тицианларнинг нафис тасвирлари-ю ва деярли деворнинг бошдан-оёғи Сезаннинг ишлари билан тўлган эди. Барча коллекциянинг нархини ҳисоблаб чиқишнинг ҳеч имкони йўқ. Трейси барча тасвирларни мафтун бўлиб томоша қилиб чиқди.

– Улар яхши ҳимоя қилинган бўлса керак?

Граф жилмайди.

– Ўғрилар менинг хазинамга уч марта тажовуз қилишди. Бирини ит ғажиб ташлади, иккинчисини майиб қилишди, учинчиси эса, умрбод қамоқ жазосини ўтамоқда. Менинг қасрим – кириб бўлмайдиган мустаҳкам қалъа, герцогиня.

– Жуда ажойиб, граф.

Чироқнинг ёрқин нурлари боғни ёритди.

– Мушакбозлик бошланди, – тушунтирди граф. – Вақтингизни чоғ қилар деб ўйлайман.

У Трейсининг майин кўлини ўзининг қуруқ, озғин, қоқсуяк кўлига қўйиб уни галереядан олиб чиқди.

– Эрталаб мен Довильга жўнаб кетяпман. Ўша ерда виллам бор, денгиз соҳилида. Уч-тўртта дўстларни кейинги уик-эндга таклиф этганман. Сизгаям ёқиб қолар, деб ўйлайман.

– Бунга жуда ишончим комил, – деб жавоб берди Трейси. – Лекин, афсуски, боролмайман шекилли. Эрим хавотир олмоқда. У менинг қайтиб боришимни талаб қилмоқда.

Мушакбозликлар деярли бир соат давом этди. Трейси учун эса меҳмонлар орасида ғойиб бўлиб, уйни кўздан кечириб чиқишнинг жуда қулай имконияти туғилди.

Жефнинг айтганлари ҳақиқат бўлиб чиқди: ўғирлашга умид деярли йўқ эди, худди шу боис ҳам Трейсида жўрттага ўғирлаш учун чидаб бўлмас даражада иштиёқ уйғонди. Тепада, графнинг ётоқхонасида икки миллионли қимматбаҳо буюмлар ва ўнга яқин жаҳон санъатининг Леонардо ҳамда барча дурдоналари борлигини билар эди Трейси.

«Қаср – хазина», – деган эди унга ўшанда Гюнтер Хартог, – ва шунга яраша ҳимояси мустаҳкам». Ишончли режа ишлаб чиқмагунингча ҳеч нарсага қўл ура кўрма...»

«Мана, режаям ишлаб чиқдим, – ўйлади Трейси. – Лекин ишончлими ё йўқ, эртага аниқ бўлади».

Эртасига оқшом ҳавоси булутли ва рутубатли бўлди. Қасрни ўраб олган девор ваҳимали кўринарди. Қора комбинезон ва тагчарми резинали ботинка кийиб олган, қора майин теридан тикилган қўлқопли қўллари ва қопчиқ кўтариб олган Трейси дарахтлар соясида турар эди. Трейсининг миясида бир зумгина қамокхона хотираси уйғондию ва у беихтиёр чўчиб тушди.

У ижарага олган ёпиқ аравани саройнинг орқа томонидаги девор ёнидан олиб борди. Девор орқасида кўппакнинг ғазабли ириллагани эшитилди, кейин араванинг яқинлашганини сезган ит ўзини юқори отиб жазава билан акиллаш бошлади. Трейси кўппакнинг катта ва оғир гавдасини, унинг даҳшатли тишларини хаёлан кўз олдига келтирди.

У паст овозда аравадаги одамга деди:

– Вақт бўлди.

Қора кийимли, орқасига рюкзак осиб олган ўрта ёшлардаги ориқ киши аравадан қанжиқ кучукни бўйинбоғидан ушлаб тушди. Кучукнинг куйиккан даври экан, тош деворнинг ортидаги акиллаш бирдан ҳирсий вангиллашга айланди-қолди. Трейси қанжиқни баландлиги тош девор билан деярли тенг бўлган ёпиқ арава томига чиқаришга ёрдам берди.

– Бир, икки, уч, – шивирлади у.

Иккалови қанжиқни боғ ҳовлига девор устидан улоқтириб юборишди. Икки марта қаттиқ акиллаган овоз эшитилдию, кейин қочиб кетаётган итларнинг инграши эшитилди. Шундан кейин ҳаммаёқ тинчиди. Трейси шеригига қараб:

– Кетдик, – деди.

Жан-Луи бош ирғади.

... Трейси уни Антибада учратди. Жан-Луи умрининг талай қисмини ўғрилиқ қилгани учун қамоқхонада ўтказган. У жудаям ақлли бўлмаса ҳам, қулф ва сигнализациялар бўйича мутахассис эди.

Трейси арава томидан девор устига сакраб чиқди. Кейин арқон шотини ёйиб, девор четига илди. Иккалови осилиб ўт босган ерга тушишди.

Боғ кечагига ўхшаб чароғон, қувноқ кишилар билан гавжум эмас, балки, файзи кетган кимсасиз жойга ўхшарди. Жан-Луи кўппаклардан хавотирга тушиб атрофга аланг-жаланг қилганча орқасидан борарди Трейси.

Қасрни деворларидан то томигача минг йиллик печак босган эди. Трейси ўтган кечаёқ, ўзини билмаганга солиб печакнинг мустаҳкамлигини текшириб кўрган эди. Мана энди у печак поясига осилиб тепага чирмашар экан, атрофга олазарақ бўларди. Кўппаклар кўринмайди: «Умид қиламанки, улар ҳали узоқ банд бўлишади», – дея илтижо қилди.

У томга чиқиб олгач, Жан-Луига ишора қилди ва уни тепага чиққунча кутиб турди. Трейси чўнтак фонарини ёқди ва яхшилаб беркитилган деразага кўзи тушди. Трейси Жан-Луининг елкасидан рюкзagini олиб, ичидан ойнакесарини чиқарганини кузатди. Ойнани олиш учун унга бир дақиқадан камроқ вақт лозим. Трейси ичкарига назар ташлаб, йўлларида жуда кўплаб сигнализация симлари ғов бўлиб турганини кўрди.

– Бунинг уддасидан чиқасизми, Жан-Луи? – шивирлади у.

– Буни қилиш мумкин. Муаммо йўқ.

У қопчиғига қўл тиқиб, икки томони ўткир қисқичли симларни олди. У секин ҳаракат билан сигнализация учини топди ва уни муҳофаза этди, сўнгра охирларини қатъий қисқичлар билан бекитди. Сўнгра ясси омбирини олиб, эҳтиёткорлик билан симларни узиб қўйди. Трейси сирена унини эшитаман деб асабий кузатиб турди, бироқ ҳаммаёқ тинч эди. ЖанЛуи унга қараб, илжайди:

– Ҳаммаси битди.

«Йўқ – деб хаёлидан ўтказди Трейси. – Бу фақат бошланиши».

Улар сим ўтказилган дераза орқали пастга тушиш учун иккинчи арқонни маҳкамлаб қўйишди. Ҳозирча ҳаммаси жойида. Трейси чордоққа осонгина чиқиб олди. Лекин олдинда уларни нима кутаётганини ўйлаганда Трейсининг юраги ўйнаб кетди. У икки жуфт кимёвий кўзойнакни олди-да, бирини Жан-Луига узатди.

– Тақиб ол.

Улар йўлларидаги кўппакларни йўқотишди, бироқ инфрақизил нур сигнализацияси муаммосини ечиш ниҳоятда машаққатли эди. Уй кўринмас нурлар орқали кузатилади, деган Жефнинг гапи ҳақ бўлиб чиқди. Трейси бир неча бор чуқур нафас олди. «Бор кучингни бир жойга тўпла. Хотиржам бўл», деди ўзига-ўзи. У бор-йўқ кучини бир жойга тўплаб, миясида аниқ бир фикр туғилди: «Одам нур таъсирига кираётганида, ҳароратни аниқлайди ва сирена ишга тушади. Бу ўғри сейфни очишга улгурмаслиги ва полиция етиб келгунча эҳтиёт чорларни кўришга вақт бўлиши учун ихтиро этилган».

Трейси ана ўшанда бу тизимнинг бўш томони ҳам шунда деб қарор қилди. У сейфни очганидан кейин сиренанинг овози чиқмаслик йўлини ўйлаб топиши лозим. Эрталаб соат олтию ўттизда чорани ўйлаб топди. Ўғирлаш имкони бор ва Трейси вужуди таниш бўлиб қолган ҳаяжон ҳисси тобора ортиб бора бошлади.

Трейси ҳимоя кўзойнакни тақиб олди ва шу ондаёқ хона одамда хурофий даҳшат уйғотадиган қоронғилик

қаърига чўкди. Трейси чордоққа чиқаверишдаги эшик олдида кўзойнаксиз кўринмайдиган ёруғлик нурини кўрди.

– Нурлар остидан ўт, – дея огоҳлантирди у Жан-Луини. – Эҳтиёт бўл.

Улар нурлар остидан секин ўрмалаб ўтишди ва граф де Матининг ётоқхонасига олиб борадиган қоронғи йўлакка чиқишди. Трейси фонарчани ёқиб йўлни ёритди. Трейси инфрақизил кўзойнак орқали бошқа нурни кўрди. Бу нур ётоқхона остонаси ёнида пастлаб, йўлни кесиб ўтганди. Трейси бу нурни ҳатлаб ўтди. Жан-Луи ҳам унга эргашди. Трейси фонар билан деворда осиглиқ ажойиб санъат асарларини бирма-бир ёритди, улар одамда ваҳима уйғотар эди.

«Менга Леонардони олиб келишга ваъда бер, – илтимос қилган эди Гюнтер. – Зебу зийнатларни ҳам албатта».

Трейси суратни олди, тескарисини ўгириб ерга қўйди. Суратни аста ҳошиядан чиқариб ўради ва қопчиғига солиб қўйди. Тамом, энди қиладиган иши – ётоқхонанинг нариги бурчагида парда орқасидаги токчада турган сейфга етиб олиш.

Трейси пардаларни очди. Токчани полдан то шифтга қадар бир-бирини кесиб ўтган нурлар муҳофаза қилиб турарди. Биронта нурга тегиб кетмасдан сейфга етиб бўлмасди.

Жан-Луи нурларга ваҳимали кўзларини тикди.

– Роса қўлга тушдикми! Уларни оралаб ўтолмаймиз. Улар шундай паст-баландки, остидан ҳам, устидан ҳам ўтиб бўлмайди.

– Фақат менинг айтганимни қиласан, хўпми? – талаб қилди Трейси ва унинг орқасидан келиб белидан маҳкам кучиб олди. – Қани юрдик, чап оёқ билан.

Улар нурлар томон бир қадам, сўнгра иккинчи қадам қўйишди.

Жан-Луи оҳиста шивирлади:

– Нурларга боряпмиз!

- Тўғри.

Улар тўғри нурлар кесишган марказга яқинлаша боришди ва Трейси тўхтади.

- Энди диққат билан эшит, - деди у. - Сен сейфнинг олдига борасан.

- Лекин нур...

- Қўрқма. Ҳаммаси жойида бўлади, - Трейси уни ишонтирар, лекин ҳақ бўлиб чиқишига ўзи ҳам астойдил ишонар эди.

Жан-Луи бир зум иккиланиб турди-да, инфрақизил нурлар орасидан чиқди. Жимлик. У қўрқув босган кўзларини бақрайтириб Трейсига ўгирилди. Трейси нурлар ўртасида турар, унинг баданидаги ҳарорат сенсорларга сиренани улаб юборишга халақит берар эди. Жан-Луи сейф олдига борди. Трейси қоққан қозикдек қимир этмай турарди. У сал қимирласа, шу ондаёқ сирена шовқин солиб юбориши аниқ эканлигини тушунарди.

Трейси Жан-Луи рюкзагидан асбобларини олиб шифр билан ишлай бошлаганини кўз қири билан кузатиб турди. У аста, лекин чуқур нафас олиб, жойида қимирламай турарди. Ниҳоятда зўриққанидан ўнг оёғининг болдири оғрирди, сўнгра мушаклари тортишиб қолди. Трейси тишларини ғижирлатди. Қимир этишга ҳаққи йўқ.

- Яна қанча турамиз? - шивирлаб сўради у.

- Ўн-ўн беш дақиқача.

Трейсига бу туриши бир асрга ўхшаб кетди. Энди чап оёғининг барча мушаклари тортишиб оғрий бошлади. У дод солиб юборгиси келарди. Бироқ худди нурлар билан михлагандек қимир этмас эди. Бирдан ширқ этган овоз эшитилди. Сейф очилди.

- Қай бири? Ё сизга ҳаммаси керакми? - сўради Жан-Луи.

- Қоғозлари керакмас. Фақат зийнатлар. Барча пуллари - сизники.

- Раҳмат.

Жан-Луи сейфни титкилаб бўлди-да, бир неча дақиқадан кейин Трейсининг олдига келди.

– Бунақаси бўлмайди! – деди у. – Лекин бу ердан нурга тегмай қандай қилиб чиқиб кетамиз?

– Чиқиб кетмаймиз, – деди унга Трейси.

Жан-Луи бақа бўлиб қолди.

– Нима?

– Олдимда туриб ол.

– Лекин...

– Айтганимни бажар.

Ваҳимага тушган Жан-Луи нур орасига қадам қўйди.

Трейси нафасини ютди. Ҳеч садо чиқмади.

– Ҳаммаси жойида. Энди оҳистагина хонадан чиқамиз.

Кейин, дўстим, югурамиз.

Улар парда томон, нурлар бошланадиган жойга қадам-бақадам тисланиб боришди. Трейси оғир хўрсинди.

– Яхши. Фурсати келди дейишим биланоқ нурлардан чиқамиз.

Жан-Луи ютиниб, бош ирғади. Унинг нозик гавдаси қалтираётганини Трейси сезиб турар эди.

– Фурсат бўлди.

Аввал Трейси, сўнг, унинг орқасидан Жан-Луи бор кучлари билан эшикка отилишди. Нурлар қуршовидан чиқишлари биланоқ қулоқни қоматга келтириб сирена шовқини бошланди.

Трейси чордоққа лип этиб чиқди-ю, арқон шотининг илмоқли учини томга отди, Жан-Луи ёнида турарди. Улар томда югуриб бориб, печакка осилиб пастга тушишди, боғ оралаб чошиб ўтишди-да, девор олдига боришди. У ерда иккинчи арқон шоти осиглиқ эди. Бир дақиқа ўтар-ўтмас улар арава томонга сакраб пастга тушишган эди. Трейси аравакаш ўрнини эгаллади, унинг ёнига Жан-Луи ўтириб олди.

Арава ён томондаги йўлдан учиб бораётганда Трейси дарахт паналарига қўнган қора «Седан» машинасига

кўзи тушди. Араванинг чироқлари машинани бир зумга ёритиб ўтди. Рулда Жеф Стивенс ўтирар, унинг ёнида улкан кўппак бор эди. Трейси хахолаб кулиб юборди ва Жефга бўса йўллади. Арава кетди. Узоқда сиреналар билан полиция машиналари карвони кўринди.

12

Франциянинг жануби-шарқ соҳилида жойлашган Би-арритс шаҳри аср бошида уни чулғаб олган шон-шавкатидан маҳрум бўлган. Бир пайтлар машҳур «Бельвю» казиноси таъмирлаш учун ёпилган, хийла эскириб кетган «Мунисипал» казиносида эса дўкон ва рақс мактаби жойлашган эди. Тепаликлардаги виллалар ўзининг қаровсизлигидан аянчли аҳволга тушиб қолган.

...Соҳилдаги «Дю Пале» меҳмонхонасининг уч юз ўн иккинчи хонасидан океан ва шаҳар манзараси кўриниб турарди. Ғарқ бўлган елканли кемаларга хос мангу қояларга гумбурлаб урилаётган океан тўлқинлари айниқса мафтункор эди. Трейсининг деразаси остида атрофдаги пешайвони ёз қуёшидан асрагучи соябонли, зилол сувли ҳовуз ястаниб ётарди. Хона деворларининг паст қисмини оч ҳаво ранг часпак билан ўралган, гилам ва дарпардалари эса бўғиқ нозик қизил рангда эди. Эшик тавақалари ва деразаларни майин мавсум либоси каби матолар билан тўсилганди.

Трейси кириши биланоқ эшикни беркитди-ю, очсариқ паригини ечиб, бошини уқалади. У баронесса ролини жуда катта иштиёқ билан ўйнади. «Пэрлар китоби»дан истаган унвонини – леди, герцогиня, малика, баронесса, виконтесса лавозимларини топиш мумкин эди. Китобнинг беназирлиги шундан иборат эдики, ўтмиш юз йиллик авлодларга тааллуқли ҳар бир шаҳарни, онаси, бола-чақаси, мактабларини уларга қарашли қароргоҳларнинг номи ва манзили ҳам кўрсатилганди. Ўзингга мос оилани топиб, ўша оиланинг узоқ қариндоши ва,

айниқса, бадавлат узоқ қариндоши бўлиб олишдан осон йўли йўқ эди. Унвону пуллар одамларни ниҳоятда ўзига жалб этади.

Трейси меҳмонхона холлида тўқнаш келган ўша одам ҳақида ўйлаб, беихтиёр жилмайиб қўйди. Мана, бошланди.

Баронесса Маргарет де Шантели ўша куни кечкурун меҳмонхона барида ўтирган эди. Соат саккизда у билан тўқнашиб кетган эркак баронесса столи олдига борди.

– Мени афв этасиз, – ийманиб гап бошлади у. – Барибир бугун эрталабки қўполлигим учун яна бир бор узр сўрашим керак.

Трейси лутф қилиб жилмайди.

– Ҳаммаси жойида. Бу – тасодиф.

– Жуда мурувватли экансиз, – у иккиланиб қолди. – Сизни бирон нарса билан меҳмон қилишимга рози бўлсангиз эди, ўзимни бахтли ҳис этардим.

– Ихтиёрингиз.

Эркак Трейсининг рўпарасидаги стулга тортиниbroк ўтирди.

– Ижозатингиз билан ўзимни таништираман – профессор Зукерман.

– Маргарет де Шантели.

Зукерман официантга ишора қилди ва Трейсидан:

– Нима ичасиз? – деб сўради.

– Шампан. Балки...

Зукерман далда бераётгандек қўлини кўтарди.

– Бунақа нарсага имкониятим бор. Гап шундаки, ҳозир мен шундай аҳволдаманки, дунёда нимаики бўлса шуни ихтиёр этавераман.

– Наҳотки? – Трейси табассум қилди. – Жуда яхши одам экансиз.

– Ҳа.

Зукерман бир шиша болинггер виносини буюрди-да, Трейсига қараб:

– Ҳеч хаёлимга ҳам келтиролмайдиган жуда қизиқ воқеа юз берди. Албатта, нотаниш одамга буни айтиб

Ўтиришим лозим эмасди, лекин бу ниҳоятда ҳаяжонли воқеаки, ичимда сақлаб туrolмайман. – У яқинроқ энгашиб, овозини пасайтирди. – Ростини айтсам, мен оддий мактаб ўқитувчиси, тўғрироғи, шу дамгача эдим. Тарихдан сабоқ берардим. Бу жуда қизиқ касб, лекин у даражада одамни ўзига тортмайди.

Трейси одоб юзасидан ўзини қизиқувчан кўрсатиб, кулоқ солиб ўтирди.

– Яъни бир неча ой илгари мени қизиқтириб келарди.

– Профессор Зукерман, бир неча ой илгари нима воқеа бўлганини билсам бўладими?

– Мен Енгилмас Испан Армадаси⁷ ғарқ бўлган жойда археологик текширув ишларини олиб бораётган эдим. Уларнинг қолдиқлари, бўлаклари талабаларимнинг фанга бўлган меҳрини ошириши мумкин деб ўйловдим. Кутилмаганда маҳаллий музей архивида бир ҳужжатга дуч келиб қолдим. Унда бир минг беш юз саксон саккизинчи йили шаҳзода Филипп юборган махфий экспедиция тафсилотлари ёзилган экан. Тахминан бир миллиардлик тилла ортилган бир кема пўртана вақтда бедарак чўкиб кетган.

Трейси хаёлга чўмиб унга қаради.

– Чўкиб кетган деб тахмин қилинмоқдами?

– Худди шундай. Ҳужжатдаги ёзувга қараганда капитан ва унинг командаси кейинроқ қайтиб бориб хазинани тортиб олишни мўлжаллаб, кемани кимсасиз кичик бир кўрфазда атайлаб чўктириб юборган, лекин қароқчилар уларга ҳужум қилишган. Қароқчи кемадаги денгизчилардан биронтаси ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмагани учун ҳужжат омон қолган. Улар қилишаётган ишларининг аҳамиятига ақллари етмасди. – Овози ҳаяжонли қалтирай бошлади. – Энди... – У атрофга аланг-жаланг қилиб хотиржам бўлди-да, гапини шивирлаб давом этди. – Хазинани топиб олиш йўллари аниқ кўрсатилган ҳужжат бор.

⁷ Армада – бир гуруҳ ҳарбий кемалар қўшилмаси.

– Қандай ажойиб кашфиёт, профессор! – хитоб қилди Трейси қойил қолиб.

– Ўша миллиард олтин, ҳозир эҳтимол беш юз миллион доллар турса керак, – қўшиб қўйди Зукерман. – Энди қиладиган ишим – кемани сув тагидан кўтарсам бас.

– Сизга нима халақит бермоқда?

Зукерман ийманиб елкаларини қисди.

– Пул. Хазинани сув юзига олиб чиқиш учун кемани жиҳозлашим зарур.

– Тушунаман, неча пулга тушади бу?

– Ростини айтсам, юз минг доллар. Ниҳоятда аҳмоқона иш қилиб қўйдим: бутун йиққан-терганларим – йигирма минг долларни олиб Биаррицдаги казинода ўйнаб ютиб оламан деб... – У тутилиб қолди.

– Ютқазиб қўйдингиз.

Зукерман ҳа дегандек бош ирғади. Трейси унинг кўзойнаклари ортида ёш йилтираганини кўрди.

Шампан олиб келишди, официант ёпқичини пақиллатди ва фужерларга олтинранг вино қўйди.

– Омадингизни берсин! – хитоб қилди Трейси.

– Раҳмат.

Ҳар қайсиси ўз хаёлига берилиб винони ҳўплаб ўтиришди.

– Хиралигим учун узр сўрайман, – кечирим сўради Зукерман. – Шундай ажойиб ледига ўз дардимни айтишим лозим эмасди.

– Лекин бу жуда ғаройиб экан, – жавоб қилди Трейси.

– Олтинлар ўша жойда эканига ишончингиз комилми?

– Ҳеч қандай шубҳа йўқ. Қўлимда капитан ўз қўли билан ёзган кема буйруқлари ва хаританинг асл нусхалари бор. Мен хазинали кема жойлашган аниқ ерини биламан.

Трейси хаёлан уни чамалаб кўрди.

– Лекин сизга юз минг доллар керагу?

Зукерман ҳасрат билан йўталиб қўйди.

– Ҳа. Чунки хазина беш юз минг доллар туради.

У яна бир култум вино ичди.

– Балки... – Трейси тўхтаб қолди.

– Нима?

– Ишингизга шерик олишни мўлжаллаган эдингизми?

Зукерман унга ҳайрон бўлиб тикилди.

– Шерик? Йўқ, бунга ўзим бажараман деб ўйлагандим.

Бироқ, ҳозир, пулларимни ютқазиб қўйганимдан кейин, албатта. – У яна тутилди.

– Профессор Зукерман, масалан, мен сизга юз минг доллар бердим, деб ҳисобласак.

У бошини чайқади.

– Йўқ, албатта. Мен бунга йўл қўёлмайман. Сиз пулингиздан ажралиб қолишингиз мумкин.

– Лекин хазина ўша жойдалигига ишончингиз комил...

– О, бунга мутлақо аминман. Лекин юзлаб кутилмаган муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Бунга ҳеч ким кафолат беролмайди.

– Ҳаётда кафолатнинг ўзи кам. Сизнинг айтганларингиз жуда қизиқ. Бордию сизга ёрдамим тегиб қолса, иккимиз учун ҳам фойдали иш бўлиб чиқиши мумкин.

– Йўқ, даргумон манфаат деб ўз пулингизни йўқотмангиз, бунинг учун ўзимни ҳам кечира олмайман.

– Лекин мен бунга йўлаб кўришим мумкин, – деб ишонтирди Трейси. – Ҳатто бу ишга тезроқ киришингиз тарафдориман, чунки қўшган ҳиссам эвазига яхшигина ишлаб олишим мумкин, тўғри эмасми?

– Албатта, бир томони тўғри, – рози бўлди Зукерман. Афтидан гумонлар уни қийнаётгани учун ҳар бир сўзини тарозига солиб деди: – Агар рози бўлсангиз эллик фоизи сизники.

Трейси мамнуният ила жилмайди.

– Майли. Розиман.

Профессор шошиб қўшимча қилди:

– Албатта, сарф қилингандан кейин...

– Розиман, дедим-ку. Қачон ишга киришамиз?

– Ҳозироқ. – Профессорда кутилмаган шиддат пайдо бўлди. – Мен ишлатиш мумкин бўлган кемани топиб кўйдим. Унда замонавий кўтарадиган ускуна ва тўрт кишидан иборат экипаж бор. Табиийки, уларга сув остидан олиб чиққанemizдан бирон фоиз берсак бўлади.

– Албатта.

– Тезроқ бошлашимиз зарур, чунки кеманинг кетиб қолиш хавфи бор.

– Беш кун ичида пул топиб беришим мумкин.

– Жуда соз! – хитоб қилди Зукерман. – Бу орада мен тадоригимни кўриб кўяман. Оҳ, бу учрашув иккимиз учун ҳам яхши бўлди, шундай эмасми?

– Ҳа, шубҳасиз.

– Бизнинг ишимиз учун! – Профессор қадаҳ кўтарди.

Трейси ўз қадаҳини кўтариб:

– Ишимиз қандай омадли бўлиши лозим бўлса, ана шундай омадли бўлсин, – деб кўшиб кўйди.

Улар қадаҳ уриштиришди. Трейси залга кўз югуртириб чиқдию, донг қотиб қолди. Залнинг нариги бурчагидаги стол олдида Жеф Стивенс Трейсини ҳайрат билан жилмайиб кузатиб ўтирар эди. Унинг ёнида қимматбаҳо тақинчоқларга безанган хушрўйгина аёл ўтирган эди. Жеф унга имо қилди, Трейси уни де Матини саройи ёнида аҳмоқ ити билан кўрганини эслаб жилмайди. «Бирунол – менинг фойдамга». – Қувонч билан ўйлади у.

– Демак, ижозат этсангиз... – деди Зукерман. – Қиладиган ишларим кўп. Сизни топаман.

Трейси назокат ила қўлини узатди, Зукерман уни ўпиб, чиқиб кетди.

– Қарасам, дўстингиз сизни тарк этди, сабабини ҳеч тушуниб етолмадим. Жуда рангингиз кетиб қолибди.

Трейси юзини ўгирди. Жеф унинг столи тепасида турарди. У бир неча дақиқа бурун Адольф Зукерман эгаллаган столга ўтирди.

– Сизни табриклайман, – деди Жеф. – Матинини боплаб туширдингиз, бу – буюк маҳорат. Тоза иш.

- Бу сўзлар, мен учун шараф, Жеф.
- Трейси, сизни деб анча-мунча пулга тушдим.
- Бунга кўникиб кетасиз.

Жеф олдида турган стаканни айланттирдди.

- Профессор Зукерманнинг нима иши бор экан?
- О, уни танийсизми?
- Агар таъбир жоиз бўлса.
- У... э... шунчаки вино таклиф этди.
- Ва чўкиб кетган хазиначилар ҳақида гапириб берди, шундайми?

Трейси хушёр тортди.

- Бунга қаяқдан биласиз?

Жеф унга ҳайрон бўлиб тикилди.

- Фақат дунё каби ана шу қадимий найрангга илиндим дея кўрманг.

- Ҳозир мавриди эмас.

- Сиз, унга «ишондим» демоқчимисиз?

Трейси ижирғаниб:

- Бунга муҳокама қилишга ҳақим йўқ, - деди. - Профессор тасодифан баъзи махфий маълумотларни қўлга киритибди.

Жеф ишонмасдан бош чайқади.

- Трейси, сизни у бошлаб лақиллатмоқчи. Ўзининг чўкиб кетган хазиначига қанча пул қўшишингизни сўради.

- Аҳамияти йўқ, - чўрт кесди Трейси. - Бу менинг менинг ишим.

- Тўғри. Фақат кейин бу қария Жеф огоҳлантирмадям, деб ўпкалаб юрманг.

- Ўзингиз ҳам бу олтинларга қизиқмаслигингиз мумкин эмас. Шундай эмасми?

Жеф сохта ўкинч ила қўлини кўтарди.

- Нима учун сиз доим менадан шубҳа қиласиз?

- Бу - осон, - жавоб берди Трейси. - Мен сизга ишонмайман. Сиз билан бирга ўтирган аёл қанақа хотин?

- Сюзаннами? Дўстим.

- Бадавлат, албатта.

Жеф эринчоқлик билан илжайди.

– Гапнинг пўскалласини айтсам, унинг пуллари кам эмас. Агар эртага биз билан ленчга қўшилишга рози бўлсангиз пристанда турган узунлиги икки юз эллик футлик яхтанинг бош ошпази...

– Раҳмат. Сизнинг нонуштангизга халақит беришни хаёлимга ҳам келтирмайман. Унга ўзингизни ким деб таништирдигиз?

– Бу – энди бошқа масала.

– Ўзим ҳам шундай деб ўйловдим. – Трейси бу гапни ўзи ўйлаганидан ҳам кўрсроқ оҳангда гапирди.

Трейси Жефни бокал қирралари орқали кузатди. У ҳақиқатан ҳам хўшрўй йигит. Унинг ранги тоза, юз бичимлари чиройли, узун киприклари, ажойиб кулранг кўзлари, лекин юраги илонники. Жуда ақлли илон.

– Қонуний бизнес билан шуғулланиш ҳақида ўйламадингизми ҳали? – сўради Трейси. – Жуда омадингиз келар эди, деб ўйлайман.

Жеф ҳайрат билан қаради.

– Нима? Буни ташлаб, а? Ҳазиллашяпсиз, чамамда?

– Сиз доим қаллоб бўлганмисиз?

– Қаллоб? Мен – антрепренёрман⁸, – хитоб қилди у таъна оҳангида.

– Қандай қилиб... э, ҳалиги интерпренёр бўлдингиз?

– Ўн тўрт ёшимда уйимдан кетиб қолганман ва карнавалга ишга кирдим.

– Ўн тўрт ёшингизда?

Бу Трейсига Жефнинг тақдири ҳақида эшитган биринчи хабар эди.

– Бу менга фойда бўлди. Фойда олиш йўлларини ўргана бошладим. Сўнгра ўша ғаройиб Вьетнам уруши бошланди. Мен «яшил беретлар»га аъзо бўлиб кирдим ва қўшимча таълим олдим. Ўшанда биттаю битта ўрганиб олган билимим – бу уруш барча қаллобликларнинг энг

⁸ Антрепренёр – театр, цирк ва ш. к.ларга раҳбарлик қилувчи шахс. (Тарж.).

йириги экан. Бу қаллоблик олдида сиз билан биз оми одамлармиз. – У бирдан мавзуни ўзгартирди. – Сизга пелота⁹ ёқадими?

– Агар сиз менга ўшани таклиф қилаётган бўлсангиз, йўқ, раҳмат.

– Бу – ўйин, жай-алайнинг бошқача кўриниши. Менда бугунга иккита чипта бор. Сюзаннага умуман ёқмайди. Истасангиз, бирга борайлик?

Трейси «хўп» деворганини ўзи билмай қолди.

Улар шаҳар майдонидаги кичкина ресторанда овқатланишди. Уларга маҳаллий вино ва ўз ёғида қовурилган ўрдак билан қовурилган картошка ва саримсоқ беришди. Таом жуда мазали экан.

– Шу ташкилотнинг ўз таоми, – деб тушунтирди Жеф Трейсига.

Улар сиёсат, китоблар ва саёҳатлар ҳақида суҳбатлашишди. Трейси Жефни ҳайратомуз даражада ўқимишли ва билимдон одам деб ўйлай бошлади.

– Ёшингиз ўн тўртда бўлганидан кейин, – деди Жеф, – ҳар нарсаларни жуда тез илғаб олар экансиз. Олдин нима сизни йўлга солаётганини, сўнгра одамларни нима йўлга солаётганини ўрганасиз. Қаллоблик жиу-житсуга ўхшаш нарса. Жиу-житсу ўйинида ютиш учун рақибнинг кучини ишга соласиз. Муттаҳамлик найрангларда «жабрдийда»нинг очкўзлигидан фойдаланасиз. Биринчи қадамни сиз қўясиз, қолган қадамларни унинг ўзи сизнинг фойдангизга қўяди.

Трейси жилмайиб, ўзича иккиси бир-бирларига жуда ўхшаб кетишларини Жеф тасаввур қилиб кўрганмикан, деган саволни берди. Унинг ёнида бўлиш Трейсига ёқарди, у биринчи қулай вазият туғилиши билан Трейсини лақиллатиб кетади деб ҳисобларди. «Бу одамдан эҳтиёт бўлиб юриш лозим» – узил-кесил қарорга келди Трейси.

Пелот ўйналадиган фронтон Биарриц тепаликларидан юқорида жойлашган, катталиги футбол майдонидек

⁹ Пелота – томоша ўйини.

кўча саҳнаси экан. Кортнинг икки томонида яшил бетон деворлари турар, тўрт қатор ўриндиклар билан ўралган майдон ўртада эди. Ғира-ширада прожекторлар ёнди. Трейси ва Жеф деярли бўш жой қолмаганда етиб боришди, ўйин эса бошланган эди.

Ўйинчилар коптокни зарб билан бетон деворга улоқтиришар, қайтган коптокни эса қўлларига боғланган тўр билан илиб олишарди. Пелот шиддатли ва хавфли ўйин ҳисобланарди. Ўйинчилардан бири коптокни қўйиб юборганда оломон шовқин кўтарди.

– Бу ўйинда катта пул тикилади. Басклар – қиморвоз халқ.

Томошабинларнинг кети узилмай келаверганидан тикилинч ўтиришга мажбур бўлишди. Трейсини Жефга сиқиб қўйишди. Жеф Трейсининг бадани унга жипслашганини ҳис этса ҳам ўзини бепарволикка солиб ўтираверди.

Дақиқа сайин ўйин шиддати-ю, шафқатсизлиги ортиб борар, томошабинларнинг шовқин-сурони ҳам тун қаърида момақалди роқдек садо берарди.

– Шу қадар хавфлими бу? – сўради Трейси.

– Баронесса, копток ҳавода соатига юз мил тезликда учади. Бошингизга тегса борми, нариги дунёга вақтлик роқ... Лекин ўйинчилар жуда камдан-кам хатога йўл қўди.

У бепарволик билан Трейсининг қўлини уриб қўйди, нигоҳи эса ўйинга қадалган эди. Ўйинчилар ўзларини йўқотмасдан моҳирлик билан ҳаракат қилишар, зотан бу уларнинг касби-кори эди. Лекин ўйин ўртасида ўйинчилардан бири коптокни улоқтирдию, зарб амалга ошмай қолди ва ажал тўпи Трейси билан Жеф ўтирган томонга учиб кела бошлади. Томошабинлар тўсиқ орқасига отилишди. Жеф Трейсини ерга йиқитиб гавдаси билан унинг устига ўзини ташлади. Улар тўпнинг бошлари узра визиллаб учиб ўтиб четдаги деворга урилганини эшитишди. Трейси Жефнинг оғирлигини кўтариб ерда ётарди. Уларнинг юзларини бир неча миллиметрлик оралик ажратиб турарди.

Жеф уни бир зум босиб қолди-да, сўнгра ўрнидан туриб, уни ҳам турғазди. Ораларида қандайдир ноқулайлик пайдо бўлди.

– Мен... мен ўйлайманки бир кеча учун шунча ҳаяжон етар, – деди зўрға Трейси. – Меҳмонхонага қайтгим кел-япти.

Улар холлда хайрлашишди.

– Кеча мен учун жуда ажойиб кечди, – деди Трейси Жефга. У худди шу маънони назарда тутмоқда эди.

– Трейси, сиз ростдан ҳам чўкиб кетган хазиналар ҳақидаги аҳмоқона таклифга розимсиз?

– Ҳа.

Жеф унга узоқ тикилиб турди.

– Сиз ҳалиям мени ўша олтинларни қўлга киритмоқчи эди, деб ўйлаб юрибсизми?

Трейси унинг кўзларига қаради.

– Шундай эмасми ахир?

Жефнинг қовоғи солинди.

– Сизга омад.

– Хайрли тун, Жеф.

Трейси унинг меҳмонхонадан чиқиб кетишини кузатиб турди. Сюзаннанинг олдига кетди, деб тахмин қилди у. Бечора.

Консьерж:

– Э, хайрли кеч, баронесса. Бу ерда сизга мактуб бор, – деди.

Мактуб профессор Зукермандан экан.

Адольф Зукерманда кутилмаганда муаммо туғилиб қолибди. Ниҳоятда жиддий муаммо. У Арманд Грандье хонасида содир бўлган воқеадан ваҳима босиб ўтирар, иштонини ҳўл қилиб қўйди деса ҳам бўларди. Шахсий вилласида жойлашган махфий казино эгаси Грандье учун «Мунисипаль» казиноси ёпиқми ёки йўқми – фарқи йўқ, «чунки Рю де Фриада жуда катта дид билан қурилган, унинг клубига бадавлат бойваччалар келиб туришар эди. Ҳукумат назорат этиб турувчи казинолардан

фарқли ўлароқ, унинг казиносида тикилган пулга чек кўйилмас, шу боис ҳам унинг қароргоҳига чўнтаги қаппайганлар ҳар хил қимор ўйинларига тез-тез келиб туришар эди. Унинг миждозлари орасида араб шаҳзодалари, инглиз оқсуяклари, осиелик бизнесменлар, африкалик давлат арбоблари учраб турарди. Асосан шампан ёки вискига бўлган талабларни қондириш учун залда яримьяланғоч ёш қизлар айланиб юришарди, чунки Арманд Грандые ҳеч киммас, айниқса бойваччалар текин бўлган нарсани юқори баҳолашларини аллақачон тушуниб етган эди. Грандые текин ичкилик беришни ўзига эп кўради. Унинг рулеткаларидаги бизбизаклар ва карта ўйинлари ғирромга асосланганди. Нопок ўйин мўмай даромад келтирар эди.

Одатда клубга ёш дилбар жувонлар пулдор қари жентльменлари билан келиб туришади. Хушсурат, намгир, жигарранг кўзли, майин ва юмшоқ лабли хушбичим Грандые уларни ўзига оғдириб оларди. Унинг бўйи беш фут, тўрт дюймдан ошмас ва унинг ташқи қиёфаси нозик қадди-қомати билан мутаносиблиги аёлларни оҳанграбодек ўзига жалб этарди. Грандые уларнинг ҳар бирига сохта шавқ-завқ билан муносабатда эди.

– Мен учун сен тенги йўқ гўзалсан, азизам, лекин на иложки, мен бошқани севаман.

Зотан, бу ҳақ гап эди. Шубҳасизки, ўша бошқа ҳар ҳафтада алмашиб турар, чунки Биаррицнинг ёнига дилрабо ёш жувонлар ниҳоят даражада кўплаб келиб туришар ва Арманд Грандые ҳар қайсисига иссиқ офтоб нурлари остидан вақтинча бошпана бериб турарди.

Грандые казинони таъминлаб туриш учун яширин дунё ва полиция билан кенг миқёсда алоқаларни йўлга қўйди. У ўғрилар тўдасида айғоқчиликдан бошлади, гиёҳванд моддаларни тарқатди ва, ниҳоят, Биаррицда ўзи бошқарадиган шахсий бизнесини очди. У ёки бу даражада Грандыега қаршилик кўрсатганлар кичкина одамнинг бешафқат эканини жуда кеч англар эдилар.

Энди Арманд Грандые Адольф Зукерманни ноҳақ сўроқ қилди.

– Айтинг-чи, ўша баронесса билан фарқ бўлган хазина ҳақида гапирганингизда яна нималарни муҳокама этдингиз?

Унинг захарханда оҳангидан Зукерман даҳшатли нимадир содир бўлганлигини тушунди. У ютиниб эътироф этди.

– Хўш, умуман, у бева экан, эри унга кўп миқдорда пул қолдирган, шу боис юз минг долларлик ҳисса қўшишга рози бўлди. – Овоз оҳанги уни дадилроқ давом этишга чорлади: – Биз ундан пулни ундириб олганимиздан кейин, албатта қутқарув кема ҳалокатга учради, бизга яна эллик минг керак деймиз. Кейин яна юз минг, у ёғига ўзингизга маълум, одатдагидек бўлади.

У Арманд Грандьеининг юзидаги нафратомуз ишшайишни кўриб:

– Нима бўлди, хўжайин? – деб сўради.

– Гап шундаки, – совуқ оҳангда хитоб қилди Грандые, – ҳозиргина менга Париждаги йигитларимдан биттаси кўнғироқ қилди. У сенинг баронессанг учун паспорт ясаб берган. Аёлнинг асл исми – Трейси Уитней, у америкалик.

Зукерманнинг оғзи бирдан қуриб қолди. У лабларини ялади.

– У... У ростдан ҳам тумшуғидан илинганга ўхшайди, хўжайин.

– У, шўртумшуқ! Тентак! Ахир у қаллоб. Сен қаллобни лақиллатмоқчи бўлдинг!

– Унда н-нима учун «ҳа» деди? Нима учун оддийгина йўқ дея қолмади?

Арманд Грандьеининг овози совуқлигича қолди.

– Билмайман, профессор, лекин шуни аниқламоқчиман. Аниғини билганимдан кейин ўша хотинни кўрфазга ташлайман, сузиб юрсин. Ҳеч ким Арманд Грандьеини алдай олмаган! Энди телефон гўшагини ол. Дўстларимдан

бири бориб, пулнинг бир қисмини олади, ҳадемай етиб боради дегин. Бу иш қўлингдан келар дейман?

Зукерман ялтоқилик билан ҳайқирди:

– Албатта, хўжайин! Хавотир бўлманг.

– Мен ростдан ҳам хавотирдаман, – аста гапирди Арманд Грандье. – Мен сен учун жуда хавотир оляпман.

Арманд Грандье сирларни ёқтирмасди. Фарқ бўлган хазина ҳақидаги найранг асрлар давомида анъана бўлиб келмоқда, лекин барибир қурбонлар бу оддий ҳийлага лаққа тушаверар, қармоққа илинувчилар топилиб қоларди. Баронесса воқеасида эса қандайдир сир борлиги сезилиб турибди ва Грандье шу сирни очиб, жавобини топгач, хотинни Бруно Висенте панжасига топширади. О, бу Висенте қурбонларини не кўйларга солиб, кейин бу ровини чўзиб кўйишни яхши кўрар эди.

Арманд Грандье «Дью Пале» меҳмонхонаси олдида лимузиндан тушиб, ўн ёшидан бери шу ерда ишлаётган оқсоч баск Жулиус Бержерак олдига келди.

– Баронесса Маргарет де Шантели қайси хонада тўхтаганлар?

Меҳмонхонанинг қатъий қондасига биноан навбатчи клеркка меҳмонларнинг хона рақамларини айтиши ман этилар эди, бироқ Арманд Грандье учун бу қонданинг аҳамияти йўқ.

– Уч юз ўн иккинчи, мсье Грандье.

– Яхши.

– Ва яна уч юз ўн биринчи.

Грандье тўхтаб қолди.

– Нима?

– Баронесса хонасининг ёнидаги номерни ҳам ижарага олган.

– Э-э? У ерда ким яшайди?

– Ҳеч ким.

– Ҳеч ким? Шунга ишончинг комилми?

– Ҳа, мсье, хоним уни ёпиқ тутадилар. Ходималар учун у хонага кириш тақиқланган.

Грандье хайрон бўлиб қовоғини сояди.

– Ўша хонанинг калити борми сенда?

– Ҳа, албатта.

Навбатчи ҳеч қандай шак-шубҳасиз пештахта остидаги калитни олиб Арманд Грандьега узатди. Жулиус Арманднинг лифт томон кетаётганини кузатиб турди. Мсье Грандьедек одам билан ким ҳам бас кела оларди!

Грандье баронесса хонасининг олдига бориб, унинг эшиклари очик, меҳмонхонада ҳеч ким йўқлигини кўрди.

– Ҳой, бу ерда бирон кимса борми?

Қўшни хонадан аёл кишининг баланд овози эшитилди:

– Мен, мен ваннахонадаман. Бир дақиқадан сўнг чиқаман. Марҳамат, еб-ичиб ўтиринг.

Грандье ўзига таниш бўлиб қолган хонани айланиб чиқди – бу меҳмонхонада неча йиллар давомида дўст-биродарларини кутиб оларди. Ётоқхонани кўздан кечирди. Пардоз курсисида қимматбаҳо тақинчоқлар пала-партиш ташлаб қўйилганди.

– Шошилманг, баронесса.

«Баронессага бало борми, – жаҳл билан ўйлади у. – Қанақа ўйин қилмагин, барибир ўзингга қарши ўйнайди бу». У қўшни хонага олиб чиқадиган эшик олдига борди. Грандье калитни олиб эшикни очди. Хонадан одамга хос бўлмаган зах ҳиди уфуриб турарди. Навбатчи бу хонани ҳеч ким банд этмаган деган эди. Нима учун баронессага бу хона керак бўлиб қолди? Грандье ғалати бир нарса-ни сездди. Қора электр сими девор симулагичдан бутун хона бўйлаб айланиб ўтиб, шкаф ичида ғойиб бўлибди. Грандьеининг синчковлиги ошиб шкаф олдига борди, уни очди. Юз долларлик қоғоз пуллар шкафнинг бир томонидан иккинчи томонига тортилган дорга қатор қилиб осиб қўйилганди.

Ёзув машинкаси учун мўлжалланган столда усти ипак парда билан қопланган буюм турган эди.

Грандье пардани тортиб очиб юборди ва чоя ускуна-сига қўйилган ҳали ҳўл юз долларлик пулқоғозга кўзи

тушди. Ускуна ёнида америка доллари бичимидаги кесилган қоғозлар ва қоғозкесгич ётарди. Нотекис кесилган бир нечта бир долларлик пуллар ерда сочилиб ётар эди.

Грандъенинг орқасида дарғазаб овоз янгради.

– Бу ерда нима қиляпсиз?

Грандье дарров орқасига ўгирилди. Ваннахонада хўл бўлган сочлари билан хонага Трейси Уитней кириб келганди. Арманд Грандье мулойим овозда деди:

– Сохта пуллар. Сиз сохта пуллар билан ҳисоб-китоб қилмоқчи бўлгансиз, – деди-да, унинг юз ифодасини кузатиб турди.

– Албатта, – иқрор бўлди Трейси. – Лекин гап бунда эмас. Қеч ким буларни ҳақиқийсидан ажрата олмайди.

– Қаллоблик!

– Бу пуллар бенуқсон яратилган.

– Наҳотки? – Грандъенинг овозида нафрат ифодаси яққол сезилиб турарди. У арқондаги хўл пулнинг битгасини олиб синчиклаб ўрганди. Аввал бир томонини сўнгра иккинчи ва, ниҳоят, иккала томонини кўзига яқин обкелиб ўрганди. Ҳаммаси жойида.

– Клишени ким ўйган?

– Нима фарқи бор? Энг муҳими, жума кунига қадар юз минг доллар тайёр бўлади.

Грандье унга таажжуб билан қараб қўйди. Сўнгра у нима ҳақда ўйлаётганига ақли етиб хахолаб кулиб юборди.

– Эй худойим, – хитоб қилди у. – Сиз ҳақиқатан ҳам тентаксиз. Ҳеч қандай хазина йўқ.

Трейси гангиб қолгандай кўринди.

– Хазина йўқ деб, нимани назарда тутяпсиз? Профессор Зукерман иқрор бўлдики...

– Сиз унга лаққа ишона қолдингизми? Уят, баронесса.

– У яна пул қоғозни кўздан кечира бошлади. – Мен буни олиб кетаман.

Трейси елкаларини қисди.

– Қанча керак бўлса шунча олинг. Бу ҳам қоғоз.

Грандье бир сиқим ўн долларлик пулларни чангаллаб олди.

– Оқсочлар бу ерга кирмасликларига кафолатингиз борми? – деб сўради у.

– Улар нари юришлари учун яхши тўлайман. Кетаётганимда шкафни қулфлайман.

«Эҳтиёткор экан, – деб ўйлади Арманд Грандье. – Лекин бу ҳам уни тирик қолишида ёрдам беролмайди».

– Меҳмонхонадан чиқманг, – деб буюрди у. – Мен учрашишим зарур бўлган дўстим бор.

Арманд Грандье бу аёлни Бруно Висентенинг кўлига топширмоқчи эди, лекин қандайдир туйғу уни тўхтатди. У яна пулни кўздан кечирди. Унинг кўлидан қанчадан-қанча сохта пуллар ўтган, бироқ бунақасини кўрмаган! Клишени даҳо ўйган! Қоғознинг ҳақиқийлигига гумон йўқ – аниқ ва равшан. Ранглар ёрқин, ҳатто хўл қоғозда ҳам ўзгармаган, Бенжамин Франклиннинг сурати эътирофдан юқори даражада! Бу қанжиқ ҳақ. Ҳақиқий пул билан кўлида ушлаб турган қоғоз ўртасида фарқ топиш мушкул. Грандье, бу пулларни ҳақиқий деб муомалага қўйиш мумкинми, деган савол билан қизиқиб қолди.

Шу боис баронессани вақтинча Бруно Висентедан нарироқ ушлаб туришни афзал кўрди.

Эртасига тонг саҳарлаб Арманд Грандье Зукерманни чақирди ва унга юз долларлик битта пул узатди.

– Банкка бориб франкка алмаштириб кел.

– Хўп бўлади, хўжайин.

Грандье унинг кабинетдан шошилинич чиқиб кетишини кузатиб турди. «Бу унинг аҳмоқлиги эвазига жазо бўлади. Агар уни ҳибсга олишса, у ҳеч қачон қаердан олганини айтмайди, чунки яшашни истайди. Аммо пулни алмаштира олса... унда ўйлаб кўраман», – деб хаёл сурди Грандье.

Зукерман ўн беш дақиқадан кейин франк кўтариб хонага кириб келди.

– Яна нима истайдилар, хўжайин.

Грандье пулларга диққат билан назар ташлади.

– Ноқулайликлар бўлмадими?

– Ноқулайликлар? Йўқ. Нимайди?

– Яна қайтиб ўша банкка борасан, – деб буюрди Грандье, – ва шундай дейсан...

Адольф Зукерман Банк де Франс айвонига кирди ва банк бошқони ўтирган столга яқинлашди. Зукерман қандай хавф остида қолганини энди тушуниб етар ва Грандъенинг ғазабидан кўра бошқа ҳар қандай хавфни афзал кўрарди.

– Бизга қандай хизмат бор? – деб сўради бошқон.

– Бор. – Зукерман ўзидаги асабийликни яширмоқчи бўлди. – Гап шуки, кечқурун барда учратиб қолганим бир неча америкалик билан покер ўйнаган эдим.

У жимиб қолди. Банк бошқони тушунгандек бош ирғади.

– Ва пулларингизни ютқазиб қўйдингиз, энди эса қарз олмоқчисиз, шундайми?

– Йўқ, – эътироз билдирди Зукерман. – Гап... гап шундаки, мен ютдим. Лекин бу пуллар, назаримда, унчалик ҳалолдек туюлмади менга. Улар менга тўлашган пуллари қалбаки деб кўрқаман.

Зукерман бошқон олдига энгашиб пулларни семиз бармоқлари билан олаётганида нафасини ютиб турди. Бошқон пулларни у ёқ-бу ёғини синчиклаб текшириб, сўнгра чироққа солиб кўрди. Кейин Зукерманга қараб илжайди.

– Омадингиз бор экан, мсье. Бу пуллар ҳақиқий.

Зукерман енгил нафас олишни лозим топди. «Худога минг бора шукр. Афтидан, ҳаммаси жойида».

– Муаммо йўқ, хўжайин. У ҳаммасини ҳақиқий деди.

Ҳақиқат деб тан олиш учун ҳаммаси ниҳоятда яхши кетмоқда. Арманд Грандье ўтирган жойида ўйлар ва режаларнинг ярмисини калласида пишитиб қўйганди.

– Баронесса ҳузурига бораман.

Трейси Арманд Грандъенинг хонасида унга амбир услубида ясалган стол ортидан қараб ўтирарди.

– Биз сиз билан компаньон бўламиз, – хабар қилди унга Грандье.

Трейси аста ўрнидан турди.

– Менга шерик керакмас... кейин...

– Ўтиринг.

Трейси унинг кўзларига тик қаради ва ўтирди.

– Биарриц – менинг шаҳрим. Бордию, ана шу пулларни битгасини муомалага қўйсангиз сизни шундай тез ҳибсга олишадик, нима бўлганини ҳам билмай қоласиз. Тушунарлими? Бизнинг қамоқхоналарда хотинлар билан жуда бўлмағур воқеалар содир бўляпти. Сиз менсиз бир қадам ҳам босмайсиз.

Трейси унга тикилиб қолди.

– Демак, мен сиздан ҳомийлик сотиб оляпман-да?

– Йўқ. Сиз мендан ўз ҳаётингизни сотиб олаётибсиз.

Трейси ишонди.

– Энди менга айтинг-чи, чоп дастгоҳини қаердан олдингиз?

Трейси иккиланиб турди, зотан Грандьега унинг азоби тушунарли эди. У аёлнинг таслимини кузатиб турди. Трейси истар-истамас деди:

– Мен уни Швейцарияда яшовчи бир америкаликдан сотиб олувдим. У АҚШда йигирма беш йил давомида пул босган. Ишдан бўшаганидан сўнг нафақасига боғлиқ расмий-ҳуқуқий қийинчиликлар юзага келди. Охир-оқибатда нафақа ололмади. Ўзини алданган ҳис этиб, ўч олишга қасд қилди, шу боис бузилганлар рўйхатидаги бир нечта босма дастгоҳларни яширин олиб чиқиб кетган ва молия вазири пул босадиган қоғозларни топиш учун таниш-билишларни ишга солган.

«Бу гапда жон бор, албатта, – хурсанд ҳолда ўйлади Грандье. – Шу боисдан ҳам улар шундай яроқли туюлади». Унинг ҳаяжони ортиб борарди.

– Бу ускуна бир кунда неча пул ишлаб чиқариши мумкин?

– Битта пул бир соатда. Қоғознинг ҳар бир томонини синчиклаб ишлашга тўғри келади ва...

Грандье уни бўлди.

– Кучлироқ дастгоҳ борми?

– Ҳа. Унда саккиз соатда элликта пул қоғоз чиқарадигани бор – бир кунда эллик минг доллар, лекин дастгоҳни беш юз минг долларга сотмоқчи.

– Сотиб олинг, – деди Грандье.

– Менда бунақа пул йўқ.

– Менда бор. Дастгоҳни қанчалик тез муддатда сотиб олишни уддалай оласиз?

Трейси истар-истамас жавоб берди:

– Ҳозир назаримда, лекин мен...

Грандье телефон гўшагини олиб деди:

– Луиза, менга француз франкидан беш юз минг доллар керак.

– Сейфимизда борини олинг, қолганини ҳисобрақамидан тўлдилинг. Менинг хонамга олиб келиб беринг. Тезда!

Трейси кўрқиб ўрнидан турди.

– Яхшиси, кетаман ва...

– Сиз ҳеч қаёққа кетмайсиз.

– Мен ростдан ҳам...

– Шу ерда жим ўтиринг. Мен ўйлаяпман.

Унинг бизнес бўйича ҳамтовоқлари бор эди, улар билан келишиб ишлаш зарур, лекин улар беҳабар нарсадан хафа бўлишмайди, қарор қилди Грандье. У катта дастгоҳни ўзи сотиб олади ва казино ҳисобидан олганларини босиб чиқарган пуллари билан алмаштириб қўяди. Шундан кейин у Бруно Висентега бу хотинни бир ёқлик қилишни буюради. Бу хотинга шерик керак эмас эмиш. Қолаверса, Арманд Грандье ҳам уларни истамайди.

Икки соатдан кейин катта қопда пул келтиришди. Грандье Трейсига:

– Сиз меҳмонхонадан кетасиз, – деди. – Қирларда уйим бор. У ерда операция тамом бўлгунча қоласиз, – у телефонни Трейси олдига суриб қўйди. – Ҳозироқ Швейцариядаги дўстингизга катта дастгоҳни сотиб оламан деб кўнғироқ қиласиз.

– Унинг телефон рақами меҳмонхонада. Ўша ердан кўнғироқ қиламан. Уйингизнинг адресини берсангиз унга пароход билан жўнатиши лозимлигини айтаман ва...

– Йўқ! – деб уни бўлди Грандье. – Орқамда из қолдира олмайман. Мен уни аэропортда кутиб оламан. Биз бу ҳақда кечки овқат маҳал стол атрофида гаплашиб оламиз.

Бу озодлик эди. Трейси ўрнидан турди.

Грандье қопга ишора қилди.

– Пулларга эҳтиёт бўлинг. Мен улар ёки сиз билан бирон кор-қол бўлишини истамас эдим.

– Ҳеч нарса бўлмайди, – тинчитди уни Трейси. Грандье зўрға илжайди.

– Биламан. Профессор сизни меҳмонхонагача кузатиб қўяди.

Иккалови лимузинда бир қоп пул билан кетишар экан, ҳар бири ўз режасини ўйлаб борарди. Зукерман нима бўлаётганини яхши тушунмас эди-ю, бироқ бу сафар унинг учун ҳаммаси яхши якун топишига ишонарди. Хотин омад калити бўлади. Грандье унга хотиндан кўз узмасликни буюрди ва Зукерман хўжайиннинг буйруғини бажаради.

Арманд Грандьеинг кайфияти чоғ эди ўша кеч. Чоп этадиган дастгоҳни сотиб олиш умуман ҳал этилди. Бу Уитней бир кунда беш минг доллар чоп этади деди, лекин Грандьеинг режаси бошқа. У дастгоҳга йигирма тўрт соатли иш куни белгилашни мўлжаллаган. Бу – бир кунда ўн беш минг доллар, юз мингдан зиёдроқ бир ҳафтада, миллион доллар – ҳар ўн ҳафтада дегани. Бу ҳали бошланиши. Бугун кечқурун ўймакорнинг ким эканлигини билиб олади ва у билан бошқа дастгоҳлар

ҳақида битим тузади. Шундан кейин бойликнинг чеки бўлмайди!

Грандъенинг лимузини роппа-роса соат саккизда «Дью Пале»га олиб борадиган теп-текис айланма йўлига чиқди. Грандье машинадан чиқди. Холлга кирар экан у Зукерманнинг эшикдан кўзини узмай жойида ўтирганини мамнуният билан баҳолади ўзича.

Грандье бюро олдига борди.

– Жулиус, баронесса де Шантелига айт, мен шу ерданман. Пастга тушиши лозимлигини етказ.

Консьерж юзланиб деди:

– Лекин баронесса ҳисоб-китоб қилиб кетди, мсье Грандье.

– Янглишяпсан. Унга кўнғироқ қил.

Жулиус Бенжерак талвасага тушди. Акс ҳолда оқибати ёмон бўлиши мумкин унга.

– У кишининг ўзим ҳисобини бердим.

– Мумкин эмас! Қачон?

– Меҳмонхонага келган заҳотлариёқ хоним ҳисобни хоналарига келтиришни илтимос қилдилар, чунки пулни нақд тўлашлари мумкин экан...

Арманд Грандъенинг мияси пала-партиш ишлай бошлади.

– Нақд? франкдами?

– Ҳа, мсье.

Грандье ўкинч ила:

– У ўз хонасидан ҳеч нарса кўтариб чиқмадимми? Қандайдир юк ёки каробкаларми? – деб сўради.

– Йўқ. Хоним ўз юқларига кейинроқ одам юбораман дедилар.

Демак, у катта дастгоҳни ўзи сотиб олиш учун кетган Швейцарияга.

– Мени унинг хонасига олиб чиқ, дарров!

– Хўп, мсье Грандье.

Жулиус Бенжерак илгакдаги калитни юлиб олди-ю, Арманд Грандье билан лифт олдига шошилиб кетди.

Грандье Зукерман ёнидан ўтаркан шивирлади:

– Бу ерда нима қилиб ўтирибсан, тентак? У кетибди.

Зукерман унга талмовсираб қаради.

– У кетиши мумкин эмас. У ҳатто пастга ҳам тушмади.

Мен уни кузатиб турдим.

– Кузатиб турдим, – масхара қилди Грандье. – Сен хизмат эшигидан чиқиб кетган ҳамширани, оқсочли қария ледини, ходимани кузатдингми?

Зукерман донг қотди.

– Нима учун уларни кузатишим керак?

– Бор казинога, – ўдағайлади Грандье. – Сен билан кейинроқ ҳисоб-китоб қиламан.

Баронессанинг хонаси сўнгги бор қандай бўлса шундайлигича қолган. Қўшни хона эшиги очиқ. Грандье ўша уйга кирди ва шкаф эшигини силтаб очди. Чоп дастгоҳи ҳалиям ўша ерда экан, худога шукр! Бу Уитней тушмагур уни шошириб қўйди-ю. Унинг хатоси ҳам шунда. «Бу унинг охирги хатоси эмас», – деб ўйлади Грандье. Трейси уни беш юз мингга тушириб кетдим, у ўчини олади. Грандье полициядан уни топиб беришларини ва йигитлари бориб ишини қилиш мумкин бўлган қамоқхонага жойлаштириб қўйишларини сўрайди. Бу йигитлар ўймакорнинг кимлигини айтишига мажбур этишади ва сўнг-ра ўзини мангуликка тинчителишади!

Арманд Грандье полиция бошқармасининг телефон рақамларини териб, инспектор Дюмонни гўшаққа чақирди. У телефон орқали уч дақиқа давомида қизғин гаплашганидан кейин:

– Шу ерда кутаман, – деди.

Ўн беш дақиқадан сўнг инспектор, унинг дўсти, Грандье умрида учратмаган хунук башарали ножинс одам ҳамроҳлигида етиб келишди. Унинг жигарранг кўзлари қалин кўзойнаклари орқасидан ғайритабиий равишда ялтирар эди.

– Бу мистер Даниэль Купер, – таништирди инспектор Дюмон. – Мсье Грандье, телефонда сўзлаб берган аёлингиз ҳақида у киши ҳам қизиқмоқда.

Купер баланд овозда дона-дона қилиб:

– Сиз инспектор Дюмонга ўша аёл сизни сохта пуллар ишлаб чиқаришга жалб этмоқчи эканлигини хабар бергансиз, – деди.

– Бу тўғри. Ҳозирги дамда у Швейцария йўлида кетяпти. Уни чегарада ушлаб қолишингиз мумкин. Менда сизга керак бўлган барча ашёвий далиллар бор.

Уларни шкаф олдига етаклади, Даниэль Купер ва инспектор Дюмон ичига қарашди.

– Бу ерда пул чоп этувчи дастгоҳ турибди.

Даниэль Купер дастгоҳ олдига бориб, уни диққат билан кўриб чиқди.

– У шу дастгоҳда пул чоп этганми?

– Ҳозиргина айтдим-ку ахир, – ариллади Грандье, чўнтагидан пул чиқарар экан. – Мана қаранг. Бу юз долларлик сохта пул, менга бергани шу.

Купер дераза олдига бориб пулни ёруққа солиб кўрди.

– Бу ҳақиқий пул.

– Кўринишдан шундай. Бунинг боиси – у бир ўймакордан қачонлардир клише сотиб олган. Филадельфиядаги зарбхонадан ўғирланган штамп-формалардан фойдаланган. Кўлингиздаги пулларни ана шу дастгоҳда чоп этган.

Купер кўполлик билан унинг сўзини бўлди.

– Сиз аҳмоқсиз. Бу оддий чоп этадиган дастгоҳ. Бунда чоп этиш мумкин бўлган яккаю ягона нарса – фирма бланкалари.

– Фирма бланкалари?

Грандье кўзи олдида хона борган сари тезроқ айлана бошлади.

– Нима, сиз олдий қоғозни юз долларлик пулга айлантирадиган машиналар ҳақидаги афсонага ишондингизми?

– Сизга айтяпману, ўз кўзим билан кўрдим деб! – Грандье тилини тишлаб қолди. Хўш, аслида нимани кўрибди? Қуритиш учун осилган бир нечта пуллар, маълум бичимдаги уч-тўртта қоғоз ва қоғоз кесувчи дастгоҳми?

Унинг кўз олдига товламачилик кўламини мудҳиш манзараси келди. Сохта пул зарб қилувчи дастгоҳ ҳам, швейцариялик ўймакор ҳам, аслида, бўлмаган. Трейси Уитней фарқ бўлган хазина афсонасига ҳеч қачон ишонмаган. У Грандъени ярим миллион долларга тушириш учун зўр тузоқ ўйлаб топган. Мабодо бирон-бир одам бундан хабар топиб қолса борми...

Икки эркак унга қараб туришарди.

– Кўрган зарарингизни қоплаш учун бадал олишни талаб қиласизми, Арманд? – деб сўради инспектор Дюмон.

Қандай қилиб? Нима дейиш мумкин? Сохта пулларни чиқариш вақтида маблағ билан таъминлашда уриниши учунми? Шериклари ярим миллионни ҳавога учирганини билишса нима қилишади? У даҳшатдан қалтираб кетди.

– Йўқ. Мен... мен бадал олмоқчи эмасман. – Унинг овозида ваҳима сезиларди.

13

Трейси Гюнтер Хартогга Майоркада учрашишни таклиф этди. Дунёнинг бундайин хушманзара жойлари ёқар эди Трейсига.

– Бундан ташқари, – тасдиқлади ўз таклифини Трейси, – қачонлардир бу жой қароқчиларнинг қароргоҳи ва зифасини бажарган. Биз у ерда ўзимизни жонажон уйимиздек ҳис этамиз.

– Яхшиси, иккаламизни бирга кўришмаса, деган эдим, – дея таклиф этди у.

– Бунинг иложини қиламан.

Ҳаммаси Гюнтернинг Лондондан қилган кўнғироғидан бошланди.

– Трейси, сенга теша тегмаган бир иш топиб кўйдим, унда ҳақиқий ўзлигингни топасан, деб ўйлайман.

Трейси эртасига тонгда Майорка пойтахти Палмага учиб кетди. Интерпол унинг Биаррицдан Майоркага бориши ҳақида маҳаллий ҳокимиятга шошилиш хабар

юборди. Трейси тўхтаган «Сан-Вида» меҳмонхонаси олдида эртаю кеч навбатчилик қилиш учун полиция нарядини кўйишди.

Палманинг полиция бошлиғи Эрнесто Марзе Интерпол инспектори Триньян билан телефон орқали гаплашди.

– Ишончим комилки, – деди Триньян, – ўша Трейси бир қатор жиноятларни бир ўзи қилган.

– Ўзига ёмон. Агар у Майоркада жиноят қилса, бизнинг адолатли судимиз яшин тезлигида чора кўришини билиб олади.

Инспектор Триньян унинг сўзини бўлди:

– Мсье, сизга бир нарсани уқтириб кўйишим керак.

– Қандай?

– Сизнинг ҳузурингизга америкалик инспектор боради. Унинг исми шарифи Даниэль Купер.

Трейсини кузатаётган детективларнинг назарида у фақат шаҳарнинг тарихий ёдгорликлари билан қизиқаётгандек туюлди. Улар Трейсини оролдаги Авлиё Франциск ибодатхонасини, ажойиб Белвер қасри, Иллетас пляжларини зиёрат қилишини билишди. Трейси Палмадаги буқалар жангини томоша қилди, Плаза де ла Рейнда чўчқа колбасасини қалампир билан кўшиб еди, Майоркадаги зумрад фабрикасини зиёрат қилди. Қаерга бормасин, фақат якка ўзи юрар эди.

– Бу ерда фақат турист сифатида юрибди, – деб хабар беришди детективлар Эрнесто Марзегга.

Полиция бошлиғининг котибаси кабинетга кириб:

– Ҳузурингизга америкалик Даниэль Купер келди, – деди.

Майор Марзенинг америкалик дўстлари кўп эди. У америкаликларни яхши кўрарди, Даниэль Купер ҳам ёқиб қолади деб умид боғлади. Лекин алданган экан.

– Сизлар тентаксизлар! Ҳаммангиз тентак! – ўдағайлади Купер. – У бу ерга турист сифатида келмагани аниқ. У бир нарсани кўзлаб юрибди.

Майор Марзе зўрға ўзини босиб олди.

– Сеньор, ўзингиз мисс Уитнейни жуда қимматбаҳо, кўзга кўринадиган нарсалар қизиқтиради, иложи бўлмаган ўғирликларни содир этади, деб айтган эдингиз. Сеньор Купер, мен жуда синчковлик билан кузатдим. Унинг Майоркада ишлатиши мумкин бўлган маҳорати-ни ишга соладиган бирон нарсанинг ўзи йўқ.

– У бирон кимса билан учрашдимми ёки ... гаплашдимми?

Уккикўзнинг кўпол муомаласидан ранжиган бошлиқ:

– Йўқ, ҳеч ким билан, – дея чўрт кесди.

– Демак, учрашади, – ишонч билан жавоб берди Даниэль Купер.

«Бу америкалик тасқара, деб айтишларининг сабабини энди тушундим», – деб ўйлади ўзича майор Марзе.

Майоркада икки юзга яқин ғор борлиги маълум. Порто-Кристо ёнидаги «Аждаҳо ғори» Палмадан бир соатлик йўлда энг ажойиб ғорлардан бири ҳисобланади. Ер қаърига чуқур кириб кетган бу қадимий ғорлар гоҳ осилиб, гоҳ кўққайиб қолган кўплаб оҳак сумалакли куббасимон коваклардан иборат эди. Энг хавfli бурчаклари фонарлар билан хира ёритилган бу ғорлар – чексиз лабиринтли афсонавий мамлакатга ўхшайди. Ҳеч ким ғорга йўл бошловчисиз киришга ҳаққи йўқ, шу боис ғор очилиши олдидан туристлар, саёҳлар дарвоза олдида тўпланиб қолади.

Трейси ғорни томоша қилиш учун шанба кунини танлади. Аини шу куни ғор бутун дунёдан йиғилган сайёҳлар билан тўлиб-тошиб кетади. Трейси чипта сотиб олди-да, оломон ораси тўнғиди. Даниэль Купер ва майор Марзенинг икки одами унинг кетига тушишди. Йўлбошловчи сайёҳларни куббалардан оқиб тушадиган сувдан теп-текис бўлиб кетган тош-йўлаклардан бошлаб борарди.

Ғорда туристлар йўлакдан чиқиб кальций тузидан табиий ҳосил бўлган баҳайбат қушлар, ғаройиб ҳайвонлар ва дарахтлар ҳайкаллари томоша қилишлари мумкин бўлган айвончалар бор эди. Шу айвончаларнинг бирида

Трейси кўздан ғойиб бўлди. Даниэль Купер олдинга шошиб ўтди-ю, бироқ уни тополмади. Секин, туртиниб-суртиниб олға силжиётган оломон бунга йўл қўймади. Даниэль Купер Трейсини орқада қолиб кетди ёки олдинга кетиб қолмадими, билолмас эди. «Трейси бу ерда бир нарсани мўлжаллаган, – деди ўзича Купер. – Лекин нима? Қаерда? Нима учун?»

Форнинг энг паст нуқтасидаги оғзидаги сахнда Буюк кўл деб аталмиш Рим театри жойлашганди. Қатор-қатор тош ўриндиқлар ҳар соатда кўрсатиладиган спектаклни кўргани келган томошабинларга мўлжалланган эди. Тарихий ёдгорликлар ишқибозлари қоронғиликда спектакл бошланишини кутиб ўтирар эдилар.

Трейси тепага қараб ўн қатор санади-да, йигирманчи ўриндиқни эгаллади. Унинг ёнида ўтирган эркак унга юз ўгириб:

- Қийинчилик бўлдими? – деб сўради.
- Йўқ, Гюнтер.

Трейси энгашиб унинг юзидан ўпиб қўйди. Гюнтер яна бир нарсалар деганди, Трейси атрофдаги ғала-ғовур ичида унинг овозини яхшироқ эшитиш учун яна яқинроқ энгашишга мажбур бўлди.

– Назаримда, яхшиси, биз учрашмаганимиз маъқул, орқангдан кузатишаётган бўлса-чи?

Трейси одамлар билан тўла қоронғи ковакка кўз югуртириб чиқди.

– Бу ерда биз учун хавф йўқ. – Трейси унга синчков назар ташлади. – Биронта муҳим гапинг борми?

– Ҳа, – Гюнтер Трейсига яқинроқ сурилди. – Битта бадавлат мижоз Гойянинг «Пуэрто» суратини сотиб олмоқчи. Кимда-ким унга шу суратни олиб берса нақд ярим миллион доллар тўламоқчи. Бу – мен берадиган ҳақимдан ташқари.

Трейси ўйланиб қолди.

– Бошқалар ҳам ҳаракат қилишяптими?

– Тўғриси, ҳа. Чамамда, муваффақият учун умид жуда кам.

– Сурат қаерда?

– Мадридда. Прадо музейида.

Прадо! Трейсининг хаёлига биринчи келган жумла: «Иложи йўқ», бўлди.

Гюнтер унга энгашиб атрофдаги шовқинга эътибор бермай қулоғига бир нарсалар деб шивирлади.

– Бу иш жуда катта тадбиркорликни талаб қилади. Шунинг учун ҳам сени танладим, азизим Трейси.

– Миннатдорман, – деди Трейси. – Ярим миллион доллар.

– Нақд, солиқсиз.

Томоша бошланди, орага жимлик чўкди. Кўзга илғамас чироқлар аста-секин ёна бошлади ва мусиқа овози улкан куббаликни тўлдирди. Кўлдаги сталактитлар орасидан улкан кажава тушиб келди. Қайиқда ажойиб серенадани ижро этаётган органчи ўтирар, унинг мусиқасига ерости овозлар акс садо берарди. Томошабинлар қоронғиликда ранг-баранг оловлар камалакдек акс бераётган манзарага маҳлиё бўлиб ўтиришар ва қайиқ кўлни сузиб ўтиб мусиқа тугаши билан ғойиб бўлди.

– Жуда беқиёс, – деди ўзини тутолмаган Гюнтер. – Шу манзарани кўриш учун шу ерга келса арзийди.

– Мен саёҳат қилишни яхши кўраман, – деди Трейси.

– Биласанми, Гюнтер, қайси шаҳарни кўришни, қўмсашимни? Мадридни!

Даниэль Купер ғор оғзида туриб Трейси Уитнейнинг чиқиб кетишини кузатди. Трейси бир ўзи эди.

14

Мадриддаги де ла Леалтад майдонидаги «Риц» меҳмонхонаси Испанияда энг яхшиси ҳисобланарди ва Оврўпо подшолари бир асрдан бери шу ерда кўнишар эди. Президентлар мутлақ ҳокимлар, миллиардерлар шу меҳмонхонада тунашарди. Трейси «Риц» ҳақида кўп эшит-

ган, лекин ҳақиқат уни ихлосини қайтарди. Холл эскирган ва хиралашган экан.

Бошлиқ ёрдамчиси уни ўзи буюрган хонага кузатиб қўйди. Тўрт юз ўн бир, тўрт юз ўн иккинчи хоналар меҳмонхонанинг жанубий қанотида жойлашганди.

– Ўйлайманки, жуда мамнун бўласиз, мисс Уитней.

Трейси дераза олдига бориб, ташқарига назар ташлади. Кўчанинг нариги бетида, тўғрида Прадо музейи кўриниб турибди.

– Жуда ажойиб манзара, раҳмат.

Кўчадан серқатнов машиналарнинг шовқини эшитиб турарди. Лекин Трейси ўзи хоҳлаган жойга эга бўлди: Прадони қуш учадиган баландликдан кўриниши кўз ўнгида.

Трейси ўз хонасига енгил тамадди буюриб, кейин эртароқ ётди. Ўринда ётар экан, бу ерда уйқу келишининг азоб эканлигини тушуниб етди.

Холлда навбатчилик қилаётган детективнинг бошқа ҳамкасабаси алмашди.

– Аёл хонасидан чиқмади. Назаримда, у бутун тунни ўша ерда ўтказди.

Мадриддаги полиция маҳкамаси Пуэрто дель Сол кўчасида жойлашган бўлиб, бутун бир даҳани эгаллайди. Турқи совуқ бу бино қизил ғиштдан қурилган, минорасида катта соат гердайиб савлат тўкиб туради. Энг катта эшиги тепасида испан байроғи ҳилпирайди, эшиги олдида эса сарғиш рангли махсус формали ва берет кийиб олган, автомат, сўйил, тўппонча ва қўл занжир билан қуролланган полициячи турарди. Ушбу маҳкаманинг Интерпол билан алоқаси жуда яхши йўлга қўйилган.

Полиция бошлиғи Сантьяго Рамирога бир кун олдин Трейси Уитнейнинг бориши ҳақида шошилинич телеграмма келди. Полиция бошлиғи телеграмманинг охириги жумласини икки қайтадан ўқиб чиқиб, Интерполнинг Париждаги бўлим бошлиғи Андре Триньянга қўнғироқ қилди.

– Сизнинг таклифингизга тушуна олмаяпман, – деди у хайрон бўлиб. – Сиз ҳатто полициячи бўлмаган бир америкаликка ёрдам беришимизни сўрабсиз. Нима сабабдан?

– Майор, ўйлайманки мистер Куперни жуда фойдали эканига амин бўласиз. У мисс Уитнейни яхши тушунади.

– Нимасини тушуниш керак экан? – эътироз билдирди майор. – Бу аёл жиноятчи. Эҳтимол тадбиркордир, лекин испан қамоқхоналарида бунақа «тадбиркор»лар тиқилиб ётибди. Уитней бизнинг тузоғимиздан қутулиб кетолмайди.

– Яхши, лекин барибир, сиз мистер Купер билан маслаҳатлашиб кўринг.

– Унинг фойдаси тегади, деб талаб қилаётган бўлсангиз, мен эътироз билдирмайман, – деди майор истар истамас.

– Раҳмат, мсье.

– Арзимаиди, сеньор.

Полиция бошлиғи Рамиро Париждаги ҳамкасби каби америкаликларни унча хуш кўрмасди. Уларни кўпол, гумроҳ ва гўл деб ҳисоблар эди. «Буниси бошқачароқ бўлиши мумкин, – деб ўйлади майор. – Эҳтимол, у менга ёқиб қолар».

У биринчи учрашувидаёқ Даниэль Куперни ёмон кўриб қолди.

– Трейси Уитней кўп мамлакатларда полицияга панд бериб кетди, – деди Купер полиция бошлиғининг хонасига кирибоқ. – Сизларда ҳам шундай қилиши эҳтимолдан холи эмас.

– Майор бор кучи билан ўзини босиб ўтирарди.

– Сеньор, ишимизга бошқа бировнинг аралашувининг ҳожати йўқ. Синьорита Уитней бугун эрталаб аэропортга келиб тушиши биланоқ бизнинг назоратимизда. Сизни ишонтириб айтаманки, борди-ю, бирон кимса кўчада тўғнағичини тушириб қолса-ю, мисс Уитней уни кўтариб олиши биланоқ ҳибсга олинади. Ҳали испан полициясига унинг иши тушмаган.

– Бу аёл кўчаларда тўғнағич топиш учун бу ерга келмаган.

– Сизнингча, нима учун келган?

– Мен билмайман, лекин жиддий воқеа бўлишини аниқ айта оламан.

Майор Рамиро мағрур эътироз билдирди:

– Қанчалик жиддий бўлса, шунча яхши. Биз унинг ҳар қадамини кузатиб турамыз.

Тунни оғир ўтказган Трейси мажолсиз уйғонди. Енгил нонушта ва қаҳва буюрди. Сўнгра дераза олдига бориб, қадди баланд Прадога қаради. Бу улуғвор қалъа маҳаллий конлардан олинган қизил ғиштлардан қурилган бўлиб, олд томони доридо услубидаги иккита устун билан безатилганди. Иккита зина бош дарвозага олиб боради. Ён томонларидаги икки эшик кўчага қараган. Кўп мамлакатлардан келган туристлару ўқувчилар музей олдида қаторлашиб туришар ва соат ўнда қоровуллар катта эшикларни ланг очишар эди. Одамлар марказда айлана эшик ва ёндаги кўчага қараган эшиклардан музейга киришарди.

Телефон жиринглаб Трейсини чўчитиб юборди. Гюнтер Хартогдан бошқа ҳеч ким уни Мадридга келганини билмасди. Трейси гўшағни кўтарди.

– Алло?

– Салом, синьорита. – Бу овоз таниш эди. – Мен Мадриднинг Савдо палатасидан кўнғироқ қилмоқдаман. Менга кўрсатма беришларича, бизнинг шаҳримизда вақтингизни хушнудлик билан ўтказишингиз учун барча чораларни кўраман.

– Жеф, мени Мадридда эканимни қаердан билдинг?

– Синьорита, Савдо палатаси ҳамма нарсани билади. Бу ерга биринчи келишингми?

– Ҳа.

– Яхши! Унда сенга бир неча жойларни кўрсатаман. Трейси, бу ерда неча кун бўлмоқчисан? Мана шу – бош масала.

– Билмайман, – бамайлихотир жавоб берди Трейси.
– Қанча лозим бўлса шунча, ҳали магазинларни айланишим, шаҳарни кўришим керак. Ўзинг Мадридда нима қиляпсан?

– Худди сенга ўхшаб, – у ҳам худди шундай хотиржам оҳангда гапирарди. – Магазинларни айланмоқчиман, шаҳарни кўрмоқчиман.

Трейси унинг самимий гапираётганига ишонмади. Бу ерга Трейси нима сабабдан келган бўлса Жеф Стивенс ҳам шу сабабдан келган – «Пуэрто»ни ўғирлаш.

– Бирга овқатланамизми? – деб сўради Жеф.

Бу чақириқ эди.

– Ҳа.

– Яхши. Мен «Жокей»да дастурхон буюриб кўяман.

Трейси Жеф тўғрисида ҳеч қандай пуч хаёлга берилмасди, лекин у лифтдан холлга чиққанида, уни бетоқат кутиб турган Жефни кўриб, вужудида қувончдан титроқ тўтди.

Жеф унинг қўлларидан тутди.

– Беқиёссан, азизим! Кўринишинг жуда зўр.

Трейси ҳақиқатан ҳам жуда астойдил кийинган эди: тўқ ҳаворанг кийим, елкасига русча мўйна ташланган, кўйлагига мос очик туфлича, «Гермес Г» фирмасининг белгиси қадалган ҳаворанг сумкача.

Даниэль Купер холл бурчагида кичкина стол ёнида стаканда перно ичиб, Трейси ва унинг ҳамроҳини кузатиб ўтирар эди. У кучига катта куч қўшилаётганини ҳис этди. «Адолат менда» – ҳақни айтарди Худои таоло ва Купер гўё Трейсига мурожаат этаётгандек Оллоҳни қўлларди. «Мен эса, унинг шамшири ва хундориман. Менинг ҳаётим ўч олишдан иборат ва сени тавба-тазарру қилдиришим йўлида ўзинг ёрдам берасан. Сени жазолайман».

Дунёнинг ҳеч қайси полицияси Трейси Уитнейни қўлга олишга қодир эмаслигини биларди Купер. «Менинг йўриғим бошқа, – хаёлидан ўтказди у. – Трейси меники». Купер учун Трейси топшириқдан юқорироқ нарсага ай-

ланган эди. Трейси Купернинг миясига ўрнашиб қолган ғоя бўлиб қолганди. Купер унинг сурати ва у ҳақдаги маълумотни ҳамма ерда ўзи билан олиб юрарди. Кечқурун ётиш олдидан уларни берилиб ўқир, диққат билан ўрганар эди. Купер Биаррицга жуда кеч етиб борди, Трейси Майоркага қочиб кетди, лекин энди Интерпол унинг изига тушган бир пайтда Купер қулай фурсатни қўлдан бермасликка азму қарор қилди.

У Трейсини тушида кўрди. Трейси улкан қафас ичида яланғоч ўтирар ва Куперга мени чиқариб юбор деб ёлворар эди. «Мен сени севаману, – дерди Купер, – лекин ҳеч қачон озодликка чиқармайман».

«Жокей» Алмадор де лос Риос кўчасидаги мўъжазгина жуда сўлим ресторан экан.

– Бу ернинг овқатлари жуда мазали, – деди Жеф.

«У жуда кўркам йигит-да», – деб ўйлади Трейси. Жефда қандайдир ички туғён жўш уриб турар ва бу туғён Трейсига ҳам ўтганди. Трейси бунинг сабабини билар эди: улар катта дов қўйилган ўйинда ўз чаққонликларини намоиш этиб, ўзаро мусобақалашмоқда эдилар. «Бироқ мен ютаман, – деб ўзини ишонтирди Трейси. – Жефдан илгарироқ Прадодан ўша суратни ўғирлаш йўлини топаман».

– Ғалати миш-миш тарқалибди, – гапида давом этди Жеф.

– Қандай миш-миш экан?

– Сен Даниэль Куперни ҳеч эшитганмисан? У суғурта терговчиси, жуда иқтидорли.

– Йўқ, нимади?

– Эҳтиёт бўл. У хавфли. Сенга бирон кор-ҳол бўлишини истамас эдим.

– Хавотир олма.

– Лекин мен ҳақиқатдан ҳам хавотирдаман, Трейси.

Трейси кулиб юборди.

– Менданми? Нима учун?

Жеф кафти билан унинг кўлини босди ва самимий равишда:

– Сен мутлақо бошқа одамсан, – деди. – Сен билан ҳаёт ўзгача, чиройли кўринади, менинг суюклигим.

«У жуда ишонарли гапиряпти, – деб ўйлади Трейси. – Агар уни яхши билмаганимда, унга ишонган бўлардим».

– Тезроқ буюртма бер. Очимдан ўлай деяпман.

Жеф ва Трейси бир-икки кун Мадридни айланишди. Уларни бир дақиқаям кўздан қочиришмади. Рамиронинг икки одами ғалати америкалик билан биргаликда ҳамма жойда уларга соя бўлиб юришди. Рамиро Куперни кузатувчилар гуруҳига қўшилишга рухсат беришининг сабаби, унинг қорасини ўчириш эди кўзидан. Америкаликнинг мияси айниган: ўша Уитней шундоқ полициянинг бурни остида қандайдир хазинани ўғирлаб кетмоқчи эмиш.

Трейси ва Жеф «Хорчер» ҳамда «Каса Ботин» каби антика ресторанларда овқатланишди, лекин Жеф бундан ташқари саёҳатчиларга номаълум бўлган «Каса Пако», «Ла Жулетта», «Эль Лакон» деган жойларни ҳам биларди. Трейси билан иккови бу жойларда турк нўхати, гўшт ва кўкат солинган шўрва ичишди ҳамда ҳар хил гўштли ва қуш гўшtlаридан қовурмалар еб кўришди, кейин улар ажойиб вино қуйиб берадиган барга киришди.

Содир бўладиган воқеага Жеф Стивенснинг қандай алоқаси бор экан, деган савол Даниэль Куперни қийнардди. Ким у? Трейсининг қурбоними? Ёки иккови бирга ниманидир мўлжаллашмоқдами?

Купер майор Рамиро билан фикр алмашди.

– Жеф Стивенс ҳақида сизда қандай маълумот бор? – сўради Купер.

– Судланмаган, турист сифатида рўйхатдан ўтган. Назаримда, ўша аёл илинтириб олган бирон хуштор бўлса керак.

Купернинг ички овози аксинча садо берарди. Аммо у Жеф Стивенсни таъқиб қилаётгани йўқ. «Трейси, – ҳаёлидан ўтказди у, – менга сен кераксан, Трейси».

Трейси ва Жеф «Риц»га ярим кечада қайтишди, Жеф уни эшигигача кузатиб қўйди.

– Бир култум учун кирсам қандай бўларкин? – дея таклиф қилди Жеф.

Трейси деярли рози бўлди. У Жефга яқинлашиб юзидан ўпиб қўйди.

– Жеф, мени ўз синглим деб ҳисобла.

– Яқин қариндош билан алоқада бўлиш ҳақида нима деб ўйлайсан?

Бироқ Трейси эшикни ёпиб олди. Бир неча дақиқадан сўнг Жеф ўз хонасидан унга қўнғироқ қилди.

– Агар эртани Сеговияда бирга ўтказсак нима дейсан? Бу Мадриддан бир неча соатлик йўлдаги ажойиб кўҳна шаҳар.

– Ҳавасимни келтиряпсан. Ажойиб кеча учун ташаккур, – миннатдорчилик билдирди Трейси. – Хайрли тун, Жеф.

Трейси анчагача ухлолмай ётди. Миясида ғужғон ўйнаётган фикрларни ҳайдашга уринарди. Охирги марта ҳақиқий ошиқ бўлганига жуда кўп вақт бўлди. Чарльз уни таърифлаб бўлмайдиган даражада азобга қўйди, у энди яна қайтадан азоб чекишни истамас эди. Стивенс ёқимли йигит, лекин Трейси уни ҳозирги аҳволдан ҳам яқинроқ бўлишига йўл қўймаслиги лозим. Уни севиб қолиш осон, бироқ...

Ҳалокатли.

Шу билан бирга мароқли.

Трейси зўрға уйқуга кетди.

Сеговияга қилинган саёҳат ажойиб бўлди. Жеф ижарага кичкина машина олди ва иккови пойтахтдан Испаниянинг машҳур виночилик ҳудудига йўл олишди. Уларнинг орқасидан изма-из, кун бўйи кўримсиз оддийгина автомобилча дайдиб юрди. Бу «Сиат» машинаси испан полициясига қарашли эди. Бошқа машиналарнинг мотори бор-йўғи юз от кучига эга бўлса, миллий полиция ва фуқаро гвардияси машиналари юз элликтача от кучига

эга бўлиб, Трейси Уитней билан Жеф Стивенс Даниэль Купер ва икки детективнинг кўзларидан ғойиб бўлиши хавфи туғилмас эди.

Трейси ва Жеф Сеговияга туш вқтида етиб боришди, бош майдондаги ажойиб кафедра римликлар куриб кетган икки минг йиллик акведук соясида тамадди қилиб олишди. Тушликдан кейин ўрта аср шаҳрини томоша қилишди, Авлиё Мария кўҳна ибодатхонаси ва Ренессанс даврига тааллуқли ратушага¹⁰ киришди. Кейин шаҳар тепасида тоғ чўққисига ўрнатилган қадимий рим қалъаси Алказарга кўтарилишди.

Ўша ердан одамни энтиктириб юборадиган даражада манзара намоён бўларди.

– Қасам ичиб айтаманки, агар биз шу ерда узоқ муддат қолиб кетсак, текисликларда от чоптириб юрган Дон Кихот билан Санчо Пансони кўрамиз, – деди Жеф.

Трейси унга диққат билан қаради.

– Сен хаёлий душманлар билан жанг қилишни яхши кўрасан, шундайми?

– Бу хаёлий душмanning қиёфасига боғлиқ, – деб жавоб берди у мулойим. Жеф Трейсига жуда яқин борди. Трейси қоянинг четидан тисланди.

– Менга Сеговия ҳақида сўзлаб бергин.

Жеф тарих, археология ва архитектурани яхши биладиган серғайрат гид бўлиб чиқди. Трейси унинг бу фазилатларидан ташқари яна қаллоб эканини таъкидлаб қўйишга мажбур бўларди ўзига-ўзи. Бугунги кун Трейсининг эсида қолган кунларнинг энг ажойиби бўлди.

Испан детективларидан бири Хосе Перейда ўкинч билан Куперга мурожаат қилди:

– Улар ўғирлаётган ягона нарса – бизнинг вақтимиз. Булар шунчаки оддий ошиғу маъшуқ, кўрмаяпсизми? Сиз бўлсангиз уларнинг ниятлари ёмон дейсиз?

– Ишончим комил, – жеркиб ташлади Купер. У ўзининг ички муносабатларидан гангиб қолди. Бирдан-бир

¹⁰ Ратуша – Оврупо давлатларида шаҳар бошқармаси бйноси.

хоҳиши – Трейси Уитнейни қўлга тушириш ва жиноятига яраша жазолаш эди. Бироқ Трейси нафақат навбатдаги жиноятчи, нафақат унинг мақсади бўлибгина қолмади. Ҳар сафар Трейсининг ҳамроҳи уни қўлини ушлаганда Купер ич-ичидан куйиб кетаётганини ҳайрон бўлиб ҳис қила бошлади.

Трейси ва Жеф Мадридга қайтиб келишди.

– Агар унчалик чарчамаган бўлсанг, овқатланиб олишимиз мумкин бўлган ажойиб жойни биламан, – дея таклиф этди Жеф.

– Жуда соз, – Трейси бугунги куннинг интиҳосини ис-тамас эди. «Мен ўзимга-ўзим бу кунни туҳфа қилдимки, айни шу бугун ўзингни бошқа оддий аёллардек ҳис эти-шинг мумкин».

Мадридликлар кеч овқатланишади, зотан фақат са-ноқли ресторанларгина кечки соат тўққиздан илгари очилади. Жеф «Залакайне» ресторанида соат ўнга стол буюриб қўйди. Бу гўзал ресторан лаззатли таомлари, ҳар қандай мақтовга сазовор хизматлари билан машҳур. Трейси десертга ҳеч нарса буюрмаган бўлса ҳам офици-ант ниҳоятда ажойиб пирожнийларни келтириб қўйди. Трейси умрида бунақа ширинликни еб кўрмаганди. У қорни тўйиб, бахтиёр бўлиб курси суянчиғига суянди.

– Таомлари беқиёс. Раҳмат.

– Сенга ёққанидан жуда хурсандман. Бу ер – ўз таъси-рингни ўтказишинг мумкин бўлган жой.

Трейси яна унга тикилди.

– Ҳали менга ўз таъсирингни ўтказмоқчимисан?

Жеф кулимсираб қўйди.

– Сен ҳақсан. Сабр қилсанг, у ёғига нима бўлишини энди кўрасан.

У ёғига қаровсиз, тамаки тутуни босиб кетган ертўла-даги шаробхона бўлди. Бу ерда чарм камзулли испан иш-чилари пештахта олдида ва залдаги столлар атрофида вино ичишарди. Пастак саҳна олдида икки эркак гитара-

ни тинғиллатиб ўтиришибди. Трейси ва Жеф сахна ёнидаги кичкина стол атрофида ўтиришарди.

– Сен фламинго ҳақида эшитганмисан? – сўради Жеф. Зал ғала-ғовур бўлгани учун қаттиқ товуш чиқариб гапирди.

– Испанча рақс эканини эшитганман, холос.

– Асл келиб чиқиши лўлиларники. Мадриддаги барча тунги қаҳвахоналарни айланиб чиқсанг, фақат унинг нусхаларини кўришинг мумкин, лекин бугун кечкурун рақснинг аслини кўрасан.

Трейси Жефнинг овозидаги шавқ-завқ оҳангига жилмайиб кўйди.

– Биз классик куадро-фламингони кўрамиз. Бу – кўшиқчилар, рақсчилар ва гитарачилар гуруҳи. Дастлаб улар бирга чиқишади, кейин ҳар бири навбати билан алоҳида-алоҳида.

Даниэль Купер ошхона ёнидаги бурчакдаги столда Трейси билан Жефни кузатиб ўтирарди.

– Рақс катта маҳорат талаб қилади, чунки унда ҳаракат, мусиқа, либос маромлари мужассам этганки...

– Бу ҳақда шунча кўп нарсани қаёқдан биласан? – сўради Трейси.

– Мен битта фламинго раққосасини билардим.

«Табиий», – ўйлади Грейси.

Ёриткичлар ўчди, сахнани фақат рампа чироқлари ёритиб турди. Сўнгра секин-аста мафтункор ўйин бошланди.

Ижрочилар гуруҳи оҳиста сахнага чиқиб келишди. Аёллар рангдор юбка ва блузкаларда, сочларига эса гул тақинчоқ билан тароқ қадалган эди. Раққослар анъанавий тор шим, нимча ва кўнжсиз ялтироқ чарм ботинка кийиб олишган. Гитарачилар паст мақомда сараҳбори орзуни чалишар, ўтирган аёллардан бири испан тилида кўшиқ айтарди.

– Нима деб айтаётганини тушуняпсанми? – шивирлаб сўради Трейси.

– Ҳа. У ўз ошиғини тарк этмоқчи эканини, лекин бундан олдин ошиқ уни ташлаб кетиб, юрак-бағрини эзгани ҳақида куйлаяпти.

Раққоса сахна ўртасига чиқди. У оддий чечёткадан¹¹ бошлади, қадам зарбини секин-аста тезлатиб, кейин гитаранинг қисқа-қисқа ритмига монанд қадам тезлигини ошириб юборди. Ритм тобора тезлашар ва рақс лўлиларнинг таборларида яратилган қандайдир шавқу завқ ҳаракатлар силсиласига айланиб кетди. Мусиқа авжига миниб, рақс ҳаракатлари ҳам шунга монанд классик ҳаракатларнинг чўққисига чиққанда сахна четида саф тортган ижрочиларнинг таҳсин хитоблари янграб, раққосларни янада руҳлантириб юборди ва улар ҳаракатларни тобора тезлаштириб жазавага тушиб кетишди.

Мусиқа овози тиниб, рақс тўхтаганида залга бир зум жимлик чўқди, кейин олқиш садолари портлади.

– Ажойиб, – хитоб қилди Трейси.

– Шошмай тур, – деди Жеф.

Иккинчи аёл сахна ўртасига чиқди. У қорамағиздан келган гўзал, кастилияга хос латофатли ва бир қарашдан томошабинларга мутлақо эътибор бермайдиган бепарводек туюларди. Гитарачилар шарқона ғамгин куйни чала бошлашди, оёғидаги темир ҳалқаларини шақиллатиб, битта раққос сахнага чиқиб келди. Ўтирган ижрочилар фламаниго рақсига жўр бўлган ҳолда мусиқа билан бир маромда чапак чала бошлашди. Улар ижрочиларни руҳлантириб мусиқа билан рақсга шу даражада кўшилиб кетишдики, токи ижро оҳангининг тинимсиз ўзгариб бориши ва ритмик ҳиссий туйғулардан бутун зал тебрана бошлади.

Раққослар гоҳ яқинлашиб, гоҳ узоқлашиб, ҳатто бир-бирларига тегмаган ҳолда жазавага келган жиловсиз ишқий эҳтироснинг юқори нуқтасига яқинлашганлари сари томошабинлар завқланиб чинқира бошлади-

¹¹ Чечётка – рақс тури.

лар. Чироқ ўчиб, яна ёниб турар, оломон гувиллар, Трейси ҳам беихтиёр халойиқ билан кўшилиб қичқира бошлади. Ўзида ҳирсий талаб уйғониб кетганидан хижолат бўлди. У Жефнинг кўзига тик қарашдан кўрқа бошлади. Ораларидаги бўшлиқ эҳтироси жўшиб борарди. Трейси Жефга қаради, унинг қорамағиз, кучли қўлларини кўрди ва шу қўллар унинг баданини аста, талабчанлик билан силаётганини кўз олдига келтирди-ю, дарров қўлларини тортиб, қалтироғини яшириш учун тиззасига қўйди.

Улар меҳмонхона йўлида кам гаплашишди. Трейси ўз хонасининг бўсағасида унга ўгирилди.

– Шундай...

Жефнинг лаблари унинг лабларига тегди, Трейсининг қўллари уни қучиб ўзига қаттиқ тортиди.

– Трейси?

Трейсининг лабларида «ҳа» ифодаси яққол сезилиб турарди, бироқ бор иродасини ишга солиб:

– Шундай узун кун бўлдики, Жеф. Мен... мудраб боряпман, – рад жавобини берди.

– Йўғ-е?

– Эртага куни билан хонада бўламан, дам олишим керак.

Жеф хотиржам жавоб берди:

– Яхши фикр, мен ҳам шундай қилсам керак.

Иккови ҳам бир-бирига ишонмади.

15

Трейси эртасига соат ўнда Прадо музейининг эшиги олдидаги узун навбатда турар эди. У чипта сотиб олиб, томошабин тўдаси билан бирга гумбазли юмалоқ бинога кирди. Даниэль Купер ва детектив Перейра унинг шундоққина орқасида туришар ва Купер ортиб бораётган ҳаяжонини ҳис этарди. Трейси Уитней бу ерга оддий томошабин сифатида келган эмас, деган ишонч Куперни хаёлида мустаҳкамроқ ўрнашиб қолди. Операция бошланди.

Трейси шошмасдан залдан залга, Рубенс, Тинторетто, Босхи, донғи кетган Доменико Тсотокопули (лақаби Эль Греко) расмлари ёнидан ўтиб борарди. Гойанинг суратлари биринчи қаватдаги махсус зални эгаллаган.

Трейси махсус кийимдаги қоровуллар ҳар бир зал эшиги олдида туришганини ва уларнинг ёнида сигнал берувчи тугмачалар борлигини ҳисобга олди.

Эшик кесақисининг иккала томонида инфрақизил нурли, тунда ёнадиган генераторларни ҳам кўрди. Трейси ўзи борган бошқа музейларда қоровуллар саёҳатчилар тўдасига эътибор бермай лаллайиб туришарди. Бу ерда эса қоровуллар ҳар бир томошабинга сергак бўлиб туришибди. Санъат асарларини жаҳон музейларида мутаассиблар расвосини чиқариб кетишади, лекин Прадода бундай воқеа бўлиши мумкин эмас.

Ўнлаб залларда рассомлар мольбертларида устозлар суратларидан кўчирма қилар эдилар. Музей бунга рухсат этарди, лекин қоровуллар ҳар бир кўчирмачини ҳушёрлик билан кузатиб туришларини Трейси сезди.

Трейси иккинчи қават залларини кузатиб бўлиб, зинадан биринчи қаватга, Франсиско де Гойанинг суратлари кўргазма залига тушди. Детектив Перейра Куперга ўз фикрини билдирди:

– Буни қаранг, у ҳеч нарса қилмаяпти, фақат томоша қилиб юрибди. У ...

– Сиз янглишяпсиз, – деди-да, Купер чопиб пастга тушиб кетди.

Трейсининг назарида Гойанинг суратлари бошқаларга нисбатан пухтароқ қоровулланаётгандек туюлди.

Кўргазма шунга арзийди.

Трейси полотнодан полотнога ўтар экан, рассом даҳосига қойил қолар эди. «Автопортретда» Гойа кекса Панга ўхшайди... «Карлос IV оиласи билан» суратининг колорити беқиёс... «Кийинган маҳал» ва машҳур «Яланғоч маха...». Анави ерда «Жодугарлар базми» ёнида «Пуэрто» қўйилган. Трейси тўхтаб суратга диққат билан қаради.

Юраги ҳаприқиб ура бошлади. Олдинги планда, тош девор фонида ифодали кийинган эркак ва аёллар, уларнинг орқа томонида ёришиб келаётган туман орасида кўрфаздаги қайиқлар кўринар, ундан нарида эса маёк кўзга ташланади. Суратнинг пастдаги чап бурчагида муҳр: ГОИА.

Мақсади – ана шу. Ярим миллион доллар. Трейси аланг-жалаң қилди. Эшик олдида қоровул турибди. Унинг орқасида чўзилган узун йўлакда яна қоровуллар кўринди. Трейси «Пуэрто»ни узоқ кузатиб турди. Трейси кетишга шайланганда бир гуруҳ сайёҳлар зинадан тушаётган эди. Улар орасида Жеф Стивенснни ҳам кўриб қолди. Трейси шарт ўгирилди-да, Жефнинг кўзига тушмасдан бурун ён томондаги эшикдан чиқиб кетишга шошилди.

«Бу тезлик бўйича беллашув бўлади, мистер Стивенс ва мен уни ютиб чиқаман».

– У Прадодаги суратни ўғирламоқчи. – Майор Рамиро Даниэль Куперга ишончсизлик билан қаради:

– Сафсата! Прадодан ҳеч ким сурат ўғирлай олмайди. Купер ўзиникини маъқуллади.

– У пешингача ўша ерда бўлди.

– Прадодан ҳеч қачон ўғирлашмаган, ўғирлашмайди ҳам. Сиз биласизми бунинг сабабини? Чунки, – бунинг иложи йўқ.

– Трейси буни ғайриоддий йўл билан бажаришга ҳаракат қилади. Газ ҳужумини эҳтимолининг олдини олиш учун кондиционерларни кўриқлашингиз зарур. Агар қоровуллар ишхонада қаҳва ичадиган бўлса, қаҳвани қаерда сақланишини билинг, чунки унинг ичига уйқу дори кўшиб кўйишлари мумкин. Шунингдек, ичадиган сувни ҳам текшириб кўйинг...

Майор Рамиронинг сабр косаси тўлди. Шундоғам мана шу қўпол, ярамас америкалик деб ўтган ҳафта бекор овора бўлгани, боз устига, у майорни полиция бошқармасини қандай қилиб бошқариш лозимлигини ўргатгани учун таъби тирриқ бўлди, энди бунга ортиқ чидаб бўлмайди.

– Менимча, бу аёл Мадридга дам олиш учун келган. Уни кузатишни бекор қиламан.

Купер ҳангу манг бўлиб қолди.

– Йўғ-е! Бундай қилишингиз мумкин эмас! Трейси Уитней...

Майор Рамиро ўрнидан дик этиб турди.

– Марҳамат қилиб менга ақл ўргатмасангиз, сеньор. Энди агар бошқа гапингиз бўлмаса... Мен жуда бандман.

Купер ночорликдан ҳафсаласи пир бўлиб турарди.

– У ҳолда бир ўзим давом эттираман.

Полиция бошлиғи илжайди.

– Шу аёл содир этиши мумкин бўлган даҳшатли хавф-хатарнинг олдини олишни таъминлаш учунми? Марҳамат, сеньор Купер. Мен энди кечалари хотиржам ухлашим мумкин.

16

«Натижа бўлишига умид кам, – деган эди Гюнтер Хартог. – Бунинг учун жуда катта тадбиркорлик керак». Трейси ўз хонасининг деразасидан Прадо музейининг ойнаванд томига қараб тураркан, музей ҳақида билганларини хаёлан таҳлил қилар эди. Эрталаб соат ўндан кеч соат олтига қадар очик. Шу вақт ичида сигнал бериш тизими ўчирилиб қўйилади, бироқ ҳар бир эшик олдида, ҳар бир залда қоровуллар туради.

«Борди-ю бирон кишига суратни девордан олиш чорасини тополса ҳам, уни олиб чиқиб кетишнинг иложи бўлмайди. Эшиклар олдида ҳар бир сумка текширилади», – мулоҳаза қилди Трейси.

У Прадонинг томига қараб туриб, тунги операция вариантыни кўз олдига келтириб кўрди. Бироқ бунинг бир неча камчилиги бор: биринчидан, тун керагидан ортиқ ёруғ. Прожекторлар шундай ёритиб турадики, музей бир неча чақирим наридан кўринади. Гарчи бинонинг ичига киришнинг уддасидан чиқса ҳам, ичкарида инфрақизил

нурлар ва қоровуллар кутиб туради. Прадони забт этиб бўлмайдигандек туюлади.

Жеф нималарни режалаштирган экан? У ҳам Гойани овлаб юрганига Трейси шубҳа қилмасди. «Бу ичидан пишган маккор нималарни ўйлаб қўйганини билиш учун кўп нарсдан воз кечиб юборар эдим». Трейси бир нарсага ишончи комил: ўзини орқада қолдириб кетишга йўл бермайди. Трейси чорасини топиши лозим.

Трейси эртасига эрталаб Прадога яна борди. Келувчилардан бошқа ҳеч қандай ўзгариш йўқ. Трейси Жефни келиб қолармикан деб кутди, бироқ у кўринмади. «У қандай қилиб суратни ўғирлашни ҳисоблаб чиққан бўлса керак. Ярамас. Мени йўлдан оздириш, чалғитиш, суратни ололмаслигим учунгина у бутун тароватини ишга солган», хаёлидан ўтказди Трейси.

У ғазабини босиб, бутун куч-қувватини совуққон мантиқий фикр юритишга жалб этди.

Трейси яна «Пуэрто»нинг ёнига борди. Қоровулларнинг хушёрлигини чалғитиш учун нигоҳини бошқа суратларга қаратди. Ўз мольбертлари олдида курсичаларда ўтирган рассомлар... Залга кириб, чиқиб турган одамлар тўдаси... Трейсининг юраги бирдан тез-тез ура бошлади.

«Буни қандай уддалашни биламан».

Трейси Гран Видадаги кўча будкасидан қўнғироқ қилар эди. Қаҳва дўкони эшиги олдида турган Даниэль Купер Трейсининг кимга қўнғироқ қилаётганини билиш учун бир йиллик маошини беришга тайёр эди. Трейси гапини тасмага ёзиб олмасликлари учун жўрттага одамлар гавжум жойда бошқа мамлакатга қўнғироқ қилаётганидан Купер шубҳа қилмасди. Трейси тиззасидан баланд оч яшил ранг кўйлак кийиб олгани ҳам Купернинг диққатидан четда қолмади. «Эркакларнинг эътиборини тортиш учун қилган, – деб ўйлади у. – Фоҳиша!»

Купер ғазабга тўлиб-тошди.

Трейси телефон будкада гапини тугатарди:

– Хотиржам белавер, Гюнтер, у ҳаммасини жуда тез бажаради. Унинг ихтиёрида икки минутча вақт бўлади. Бари тезликка боғлиқ.

«Ж. Ж. Рейнолдсга Маълумотнома № У-72-830-412

Даниэль Купердан

ШАХС: Трейси УИТНЕЙ

МАХФИЙ

Менда бу шахс жиддий жиноий иш билан Мадридга келган, деган фикр туғилди. Кўзланган мўлжал – Прадо музейи. Испан полицияси ҳамкорликдан бош тортди, лекин шахсан ўзим нишонни кузатишда давом этяпман ва зарур вақтида ҳибсга оламан».

Трейси икки кундан сўнг эрта билан соат ўнда Мадрид марказидаги сўлим Ретиро боғида эшакда каптарларга дон ташлаб ўтирарди. Ретиро ўзининг кўли, қадди келишган дарахтлари, яхши парвариш қилинган майсазорлари ва болаларга томоша кўрсатадиган мўъжаз ёзги театрлари билан Трейсини мафтун этган эди.

Сочлари оқ, қари букри Цезар Поретта парк хиёбонидан кета туриб, эшак олдига келди-да, Трейсининг ёнига ўтирди ва қоғоз қопчиғини очиб қушларга нон ушоғини соча бошлади.

– Салом.

– Хайрли кун. Қандай муаммолар бор?

– Йўқ, сеньорита. Менга керак нарса – вақту кун, холос.

– Тез орада, – жавоб берди Трейси.

Поретта тишсиз оғзини очиб кулиб кўйди.

– Полиция жинни бўлиб қолади. Илгари ҳеч ким ҳеч қачон бу каби иш қилишга ҳатто уриниб кўрмаган.

– Худди шунинг учун ҳам режа амалга ошиши лозим, – таъкиддади Трейси. – Ҳаммасини мен орқали билиб оласиз.

Трейси каптарларга сўнгги донни ташлаб, ўрнидан турди. У узоқлашар экан, шойи кўйлаклари одамни ҳавасини келтириб тиззалари тепасида ҳилпирар эди.

Трейси Цезар Поретта билан боғда кушларга дон ташлаб ўтиришган пайтда Даниэль Купер меҳмонхонада унинг хонасини титкилаётган эди. У Трейси меҳмонхонадан чиқиб, паркка кетгунга қадар холлда кутиб турди. Трейси нонушта буюрмагани боис Купер уни овқатланиб келгани кетди деб ҳисоблади. Купер ўзига ўттиз дақиқа муддат берди. Очқич ёрдамида хонага кириш осон кечди. У нима қидираётганини биледи: суратнинг нусхаси. У қай йўсинда Трейси уни алмаштириб қўйишини ҳатто тасаввур этолмасди-ю, лекин унинг мўлжали худди шу эканига шубҳаси йўқ.

Купер аниқ ва тез ҳаракат қилиб ҳеч нарсани қўйиб юбормай хонани тинтиб чиқди. Шкафни текширар экан Трейсининг қўйлаklarини суқ билан кўздан кечирди. Шкафда турсик, бюстгалтер ва колготкалар ҳам бор эди. Купер қизғиш рангли бир-икки турсикларни олиб Трейси андомининг ширин ҳидидан баҳраманд бўлиб юзларига сурди. Бу ҳид кутилмаганда бутун вужудини жунбушга келтирди. У кийимларни четга қўйди-да, бошқа тортмаларни тинтиб чиқди. Суратнинг нусхаси йўқ экан.

Купер ваннахонага кирди. Жўмракдан сув томчилаб турарди. Купер ваннада ётган яланғоч Трейсини кўз олдига келтирди, сув унинг кўкраklarини сийпаламоқда, сонлари гоҳ кўтарилиб, гоҳ ғарқ бўлиб турибди. Унинг шаҳвоний ҳирси уйғониб кетди. Сувдаги ҳўл момиқни олиб лабларига босди. Трейсининг баданининг муаттар бўйи уни чулғаб олди ва у шоша-пиша шимини еча бошлади. Купер момиқ билан ўзини ишқалар, ёниб турувчи икки кўзи эса кўзгуга тикилиб қолган эди.

У бир неча дақиқадан сўнг қай йўсинда секин кирган бўлса, шундай оҳиста чиқди-да, тўғри яқиндаги ибодатхонага йўл олди.

Эртасига эрталаб Трейси «Риц» меҳмонхонасидан чиққанида, Даниэль Купер унинг кетига тушди. Орала-рида илгари бўлмаган ҳиссий алоқа пайдо бўлди. Купер

унинг ҳидини билади, уни ваннада кўрди, иссиқ сувда чайқалаётган яланғоч баданидан ҳузур қилди. Трейси тамомила уники, зотан Трейсини йўқ қилиб юбориш ҳуқуқига эга. Купер Гран Виа кўчасида Трейсининг орқасидан борди. Кейин унинг орқасидан сезилиб қолмаслик учун сал нарирокда қолиб катта универмагга кириб борди. У Трейсини клерк билан гаплашиб, ҳожатхонага кириб кетганини кўрди. Купер тарвузи қўлтиғидан тушган ҳолатда эшик олдида туриб қолди. У кира олмайдиган ягона жой эди бу хона.

Бордию Купер ичкарига кира олган тақдирда, Трейсининг ўрта ёшлардаги бақалоқ аёл билан суҳбатлашаётганини кўрган бўларди.

– Эртага, – огоҳлантирди Трейси, кўзгу олдида лабларини бўяр экан. – Эрталаб соат ўн бирда.

Аёл бош чайқади.

– Йўқ, синьорита. У бунақа ишга боролмайди. Бундан ҳам баттарроқ кунни танласангиз бўларди. Эртага Люксембург шаҳзодаси расмий ташриф билан келади, газеталарда ёзилишича у Прадога экскурсияга борармиш. Бугун музей бўйлаб кучли полиция нарядлари ва хавфсизлик кўриқчиларини тикиб ташлашади.

– Унданам яхши. Эртага.

Трейси эшикни ёпиб чиқиб кетди, аёл эса орқасидан ёлдираганча қараб қолди.

– Жинни хотин.

Қирол кортежи Прадога роппа-роса соат ўнга етиб келиши керак эди. Музей атрофидаги кўчаларни фуқаро гвардияси ўраб олган. Президент саройидаги қабул маросими чўзилиб кетди ва музейга келувчилар ўн бирга яқин боришди. Сиреналар овози эшитилди ва полициянинг мотоцикл кортежи ва ўнга яқин қора лимузинлар карвони кўринди.

Музей директори Кристиан Мачада эшик олдида асабий равишда Ҳазрати Олийларини кутиб турарди.

Мачада эрталаб ҳамма нарса жойида эканлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида диққат билан айланиб чиқди. Соқчиларни алоҳида огоҳлантириб, тушунтирди. Директор ўз музейидан ғурурланади ва шаҳзодада яхши фикр қолдиришга ҳаракат қиларди.

«Жамиятнинг юқори поғоналарида дўстларинг бўлса ёмон бўлмайди, – ўйларди Мачада. – Ким билади? Балки мени ҳатто Ҳазрати Олийлари билан овқатланишга президент саройига таклиф этишар».

Кристиан Мачада битта нарсадан афсусланарди: атрофда ўралашиб юрган сайёҳлар тўдасини тўхтатишнинг ҳеч қандай иложи йўқ. Бироқ шаҳзоданинг шахсий соқчилари ҳамда музей соқчилари юксак меҳмоннинг хавфсизлигини таъминлайдилар. Ҳамма шай бўлиб турибди.

Қирол экскурсияси юқори қаватлардан бошланди. Директор Ҳазрати Олийларини самимий қарши олди ва шаҳзодани қуролли соқчилар билан гумбазли бино орқали ўн олтинчи аср испан мусаввирлари Педро Мачуха, Фернанда Йанеза... ишлари кўргазмага қўйилган залларга кузатиб борди.

Шаҳзода ажойиб суратлардан завқланиб аста қадам ташлаб борарди. У ўзини санъат ҳомийси деб ҳисоблар ва ўтмишни тирилтириб, абадийлаштирадиган мусаввирларга ҳурмат-иззат билан қарарди. Шаҳзоданинг ўзида рассомлик иқтидори йўқ ва у кўҳна устозларнинг ишларидан нусха кўчираётган рассомларга ҳаваси келарди. Уларга даҳоларнинг нури тушмоқда.

Шаҳзода ва унинг ҳамроҳлари юқори залларни кўриб бўлишганидан кейин Кристиан Мачада мағрурона деди:

– Энди, Ҳазрати Олийларининг ижозатлари билан, сизларни пастга Гойанинг кўргазмаларига таклиф этаман.

Трейси учун бу тонг ниҳоятда уқубатли бўлди. Шаҳзода Прадога соат ўнда етиб келмаганида у саросимага тушди. Барча тараддудларининг ҳар бир сонияларигача ҳисоблаб қўйганди, лекин унга ўз режаларини ошириш учун Шаҳзода керак эди.

У ҳеч кимнинг эътиборини жалб этмаслик учун оломон билан аралашиб, залдан залга ўтиб юрарди. «У келмайди, – деди Трейси қатъий. – Ҳаммасини кечиктиришга тўғри келади». Шу пайт кўчадан яқинлашиб келаётган суронлар товуши эшитилди.

Даниэль Купер кўшни залнинг қулай жойидан Трейсини кузатар экан, гувиллаган овозни эшитиб қолди. Унинг ақли музейдан суратни ўғирлаб бўлмайди деса, фаросати Трейси бу ишни қилишга уринади, дерди, зотан Купер ўз фаросатига ишонар эди. У оломон ичида яширинган ҳолда Трейсига яқинлашди. Трейси унинг кўзи ўнгидан бир дақиқаям узилмаслиги лозим.

Трейси очик эшик орқали мольберт олдида ўтириб «Пуэрто» ёнида осилган «Кийинган маха»дан нусха олаётган букри Цезар Пореттани кўриши мумкин эди. Соқчи ундан уч қадам нарида турарди. Трейси турган залда ўзининг мольберти олдида синчковлик билан «Бордеклик сутчи аёл»дан нусха кўчираётган мусаввир аёл бор эди.

Экзотик қушлар галаси янглиғ чуғурлаганча бир гуруҳ япон сайёҳлари кириб келди. «Вақти бўлди», – шайланди Трейси. У кутган фурсат келди ва Трейси юрагининг қаттиқ ура бошлаганини соқчи эшитиб қолмасмикан деб ҳадиксиради ҳам. Трейси мусаввир хотинга орқалаб яқинлашиб келаётган япон сайёҳлари томон тисланди. Бир япон сайёҳи унинг ёнидан шитоб билан ўтатуриб хиёл тегиб кетди. Трейси гўё туртилиб кетгандек рассом аёлнинг устига йиқилиб тушди. Рассом аёл холст ва бўёқлари билан полга думалади.

– Вой ўлай! Кечиринг, айб мендамас! – хитоб қилди Трейси. – Келинг, ёрдамлашаман.

Кўрқиб кетган рассом аёлга кўмаклашаётган Трейси туфлисининг пошнаси билан бўёқ пастасини янчиб ташладики, унинг ичидаги бўёқ полга тўкилиб кетди. Бу ҳодисани кўриб турган Даниэль Купер бутун диққат-эътиборини жамлаб ўша ерга яқинлашди. Трейси Уитней

биринчи қадамини кўйганига унинг ишончи комил эди. Соқчи оломон ўртасидан ўтиб:

– Нима бўлди? – деб бақирди.

Воқеа сайёҳларнинг эътиборини ҳам ўзига жалб этди. Улар тўкилган бўёқларни эзиб-янчиб йиқилган аёл тепасига тўпланишди. Эзилган бўёқлардан эса полда ғаройиб нақш пайдо бўлди. Тушуниб бўлмайдиган роса тартибсизлик бошланди. Шаҳзода ҳам бир-икки дақиқадан кейин келиши лозим. Соқчи саросимага тушиб:

– Сержио! Бу ёққа кел! Тез! – деб бақирди.

Трейси кўшни залдаги соқчи ёрдамга отланганини кўрди. Цезар Поретта ўша залда «Пуэрто» билан якка-ма-якка қолди.

Трейси жанжалнинг ўртасида қолди. Иккита соқчи бўёқ тўкилган жойдан сайёҳларни нари сураман деб беҳуда уринар эдилар.

– Югуриб бориб директорни чақир, – зорланди Сержио. – Бўлақол!

Яна бир соқчи зина томон югурди.

Икки дақиқадан кейин воқеа содир бўлган жойга Кристиан Мачада етиб келди. Директор даҳшатли манзарани кўриб чинқириб бақирди.

– Фаррошларни олиб келинг, тез! Швабра, латтапутта, скипидар келтиринг!

Ёш ёрдамчи унинг буйруғини бажаришга шошилди. Мачада Сержиога ўгирилиб:

– Ўз жойингизга боринг, – деб ўшқирди.

Трейси соқчининг оломон ўртасидан ёриб ўтиб, Цезар Поретта «ишлаётган» залга кетаётганини кузатиб турди.

Купер Трейсидан кўзини узмай қараб турарди. У Трейсининг иккинчи қадамини кутмоқда эди. Лекин ҳеч нарса бўлмади. Трейси биронта сурат олдига яқинлашмади, биронта шериклари билан ҳам муомала қилмади. Унинг бор-йўқ қилган иши – мольбертни қулатди ва бўёқлар-

ни полга чаплаб ташлади, зотан Купер бунинг ҳаммаси жўрттага қилинганидан шубҳа қилмасди. Лекин нима мақсадда? Купер шунга қарамасдан Трейси мўлжаллаган режа амалга ошганини сезиб турарди.

Купер зал деворларига назар ташлаб чиқди, биронта ҳам сурат ғойиб бўлмаганди. Купер қўшни залга ошиқди. У ерда соқчи ҳамда «Кийинган Мачададан» нусха кўчираётган букридан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Барча суратлар жойида, лекин нимадир бўлганга ўхшайди.

У ташвишга тушган директорнинг ёнига борди.

– Мен шуни маълум қилишга асосим борки, – деб бошлади Купер, – бир неча дақиқа муқаддам бу ердан сурат ўғирланган.

Кристиан Мачада телбанамо америкаликка бир зум диққат билан тикилиб турди.

– Нималар деяпсиз? Агар шундай бўлган бўлса соқилар сигнал тизимини ишга солишар эди.

– Назаримда, суратнинг аслини нусхага алмаштириб қўйишган.

Директор ўзини зўрлаб илжайди.

– Сизнинг ғоянгизда андак ноаниқлик бор. Ҳар бир сурат орқасига яширин сенсор қўйилгани ҳаммага маълум. Мабодо кимдир девордаги суратни олмоқчи бўлсаю, боринги бошқасини алмаштириб қўйишга уринса ҳам шу заҳотиёқ сигнал чалиниб кетади.

Даниэль Купер ҳали замон ўзига келолмасди.

– Балки сизнинг сигнал тизимингиз ўчириб қўйилгандир.

– Йўқ. Агар бирон киши электр қувватига уланган симни узиб ташласа ҳам сигнал чалиниб кетади. Сеньор, бизнинг музейдан кимдир сурат ўғирлаши мумкин эмас.

Купер ҳаяжонидан қалтирар эди. Директорнинг барча далиллари ишонарли кўринарди. Бироқ... Бироқ нима учун Трейси жўрттага бўёқларни тўкиб юборди. Купер сабр қилолмай:

– Сиздан илтимос, нозирларингизга айтсангиз, бирон-та сурат йўқ бўлган-бўлмаганин аниқлаш учун музейни айланиб чиқишса, мен меҳмонхонада бўламан, – деди.

Купер ортиқ ҳеч нарса қилолмас эди.

Кристиан Мачада роппа-роса ўн тўққизда Куперга кўнғироқ қилди.

– Мен шахсан ўзим текшириб чиқдим, сеньор. Барча суратлар жойида. Музейдан ҳеч вақо ўғирланмаган.

Қани эди шундай бўлса? Даниэль Купер овчиларга хос туйғу билан ўлжа унинг кўлидан қочиб қутулганини ҳис этмоқда эди.

Жеф Трейсини «Риц» меҳмонхонасининг бош емакхонасига меҳмонга таклиф этди.

– Бугун сен ниҳоятда гўзал кўриняпсан, – хушомад қилди Жеф.

– Раҳмат. Кайфиятим жуда яхши.

– Улфатлар бор. Келаси ҳафта мен билан Барселонага борасан. Бу ғаройиб шаҳар. Меҳринг тушиб қолади...

– Узр, Жеф, иложим йўқ. Мен Испаниядан кетяпман.

– Наҳотки? – унинг овозида ўкинч оҳанги сезилиб турарди. – Қачон?

– Бир-икки кундан кейин.

– Минг афсус.

«Бундан ҳам баттарроқ ранжийсан ҳали, – деб ўйлади Трейси. – «Пуэрто»ни ўмарганимни эшитганингда». Жеф тасвирни қандай қилиб ўғирлашни режалаштиргани Трейсини жуда қизиқтирарди. Аммо ҳозир бунинг аҳамияти қолмади. «Мен ақлли Жеф Стивенсга панд бердим». Бундан истисно, Трейси қандайдир сабаби номаълум бўлган дилсиёҳликни ҳис этмоқда эди.

Кристиан Мачада ўз хонасида эрталабки аччиқ қора қаҳва ичиб ҳузур қилар ва валиаҳднинг муваффақият билан ўтган ташрифи билан ўзидан миннатдор ўтирар эди. Ўша, бахтга қарши, тўкилиб кетган мой-бўёқлар воқеасини ҳисобга олмаганда, ҳаммаси кўнгилдагидек

ўтди. Мачада бетартиблик барҳам топгунча валиаҳд ва унинг шотирлари алаҳсиб қолишди. Директор Прадодан кимдир сурат ўғирлаганини уқтирмоқчи бўлган америкалик тентак-терговчини эслаб жилмайиб қўйди. «Кеча ҳам, бугун ҳам, эртага ҳам бундай бўлмайди».

Кабинетга котиба кирди:

– Афв этасиз, хўжайин. Қандайдир жентльмен сизни кўрмоқчи. У манавини бериб қўйишимни илтимос қилди.

У директорга хатни берди. Хат устида Цюрихдаги Кунстхаус музейининг фирма белгиси бор эди.

«Хурматли ҳамкасаба!

Ушбу илова хатни Сизга мсье Генри Ренделл етказди, у бизнинг катта эксперт-санъатшуносимиз. Мсье Ренделл жаҳон музейлари бўйлаб саёҳат қилиб юрибди ва, айниқса, сизнинг беқиёс жамғармангизни кўришга иштиёқманд. Агар Сиз у кишига шундай илтифот кўрсатсангиз Сиздан беҳад миннатдор бўлардим».

Хатга музей масъули имзо чеккан.

«Эртами, кечми, ҳамма ҳузуримга келади», – хаёлан завқланди директор.

– Ҳузуримга чақиринг у кишини.

Генри Ренделл баланд бўйли, сийқасоч, ёқимтой киши экан. У жуда сезиларли француз лаҳжасида сўзлашарди. Улар бир-бирларини қўлларини сиқиб кўришаётганларида Мачада унинг ўнг қўли кўрсаткич бармоғи йўқлигини сезиб қолди.

– Мен буни юқори баҳолайман, – деди Ренделл. – Мадридда биринчи бор бўлишим, шу боис сизнинг кўргазмангизни кўришга жуда иштиёқмандман.

Кристиан Мачада камтарона жавоб берди:

– Умид қиламанки, кўнглингиздагидек бўлади, мсье Ренделл. Марҳамат, мен билан юринг. Шахсан ўзим музейни айланишингизда сизга ҳамроҳ бўламан.

Улар шошмай одимлашди. Фламандия усталари, Рубенс ва унинг издошлари кўргазмаларидан ўтишди. Испан усталари ишлари якуни бўлмиш марказий галерея-

ни томоша қилишди. Генри Ренделл ҳар бир кўргазмани синчковлик билан ўрганар эди. Иккала ҳамкасб мутахассислардек услуб, истиқбол ва ҳар хил мусаввирнинг ранг ҳиссиётларига баҳо берар эдилар.

– Ҳозир Испаниянинг ифтихорини кўрасиз, – деб эълон қилди директор.

У меҳмонни пиллапоялардан пастга Гойа тасвирлари осилган залга бошлаб тушди.

– Кўриб кўзинг қувонади-я! – эҳтиросга тўлиб хитоб қилди Ренделл. – Ижозатингиз билан шундай, бироз туриб томоша қилсам.

Кристиан Мачада меҳмонининг ҳаяжонидан ҳузур қилиб кутиб турди.

– Бунақа ажойиботни ҳали ҳеч қачон кўрмаган эдим, – деди Ренделл. У зал бўйлаб ҳар бир тасвирни навбатма-навбат кўздан кечириб секин борарди.

– «Жодугарлар базми», – ўзини тўхтатолмай деди Ренделл. – Жуда зўр!

У нари кетди.

– Гойанинг «Автопортрет»и – ғаройиб тасвир!

Кристиан Мачада чиройи янаям очилиб кетди. Рендел «Пуэрто»нинг олдида қадамини секинлаштирди.

– Ажойиб нусха, – деди беихтиёр, нари кетаркан.

Директор шартта унинг кўлидан тутиб:

– Нима? Нима дедингиз? – деди.

– Ажойиб нусха экан, дедим.

– Ниҳоятда қаттиқ янглишяпсиз, – деди директор фиғони фалакка чиқиб:

– Фикримча шундай.

– Имонингиз комилми? – сўради Мачада. – Ишонтириб айтаманки, бу – асл нусха. Унинг келиб чиқишига менда далиллар бор.

Генри Ренделл тасвирга бир қадам яқинлашиб уни ўргана бошлади.

– У ҳолда келиб чиқиши ҳам қалбаки. Бу тасвирни Гойанинг шогирди Еухенио Лукас Падилья олдида чиз-

ган. Лукаснинг Гойа тасвирларидан юзлаб нусха кўчиргани сизга маълум бўлса керак.

– Албатта, бундан хабарим бор, – кўпол оҳангда деди Мачада. – Бироқ бу улардан бири эмас.

Ренделл елкаларини учирди.

– Буни сизнинг хукмингизга ҳавола этаман.

– Бу тасвирни шахсан ўзим олганман. Бу спектографик текширувдан, пигмент текширувидан ўтган.

– Бунга шубҳа йўқ. Лукас ҳам Гойа даврида чизган ва ўшанақа материаллардан фойдаланган.

Генри Ренделл тасвир остидаги имзони кўриш учун энгашди.

– Сиз, агар истасангиз, фикрингиздан қайтишингиз мумкин. Тасвирни олиб таъмирлаш бўлимига олиб бориб, имзосини текшириб кўринг.

Директор ҳайрон бўлиб «ҳм» деб кўйди.

– Лукаснинг ички ғурури шахсий тасвирларига имзо чекишга мажбур этарди, лекин кармони эса ўзининг тасвирларига Гойага ўхшатиб имзо чекишга ундар ва шу йўл билан асарнинг баҳосини осмонга кўтарарди, – Ренделл соатига қаради. – Афв этасиз, белгиланган учрашувдан кечикиб қолишдан кўрқаман. Хазинангизни мен билан баҳам кўрганингиз учун ташаккур.

– Арзимаёди, – совуқ жавоб берди директор ва ўзича: «Бу одам жинни бўлса керак», – деб ўйлади.

– Мабодо, керак бўлиб қолсам «Вилла Мегна»да кўнганман, хизматингизга тайёрман. Яна бир карра ташаккур.

Кристиан Мачада унинг орқасидан қараб қолди.

«Бу швейцариялик тентак Гойанинг тасвири қалбаки деб айтишга қандай журъат этди!»

Директор тасвирга яна бир назар ташлаш учун ўгирилди. Бу ажойиб шоҳона асар. У Гойанинг имзосини яхшироқ кўриш ниятида энгашди. Ҳаммаси жойида. Бироқ ҳақиқатан ҳам шундоқми? Унинг қалбида енгил шубҳа туғилди. Гойанинг замондоши Еухенио Лукас Гойадан юзлаб нусха чизганини, усталарнинг асарларини кў-

чирмакашлик билан обрў орттирганини ҳамма билади. Мачада «Пуэрто» учун уч ярим миллион доллар тўлаган. Агар уни алдашган бўлса, у ҳолда шармандан шармисор бўлади. У бу ҳақда ҳатто ўйлашдан ҳам кўрқади!

Генри Ренделлнинг битта айтган гапида жон бор: тасвирнинг асл эканини аниқлашнинг биргина оддий йўли бор. Мачада имзони текшириб кўради-да, сўнгра Ренделлга кўнғироқ қилиб ётиғи билан ўзига мос иш топишига шама қилади.

Директор муовинини чақириб, «Пуэрто»ни таъмир бўлимига жўнатиш зарурлигини буюрди.

Шоҳона асарни текшириш акд-заковатни талаб қиладиган жуда нозик ва қалтис масала, чунки бу иш пала-партиш ижро этилса бебаҳо ва тиклаб бўлмайдиган жиҳатларини бузиб қўйиш мумкин. Прадонинг таъмирловчилари ўз ишларининг усталари ҳисобланарди.

Уларнинг кўпчилиги ўзларининг меҳр қўйган санъатларига яқин бўлиш мақсадида таъмирлаш ишлари билан шуғулланувчи омади юришмаган мусаввирлар эди. Улар эски таъмир усталарига шогирд бўлиб иш бошлаганлар ва ноёб асарларни уларга ишониб топширишгунга қадар кўп йиллар давомида оддий шогирд сифатида ишлаганлар. Прадонинг таъмир ишлари бўйича масъули бўлган Хуан Дельгадо Кристиан Мачада кузатуви остида «Пуэрто»ни махсус ёғоч эшакларга қўйди.

– Имзони текшириб кўришларинг лозим, – деб ихтиёрини билдирди директор.

Дельгадо ҳайратини яшириб деди:

– Хўп, сеньор директор.

У бир сиқимча пахтага изоприл спиртидан томизди ва тасвир ёнидаги столга қўйди. Иккинчи сиқимга мувофиқлаштириш вазифасини бажарувчи тозаланган бензин қўйди.

– Тайёрман, сеньор.

– Унда бошладик. Эҳтиёт бўлинглар!

Бирдан Маъаданинг нафаси сиқа бошлади. У Дельгадонинг биринчи пахта сиқимини олиб Гойа имзосининг биринчи ҳарфига енгилгина суртганини кузатиб турди. Дельгадо шу заҳотиёқ спирт чуқурроқ шимилиб кетмаслиги учун ўша жойдаги спирт таъсир кучини камайтириш учун қўлига иккинчи сиқим пахтани олди. Икки киши ҳолатни кўздан кечирди.

Дельгадонинг қовоғи солинди.

– Кечирасизу, ҳозирча бирон нарса дейишим қийин, – деди у. – Бундан ҳам кучлироқ ишқорни ишлатишим зарур.

– Қилаверинг, – буюрди директор.

Дельгадо бошқа шишачани очди. У эҳтиёт билан диметилцетонни янги пахта сиқимиغا томизди ва имзонинг биринчи ҳарфига теккиздию, шу заҳоти бензинли пахтани босди. Химикатнинг аччиқ, ўткир ҳиди хонага тарқади. Мачада тасвирдан кўзини узмай тикилиб турарди. У Гойа исмидаги Г ҳарфи ўчирилиб унинг ўрнида аниқ Л ҳарфи пайдо бўлганида ўз кўзларига ишонмади.

Дельгадо директорга қаради, унинг ранги оқариб кетганди.

– Яна... яна давом эттирайми?

– Ҳа, – хириллаб деди Мачада. – Давом этинг.

Ҳарфма-ҳарф аста-секин «Гойа» имзоси ўрнига «Лукас» сўзи пайдо бўлди. Ҳар бир янги очилган ҳарф Мачадага ханжар қадалгандек таъсир этарди. Уни – жаҳондаги энг ажойиб музейлардан бирининг раҳбарини алдашибди. Директорлар ҳайъати, Испания қироли, бутун дунё бундан хабар топади? У шарманда бўлди.

Мачада оёқларини базўр судраганча ўз хонасига қайтди.

Унинг хонасида икки киши ўтирар эди.

– Сиз ҳақ экансиз, – зўрға эътироф этди Мачада. – Бу – Лукас. Бунинг шов-шуви тарқалса, ҳамма мени масхара қилади.

– Лукас жуда кўп экспертларни алдаган, – овутомқчи бўлди Ренделл. – Унинг сохта ишлари менинг севимли машғулотларимдан бирига айланиб қолди.

– Мен шу нарса учун уч ярим миллион доллар тўлаганман.

Ренделл елкаларини қисиб кўйди.

– Пулларни қайтариб олишингиз мумкинми?

Директор умидсизланиб бош чайқади.

– Мен уни бир бевадан сотиб олгандим. У бу тасвир эрининг оиласида уч авлод давомида сақланиб келган деб қасам ичган эди. Бордию ундан ҳақ талаб қиладиган бўлсам, воқеа судда кўрилади ва ҳаммага ошкор бўлиб кетади. Музейдаги барча тасвирлар шубҳа остида қолади.

Генри Ренделл ўйланиб қолди.

– Бундан кўрқиб ўтиришнинг ҳеч ҳожати йўқ. Раҳбарингизга бўлган воқеани тушунтириб, Лукасдан қутулиб қўяқолсангиз бўлмайдами? Сиз тасвирни Сотби ва Кристига юбориб кимошди савдосида сотиб юборар эдингиз.

– Йўқ, у ҳолда бутун дунё бундан хабар топади.

Ренделлнинг чиройи очилиб кетди.

– Омадим чопди деяверинг. Менинг бир мижозим бор, у Лукасни сотиб олиши мумкин. У шунақа тасвирларга ишқивоз. Жуда бадавлат одам.

– Мен жон деб шу расмдан қутулган бўлардим. Ҳеч қачон уни кўргим келмаяпти. Ажойиб хазиначиларим ичида битта сохта-я! Ҳатто уни совға қилиб юборишга ям тайёрман, – алам билан деди Мачада.

– Бунинг ҳожати бўлмайди. Менинг мижозим, эҳтимол, унга, айтайлик, элик минг доллар тўлаши мумкин. Хўш, қўнғироқ қилайми унга?

– Лутф қилган бўлардингиз, сеньор Ренделл.

Шошилинич чақирилган мажлисда таажжубга тушган директор кенгаши сохта тасвирдан нима бўлгандаям қутулиш керак, деган қарорга келди. Ҳаммалари бу тасвирдан шов-шувсиз тезроқ қутулиш ақли иш бўлади деган

мурасага келишди. Қора костюмли кишилар жимгина хонани тарк этишди. Ҳеч ким изза бўлиб турган Мачадага ҳатто сўз қотмади ҳам.

Ўша куниёқ олди-сотди бўлди. Генри Ренделл Испания Банкига бориб элик минг долларга чек ёздириб олиб келди ва Еухенио Лукасни кўримсизгина матога ўраб Ренделлга беришди.

– Бу можаро тарқаб кетгудек бўлса директорлар кенгаши ранжийди, – назокат билан шама қилди Мачада. – Лекин ишончим комилки, сизнинг мижозингиз – олижаноб одам.

– Сиз бундан хавотир олманг, – ваъда берди Ренделл.

Ренделл музейдан чиқиб таксига ўтирди-да, Мадрид шимолидаги тураржой даҳасига жўнади. У иккинчи қаватга кўтарилиб эшик қоқди. Эшикни Трейси очди. Унинг орқасида Цезар Поретта турган эди. Трейси Ренделлга сўроқ назари билан қаради, Ренделл кулимсиради.

– Улар зарарига бўлса ҳам тезроқ тасвирнинг сотилишини интизор бўлиб кутишганди, – деди тантанавор оҳангда Ренделл.

Трейси уни қаттиқ қучоқлаб олди.

– Кираверинг.

Поретта тасвирни олиб столга қўйди.

– Ҳозир мўъжиза кўрасиз – Гойани ҳаётга қайтиши, – деди-да, денатурлаштирилган спиртли шишага қўлини узатди. Аччиқ ҳид хонани тўлдирди. Поретта бир бўлак пахтага спирт томизди ва ниҳоятда авайлаб Лукас имзосига теккизди. Лукаснинг имзоси аста-секин йўқолиб борди. Унинг остидан Гойанинг имзоси кўринди.

Ренделл бунга эҳтиромли ҳаяжон билан қараб турди.

– Ажойиб!

– Бу ғоя мисс Уитнейдан чиқди, – эътироф этди букри. – Хоним ҳақиқий имзони сохтаси билан яшириб қўйиш ва кейин ҳақиқийсини тиклаш мумкинми деб сўради.

– У бўлса бунинг йўлини ўрганди, – жилмайди Трейси.

Поретта одоб сақлаб деди:

– Бу – кулгили даражада оддий. Икки минутдан камроқ вақт олди. Ҳамма гап мен ишлатган мойбўёқларда. Аввал Гойанинг имзосини муҳофаза қилиш учун суперфинлашган оқ француз пардоз локи билан бўядим. Сўнгра унинг устига тез қурийдиган бўёқ билан Лукаснинг исмини ёзиб қўйдим. Унинг устидан мойбўёқ билан Гойанинг исмини ёзиб, устини сал-пал локладим. Агар улар текширувни давом эттиришганларида унинг остида Гойанинг ҳақиқий имзосига дуч келар эдилар. Равшанки, бундай қилишмади.

Трейси ҳар бирига қалин-қалин конверт улашиб чиқди.

– Икковингизга ҳам миннатдорчилик билдираман.

– Санъатшунос-эксперт доим хизматингизга тайёр, – деб кўзини қисиб қўйди Генри Ренделл.

– Қандай қилиб тасвири мамлакатдан олиб чиқиб кетмоқчисиз? – сўради Поретта.

– Югурдагимиз олиб кетади. Уни кутиб туриг, – Трейси иккаловининг қўлларини сиқиб қўйди-да, чиқиб кетди.

Трейси қалби ёқимли ва енгил ҳис-туйғуларга тўлиб «Риц» меҳмонхонасига борар эди. «Ҳамма гап руҳиятда», – ўйларди у. Бошида у тасвири Прадодан ўғирлашнинг иложи йўқ эканлигини тушунди, шунинг учун ҳам уларни лақиллатиб, фактларни шундай чалкаштириб юборишга тўғри келдики, музей эгаларининг ўзлари бу тасвирдан қутулишга рози бўлишга мажбур эдилар.

Трейси Жеф Стивенс ўзининг панд еганини билганидан кейинги қиёфасини кўз олдига келтирди-ю, хахолаб кулиб юборди.

Трейси меҳмонхона номерида югурдакни кутиб олди ва Цезар Пореттага қўнғироқ қилди.

– Югурдак шу ерда, – деди Трейси. – Уни тасвири олиб кетиш учун юбораман. Қараб туриг у...

– Нима? Нималар деяпсиз? – бақирди Поретта. – Сизнинг югурдагингиз тасвири ярим соат бурун олиб кетиб бўлган!

17

Париж

Чоршанба, 9 июль, чошгоҳ

Рю Матиньонга параллел кўчада жойлашган хусусий идорада Гюнтер Хартог Трейсини овутарди:

– Мадриддаги воқеадан кейин қанчалар ранжиётганингни тушунаман, Трейси, лекин Жеф Стивенс тасвири биринчи бўлиб қўлга туширди.

– Йўқ, – алам билан деди Трейси. – Мен уни ўша ерда биринчи бўлиб олдим. Жеф уни кейин олди.

– Лекин Жеф уни олиб келди. «Пуэрто» ҳозир мижозим олдига кетяпти.

Жеф Стивенс Трейсини алдаб кетди. У Трейсига бутун масъулиятни бўйнига олиб, қора ишни бажаргунча четда индамай турди. Охирги дақиқада хотиржам ғолибдек мукофотни олиб кетди. «Сен ниҳоятда ажойиб аёлсан, Трейси», деб унинг устидан кулгани-чи. Трейси фламинго ракси ижро этилган тунни эслар экан, ўзини чулғаб олаётган камситилган ҳиссиётини босиб тура ололмасди.

«Эй худойим, шунчалик аҳмоқ эканман, ўшанда?»

– Ҳеч қачон биронта одамни ўлдира оламан деб ўйламаган эдим, – эътироф этди Трейси. – Лекин Жеф Стивенсинг дабдаласини чиқарган бўлардим.

Гюнтер лутф қилмоқчи бўлиб:

– О, азизам, фақат бу хонада эмас, илтимос. У ҳозир шу ерга келяпти, – деб кўндирмоқчи бўлди.

– Нима, у? – Трейси сакраб турди.

– Сенга айтдим-ку, икковингиз учун фойдали таклифим бор. Бу иш «шерик» бўлишни талаб қилади. Назаримда, у бирдан-бир...

– Йўқ, яхшиси, очимдан ўламану, – қатъий унинг сўзини бўлиб ташлади Трейси. – Жеф Стивенс – энг пасткаш...

– Бу ерда мен ҳақимда суҳбат кетяпти шекилли, – у эшик олдида табассум қилиб турар эди. – Трейси, ази-

зим, сеи илгаригидан ҳам гўзалроқ кўринасан. Гюнтер, дўстим, аҳволларинг қалай?

Эркаклар бир-бирларининг кўлларини сиқишди.

Трейси четда совуқ ғазаб отига миниб турарди. Жеф унга қиё боқиб, хўрсинди.

– Сен балки мендан хафадирсан?

– Хафаман. Мен... – Трейси бошқа сўз тополмади.

– Трейси, агар таъбир жоиз бўлса, сенинг режангни жуда ажойиб деб топдим. Бу ҳазил эмас. Дарҳақиқат ажойиб. Лекин сен кичкина бир хатога йўл қўйдинг. Ҳеч қачон кўрсаткич бармоғи бўлмаган швейцарияликка ишонмагин.

Трейси ўзини босиб олиш учун чуқур нафас олиб Гюнтерга юз ўгирди.

– Гюнтер, сен билан кейинроқ гаплашиб оламан.

– Трейси...

– Нима бўлсаям, мен иштирок этишни истамайман, агар манави аралашган бўлса.

Гюнтер таклиф этди:

– Ҳеч бўлмаса тинглай оласанми?

– Бемаъни гап. Мен...

– Де Бирс уч кундан кейин Эр Франс авиакомпаниясига қарашли юк самолётида Париждан Амстердамга тўрт миллион долларлик бриллиант юк юбормоқда. Бу тошларни олишга тайёр бўлган мижозим бор.

– Нима учун аэропортга кетаётганида хужум қилолмайсиз? Бу ерда турган дўстинг қароқчилик бўйича мутахассис, ахир, – Трейси овозидаги алам оҳангини яшира олмади.

«Тавба, унинг жаҳли чиққанида жозибаси янаям ортади», – деб ўйлади Жеф.

Гюнтер сўзида давом этди:

– Бриллиантлар яхши кўриқланади. Биз ўғирликни учиб кетаётган вақтда бажарамиз.

Трейси унга ҳангу манг бўлиб қаради.

– Учиб кетаётганида? Юк самолётида-я?

– Бизга контейнерларнинг бирида яшириниб олиши мумкин бўлган қадди-басти нозикроқ одам керак. Самолёт осмонга кўтарилганида ўша одамнинг бор-йўқ қиладиган иши – ўз контейнеридан чиқиб, Де Бирс контейнерини очади ва бриллиант солинган қутичани олдиндан тайёрлаб қўйилган бошқа нусхасига алмаштириб қўяди-ю, ўз жойига қайтади.

– Демак ўша тобутга сиғиш учун мен етарли даражада нозик эканман-да.

– Бу ҳали ҳаммаси эмас, Трейси. Бизга бамаъни, ўзини босиб олган одам ҳам керак.

Трейси турган жойида ўйланиб қолди.

– Менга сенинг режанг ёқади, Гюнтер, ёқмайдиган жойи – манави билан ҳамкорликда ишлаш. Бу одам – муттаҳам.

Жеф кулимсираб қўйди.

– Ахир ҳаммамиз ҳам шундай эмасми, жоним? Агар биз уларни ололсак миллион доллар ваъда қиляпти Гюнтер.

Трейси синчковлик билан Гюнтерга тикилди.

– Миллион доллар?

– Ҳар бирингизга ярим миллион доллардан.

– Бу режанинг амалга ошишига асос бор, – деди Жеф. – Аэропортда ишлайдиган бир одам билан алоқам бор. У бизга ёрдам беради. Унга ишонса бўлади.

– Сендан фарқли ўлароқ, – рад этди уни Трейси. – Кўришгунча, Гюнтер.

Трейси хонадан ўзини мажбурлаб чиқди. Гюнтер унинг орқасидан қараб қолди.

– Трейси Мадрид учун ҳақиқатан ҳам сендан хафа, Жеф. Бу ишга қўшилмайдами деб кўрқаман.

– Янглишяпсан, – жилмайиб деди Жеф. – Мен Трейсини биламан. У йўқ дея олмайди.

– Юк таралари самолётга ортилиши олдидан муҳрланади, – тушунтирди Роман Вабен, у аэропортда юкли

рейслар бўйича диспетчер бўлиб ишлар ва амалга ошириши лозим бўлган асосий одами ҳисобланарди.

Вабен, Трейси, Жеф ва Гюнтер Париж атрофини айланиб чиқадиган Сенада сузувчи трамвайда ўтиришар эди.

– Агар юк таралари муҳрланган бўлса, у ерга қандай қилиб кириб олишим мумкин? – деб сўради Трейси.

– Энг сўнгги юклагичларга, – жавоб берди Вабен. – Компания бизнинг таъбиримизча юмшоқ юк дейиладиган бир тарафи брезент билан ўралган ва арқон билан боғланган улкан ёғоч сандиқлардан фойдаланишади. Эҳтиёт чорасини кўзлаб, бриллиантга ўхшаш қимматбаҳо юкларни сўнгги дақиқаларда олиб боришади.

– Демак, бриллиантлар юмшоқ юкларда бўлар эканда? – аниқлик киритмоқчи бўлди Трейси.

– Тўғри, хоним. Мен шундоқ қиламанки, сиз ётган контейнерни бриллиантлар бўлган контейнер ёнига қўйишади. Самолёт осмондалигида қиладиган ишингиз – боғлағични узиб бриллиантли контейнерни очиш ва уларни олиб ўз контейнерингизга қайтиш, холос.

Гюнтер қўшимча қилди:

– Самолёт Амстердамга қўнганида соқчи бриллиантлар алмаштирилган қутичани олмос сангтарошларига олиб боради. Улар тошларни алмаштирилганини аниқлашгунича сени мамлакатдан учиб кетаётган самолётга ўтқазиб юборамиз. Менга ишонавер, ҳеч нарса бўлмайди.

Бу гап Трейсини овунтирди.

– Ўша ерда совуқдан тараша бўлиб қолмайманми? – деб сўради Трейси. Вабен кулиб юборди.

– Хоним, ҳозир юк самолётлари иситилмоқда. Чунки улар тез-тез қорамол ва бошқа чорваларни ташиб юришади. Ҳарҳолда қулай жой. Андак торроғу, лекин умуман яхши.

Алҳол Трейси уларнинг режасини тинглашга рози бўлди. Бир неча соатлик ўнғайсизлик учун ярим миллион доллар. У режани ҳар хил нуқтаи назардан таҳлил

қилиб чиқди. «Режа яхши натижа бериши мумкин, – ўйлади Трейси. – Қанийди бу ишда Жеф Стивенс қатнаш-маса». Жеф Трейсида аралаш-қуралаш туйғу уйғотарди, бунинг учун ўзини-ўзи койир эди. Унинг Мадридда кўрсатган барча илтифоти Трейсини алдаб кетиш учун қилинган. Жеф уни сотди, алдади, мана энди ич-ичидан устидан кулаётибди.

Уч эркак ундан жавоб кутиб қараб туришибди. Пароход парижликлар Янги кўприк деб аташадиган ғалати кўприк остидан сузиб ўтди. Соҳил четида ошиқмаъшуқлар кучоқлашиб туришибди ва Трейси қизнинг юзида ифода этиб турган ҳузурни кўра биледи. «Тентак қиз», – хаёлидан ўтказди Трейси. У бир қарорга келди: «Майли. Мен розиман», – деганида Жефнинг кўзига тик қараб турган эди, стол атрофидаги диққатвозлик тарқалди.

– Вақтимиз жуда оз, – деди Вабен, ўзининг хира нигоҳини Трейсига қарата. – Менинг укам юкларни ортиб жўнатиш агенти бўлиб ишлайди. У сиз ётган юмшоқ контейнерни юклаб юборишга рози бўлади. Хонимда клаустофобия¹² йўқлигига ишонсам бўлади, назаримда.

– Мендан хавотир олмай кўяқолинг... Неча соат учади?

– Сиз юк ҳовлисида бир неча минут турасиз ва Амстердамгача бир соат.

– Контейнер сиғимлими?

– Етарли даражада катта, ичида ўтирсангиз ҳам бўлади. Сизни кўмиб юбориш учун бошқа нарсалар ҳам соламиз. Шунчаки, ҳар эҳтимолга қарши.

«Ҳеч қандай кор-ҳол бўлмаслиги керак, – деб ваъда беришди. – Шунчаки ҳар эҳтимолга қарши».

– Сенга лозим бўладиган буюмлар рўйхати менда бор, – гапга аралашди Жеф. – Етказиш чорасини ҳам кўриб кўйдим.

«Ярамас, такаббур». Жеф Трейси «хўп» дейди деган ишончда эди.

¹² Тор берк хоналарда қолиб кетишдан кўрқиш касаллиги.

– Голландияни бемалол тарк этишинг учун бу ерда Вабен паспортингга лозим бўлган барча муҳр ва ҳужжатларни тўғрилаб қўяди.

Пароход соҳилга яқинлаша бошлади.

– Қолган тафсилотларни эрталаб келишиб олишимиз мумкин, – деди Рамон Вабен. – Ҳозир мен ишга қайтишим керак. Хайр.

– Учовимиз бирга овқатлансак, бир йўла ювардик?..

– Узр, – кечирим сўради Гюнтер. – Менинг зарур учрашувим бор эди.

Жеф Трейсига юз ўгирди.

– Балки...

– Йўқ, раҳмат. Мен чарчадим, – деб дарров жавоб берди Трейси.

У Жеф билан бирга овқатланишни истамас эди, лекин ҳақиқатан ҳам жуда толиққан, боши айланар эди. Бу узоқ вақт диққат бўлганидан бўлса керак. «Бу тамом бўлганидан кейин, Лондонга давомли дам олиш учун қайтаман», – ўзига ваъда берди Трейси. Чакка томирлари ёрилгудек урар эди.

– Сенга арзимаган тухфа олиб келгандим, – деди Жеф ва ялтироқ қоғозга ўралган кутичани узатди. Ичида нафис шойи бўйинбоғ бўлиб, унда Т.У. ҳарфлари жилоланиб турарди.

– Раҳмат.

«Буни ўзига эп кўради, албатта, – ўйлади Трейси аччиғланиб. – Менинг ярим миллион долларимдан ишлатган».

– Овқатланиш масаласида фикринг ўзгармадими?

– Мутлақо.

Трейси Париждаги «Плаза Атене» номли антиқа меҳмонхонадан, деразалари боғдаги ресторанга қараган чиройли кўҳна хонада тўхтади. Отелда, фортепиано мусиқаси секин янграб турадиган ажойиб ресторан бор, лекин Трейси расмий кийим кийиб ўтириш учун жуда толиққан эди. У мўъжазгина қаҳвахонага кирди, бир ли-

кобча шўрва буюрди, бироқ охиригача ичиб бўлмай ўз хонаси қайтди.

Даниэль Купер залнинг нариги томонида ўтириб вақтни белгилар эди.

Даниэль Куперда муаммо пайдо бўлди. Қайтиб келганида уни инспектор Триньян таклиф қилди. Интерпол бошлиғи бу сафар унчалик хурсанд эмасди. У бир соат телефонда майор Рамиронинг америкалик ҳақида нохуш баҳоларини тинглади.

– У телба! – ўдағайлади полиция бошлиғи. – Мен ўз одамларимни югуртирдим, пул, вақт сарфладим ўша Трейси Уитнейни кузатаман деб. Америкаликни Прадони ўғирлаб кетмоқчи деган даъвосига ишониб юрибман. Бу аёл мен ўйлагандек беэён сайёҳ бўлиб чиқди.

Суҳбат Даниэль Купернинг Трейси Уитней ҳақида янглишганига инспектор Триньянни ишонтирди. Бу аёлга қарши биронта ҳам далил мавжуд эмас. Унинг бир қанча шаҳарларда бўлган вақтида жиноятлар содир бўлгани далил сифатида хизмат қила олмайди. Шундай қилиб, Даниэль Купер инспектор ҳузурига келиб: «Трейси Уитней Парижда. Мен унинг орқасидан эртаю кеч кузатув ташкил этишни хоҳлайман», – деганида инспектор чўрт кесди: «Сиз менга бу аёл жиноят қилишни режалаштираётгани ҳақида исбот келтирмагунингизча сизга ҳеч қандай ёрдам беролмайман».

Купер чақнаб турган кўзларини унга тикиб:

– Сиз аҳмоқсиз, – деб юборди.

Уни шу заҳотиёқ кабинетдан қувиб чиқаришди.

Шу бўлди-ю Даниэль Купер якка ўзи кузата бошлади. У Трейсининг орқасидан магазинларга, рестороанларга борди. Парижнинг катта-кичик кўчаларида изғиди. Унинг уйқуси чала, еб-ичиши ҳам чала бўлиб қолди. Даниэль Купер Трейси Уитнейга ўзини аҳмоқ қилдириб қўймайди. Токи шу аёлни қафасга ўтқазиб қўймагунча вазифаси бажарилди, деб ҳисоблай олмайди!

Трейси ўринда ётиб келгуси кун режасини ўйларди. У боши оғримаслигини жуда истарди. Аспирин ичганидан кейин чакка томирлари янаям қаттиқроқ ура бошлади. Аъзои бадани қизиб кетди, назарида, хона ниҳоятда димдек эди. «Эртага ҳаммаси барҳам топади. Швейцария. Ўша ерга бораман. Швейцариянинг салқин тоғлари».

У будильникни саҳар соат бешга қўйди. Соат кўнғироғи жиринглаб уйғонганида кўз ўнгида қамокхона хужраси ва Қари Темир хивичлар намоён бўлиб: «Кийиниш вақти бўлди. Қимирла!» деб бақиргандек бўлди. Йўлакхонада ҳам кўнғироқ овозининг акс садоси янгради. Назарида, кўкрак қафаси сиқиб, чироқ ёғдуси кўзини қамаштираётгандек эди. Трейси ўзини мажбурлаб ўрнидан турди ва ваннахонага кирди. Унинг юзлари оловдек ёнганидан доғ-дуғ бўлиб кетганди. «Ҳозир касал бўлишим мумкин эмас, – хаёл сурди Трейси. – Бугун эмас. Қиладиган ишим ҳаддан зиёд кўп».

У оғриётган бошига аҳамият бермасдан, оҳиста кийина бошлади. Устига чуқур чўнтакли комбинезон, резина тагчармли туфли ва баск беретини кийиб олди. Трейси юрагининг ҳаяжониданми ёки аъзои баданини қамраб олган сирқовланишиданми, тушуна олмас, унинг боши айланар, ўзини ҳолсиз сезар, томоғи оғриб, қичишар эди. У Жеф тақдим этган бўйинбоғни кўриб қолдию дарров уни олиб бўйинини ўраб олди.

«Плазо Атоне» меҳмонхонасининг бош кириш эшиги Монтане Авенюсида, хизмат эшиги эса Рю Боккадор кўчасига чиққанди. Марказий эшикни кузатиб турган Даниэль Купер Трейсининг хизмат эшигидан чиқиб кетганини тушунтириб бўлмайдиган туйғу билан сизди. У югуриб кўчага чиқди, бироқ Трейсини топа олмади.

Меҳмонхона ён эшигидан чиққан Трейсини кулранг «Рено» Этуаль томон олиб жўнади. Бу вақтда йўл ҳаракати унчалик серқатнов эмас ва юзига хуснбузар тошиб кетган, афтидан, инглизча гапирмайдиган ҳайдовчи йигит машинани ўзи истаган тезликда ҳайдаб борарди.

«Секинроқ юрса бўларди», – хаёлидан ўтказди Трейси. Ошиқча тезликдан унинг боши айлана бошлади.

Машина ўттиз дақиқадан сўнг юк омбори олдида ғийқиллаб тўхтади. Худди шу ерда Рамона Вабен ишлаши эсига тушди Трейсининг. Йигитча машина эшигини очиб:

– Тез бўла қолинг! – деди.

Трейси машинадан чиққанидан кейин унинг олдига тез-тез йўрғалаб қадам ташлаб бир киши келди.

– Орқамдан юринг, – деди у. – Бўла қолинг.

Трейси қоқила-суқила унинг орқасидан омборхона ҳовлисига кирди. У ерда ўнга яқин контейнерлар бўлиб, уларнинг ярмидан кўпроғи тўла, аэропортга жўнатиш учун муҳрланиб тайёр ҳолда турар эди. Ўша ернинг ўзида ярмиси уй жиҳозлари билан тўлдирилган брезент билан қопланган юмшоқ контейнер ҳам бор эди.

– Тез ичига кириг. Бўла қолинг. Вақтимиз йўқ.

Трейси ҳушини йўқотаёзганини сезиб турарди. У катта қути ичига қараб: «Бу жойга сиғмайман. Ўлиб қоламан», – деб ўйлади.

Эркак унга ҳайрон бўлиб қаради.

– Мазангиз қочдими?

Орқага қайтиш, тўхташ вақти келди.

– Ҳечқиси йўқ, ўзимни яхши ҳис қиляпман, – деб ғўлдирди Трейси.

Бу тез орада тугайди. Бир неча соатдан кейин у Швейцарияга жўнайди.

– Хўп, яхши. Манавиларни олинг, – деди эркак ва Трейсига ханжар, бир ўрам узун арқон, чўнтак фонари ва қизил боғлағич билан ўралган мўъжазгина қутичани узатди.

– Бу – сиз алмаштирадиган қутининг нусхаси.

Трейси оғир хўрсиниб, бир қадам ташлади-да, контейнерга ўтирди. Бир сониядан сўнг бир парча брезент унинг устини қоплади. Трейсининг қулоғига брезентни арқон билан ўраб боғлаётганлари эшитилди. Унинг қулоғига овоз аранг эшитилди.

– Шу дақиқадан эътиборан гапириш, қимирлаш, чекиш тақиқланади.

– Мен чекмайман, – демоқчи эди-ю, бироқ Трейсининг бунга ҳоли келмади.

– Омад сизга! Мен қутининг бир неча жойидан тешик очиб қўйдим, бемалол нафас оласиз. Нафас олиш эсингиздан чиқмасин.

У ўз ҳазилидан мамнун кулди, сўнгра нари кетаётган қадам товушлари эшитилди. Трейси қоронғилик ичида ёлғиз қолди.

Қути тор ва сиқик эди. Трейсининг назарида, жаҳаннам қутисига тушгандек, нафас олиши оғирлашди. «Менга қандайдир юқумли касал ёпишган кўринади, – деб хаёлидан кечди унинг. – Лекин чидашга тўғри келади. Вазифани бажришга мажбурман. Бошқа нарсалар ҳақида ўйлашим керак».

Гюнтернинг овози: «Сен хавотир олма, Трейси, Амстердамда сен ётган контейнерни туширишганидан сўнг, уни аэропорт ёнидаги гаражга олиб бориб қўйишади. Жеф сени ўша ерда кутади. Тақинчоқларни унга бериб, ўзинг аэропортга қайт. Сенинг номингга Швейцария авиакомпаниясининг кассасида Женевага чипта буюрилган. Амстердамдан иложи бориचा тезроқ учиб кет. Полиция ўғирлик содир бўлганидан хабар топган заҳоти бутун шаҳарни қамал қилади. Биронта ҳам кори-ҳол бўлмаслиги лозим, лекин мана, сенга Амстердамдаги бежавотир жойнинг калити ва манзили. Хона бўш».

Трейси мудраб қолган бўлса керакки, контейнерни кўтаришганда ҳуши ўзига келди. У у ёқдан-бу ёққа чайқалаётганини сезиб, контейнер четидан маҳкам ушлаб олди. Контейнерни қаттиқ ерга ўхшаш жойга қўйишди. Эшик ёпилгани эшитилди ва мотор гувиллай бошлади, бир дақиқадан сўнг юк ҳаракатга келди.

Юк аэропортга кетаётган эди. Режанинг ҳар бир сониясигача ҳисобга олинган. Трейси ётган контейнер Де Бирснинг олтинлари келганидан кейин юклайдиган

ҳовлига бир неча соатдан сўнг етиб бориши керак эди. Уни олиб кетаётган юк машинасининг ҳайдовчиси ҳаракат роппа-роса соатига эллик миль босишинг шарт деб кўрсатма олган.

Ўша тонг аэропорт йўли одатдагидан ташқари серқатнов эди, бироқ ҳайдовчи ташвиш чекмасди.

Контейнер самолётга ўз вақтида етиб боради ва унга мукофот тарзида эллик минг франк тегади, бу пул унга хотини ва икки боласи билан таътил ўтказишлари учун бемалол етади. «Америкага, – деб ўйлади. – Диснейлендга борамиз».

У соябонга ўрнатилган соатга қаради-да, ўзича кулимсираб қўйди. Гап йўқ! Аэропорт уч минутлик нарида, у ерга етиб бориши учун унга ўн минут етади.

Машина Эр Франс компаниясининг юк ортиш-тушириш майдонини кўрсатувчи муюлишдаги белги олдига етиб борди, сўнг «Шарл де Голь» аэропортининг кулранг биноси ёнидан ўтиб, ҳовлиси атрофини тиконли сим билан қопланган девор ўртасидаги йўлга чиқди. У уч квартални эгаллаган ва қутилар, тойлар тўлиб кетган ҳамда электрокараларга ортилган контейнерлар қаторлашган, атрофи ўралган омборхонага етиб борганида бирдан портлашга ўхшаган гумбур товуши эшитилди, машина рули тебрана бошлади. «Жин урсин! Балон тешилди!» – хулоса қилди ҳайдовчи.

Эр Франс авиакомпаниясининг маҳобатли самолётига юк ортилмоқда. Фюзеляжнинг кўтарилган тумшуғи остидан темир йўллар кўриниб туради. Самолётнинг қорнига жойлашишга шай турган контейнерлар юк ортадиган супа йўлагига туришарди...

Юк ортиш ниҳоясига етмоқда эди. Рамон Вабен соатига қайта-қайта қараб қўяр ва ичида сўкинарди. Де Бирсининг юкларини юкхонага ортиб, арқон билан ўраб боғлаб қўйишди. Вабен контейнернинг бир томонига қизил бўёқ суртиб қўйдик, Треиси шу бўёқдан контейнерни

аниқласин деб. У контейнерни махсус бўлмада ёпиб қўйишларини кузатиб турди. Бўлма ёнида яна бир қути учун жой қолган эди. Супада ортишга тайёр яна учта контейнер турибди. «Худо урсин, ўша хотин қаерда экан?»

Юкчилардан бири:

– Рамон, кетдик! Нима қилиб турибсан? – деди.

– Ҳозир, – жавоб берди Рамон ва юкҳовлининг эшиги томон югуриб кетди. Машинадан дарак йўқ.

– Вабен, нима бўлди?

Вабен орқасига ўгирилди. Юк ҳовлисининг иш раҳбари келаётган эди.

– Юклашни тугатинг. Самолётни жўнатинг.

– Ҳўп бўлади. Мен кутаётганим...

Шу пайт машина ҳовлига учиб кирди-да, ғийқиллаб тўхтади.

– Бу юкни тезда самолётга ортинг, – деб буюрди бошлиқ.

Вабен машинадан контейнерни самолётга олиб борадиган супага туширишларини кузатиб турди ва юкловчига қўл силтади:

– Бу сеники.

Бир дақиқадан кейин юк самолётга ортилди ва самолётнинг тумшуғи пастга, ўз жойига тушди. Вабен реактив моторларни ишга тушишини кузатиб турди. Улкан самолёт учиш йўлкасига бурилди. «Навбат энди ўша аёлга», – деб хаёлидан кечирди Вабен.

Бўрон авжига чиққан. Баҳайбат тўлқин кемани қоплаб олди ва кема сувга чўка бошлади. «Мен чўкяпман, – алахсирар эди Трейси. – Бу ердан чиқиб олишим керак!»

Трейси қўлларини қоққан эди, бир нарсага урилиб кетди. Бу тўлқинларда чайқалаётган қутқариш лодкаси эди. Трейси турмоқчи бўлиб уринди, лекин боши стол оёғига урилди. У хушига келиб, шу ондаёқ қаерда эканини тушунди. Унинг юзлари, сочларидан тер томчилаб оқарди. Кўнгли айниб, бадани қизиб кетган эди. Неча вақт беҳуш ётди? Самолёт учганига бир соат бўлган. Наҳотки само-

лёт кўнаётган бўлса? «Йўқ, ҳаммаси жойида. Мен алахси-раяпман, – деб ўйлади Трейси. – Мен Лондондаги ўз ўрнимда ётиб ухламоқдаман. Врачни чақиришим керак». Нафас олиши қийинлашди. У телефонга кўл узатмоқчи бўлди, бироқ шу заҳоти аъзои бадани кўрғошиндек қотди-ю, букчайиб қолди. Самолёт ҳаво ўпқонига тушгани учун Трейсини қутининг нариги томонига улоқтириб юборди. Трейси чала беҳуш ҳолатда зўр бериб эс-хушини тўплаб олишга ҳаракат қилиб ётарди. «Қанча вақтим қолди?» Уни шайтон васвасаси билан азоб ҳақиқати талвасага солмоқда эди. «Бриллиантлар». Бир амаллаб бриллиантларни олиш лозим. Бироқ олдин... бироқ олдин ўрамларни кесиб ташлаш керак.

У комбинезонидаги пичоққа кўл узатди, бироқ ниҳоятда мажолсизлигидан уни зўрға олди. «Ҳаво етмайпти, менга ҳаво керак», – ўйлади у. Трейси брезентнинг бир четини ушлади, пайпаслаб арқонни топди-да, кесиб ташлади. Брезентни кенгроқ очди, у бошқа арқонни ҳам қирқди. Энди контейнердан самолётнинг қорнига чиқиб, муздек ҳаводан нафас ола бошлади. Трейси совуқ қотиб қалтирар, самолётнинг чайқалиши эса кўнгил айнишини оширар эди. «Чидайман», – хаёлидан кечди унинг. У диққат-эътиборини жамлашга ўзини мажбур қилди. «Бу ерда нима қилишим керак? Қандайдир муҳим иш. Э, ҳа... Бриллиантлар».

Трейсининг кўз ўнги хиралашиб, ҳамма нарса чаплашиб кетди. «Ётиб боролмайман».

Самолёт бирдан пастлаша бошлади-ю, Трейси йиқилиб тушди. У рельснинг темир четидан ушлаб қолди. Самолёт токи мувозанатини тўғрилаб олмагунча шундай ётаверди. Сўнгра бор кучини ишга солиб оёққа туриб олди.

Реактив моторларнинг гувиллаши уни миясидаги шовқин билан айқаш-уйқаш бўлиб кетди. «Бриллиант... Мен уларни топишим лозим».

У контейнерлар орасида қоқилиб-суқилиб, кўзларини қисганича қизил белгили қутини ахтара бошлади. «Худога шукр. Мана у учинчи контейнерда экан». Трейси бу ёғига нима қилиш даркорлигини бироз ўйлаб турди.

«Қанийди ётиб пича ухлаб олганимда, ўзимни яхши ҳис этган бўлардим. Энг муҳими, уйқу. Лекин бунинг учун вақт қолмади. Ҳар дақиқада Амстердамга бориб кўнишлари мумкин». Трейси пичоқ билан контейнер арқонларини қирқиб ташлади. «Пичоқ билан бир марта тортиб юборсанг етади», дейишган эди унга.

Трейси пичоқни зўрға ушлаб турарди. «Ҳозир ҳолдан тойишим мумкин эмас», – ўйлади Трейси. Унинг аъзон бадани яна шундай қалтирай бошладики, алҳол пичоқни тушириб юборишга мажбур бўлди. «Иложи бўлмапти. Мени ушлаб қамаб қўйишади».

У арқонни маҳкам ушлаганча журъатсиз ҳолда турар, бу даҳшат тугагунга қадар ўз қутисига кириб ётиш истаги уни мажбур қиларди. Бу жуда осон иш. Бир дақиқадан кейин у чеккасидаги қон томирларини дукиллашига бардош берганча аста қадам қўйди.

Трейси бир амаллаб ердаги пичоқни олди-да, арқонларни кеса бошлади.

Алҳол арқон кесилиб бўлди. Трейси брезентни очиб, контейнер ичидаги қора нарсага тикилди, бироқ ҳеч вақони кўра олмади. У чўнтак фонарини олди, лекин шу пайт қулоқлари битаётганини ҳис этди. Самолёт кўнишга кетаётган эди.

Трейси: «Шошилишим лозим», – деб ўйлади. Бироқ вужуди унга бўйсунмасди. У чалажон ҳолда турарди. «Бор», – дерди унга ақли. У қутининг ичини ёритди, у ерда ҳар хил қоғоз халталар, конверту, ғилофлар қалаб ташланган, тепасида эса қизил тасма билан ўраб боғланган иккита ҳаворанг қутича бор эди. «Иккита. Лекин, назаримда, биттаси тугилган эдию». У кўзларини қисди, иккитанинг ўрнига битта бўлиб қолди. Қутичадан ёруғ нур тарқалаётгандек эди.

Трейси қутичага қўлини узатди, шу пайтнинг ўзида чўнтагидаги шунга ўхшаш қутичани ҳам олди. У иккала қутичани қўлида ушлаб турди. Кўнгли айниб ичидаги бор-йўғи томоғига келиб қадалди. У ўзини енгиб олиш ниятида кўзларини юмди. Ўхшаш қутичани жойига қўймоқчи бўлдию, бироқ қай бири эканини унутган эди. У иккита бир хил қутичага тикилиб турди. Қай бири?

Самолёт тез пастлаша бошлади. Ҳозир ерга қўниши мумкин. У ишқилиб шуниси ўхшаши бўлсин-да, деб қутичанинг биттасини жойига қўйди, сўнгра чўнтагидаги бир ўрам арқонни олди. «Арқонни бир бало қилишим керак эди». Миясидаги шовқин ўйлашга халақит берарди. Унинг эсига тушди: «Арқонни кесиб ташлаганингдан кейин чўнтагингга солиб қўй, янгиси билан контейнерни ўрагин, атрофда шубҳа туғдирувчи ҳеч нарса қолмасин».

Ўшанда палубада офтобнинг иссиқ нурлари остида туриб бу гапни айтиш осон эди. Ҳозир эса буни бажаришнинг иложи йўқдек. Унинг мажоли қолмади. Соқчи қирқилган арқонни кўриб қолади, самолётни тинтиб Трейсини ушлаб олишади. Ич-ичидан бир нарса айюҳаннос солиб «Йўқ! Йўқ! Йўқ!» – деб бақирди.

Трейси бор кучини тўплаб арқон билан контейнерни ўрай бошлади. У оёқлари остида туртки сизди. Самолёт ерга теккан эди, иккинчи турткидан Трейси йиқилиб боши билан полга урилди-да, ҳушидан кетди.

Самолёт тезлигини камайтириб, терминал томонга олиб борувчи йўлакка бурилди. Трейси буюм тагида икки букчайиб ётарди. Шовқин тиниб, сукунат чўкканда у ҳушига келди. Трейси тирсагига таяниб аста-секин зўрға тиззасига турди. Кейин гавдасини ростлади, чайқалиб йиқилмаслик учун контейнерга осилиб олди. У қимматбаҳо тошлар солинган қутичани бағрига босиб ўз контейнери томон кетди. Брезентнинг тешигидан сукулиб ўзини қути ичига ташлади, оғир нафас олар, ҳаммаёғини тер босиб кетганди. «Мен бажардим буни». Лекин

яна ниманидир қилиши керак. Жуда муҳим. «Нима? Ўз қутисининг арқонини боғлаб қўйиши лозим».

У бир ўрам изоляция тасмасини оламан деб қўлини чўнтагига тикди. Тасма ғойиб бўлибди. Трейси зўрға нафас олар, нафас товуши ҳам қулоғига оғир ботарди. Одам овозлари эшитилди. У нафасини ичига ютиб қулоқ сола бошлади. Кимдир кулди. Ҳар бир дақиқада самолёт қопқоғи очилиб юк тушира бошланиши эҳтимолдан узоқмас. Кесилган арқонни кўриб қолишади ва кути ичидан Трейсини топиб олишади. Трейси тиззасига турди, чайқалиш пайтида тушиб қолган бир ўрам тасмани топиб олди. У брезентни сал кўтариб, кесилган арқон учларини пайпаслаб топди-да, тасма билан ўраб ташламоқчи бўлди.

Ҳеч нарсани кўрмасди. Юзларидан оқиб тушаётган тер кўзларини очирмай қўйди. Трейси бўйнидаги рўмолчани олиб, юзини артди. Ва, ниҳоят, арқонни тасма билан ўраб бўлдию, брезентни жойига суриб қўйди. Энди фақат кутиш керак. У пешонасини ушлаб кўрди, аввалидан ҳам иссиқроқ туюлди.

«Мен қуёшдан қочишим лозим, – алаҳсирай бошлади Трейси. – Тропик қуёши хавфли бўлиши мумкин».

Трейси Кариб денгизининг қай бир ерида дам олмакда. Унга бриллиант олиб келаман деб борган Жеф денгизга шўнғиб ғойиб бўлди. Трейси уни қутқараман деб қўлини чўзди, лекин Жеф унинг қўлларидан сирғалиб сувга ғарқ бўлди. Сув Трейсини ҳам домига тортди. У нафаси бўғилиб чўка бошлади.

Трейси самолётга кириб келган ишчиларни эшитди.

– Ёрдам беринг! Илтимос, ёрдам беринг! – деб бақиргандек бўлди.

Лекин унинг нидоси шивирлаб чиқди ва ҳеч ким эшитмади. Самолётдан катта-катта контейнерларни тушира бошлашди. У ётган қутини юк машинага ортишганда Трейси беҳуш ётарди. Самолётнинг ичида эса Жеф унга тақдим этган бўйин рўмолча қолиб кетди.

Кимдир брезентни очиб, юк машинасини ёритган нурдан Трейси ҳушига келди. У секин кўзларини очди. Юк машина омборхонада турган эди.

Жеф унга кулиб қаради.

– Сен бунни бажардинг! – хитоб қилди Жеф. – Сен ажойибсан. Қутини бир кўрайлик-чи?

Трейси ёнида ётган қутичани олаётган Жефга маъносиз қараб ётарди.

– Лиссабонда учрашамиз, – деди Жеф ва кетишга шайланиб орқасига ўгирилди, сўнгра тўхтаб қолди-да, Трейсига юзланди: – Кўринишинг жуда ёмон, Трейси. Аҳволинг қалай?

Трейси зўрға ғудранди:

– Жеф, мен...

Бироқ у кетиб қолган эди.

Кейин нима бўлганини элас-элас эслайди. Омбор орқасида унга мўлжалланган кийим бор экан. Қандайдир хотин унга раҳми келиб:

– Жуда касал кўринасиз, мадемуазель. Хоҳласангиз, дўхтир чақираман? – деди.

– Дўхтир керакмас, – деб шивирлади Трейси.

«Швейцария авиакомпаниясининг кассасида сен учун Женевагача чипта буюриб қўйилган. Иложи бори-ча тезроқ уч. Полиция ўғирлик содир бўлганидан хабар топган заҳоти шаҳарни ўраб қўяди. Ҳеч нарса барбод бўлмаслиги лозим, лекин, ҳар эҳтимолга қарши, бу ерда ишончли жойнинг адреси бор. У бўш».

Аэропорт. Трейси аэропортга етиб бориши лозим.

– Такси, – деб ғўлдиради у. – Такси.

Хотин бир зум иккиланиб турди-да, кейин елкаларини учириб:

– Хўп. Чақираман. Шу ерда кута туринг, – деди.

Трейси борган сари осмонга юқорилаб учар эди. – Такси, мадемуазель, – деди қандайдир эркак. Трейсининг нияти одамлар уни ортиқ безовта қилишмаса бўлгани. У фақат бир нарса – уйқуга муҳтож эди. Ҳайдовчи:

– Сизни қаерга элтиб кўяй, мадемуазель? – деб сўради.
«Швейцария авиакомпанияси кассасида сен учун Женевага чипта буюриб кўйилган».

Самолётда учиш учун у жудаям бетоб. Улар врачни чақиришади. Унга савол бера бошлайдилар. Трейсига фақат бир нарса – бир неча дақиқа ухлаб олса, қолгани жойида бўлади. Ҳайдовчининг тоқати тоқ бўлиб:

– Хўш, қаерга борамиз? – деган саволи янгради.

Трейсининг бошқа иложи йўқ. У хавфсиз уй адресини берди.

...Полиция уни бриллиантлар ҳақида чапараста сўроққа тутди. Трейси жавоб беришдан бош тортганида улар дарғазаб бўлиб бир хонага қамаб кўйишди ва иситкичларни ёқиб кўйишди, хона қайноқ қозонга айланди. Чидаб бўлмас даражага кўтарилгач, улар ҳароратни шундай пасайтиришдики, деворларда сумалаклар пайдо бўлди.

...Трейси кўзларини очди. У бетўхтов қалтираган ҳолда ўринда ётарди. Ёнида ёпинчиқ, Трейси унга ҳатто кўлини ҳам узата олмасди. Кўйлаклари жиққа хўл.

«Шу ерда ўламан. Қаер, бу?».

...«Хавфсиз жой. Мен бежавотир уйдаман». Жумла кулгили туюлди ва у токи йўталга айланиб кетмагунча кула бошлади. Ишлари чаппа кетди. Ҳамма ишлардан кейин у учиб кета олмади. Ҳозир уни деб полиция Амстердамни тинтий бошлаган. Уитней хоним Швейцария авиакомпаниясининг чиптасидан фойдаланмади, демак у шу ерда, Амстердамда.

У шу алфозда ўринда қанча ётганини чамалай бошлади. Кўлларини соатга узатиб кўрди, лекин рақамлар чалкашиб кетди. Ҳамма нарса кўз ўнгида иккита бўлиб кўринарди. Кичкина хонада иккита каравот, иккита комод, тўртта курси кўйилгандек. Қалтироқ тинган, лекин аъзои бадани оловдек ёнарди. Деразани очиш керак, лекин қимирлаш учун у ниҳоятда мажолсиз эди. Хона яна музлай бошлади.

Трейси яна самолётдаги контейнерга қамалган ҳолатга тушиб, ёрдам сўраб ёлворарди.

...«Сен бажардинг. Сен ажойибсан. Қани, қутичани кўрайлик-чи?».

Жеф бриллиантларни олиб кетди ва ҳозир Трейсининг ҳам улушини олиб Бразилияга кетаётган ҳам бўлиши мумкин. Жеф ўз маъшуқалари билан ҳузур қилиб Трейси устидан кулади. У яна Трейсини доғда қолдирди. Трейси уни ёмон кўради. Ундан ҳазар қилади.

Трейси гоҳ ҳушидан кетар, гоҳ ўзига келарди. Қаттиқ тўп унинг боши узра учиб ўтар, Жеф эса уни қучиб олган, лаблари лабларига ёпишган эди. Кейин улар «Залакайн»да овқатланишди. «Биласанми, Трейси, сен жуда бошқачасан».

...«Мен дуранг таклиф этаман», – таклиф этди Борис Мельников. Трейсининг аъзои бадани яна қалтироққа тушди, у қоп-қоронғи тоннелдан ўтадиган тезюарар автобусда пайдо бўлди ва у тоннелнинг охирида ўлиши лозимлигидан хабардор эди. Альберто Форнатидан ташқари барча йўловчилар тушди. Альберто елкаларини учириб ундан аччиғланар эди.

«Худо хайрингни берсин! Кўзингни оч! – дея бақирарди у. – Оч кўзингни! Менга қара!»

Трейси ғайриинсоний куч билан кўзларини очди. Жеф унга энгашиб турарди. Унинг юзлари оқарган, овозида ғазаб оҳанги сезиларди. Бу Трейси тушининг бир қисми бўлса ажабмас.

– Қачондан бери ётибсан?

– Сен Бразилиядамисан? – деб ғўлдиради Трейси. Шундан кейин Трейси ҳеч нарсани эслай олмади.

Инспектор Триньянга Эр Франс авиакомпаниясига қарашли самолётда топилган, «Т. У.» ҳарфлари ёзилган бўйинбоғни топширишганида, у узоқ ва диққат билан уни кўздан кечирди. Сўнг буйруқ берди.

– Даниэль Куперни чақиринг!

– Голландиянинг шимоли-ғарбида Шимолий денгизга қарата жойлашган Алкмаарнинг хушманзара қишлоғи сайёҳларнинг севимли диёрларидан бири эди. Лекин унинг шарқ томонидаги бир бурчаги сайёҳлар кам келадиган жой. Жеф Стивенс ўша ерда уни голланд тилига ўргатадиган стюардесса билан бир неча бор дам олган. У бу ерда ўз юмушлари билан банд, лекин келгиндилар билан жуда қизиқувчи ерли халқни яхши танир эди. Бекиниш учун энг қулай жой.

Жеф даставвал Трейсини касалхонага жўнатмоқчи бўлди, лекин бу уни катта хавф-хатарга қўйиш билан баробар эди. Борди-ю, уни Амстердамда қолдирса ҳам шундай ҳол юз бериши мумкин. Жеф уни аделга ўраб машинага солди. Улар токи Алкмаарга етиб боргунларича Трейси ўзига келмади. Томир уриши меъёрида эмас, чуқур нафас ҳам ололмас эди.

Жеф Алкмаарда мўъжазгина меҳмонхонада тўхтади. Меҳмонхона хўжайини Трейсини кўтариб хонага олиб чиқаётган Жефни қизиқсиниб кузатиб турди.

– Бизнинг асал ойимиз, – деб тушунтирди Жеф. – Хотиним касал бўлиб қолди. Қаттиқ шамоллаб қолибди. Унга тинчлик керак.

– Врач чақиршни истайсизми?

Жеф иккиланиб жавоб берди.

– Ўзим сизга айтаман.

Биринчи навбатда иссиғини тушириш лозим. Жеф Трейсини каттакон икки кишилик каравотга ётқизди ва унинг тердан ҳўл бўлиб кетган кийимларини еча бошлади. Трейсини ўтқазиб, кўйлагини боши орқали ечди. Кейин туфлисини, ундан кейин колготкиларини чиқарди. Унинг баданига тегиб бўлмасди. Жеф сочиқни муздек сувга ҳўллаб Трейсини бошдан-оёғигача артиб чиқди. Сўнг ўрин четига ўтириб Трейсининг нотекис нафас олишини кузатди.

«Эрталабгача енгиллашмаса, врач чақириб келишимга тўғри келади», – дея қарор қилди Жеф.

Эрталабга яқин чойшаблар яна ҳўл бўлиб кетди. Трейси ҳалиям ўзига келмасди, бироқ нафас олиши бироз чуқурлашди. Жеф меҳмонхона ходимасини киритишдан кўрқди. У Трейсини кўриб қолиши ва ҳар хил саволларга олиб келишидан хавфсирар эди. Жеф хўжайиндан янги чойшаб сўраб, хонага олиб келди. Сўнгра Трейсининг баданини ювди, касалхоналардаги ҳамширалардек беморни безовта қилмай чойшабларни алмаштириб, ўраб-чирмаб қўйди.

Жеф эшикка «Безовта қилинмасин» деган тахтача илиб қўйди ва ўзи аспириин, артиш учун спирт олгани яқиндаги дорихонага кетди. У хонага қайтганида Трейси ҳали беҳуш ётарди. Жеф унинг иссиғини ўлчади: бир юз тўрт градус. Унинг баданини совуқ спирт билан ишқалашга мажбур бўлди. Шундан кейин иссиқ бироз тушди.

Бир соатдан сўнг иссиғи яна кўтарилди. Агар врач чақирилса у Трейсини касалхонага ётқизишга мажбур этиши мумкин. Ҳар хил саволлар туғилади. Жеф полиция уларни қидиришаётгани ҳақида тасаввурга эга эмас, мабодо шундай бўлса уларни ҳибсга олишади. Жеф тўртга аспириинни майдалаб Трейсининг лаблари орасига қўйди-да, токи уларни ютиб юбормагунча унинг оғзига сув томизиб турди. Трейсининг баданини спирт билан яна ишқалади. Назарида, унинг бадани ўша-ўша қайноқдек эди. Томир уришини текшириб кўрди. Афтидан, текис ураётгандек эди. Жеф қўлини Трейсининг кўкрагига қўйиб кузата бошлади. Нафас олиши секинлашмадикан? Жеф фақат бир нарсага ишонар ва бу сўзларни қайта-қайта такрорлар эди, токи улар дуога айланиб кетди.

– Сен тузаласан. – Жеф Трейсининг пешонасини меҳр билан ўпиб қўйди.

Жеф қирқ саккиз соат мобайнида ухламай ҳолдан мутлақо тойган эди. Кўзлари ўз-ўзидан юмиларди. «Кейинроқ ухлаб оламан. Кўзларимни дам олиш учун бир дақиқага юмаман», – дея ўзига ваъда берди у. Ва ухлаб қолди.

Хушига келган Трейси қаерда эканлигини англамай шифтга қараб ётарди. Унинг шуури ҳақиқат билан ёндашмагунча узоқ дақиқалар ўтди. Аъзои бадани узоқ саёҳатдан сўнг толиққандек оғрир эди. Трейси нотаниш хонани кўз қири билан кузатар экан, бирдан юраги ҳаприқиб кетди. Жеф унинг ёнидаги юмшоқ курсида ухлаб ўтирар эди. Охирги марта уни бриллиантларни олиб жўнаганида кўрганди. Бу ерда нима қилиб ўтирибди? Уни шубҳага солган нарса: Жефга сохта бриллиант солинган қутини бергану Жеф алданганини сезиб қолган. Жеф, афтидан, Трейсини уйдан олиб чиқиб, бошқа жойга яширган бўлса керак.

Трейси ўрнидан туриб ўтирганида Жеф қимирлаб кўзларини очди. Бахтиёр табассум аста-секин Жефнинг чиройини оча бошлади.

– Қайтишинг билан, – унинг овозида шундай енгиллик сезилар эдики, Трейси уялиб кетди.

– Узр, – деди Трейси бўғиқ овозда. – Сенга бошқа қутини берибман.

– Нима?

– Мен қутиларни алмаштириб юборибман.

Жеф унинг ёнига келиб мулойимлик билан эътироз билдирди.

– Йўқ, Трейси. Сен ҳақиқий бриллиантларни бергансан. Улар Гюнтерга юборилди.

Трейси унга ҳангу манг бўлиб қаради.

– Унда, нега... Нега бу ердасан?

Жеф каравот четига ўтирди.

– Менга бриллиантларни берганингда рангинг бир аҳволда эди. Мен ўз рейсингга улгурасанми-йўқми деб аэропортда кутишга қарор қилдим. Келмаганингдан кейин сенга бирор кори-ҳол бўлдими деб тушундим. Ўша уйга бориб сени топдим. Сени ўша ерда ўлиб-нетиб қолишингга йўл қўя олмасдим, – бепарво тушунтирди у ва: – Ахир полиция аралашиши мумкин эди-да, – деб қўшиб қўйди.

Трейси унга ҳайрон бўлиб қараб қолди.

– Менга ростини айт, нега ёнимга қайтдинг?

– Иссиғингни ўлчаш вақти келди, – деб мавзуни ўзгартирди Жеф. Бир неча дақиқадан кейин:

– Ёмон эмас, – деган қарорга келди. – Юздан паст. Сен ажойиб беморсан.

– Жеф...

– Менга ишонавер, – тинчлатди уни Жеф. – Қорнинг очми?

Трейсининг иштаҳаси бўрининг иштаҳасидек очилди.

– Очликдан ўлай деяпман.

– Яхши. Мен егулик бирон нарса олиб келаман.

Жеф магазиндан халтасини тўлдириб қайтди: апельсин шарбати, сут, янги мева-чева, пишлоқ, гўшт ва балиқ солинган каттакон голланд нонларини олиб келганди.

– Голланд товуқ шўрвасига ўхшаш анави овқат жуда фойдали. Фақат шошилмай егин.

Жеф унга ўтириб олишига кўмаклашди ва уни овқатлантирди. У эҳтиёткорлик ва меҳрибонлик кўрсатгани боис, Трейси хавотирланди: «Жеф бу ерга бекорга келмаган. У бирон нарсани мўлжаллаган бўлса керак».

Тамадди вақтида Жеф ахборот берди:

– Мен Гюнтердан хабар олдим. У бриллиантларни олибди ва сенинг улушингни Швейцария банкига қўйибди.

Трейси бетоқат савол берди:

– Нега сен ҳаммасини ўзингники қилиб олмадинг?

Жеф мутлақо жиддий жавоб берди:

– Чунки бир-биримизни алдаб юришимиз барҳам топсин, Трейси. Хўп?

Албатта бу унинг товламачиликларидан бири бўлиши мумкин, лекин эътироз билдиришга Трейсининг мажоли ҳам йўқ эди.

– Агар сен ўзингнинг ўлчамларингни айтсанг сенга қандайдир кийим-кечак сотиб олардим. Голландияликлар либерал халқ, лекин шу аҳволда юрсанг назаримда уларни ҳангу-манг қиласан.

Трейси бирдан ўзининг яланғоч эканлигини билиб қолдию, кўрпани устига тортди. Жеф уни ечинтириб, ювганини тасаввур қилди. Жеф ўзини хавф остига кўйиб Трейсини боқди. Нега? Трейсининг назарида буни тушунгандек эди. Лекин: «Мен унчалик тушуна олмаяпман, – дея хаёлидан кечди унинг. – Умуман».

Трейси ухлаб қолди.

Жеф кундузи кийимлар билан лик тўла жомадон келтирди. У пардоз анжомлари ва тароқ, соч бўяш учун бўёқ ҳамда фен, тиш чўткаси билан тиш пастасини ҳам сотиб олганди. У ўзига ҳам костюм, ҳамда «Интернэшнл герельд трибюн» газетини олиб келибди. Биринчи саҳифасида бриллиантлар ўғирлангани ҳақида хабар босилганди. Полиция буни қандай содир этилганини аниқлаган, лекин мақолада, ўғрилар ҳеч қандай из қолдиришмагани ҳақида хабар беришган эди.

Жеф дадил жавоб берди.

– Уйга йўлимиз очиқ! Биз учун, энг муҳими, – соғлиқ.

Даниэль Купер «Т.У.» ҳарфли бўйинбоғ ҳақида матбуотда эслатмасликни илтимос қилди.

– У кимники эканини биз биламиз, – деб тушунтирди у Триньянга. – Лекин исботлаш учун бунинг ўзи етарли эмас. Унинг адвокатлари Оврўпода шунга ўхшаш ҳарфли аёлларни истаганича топишади ва сизни калака қилишади.

Купернинг назарида, полиция ўзини калака қилиши учун аллақачоноқ далил яратди. «Оллоҳ Трейсини менга берган».

У черковнинг тахта курсисида ўтириб худога илтижо қиларди: «Эй худо, уни менга топширгин. Уни менга бергинки, гуноҳига яраша жазосини бериб, ўз гуноҳларимдан фориғ бўлсам. Унинг вужудидаги шайтон ҳайдалади, жисми эса калтакланади...» У ўзининг ҳукмидаги Трейсининг яланғоч жисмини тасаввур этди ва ўзида шахват ҳиссини сездди. Худо унинг бу аҳволини кўриб янги жазолар юборишидан кўрқиб черковдан чопиб чиқиб кетди.

Трейси эрта уйғонди. У ўтириб, пардоз курсисидаги чироқни ёқди. Бир ўзи қолганди. Жеф кетибди. Ваҳима боса бошлади. Ўзини Жефнинг измида қолишга йўл қўйди, бу даҳшатли хато-ку. «Шунга арзийман», – деб ўйлади ўкинч билан Трейси. «Менга ишонавер», – деган эди Жеф ва Трейси шундай қилди. У фақат ўзини ҳимоя қилиш учунгина Трейсига меҳрибонлик қилган, бошқа баҳона йўқ бу ерда. Трейси Жефнинг дилида бошқа бир ҳис бор деб умид қилган эди. Трейси унга ишонгиси келар, унинг учун бу нарсанинг аҳамияти бор эканини тан олишни истарди. У кўзларини юмиб: «Жефсиз менга қийин бўлади. Эй худойим, ўзинг мадад бер. У менга етишмай турибди», – деб хаёл суриб ётар эди.

Тақдир Трейсига қалтис ҳазил қилди. «Нима учун чеки унга тушди?» – деб ўзига қайта-қайта савол берар, лекин сабабига аҳамият бермас, фақат тезроқ бу ердан чиқиб, ётиб дамани оладиган, ўзини бежавотир сезадиган бошпана топиш режасини ўйларди. «Эҳ, каллаварам аёлсан, – деб ўйлади у. – Сен...»

Очилаётган эшик овози эшитилди ва Жефнинг:

– Трейси, уйғоқмисан? – деган товуши эшитилди. – Сенга китоб ва журналлар олиб келдим. Ўйловдимки, сен бироз... – Ў Трейсининг юз ифодасини кўриб тўхтаб қолди. – Ҳей, бирон кор-ҳол юз бердими?

– Ҳозир эмас! – шивирлади Трейси. – Ҳозир эмас!

Эртасига эрталаб Трейсининг иссиғи тушди.

– Ташқарига чиққим келяпти, – деди Трейси. – Иккаламиз айланиб келсак дегандим, нима дейсан, Жеф?

Уларнинг чиқиши холлда ҳамманинг диққатини тортди. Меҳмонхонанинг эр-хотин хўжайинлари Трейсининг соғайишидан хурсанд бўлишди.

– Ажойиб эрингиз бор экан. Сиз учун ҳамма ишни ўзим қиламан, деб туриб олди. Сиздан жуда хавотирланди! Ҳар қандай аёл шундай меҳрибон эри бўлса бахтиёр бўлар эди.

Трейси Жефга юзланди, Жефнинг уялганидан қизариб кетганига онт ичиши мумкин.

- Жуда яхши одамлар экан, - деди Трейси кўчада.
- Жуда кўнгилчан, - кўшиб кўйди Жеф.

Жеф Трейсининг каравоти ёнига ўзи учун йиғма каравот кўйди. Трейси кечаси ўрнида Жефнинг унга кўрсатган меҳрибонлигини эслаб ётди. Трейсининг барча хоҳишларини амалга оширди, парвариш қилди, бошдан-оёқ ювинтирди. У Жефнинг ўзига нақадар қадрли бўлиб қолганини яққол ҳис этарди. Шунинг учун ҳам ўзини ҳимояланган деб ҳисоблади. Бироқ шу ҳам уни асабийлашишига сабаб бўлди.

Трейси қувват топиши биланоқ улар кўп вақтларини бирга ўтказадиган бўлдилар. Мўъжаз шаҳарчани ўрганишди. Тош ётқизилган ўрта аср кўчаларидан Алкмаар Меерга боришди, шаҳар четидаги лозазорда бўлишди, пишлоқ бозорини айланишди, шаҳар музейига ташриф буюришди. Жефнинг шаҳарликлар билан уларнинг тилида гаплашганига Трейси ҳайрон бўлди.

- Қачон ўргана қолувдинг? - сўради Трейси.
- Бир голланд қизини билардим.

Трейси савол берганига пушаймон бўлди.

Кунлар ўтибди, Трейсининг ёш жисми қувватга кира борди. Жеф Трейсининг қувватга тўлганига ишонч ҳосил қилганидан кейин ижарага иккита велосипед олди ва улар шаҳар атрофидаги бир қанча шамол тегирмонларини томоша қилиш учун кетишди.

Ҳар бир ўтган кун гўзал байрамга айланди ва Трейси бу кунлар тугамасин, деб орзу қиларди.

Жеф уни доим ҳайратга соларди. У Трейсига жонкуярлик ва меҳрибонлик қилар ва гарчи Жеф уни ўрнига ётқизишга уринмаса ҳам, Трейсининг ҳимоя деворлари қулай бошлаганди. У Трейси учун жумбоқ бўлиб қолди. Трейси Жеф билан бирга бўлган барча гўзал аёлларни эслади, уларнинг ҳар бири билан кечани ўтказиши мумкин бў-

лишига Трейси шубҳа қилмас эди. Хўш, бўлмаса, у Трейси билан бу кичкина шаҳарчада нима қилиб юрибди?

Трейси кўнглидаги бу шубҳаларни Жефга очиб ташлаш жоиз эмас эканини ҳис этди. Лекин унга Жо Романо ва Тони Орзатти ҳамда Эрнестино Литлчеп ва Катта Берта, жажжи Эми Бреннинган ҳақида ҳикоя қилиб берди. Жеф уни тинглар экан ўша нафрат, ўша шафқат ҳиссини сезар эди. Жеф, ўз навбатида, Трейсига ўгай онахони, Вилли амакиси ва шўхчан ўтказилган кунлари, ҳамда Луизага уйлангани ҳақида сўзлаб берди. Трейси ҳеч қачон ҳеч ким билан ўзини шунчалик яқин ҳис этмаганди.

Бироқ кетар пайти ҳам етиб келди. Бир кун эрталаб Жеф:

– Полиция бизни қидирмаяпти, Трейси. Назаримда, кетсак ҳам бўлади, – деди.

Трейсида енгил умидсизланиш кайфияти уйғонди.

– Хўп, қачон?

– Эртага.

Трейси бош ирғади.

– Эрталаб тайёр бўлиб тураман.

Трейси ярим кечагача мижжа қоқмай ётди. Хонада Жефнинг бўлиши ҳар қачондан ҳам хонани тўлдириб тургандек туюларди. Унинг ҳаётидаги унутиб бўлмайдиган давр ниҳоясига етиб бормоқда. У Жеф ётган йиғма каравотга қаради:

– Ухлаяпсанми? – шивирлади Трейси.

– Йўқ...

– Нимани ўйлаяпсан?

– Эртанги кунни. Бу ердан кетишимизни.

– Сени соғинаман, Жеф, – бу сўзлар беихтиёр Трейсининг оғзидан чиқиб кетди. Жеф аста ўрнидан туриб ўтирди ва унга қиё бокди.

– Наҳотки? – сўради у.

– Жудаям.

Бир сонияда Жеф унинг ўрнида ётарди.

– Трейси...

– Ҳеч нарса дема. Мени кучола. Мени ол...

... Туни билан улар ошиқ-маъшуқлардек ётишди...
Тонготарда эҳтирос камайганда Жеф:

– Трейси, менга эрга тег, – дея таклиф қилди.

Трейси бу гапни нотўғри тушунганига ишончи комил эди, бироқ у буни қайта-қайта такрорлади ва Трейси буни бемулоҳаза гап деб тушунди. Бу ҳақда ўйламаслик лозим. Лекин у шивирлаб:

– Хўп, майли! – деди.

Трейси йиғлар, Жеф эса уни маҳкам кучоқлаб олганди. «Энди мен ҳеч қачон ёлғиз қолмайман, – деб ўйларди Трейси. – Биз бир-биримизга керакмиз. Жеф – мен орқиқиб кутаётган эртанги куним».

Мана, тонг отди.

Бироз вақт ўтгач Трейси сўради:

– Жеф, буни қачон сезган эдинг?

– Сени ўша уйда кўрганимда. Ўшанда сени ўлади, деб ўйлагандим. Жинни бўп қолишимга сал қолди.

– Мен эса сени бриллиантларни олиб қочиб кетган, деб ўйлабман, – иқроор бўлди Трейси.

Жеф уни яна бағрига босди.

– Трейси, мен Мадридда қилган ишим пул учун эмасди. Бу мусобақа, чақирув эди. Шу боис ҳам иккаламиз бу ишда қатнашяпмиз, шундай эмасми? Сенинг олдингда иложини қилиб бўлмайдиган вазифа кўйилади. Кейин сен буни ечимини ахтарасан.

Трейси бош ирғаб деди:

– Биламан. Авваллари менга пул керак бўлгани учун қилардим. Кейин яна нимадир кўшилди. Мен омади юришган, ақлли ва маблағларининг фарқига бормайдиган одамлар билан рақобатда бўлишни яхши кўраман. Жар ёқасида яшаш менга ёқади.

Узоқ сукунатдан сўнг Жеф деди:

– Трейси... Агар шу ишларимиздан воз кечсак, нима дердинг?

Трейси унга ҳайрон бўлиб тикилди.

– Воз кечсак? Нима учун?

– Илгари ҳар биримиз алоҳида-алоҳида эдик. Энди ва-зият ўзгарди. Бирон кор-ҳол юз берса мен бардош берол-майман. Нега энди хавф-хатарга йўл қўйишимиз керак? Шунча пулимиз борки ҳаммасини ишлата олишимиз амри маҳол. Нима учун ўзимизни истеъфога чиққан деб ҳисоблай олмаймиз?

– Нима қиламиз унда, Жеф?

Жеф кулимсиради.

– Бирон нарса ўйлаб топармиз.

– Гап жиддий, жоним, бундан кейинги ҳаётимиз қан-дай кечади?

– Бизга ёққанини қилиш билан, жонгинам. Саёҳат қи-ламиз, талабларимизга эрк берамиз. Мени археология ўзига жазб этиб келади. Тунисдаги қазиш ишларини давом эттиришни хоҳлардим. Биз шахсий қазишмала-римизни маблағ билан таъминлар эдик. Жаҳонни кезиб чиқардик.

– Яхши таклиф.

– Унда сен бунга нима дейсан?

Трейси унга узоқ тикилиб турди.

– Агар сен шуни истасанг, – деб шивирлади у мулойим.

Жеф уни маҳкам кучоқлаб деди:

– Полицияга расмий мурожаатнома юборсак қандай бўларкин?

Эртасига Гюнтер Хартог кўнғироқ қилди.

– Аҳволларинг қалай? – деб сўради у.

– Ўзимни жуда яхши ҳис этяпман, – деб ишонтирди

Трейси.

Гюнтер Трейси билан бўлган воқеадан кейин ҳар куни кўнғироқ қилар эди. Трейси ҳозирча унга Жеф ҳақида ҳеч нарса демасликка қарор қилди. У бу янгиликни фақат ўзи учун сақлаб қолишга, синовдан ўтказиб, ардоқлаб юришга жазм қилганди.

- Жеф билан тил топишиб олдингизми?
- Трейси жилмайди.
- Жуда яхши.
- Яна бирга ишлашга рози бўлармидингиз?
- Гюнтер... Ҳм... биз ташладик.
- Бир зумга сукунат чўкди.
- Тушунмадим.
- Жеф билан иккаламиз Жеймс Кагнининг эски киноларигагидек шахсий ҳаёт тарзини кечирмоқчимиз.
- Нима? Ия, нимага?
- Бу – Жефнинг таклифи. Мен ҳам рози бўлдим. Ортиқча хавф-хатарга йўл қўя олмаймиз.
- Борди-ю икки миллионлик ишни мўлжаллаб қўйганман десам-чи, ҳеч қандай хавф-хатарсиз?
- Маза қилиб кулган бўлардим, Гюнтер.
- Гапим жиддий, азизим. Агар Амстердамга етиб келсангизлар, бу... сиз турган жойдан бир соатлик йўл, унда...
- Сен бошқа бировни топишинг лозим бўлади.
- Бу ишни уддасидан чиқадиган бошқа одам йўқ, деб кўрқаман. Балки сен, ҳеч бўлмаса бунинг имконини Жеф билан ўйлашиб кўрарсан?
- Яхши, лекин бунинг фойдаси йўқ.
- Бугун кечқурун яна кўнғироқ қиламан.
- Кечқурун Жеф келганида Трейси бўлган гапни айтиб берди.
- Ахир Гюнтерга айтмадингми, бундан бу ёғига биз қонунга бўйсунамиз деб?
- Айтдим, азизим. Мен унга бошқа бировни топ дедим.
- Лекин у йўқ деди? – фаҳмлади Жеф.
- У фақат сиз кераксиз деб туриб олди. У ҳеч қандай хатар йўқ, биров ҳаракат қилсак, икки миллионлик ҳосил йиғиб олишимиз мумкин, деди.
- У назарда тутаётган нарса Нокс форти каби қўриқланаётган бўлса керак, шундайми?
- Ёки Прадо, – қўшимча қилди Трейси.
- Жеф кулимсираб қўйди.

– Ўшанда жуда қойилмақом ўйланган режа эди, жонгинам. Биласанми, ўшанда мен сени сева бошладим.

– Назаримда, «Пуэрто»ни ўғирлаб кетганингдан кейин сени ёмон кўра бошладим.

– Хўп деявер, – деди Жеф... – сен мени унга қадар ёмон кўрардинг.

– Сен ҳақсан. Лекин ҳар ҳолда Гюнтерга нима деймиз?

– Сен унга бунақа иш билан шуғулланмаймиз энди деб айтиб бўлгансан-ку.

– Унинг ниятини билиб олсак ёмон бўлмасмиди, деб ўйлайман?

– Трейси, биз келишдик-ку...

– Биз барибир Амстердамга бормоқчимиз, шундайми?

– Ҳа, лекин...

– Хўп, модомики, шу ерда эканмиз, унинг даъвосини эшитсак нима бўлади?

Жеф унга шубҳа билан назар ташлади.

– Сен шуни хоҳлайсанми?

– Йўқ албатта! Бироқ ишнинг моҳиятини билиб олсак зарар қилмайди...

Улар эртасига Амстердамга учиб келишди ва «Амстел» меҳмонхонасига жойлашишди. Гюнтер Хартог улар билан учрашиш учун Лондондан учиб келди.

Улар Амстели дарёсида қатнайдиغان «Плаз мотор» катерида тасодифий сайёҳлардек бирга ўтиришга муваффақ бўлишди.

– Турмуш қуришга қарор қилганингиздан хурсандман, – деди Гюнтер. – Самимий табригимни қабул қилгайсизлар.

– Раҳмат, Гюнтер, – Трейси Гюнтернинг сўзлари самимий эканига ишонарди.

– Истеъфога чиқмоқчи бўлганингизга қарши эмасман, бироқ шундай ноёб нарсага дуч келиб қолдимки, уни сизнинг ҳукмингизга ҳавола этмоқчиман.

– Қулоғимиз сенда, – деди Трейси пайсалга солмай.

Гюнтер энгашиб шивирлаб гапира кетди. Охирида:

– Шу ишни бажара олсангиз, икки миллион доллар, – деб кўшиб кўйди.

– Бунинг иложи йўқ, – қатъий эътироз билдирди Жеф. – Трейси...

Лекин Трейси унга кулоқ солмас, хаёлида бу ишни амалга ошириш йўлларини ўйлар эди.

Амстердамдаги полиция маҳкамаси Марних Страст билан Эландсграхт кўчаларининг муюлишидаги беш қаватли ҳашаматли бинога жойлашган. Муниципал полициясини конференц залида мажлис бўляпти. Олтита голланд детективи ва битта чет эллик – Даниэль Купер қатнашмоқда.

Дароз бўйли, гўштдор юзини безаб турган мўйловли инспектор Жун ван Дюрен чаққон, ўз ишини биладиган шаҳар полиция бошлиғи Тун Виллемсга юз ўгириб деди: – Трейси Уитней бугун эрта билан Амстердамга етиб келди, жаноб бош комиссар. Интерполнинг айтишича, Де Бирсни ўғирлаш Трейсининг иши эмиш. Мана, Купер жаноблари бу аёл Голландияга яна бир оғир жиноят содир этиш учун келган дея ҳис эътиптилар.

Бош комиссар Виллемс Куперга юз ўгирди.

– Жаноб Купер, сизда бирон-бир далил-исбот борми?

Даниэль Купер далил-исботга муҳтож эмасди. У Трейси Уитнейни ипидан-игнасиғача яхши билди. Трейси бу ерга уларнинг ночор ақллари бовар қилолмайдиган ишни охирига етказиш учун келгани шубҳасиз. Купер ўзини мажбур этиб хотиржам қилди.

– Далил йўқ. Шунинг учун ҳам уни жиноят устида ушлаш лозим.

– Хўш, бунинг қандай амалга оширишни таклиф этасиз?

– Бу аёлдан биз кўзларимизни узмаслигимиз керак.

«Биз» деган олмошни ишлатилиши комиссарни аччиғини келтирди. У Парижда инспектор Триньян билан Купер ҳақида гаплашган эди. «У ярамас одам, лекин ишнинг кўзини билди. Агар биз унинг сўзига кирганимиз-

да Уитней жиноят устида қўлга олинган бўларди». Тунда Виллемс қарор қабул қилди. Француз полицияси ожизлик қилган жойда Голланд полицияси муваффақият қозониши лозим!

– Жуда яхши. – Хулоса қилди комиссар. – Хоним Голландияга бизнинг полицияни синагани келган бўлсалар, биз у кишининг хизматларига тайёрмиз.

У инспектор Ван Дюренга ўгирилиб деди:

– Ўзингиз лозим кўрган ҳар қандай чорани кўришингиз мумкин.

Амстердам олтита полиция ҳудудига бўлинган. Инспектор Жуп ван Дюреннинг буйруғига кўра, ҳар бир ҳудуд детективлар кузатиш доирасига киради.

– Мен ўша аёлни кечаю кундуз, йигирма тўрт соат мобайнида кузатишингизни истайман. Ундан кўзингизни узманг!

Инспектор ван Дюрен Даниэль Куперга мурожаат этди:

– Хўш, жаноб Купер, кўнглингиз энди тўлдими?

– Йўқ, менинг кўнглим уни қўлга олмагунимизча тўлмайди.

– Оламиз, – дея ишонтирди уни инспектор. – Ҳали кўрасиз, жаноб Купер, бизнинг полициямиз дунёда зўр деб ҳисобланмайди бекорга.

Амстердам – сайёҳлар учун жаннати жой. Шаҳар шамол тегирмонлари ва кўтармалари, тирсиллаб ёрилиб кетган кўҳна бинолари, сузувчи уйлар билан тиқилиб кетган, каналлари билан машҳур шаҳар. Голландияликлар Трейси учратган халқлар орасида энг шинаванда халқ бўлиб чиқди.

– Улар жуда бахтли кўринадилар, – деди Трейси.

– Улар ҳақиқий гул ишқибозлари эканини ҳам унутма.

Трейси кулиб юборди ва Жефнинг қўлидан ушлади. Унинг ёнида бўлиши Трейси учун катта бахтдек туюларди. «Жуда ажойиб инсон». Жеф эса унга қараб: «Мен дунёда энг бахтли одамман», – деб ўйлар эди.

Трейси билан Жеф одатда сайёҳлар шаҳарнинг гавжум бўладиган диққатга сазовор жойларини бориб кўришди. Улар Альберт Кауп Стритдаги очик осмон остидаги бир неча кварталга чўзилиб кетган мева ва сабзавотлар, гул ва кийим-кечак кўйилган ярмаркани томоша қилишди. Сўнгра Зейдер-Зе ва Мадюродамгача кичкина Голландияни акс эттирувчи эски балиқчилар қишлоғига боришди. Гувурлаб ётган Шипхол аэропорти ёнидан ўтишаётганда, Жеф:

– Яқин ўтмишда ҳозир аэропорт жойлашган қуруқликда шимолий денгиз бўлган эди, – деди. – Шипхол, «кемалар қабристон» деган маънони билдиради.

Трейси унга ёпишиб:

– Мен жуда хурсандман, – деди. – Шундай ажойиб йигитни севишимдан фахрланаман.

– Сен ҳали ҳаммасини эшитмадинг. Нидерландларнинг йигирма беш фоизи – қуритилган ерда яшайди. Бутун мамлакат денгиз сатҳидан ўн олти фут пастликда жойлашган.

– Бу кўрқинчли.

– Хавотир олма. Токи бу озчилик халқ дамбалар қуришни билар экан, биз бежавотирмиз.

Трейси билан Жеф қаерда бўлмасин, уларни полиция кузатар ва ҳар куни кечқурун Даниэль Купер маълумотнома билан танишар эди. Бу қоғозлар ҳеч қандай шубҳали маълумот бермаса ҳам унинг шубҳасини бўшаштирмас эди. «Трейси бирон нарсага тайёрланмоқда, – дерди у ўз-ўзига. – Қандайдир катта нарсага. Қизиқ, у таъқиб қилинаётганини билармикан? Уни йўқ қилмоқчи эканимизни билармикан?»

Трейси Уитней ва Жеф Стивенс оддий сайёҳлар эканини бир нечта детективлар тасдиқлашлари мумкин эди.

Инспектор Ван Дюрен Куперга:

– Сиз балки, адашаётгандирсиз? Улар Голландияга вақтичоғлик қилиш учун келган бўлишлари мумкиндир? – деди.

– Йўқ, – деди ўжарлик билан Купер. – Мен адашмаяпман. Уни кузатаверинг.

Куперни, Трейси шу яқин кунларда ўйлаган ишини қилмаса уни назорат қилишларини тўхтатишлари мумкин деган шум ваҳима босарди. Бундай бўлишига йўл қўймаслик лозим. У Трейсини кузатаётган детективларга қўшилди.

Трейси билан Жеф «Амстел»даги кўшни хоналардан жой олишди.

– Бу одат юзасидан, – деди Жеф Трейсига, – лекин мен узоқлашиб кетишингга йўл қўймайман.

– Сўз берасанми?

Жеф ҳар тун эрталабгача Трейси билан қолар ва ярим кечагача ошиқ-маъшуклик лаззатини сурар эдилар.

– Мен энди тушундим, – деди Трейси. – Менинг вужудим нима учун яратилганини. Сенга раҳмат, менинг севикли жоним.

– Барча лаззат – меники.

– Йўқ, фақат ярмиси.

Улар шаҳарни бекорчилардек дайдиб юришар, «Эксельсиор»да ленч ейишди, Индонезиянинг «Боли» ресторанида барча йигирма хил овқатнинг мазасини тотиб кўришди. Жуп ван Дюрен ҳар куни кечқурун маълумот олиб турарди. «Ҳеч қандай шубҳали гап йўқ».

«Сабр, – дерди ўзига ўзи Даниэль Купер. – Сабр-тоқат керак».

Купернинг илтимосига кўра, инспектор ван Дюрен бош комиссар Виллемсдан иккала шубҳаланувчиларнинг хонасига эшиткич аппарат қўйдиришга рухсат сўради. Лекин рухсат ола олмади.

– Шубҳа учун жиддий асосингиз бўлган тақдирда, – дея асослади ўзининг эътирозини бош комиссар, – менга мурожаат этасиз. Ҳозирча эса Голландияни сайр этиб, айбдор деб ҳисоблаётган одамларни зимдан эшитишга рухсат беролмайман.

Суҳбат жума куни бўлди. Душанба куни эрта билан Трейси ва Жеф Амстердамнинг Паулас Поттер Страатдаги олмос марказига боришди. Даниэль Купер назорат қилувчилар гуруҳига аъзо эди. Олмос қирралаш фабрикасида сайёҳлар кўп. Инглиз тилида гапирадиган гид сайёҳларни олмос қирралашнинг ҳар бир жараёнини тушунтириб фабрика бўйлаб олиб юрар, экскурсиянинг сўнгида уларни каттакон кўргазма залига олиб кирди. У ерда сотилиш учун хилма-хил олмослар кўргазмага қўйилганди. Бу албатта сайёҳларни фабрикада айлантириб юришнинг энг асосий сабаби эди. Залнинг марказида ҳаммага кўз-кўз қилиш учун каттакон тахта курсига Трейси умрида кўрмаган энг ажойиб олмос қўйилган эди.

Гид ғурур билан эълон қилди:

– Леди ва жентльменлар, бу ерда ҳаммага машҳур «Лукуллов» олмоси сақланади. Бир куни буни театр актёри ўз хотини – кино юлдузи учун сотиб олган эди. Ўшанда бу олмоснинг нархи ўн миллион доллар эди. У дунёдаги энг гўзал ва ноёб олмослардан бири.

– Бу ўғрилар учун ем бўлиб ҳам хизмат қилади, – деди Жеф овозини чиқариб. Даниэль Купер уни яхшироқ эшитиш учун олдинга сирғалиб чиқди. Гид кўнгилчан жилмайди.

– Йўқ, жаноб, – деди-да, атрофда турган қуролли соқчиларга имлаб қўйди. – Бу тош Лондон Тауэридаги қимматбаҳо тошлардан кўра пухтароқ кўриқланади. Агар бирон киши кўргазма шишасига қўл теккизса – сирена жинг этади ва барча чиқиш жойлари ўраб олинади. Тун пайтлари нурлар ишга тушади, хонага биронта одам кирса полиция маҳкамасида ҳам сирена чалинади.

Жеф Трейсига қараб:

– Бу олмосни ҳеч қачон ҳеч ким ўғирлаб кетмасов, деб ўйлайман, – деди.

Купер детективлардан бири билан имо қоқишди. Ўша куниёқ инспектор ван Дюренга суҳбат ҳақида маълумотнома топширилди.

Трейси ва Жеф эртасига давлат музейини бориб кўришди. Жеф кираверишда музейнинг режа-кўрсатмасини сотиб олди, кейин улар бош зал орқали Шухрат галлерейасига ўтишди. У ерда Фра Анжелико, Мурильо, Рубенс, Ван Дейк ва Тьепололарнинг тасвирлари осилган эди. Ҳар бир тасвир олдидан шошилмай тўхтаб ўтишди ва Рембрандтнинг машҳур тасвирлари осилган «Тунги кўрик» залига ўтишди. Ўша ерда тўхташди. Уларни кузатиб турган ёқимтой биринчи рангдаги констебель Фиен Хаудер ўзича «Ё тавба» деб қўйди.

«Капитан Франс Банинг ва лейтенант Виллем ван Раутенбург» тасвирида ёрқин мундирлик капитан бошчилигида қоровуллик вазифасини адо этишга тайёр солдатлар гуруҳи акс этган. Тасвир атрофи духобали ўрама арқон билан ўралган, ёнида эса соқчи турар эди.

– Ишониш қийину, – деди Жеф, – лекин шу тасвир учун Рембрандтни савалашган эди.

– Нима учун? Ажойиб тасвир-ку.

– Унинг хўжайини – тасвирдаги капитанга рассом ўзидан ташқари яна бошқа шахсларни чизгани ёқмаган. – Жеф соқчига мурожаат этди: – Яхши ҳимоя қилинган бўлса керак-а?

– Албатта! Бу музейдан бирон нарса ўғирлашни истаб қолган одамни ўша заҳотиёқ кўзга кўринмас электрон нурлари кўрсатади ва соқчи итлар билан қоровуллар ушлаб қолади.

Жеф хотиржам илжайиб қўйди.

– Ўйлашимча, бу тасвир шу ерда мангу қолиб кетади, – деди.

Сал кечроқ бу сўзларни ван Дюренга етказишди.

– «Тунги кўрик»! – дея хитоб қилди у. – Йўқ, бу бўлиши мумкин эмас.

Даниэль Купер унга қараб ҳайрон бўлганча кўзларини қисиб қўйди.

Амстердамнинг музокаралар марказида ўша кунлари филателистларнинг учрашуви ўтмоқда эди. Трейси би-

лан Жеф биринчи қатнашчилардан бўлишди. Холл жуда қаттиқ кўриқланар эди, чунки кўп маркалар бебаҳо эди. Купер билан бир детектив икковини ноёб маркалар олдидан ўтиб боришини кузатиб турардилар. Жеф олти бурчакли кўримсиз «Британия Гвианаси» маркаси олдида тўхтади.

– Жуда хунук марка эканми? – деди Трейси.

– Кўпам талабчан бўлмагин, жоним. Бу – дунёда шу тоифадаги яккаю ягона марка.

– Нархи қанча баҳоланади?

– Миллион доллар.

Хизматчи бош ирғади.

– Жуда тўғри, сэр. Кўпчилик бунинг қадрига етмайди. Лекин, сезишимча, сиз ҳам менга ўхшаб маркаларни яхши кўрар экансиз. Уларда дунё тарихи акс этган.

Трейси ва Жеф навбатдаги кўргазмага ўтишди. У ерда тескари учаётган самолётларни акс эттирувчи «Тескари учирилган Женни» маркасини кўришди.

– Бу қизиқ марка эканми? – деб сўради Трейси. Кўргазмани кўриқлаб турган хизматчи деди:

– Унинг нархи...

– Етмиш беш минг доллар, – деб унинг гапини бўлди Жеф.

– Ҳа, сэр, худди шунча.

Улар «Гавойа чопари» маркаси олдига боришди.

– Бу чорак миллион доллар туради, – деб ахборот берди Жеф Трейсига.

Купер оломон билан аралашиб кетгани учун энди уларни жуда яқин масофадан кузатар эди. Жеф бошқа маркани кўрсатди.

– Манави эса жуда ноёб марка. Майда гулли, Маврикиянинг почта идорасига қарашли. «Почта харажатлари» дейиш ўрнига қандайдир орзуманд хаёлпараст наққош «почта идораси» деб ёзиб кўйибди. Ҳозир бу анча пул туради.

– Буларнинг бари жуда кичкина ва ҳимоясиздек кўри-нади, – овоз чиқариб мулоҳаза юритди Трейси, – ахир бу ердан олиб чиқиб кетиш осон-ку.

Кўргазма ёнида турган соқчи кулимсиради.

– Ўғри узоққа қочиб қутула олмайди, мисс. Барча кўргазмаларга электрон ҳимоя уланган, қуролли соқчилар маркази кечасию кундузи буларнинг ҳимоясини таъминлаб туради.

– Бу кўнгилни хотиржам қиларкан, – деди жиддий равишда Жеф. – Ҳозирги кунимизда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилмоқ зарур, шундайми?

Даниэль Купер ва инспектор Жуп ван Дюрен ўша кунини бош комиссар Виллемс ҳузурига киришди. Ван Дюрен унинг столига маълумотнома кўйиб, кутиб турди.

– Бунда аниқ бир нарса йўқ, – ўйлаб туриб деди бош комиссар, – лекин мен сизларнинг шубҳаланувчиларингиз бирон мўмай ишни искаб юришганини фараз қилишим мумкин. Яхши, инспектор. Боринг. Сиз меҳмонхонадаги уларнинг хоналарига эшитадиган мослама ўрнатиш учун расмий рухсатнома оласиз. – Даниэль Купер қувониб кетди. Трейси Уитней энди бир ўзи холи қола олмайди. Шу дамдан эътиборан Купер унинг хаёли, гаплари ва ишларидан хабардор бўлиб туради. У Трейси билан Жефни ўринда ётишларини кўз олдига келтириб, Трейсининг ички кийимларини ҳис этган дамани эслади. Саси майин ҳам ширадор эди. Купер ўша кунини черковга борди. Трейси ва Жеф меҳмонхонадан овқатланиш учун чиқиб кетишганида полиция мутахассислари уларнинг хоналарига жуда кичкина-кичкина микрофонларни ўрната бошладилар, уларни тасвир орқасига, лампа ичига, пардоз столи остига ҳам яширишди. Жуп ван Дюрен уларнинг хонаси устидаги қаватдан жой эгаллади. Техник эса у ерга антеннали рация ўрнатиб, уни магнитофонга улаб қўйди.

– Магнитофон овозни баланд қилиб ёзиб олади, меҳмонхонада бўлишингиз шарт эмас. Биронтаси гап бош-

ласа бу мослама автоматик равишда ёза бошлайди, – деб тушунтирди техник.

Лекин Даниэль Купер нима бўлганда ҳам шу хонада бўлишни ихтиёр қилди. Шу ерда бўлиши шарт. Худонинг хоҳиши шу.

19

Эртасига эрталаб Даниэль Купер инспектор Жуп ван Дюрен ва унинг ёш ёрдамчиси констебл хонада Жеф ва Трейси суҳбатини тинглаб ўтиришарди.

– Яна кофеми? – Жефнинг овози эшитилди.

– Йўқ, раҳмат, азизим, – бу Трейсининг овози. – Манави портъе юборган пишлоқдан еб кўргин, жуда яхши нарса экан.

Орага бир дақиқа жимлик чўкди.

– Ҳа... жуда зўр экан. Трейси, бугун нима қилмоқчисан? Роттердамга борсак бўларди.

– Шу ерда қолиб дам олиб ётсак яхши эмасми?

– Яхши таклиф.

Даниэль Купер «дам олиш» дейишаётганда нимани назарда тутишаётганини яхши биларди, у лабларини тишлади.

– Қиролича етимлар учун етимхонани тантанали вазиятда очди.

– Жуда соз, менинг билишимча, голландияликлар дунёда энг меҳмондўст ва кўли очик одамлар экан. Улар бутга сиғинишади. Ҳеч қандай қоида ва кўрсатмаларни тан олишмайди.

Кулиб кўйишди.

– Албатта. Шунинг учун ҳам улар иккаламизга ёқишади-да.

Ошиқ-маъшуқларнинг тонгги суҳбатлари шу тарзда ўтди. «Бир-бирлари билан жуда эркин гаплашиб, ўзларини бемалол тутишяпти, – хаёлидан ўтказди Купер. – Лекин Трейси буларнинг ҳаммасига ҳали ҳақ тўлайди».

– Олижаноблик ҳақида гапиряпмизу, лекин топ-чи, меҳмонхонага ким келди? Тутқич бермас Максимилиан Пьерпонт. Мен уни «Қиролича Елизавета II да кўздан қочирганман.

– Мен эса уни Шарқий экспрессда йўқотдим.

– У бу ерга балки бошқа бир компанияни ўмариш учун келгандир. Мана энди уни яна топдик, Трейси, уни бирон нарса қилиш керак. Шу ердалигидан фойдаланишимиз лозим.

Трейси қиқирлаб кулиб юборди.

– Яна қайтадан бунга рози бўлолмайман, азизим.

– Мен биламанки, бизнинг дўстимиз ўзи билан маданий бойликнинг бебаҳо далилларини олиб юради. Менда бир ғоя туғилди...

Бошқа аёл овози эшитилди:

– Салом, жаноб, салом, хоним, хонангизни тозалаб олсам қарши эмасмисизлар?

Ван Дюрен констебл Виткампа ўгирилиб деди:

– Максимилиан Пьерпонт орқасидан одам қўйиш керак. Уитней ва Стивенс у билан дарҳол алоқани тиклайди. Мен ҳамма нарсадан хабардор бўлиб туришим лозим.

Инспектор ван Дюрен бош комиссар Тун Виллемсга ахборот берди:

– Жаноб бош комиссар, улар истаган объектларини ўзлари учун мўлжаллаб қўйган бўлишлари мумкин. Улар Максимилиан Пьерпонт исмли америкалик бадавлат одамга жудаям қизиқишяпти, улар яна филателия конвенциясининг кўрғазмасини бориб кўришди, олмос йўниш фабрикасида ҳам бўлишди ва «Тунги дарбон» тасвири олдида икки соат вақтларини ўтказишди...

– «Тунги дарбон» тасвирини ўғирлаш? Бу мумкин эмас!

Бош комиссар стул суянчиғига ястаниб олди-да, ўз ўзига савол берди: ўзи ҳам қимматли вақтини бекорга сарфлаб, одамларини бекорга овора қилмаяптимикиан? Ҳаддан зиёд фаразлар кўпу, лекин фактлар етишмайди.

– Бундан чиқди, шу дамгача сиз уларнинг қайси объектни танлаганларини билмайсиз, а?

– Йўқ, жаноб бош комиссар. Улар бу масалани ҳал этишганига ишончим комил эмас. Бироқ, улар иш бош-лашлари биланоқ бизга хабар беришади.

Виллемс қовоғини солди.

– Сизга хабар беришадими?

– Эшитадиган мослама, – деб тушунтирди ван Дюрен.
– Уларни эшитиб туришимизни билишмайди.

Полиция эртаси эрта билан соат роппа-роса тўққиз-да оламшумул янгилик очди. Трейси ва Жеф Трейсининг хонасида нонушта қилиб бўлишмоқда эдилар. Эшитила-диган постда Даниэль Купер ва констебл Виткамп ўти-ришарди. Улар кофенинг қуйилишини эшитдилар.

– Манави қизиқ мақола экан. Дўстимиз ҳақ бўлиб чиқ-ди. Мана эшит: «Амро бэнк беш миллион долларлик қуй-ма олтинларни Голландиянинг Ҳиндистон яримороли-нинг ғарбий қисмига жўнатяпти».

Констебл Виткамп гап бошлади:

– Иложи йўқ...

– Жим!

– Қизиқ, – Трейсининг овози. – Беш миллионлик ол-тин куйманинг оғирлиги қанча бўларкин?

– Сенга аниғини айтиб беришим мумкин, азизим. Бир минг олти юз етмиш икки фунт – бу олтмиш еттига яқин олтин куйма дегани. Лекин энг қизиғи шу ердаки, ол-тинларни яширин ҳолатда эритиб юборсалар, ҳеч ким-ники бўлмай қолади. Голландиядан олиб чиқиб кетиш осон иш эмас, албатта.

– Ҳатто бунинг йўлини топсак ҳам, банкдан олтинни қандай қилиб олиб чиқамиз? Шундоқ банкка кириб олиб кетаверамизми?

– Шунга ўхшаганроқ.

– Ҳазиллашяпсанми?

– Пулнинг шундай эквиваленти ҳақида гап борган-да мен ҳеч қачон ҳазил қилмайман. Трейси, Амро банки ёнидан ўтатуриб бир қараб кўйсак ёмон бўлмасди.

– Нималарни ўйлаб кўйдинг?

– Ҳаммасини йўлда айтиб бераман.

Ёпилган эшик овози эшитилдию товушлар тинди.

Инспектор ван Дюрен жаҳл билан мўйловларини буради.

– Йўқ, бу олтинларга кўз тикишлари мумкин эмас. Сигнализация тизимини ўзим тасдиқлаганман.

– Агар банкнинг бу тизимида жиндек бўлса ҳам камчилик бўлса, Трейси уни топади, – деди қатъий равишда Даниэль Купер.

Ванд Дюрен ўзининг жиззакилигини босишдан бошқа иложи қолмади. Бу ғалати америкалик шу ерда пайдо бўлиши билан унинг нафратини кўзиганди. Айниқса, Куперга худо берган устунлик ҳиссини Дюрен ёқтирмас эди. Бироқ ван Дюрен суяк-суякларигача полициячи бўлгани учун бу сафсатабоз кичкина одамга ёрдам бериш ҳақида буюргани табиий ҳол эди.

Инспектор Виткампа ўгирилиб деди:

– Кузатув доирасини кенгайтиришингизни истайман. Қозироқ. Улар иши доирасидаги алоқадор барча шахсларни суратга олишни ва суриштиришингизни талаб қиламан. Тушунарлими?

– Ҳа, инспектор.

– Жуда эҳтиёткор бўлишингиз шарт, огоҳлантириб қўяй. Улар орқаларидан кузатув бўлаётганини билмасликлари керак.

– Ҳўп, инспектор.

Ван Дюрен Куперга қаради.

– Мана шу. Сизни қониқтирадими?

Купер жавоб беришни лозим топмади.

Трейси билан Жеф кейинги беш кун давомида ван Дюреннинг одамларини қаттиқ ишлашга мажбур қилдилар. Даниэль Купер эса ахборотлар тўпламини синчковлаб ўрганар эди. Тунда бошқа детективлар эшитиш постидан кетишса ҳам Купер шошилмасди. У пастдан эшитилаётган муҳаббат ҳақидаги суҳбатларини тинглаб ўтирар, у Трейсининг зорланишларини эшитар экан, «воқеа» миясида ўз аксини топар эди.

– Во-ҳа-ҳа жоним, ҳа-ҳа... Вой Худойим-ей, чидай олмаяпман. Шундай яхшики. Ҳозир, о, ҳозир...

Сўнгра узоқ титроқли хўрсинишдан кейин юмшоқ сукунат чўкарди.

«Яқинда меники бўласан, – хаёл сурди Купер. – Бошқа ҳеч ким сенга эгалик қилолмайди».

Куни билан Трейси ва Жеф бўлак юришди ва қаерга боришмасин орқаларидан кузатиб юришди. Жеф Лейдсеплейн ёнидаги босмахонага кирди. Икки детектив уни чоп этувчи билан жиддий суҳбатлашаётганидан кўзларини узмай кузатди. Жеф кетиши билан детективлардан бири унинг кетига тушди. Иккинчиси босмахонага кириб ўз ҳужжатини кўрсатиб, деди:

– Ҳозиргина бу ердан чиқиб кетган одам нима деди?

– Унинг ташрифномалари тугаган экан. Яна озгина чоп этиб беришимизни илтимос қилди.

– Қани, кўрсатинг-чи.

Ҳарф терувчи унга қўлда ёзилган нусхани кўрсатди.

«Амстердам хавфсизлик хизмати.

Корнелиус Уилсон, катта терговчи».

Эртасига биринчи рангли констебль Фиен Хауэр Трейси чиқиб кетгач Лейдсеплейн кўчасидаги зоодўконга кирди ва ҳужжатни кўрсатди.

– Ҳозир чиқиб кетган жувон нима харид қилди?

– У олтин балиқчали аквариум, иккита тўтиқуш ва битта каптар сотиб олди.

– Ғалати харажат. Каптар дедингизми? Оддий каптарни назарда тутяпсизми?

– Ҳа, лекин зоодўкон уларни сотмайди. Жувонга биттасини топиб берамиз, дедим.

– Кушларни қаерга юборасиз?

– Жувон турган «Амстель» меҳмонхонасига.

Жеф шаҳарнинг бошқа бурчагида Амро банк вице-президенти билан суҳбатлашарди. Улар ўттиз дақиқа яккама-якка қолишди. Жеф банкдан чиқиб кетганидан кейин бошқарувчининг ҳузурига кирди.

– Ҳозиргина шу ердан бир эркак чиқиб кетди. Илтимос, айтинг-чи, нима юмуш билан келган экан?

– Мистер Уилсон. У ҳимоя тизимлари компаниясининг бош терговчиси, бизнинг банк уларнинг хизматидан фойдаланади. Улар сигнал тизимининг ишга яроқлигини текширишади.

– У мавжуд бўлган хавфсизлик чораларини муҳокама қилишни сиздан илтимос қилдими?

– Ҳа, нима эди? Тўғриси айтсам, ўзи илтимос қилди.

– Сиз унга айтиб бердингиз-а?

– Албатта. Бироқ ҳар эҳтимолга қарши, эҳтиёт чорасини кўрай деб, ҳужжатларининг тўғрилигини билиш учун кўнғироқ қилдим.

– Кимга кўнғироқ қилдингиз?

– Хавфсизлик хизматига. Ташрифномасида телефон рақамлари ёзилган экан.

Ўша куни соат ўн бешу нол-нолда бронлашган юк машинаси Амро банк олдига келиб тўхтади. Жеф кўчанинг нариги бетида туриб юк машинани суратга олди, ундан бир неча қадам наридан эса детектив Жефни суратга олди.

Полиция маҳкамасида инспектор ван Дюрен апил-тапил терилган ашёвий далилларни бош комиссар Виллемс олдига ёйиб қўйди.

– Буларнинг ҳаммаси нимани билдиради? – деб сўради бош комиссар ингичка қуруқ овозда.

Даниэль Купер гап бошлади:

– У қандай режа тузаётганини мен айтиб бераман, – унинг овози ниҳоятда жиддий эди. – Трейси олтин ортилган юкка ҳужум қилмоқчи.

Йиғилганларнинг барчаси унга диққат билан қарашди. Комиссар Виллемс эса:

– Сиз, назаримда, бу мўъжизани қандай адо этмоқчи эканини ҳам билсангиз керак? – деди истехзо билан.

– Ҳа.

Купер бошқалар билмайдиган нарсани билар эди. У Трейси Уитнейнинг қалбини, ички дунёсини ва ақл-заковатини биларди. У ўзини Трейсининг ўрнига қўйиб

кўрди, чунки шу билан унинг ўй-хаёлини, режасини... Купер унинг ҳар бир қадамини олдиндан сезиб турар эди.

– Сохта юк машинасидан фойдаланиб, ҳақиқийсидан олдин банкка бориб, унинг келишини кузатади-да, қўймаларни олиб жўнайди.

– Бу ҳақиқатдан йироқ далил, мистер Купер.

Гапга инспектор ван Дюрен аралашди.

– Мен уларнинг қандай режа тузишганини билмайману, лекин ниманидир ўйлаб қўйишган. Биз уларнинг овозини тасмага ёзиб олганмиз.

Даниэль Купер ўзи эшитган тунги товушларни эслади. Трейси худди қанжиқ итдек эди. Майли, майли... Қамаб қўйган жойларида унга ҳеч қандай эркак тега олмайди.

Инспектор давом этди:

– Улар банк сигнал тизимининг ишлаш усулини ўрганишган. Улар бронли юк машинаси қай вақтда олтин қўймаларни олиб кетишини билишади ва...

Бош комиссар олдида ётган маълумотномани ўрганиб, деди:

– Тўтиқуш, каптар, олтин балиқчалар... Сиз шуларни ўғирлашга алоқаси бор деб ўйлайсизларми?

– Йўқ, – деб ишонтирди ван Дюрен.

– Бор, – эътироз билдирди Купер.

Биринчи даражали констебль Физн Хауэр денгиз тўлқини рангидаги синтетик костюм кийиб Трейси орқасидан Принсенгарт кўпригидан каналнинг нариги томонига борди ва Трейсининг телефон хужрасига кириб кетганини кўриб ҳафсаласи пир бўлиб қараб турди. Гапни эшитса ҳам констебль ҳеч нарсани тушунмаган бўларди.

Лондондан Гюнтер Хартог гапирарди.

– Биз Маргога ишонсак бўлади, лекин унга энг камида икки ҳафтадан зиёдроқ муддат керак бўлади. – У бир сония жим бўлиб қолди ва давом этди: – Мен тушуниб турибман. Ҳаммаси шай бўлганида сен билан боғланаман. Эҳтиёт бўл. Жефга салом айт.

Трейси гўшакни кўйиб, телефон хужрадан чиқди. Телефондан фойдаланиш учун денгиз тўлқинлари рангидаги костюмда турган аёлга дўстона бош ирғаб кўйди.

Эртасига эрта билан соат ўн бирда детектив инспектор ван Дюренга ахборот берди:

– Мен юк машиналарини ижарага берадиган компаниядаман. Жеф Стивенс ҳозиргина улардан ижарага юк машина олди.

– Қайси русумлисидан?

– Бронланган, инспектор.

– Уни ўлчанг. Кутиб тураман.

Бир неча дақиқадан кейин детектив яна кўнғироқ қилди.

– Ўлчамини ёзиб олдим. Юк машина...

Инспектор ван Дюрен қайтарди.

– Поғонали фургон, узунлиги йигирма фут, эни етти фут, баландлиги олти фут, икки бурунли.

Орага қизиқ сукут чўкди.

– Ранги қанақа?

– Ҳаво ранг.

– Стивенснинг ким кузатяпти?

– Жекобс.

– Яхши. Ахборот бериб туринг.

Жуп ван Дюрен гўшакни кўйди ва Даниэль Куперга қаради.

– Сиз ҳақ чиқдингиз. Фақат ҳаво ранг экан.

– Уни қайта бўяшга устахонага олиб боради.

Устахона Дамреждаги гаражда жойлашган. Икки эркак юк машинасига қизғиш товланадиган кулранг бўёқ сепишмоқда, унгача Жеф ёнларида турди. Детективлар яширин дераза орқали уларнинг суратларини олишди. Бир соатдан сўнг суратлар ван Дюреннинг столида ётарди. Инспектор уларни Даниэль Купер олдига суриб кўйди.

– У машинани ҳақиқий бронлашган юк машинасининг рангига бўятди. Биз ҳозироқ уни тортиб олиб кўйишимиз мумкин, сиз биласиз.

– Қайси айблов билан? Бир неча сохта ташрифнома-лар, қайта бўялган машина учунми? Айб қўйилиши мумкин бўлган биргина йўли – уларни қўйма олтинларни олишаётган вақтда қўлга олиш.

«Бу кичкина арбоб ўзини худди департаментни бошқараётгандек тутади-я! Кейин нима қилади?»

Купер суратларни синчиклаб ўрганди.

– Бу машина олтин оғирлигини кўтара олмайди. Улар кўпригини алмаштиришга мажбур бўладилар.

Мюдер Страатдаги кичкина алоҳида гараж.

– Хайрли тонг, жаноб. Хизмат?

– Мен шу машинада темир-терсак ташимоқчиман, – деб тушунтирди Жеф, – лекин бунинг кўприклари етарли даражада мустаҳкам эканига шубҳа қиляпман. Ундан ташқари, остки қисмини темир бандлар билан мустаҳкамламоқчиман. Шунини ясаб берасизми?

Механик машинани айланиб чиқди.

– Гап йўқ.

– Яхши.

– Жума кунигача тайёр бўлади.

– Мен уни эртага олиш ниятидаман.

– Эртага? Йўқ. Мен...

– Икки баробар қилиб тўлайман.

– Фақат сешанбада.

– Эртага. Нархини уч баробар тўлайман.

Механик ўйланган ҳолда иягини қашлади.

– Қайси вақтда?

– Пешинда.

– Окей.

Жеф гараждан чиқиб кетганидан бир дақиқадан кейин детектив механикни сўроқ қиларди.

Ўша кунини эрта билан Трейсига қўйилган бир гуруҳ кузатувчилар уни Оуд Шанс канали олдида баржа эгаси билан суҳбат қилаётганини кузатиб туришди. Трейси кетганидан кейин детективлардан бири баржага тушиб келди. У қорағат шаробини култ-култ ютаётган баржа эгасига ўзини таништирди ва:

– Бу ёш хоним нима учун келган экан?

– У эри билан каналлар бўйлаб саёҳат қилишмоқчи экан. Хоним менинг баржамни бир ҳафтага ижарага олди.

– Қайси кундан бошлаб?

– Жума кунидан. Бу жуда ажойиб ҳордиқ чиқариш-да. Агар сиз хотинингиз билан қизиқсангиз...

Детектив жўнаб қолди.

Трейси зоодўконда буюрган каптарни қафасга солиб меҳмонхонага – унинг хонасига келтириб беришди.

Даниэль Купер зоодўконга қайтиб борди ва хўжайиндан сўради.

– Унга қанақа каптар юбордингиз?

– О, биласизми, энг оддий каптар.

– Уй каптари эмаслигига ишончингиз комилми?

– Йўғ-е, – ҳиринглади у. – Мен уни уй каптари эмаслигини жуда яхши биламан, чунки уни ўтган тунда Вондел-паркдан тутиб олдим.

Минг фунт оддий каптарга-я? Сабаб? Даниэль Купер шуни билгиси келарди.

Беш кундан кейин қўйма олтинлар Амро банкига олиб борилиши лозим. Инспектор Жуп ван Дюреннинг столи устида бир даста суратлар йиғилиб қолган.

«Ҳар бир сурат – уни қопқонга илинтирадиган занжирдаги биттадан ҳалқа», – хаёлидан ўтказди Даниэль Купер. Амстердам полициясида тасаввур йўқ. Шу боис Купер уларга фаросат нима эканини тушунтириб қўйиши керак. Жиноятчи олиб бориладиган ҳар бир қадам суратга олинган ва ҳужжат билан тасдиқланган. Трейси Уитней одил суддан қутула олмайди.

«Унинг жазоланиши гуноҳимнинг ювилиши бўлади».

Чошгоҳда Жеф қайта бўялган машинани Амстердамнинг эски қисмида ижарага олган кичкина гаражга олиб бориб қўйди. Гаражда бундан ташқари устига «Эҳтиёт қисмлар» ёзувли ёғоч яшиклар ҳам бор эди. Яшикларнинг суратлари ҳам ван Дюреннинг столига тушди, шу пайтда у сўнгги овозёзувни тинглаётган эди.

Жефнинг овози:

– Юк машинасини банкдан баржага олиб кетаётганинда, энг юқори тезликда ҳайда. Йўлга қанча вақт кетишини билиб олишим керак. Мана, сенга секундомер.

– Ия, мен билан бормайсанми, жоним?

– Йўқ. Мен банд бўламан.

– Монти масаласи-чи?

– У сешанба тунда етиб келади.

– Монти ким бўлди? – деб сўради инспектор ван Дюрен.

– Афтидан, бу одам иккинчи соқчининг ролини ўйнаса керак, – тахмин қилди Купер. – Уларга мундирлар керак бўлади.

Кийим-кечак дўкони Хуфт Страатдаги савдо марказида жойлашган эди.

– Менга маскарад учун иккита полиция мундири керак, – деди Жеф Клеркка. – Кўргазмадаги осиб қўйганингизга ўхшаган бўлсин.

Инспектор ван Дюрен бир соатдан кейин соқчилар кийимларининг суратини қараб ўтирарди.

– У клеркка иккита шунақасидан буюрди, сешанба куни олиб кетади.

Иккинчи мундир кўринишдан Жеф Стивенсга нисбатан гавдали одамга мўлжалланган бўлса керак. Инспектор ҳисоблаб чиқди:

– Дўстимиз Монтининг бўйи олти футча келади, оғирлиги ўн беш стоун атрофида. Биз Интерполдан бу маълумотларни ўзларининг компьютерида ишлаб чиқишларини сўрадим. Шахсни аниқлаш учун...

Жеф ижарага олган хусусий гаражда юк машинанинг томига чиқиб олди, Трейси эса рулда ўтирарди.

– Тайёрмисан? – бақирди Жеф. – Вақт бўлди!

Трейси тахтачадаги кичкина тугмачани босди. Юк машинасининг икки ёнидан каттакон холст осилиб тушди, унда «ХЕЙНЕКЕН – Голландия ПИВОСИ» деган ёзув пайдо бўлди.

– Ишляпти! – чапак чалиб юборди Жеф.

– Пиво Хейнекен? Бўлиши мумкин эмас. – Ван Дюрен хонасида тўпланган детективларга бир-бир қараб чикди.

Даниэль Купер хонанинг бир четида сукут сақлаб ўтирарди. Купернинг назарида, бугунги бўлаётган гаплар вақтни бекор ўтказишдан бошқа нарса эмасдек туюларди. У Трейси Уитней билан ошиғининг ҳар бир қадамини олдиндан ҳис эта бошлаганидан бери орзиқиб кутадиган бўлиб қолди. Улар қопқонга тушишди, қопқон уларнинг орқаларидан ёпилди. Детективлар кабинетда ҳис-ҳаяжонлари ортиб боришар экан, Куперда ўзини енгил тортаётгандек ғалати ҳиссиёт сезар эди.

– Барча далиллар бир нуқтада бирлашмоқда, – деди инспектор ван Дюрен. – Шубҳаланувчилар ҳақиқий юк машинаси банкнинг олдида қачон пайдо бўлишини билдилар. Улар ўзларини соқчилардек кўрсатиб, ярим соат илгари етиб боришади. Ҳақиқий машина келган пайтида жўнашади, – ван Дюрен бронмашинанинг суратини кўрсатди. – Улар банкдан шу кўринишда кетишади ва бир даҳа юриб, бирон-бир кўчада юк машина мана-ви кўринишга эга бўлиб қолади. – У «Пиво ХЕЙНЕКЕН» ёзувли машинани кўрсатди.

Хона бурчагида ўтирган детектив ўз фикрини изҳор этди:

– Инспектор, улар тиллани мамлакатдан қандай қилиб олиб чиқиб кетишмоқчи эканлиги сизга маълумми?

Ван Дюрен Трейсининг баржага кираётган суратига ишора қилди.

– Дастлаб баржада. Голландияда нима кўп, ҳар хил сув йўллари, дарёлари. Билинтирмасдан ўтиб кетиш мумкин, – у канал соҳили бўйлаб кетиб бораётган юк машинасини кўрсатди. Банкдан баржагача бўлган йўлни ҳар сониясини ҳисоблаб чиқишмоқда. Олтинни баржага ортиш учун кўп вақт кетади, лекин шундай бўлса ҳам, бирон қандайдир шубҳали ғимир-ғимирни сезгунча улар йўлга тушган бўладилар. – Ван Дюрен деворга осиглиқ энг сўнгги сурат

олдига борди. – Икки кун аввал Жеф Стивенс кейинги ҳафтада Роттердамдан жўнайдиган «Оресте» кемасидан юк жойи эгаллаб қўйди. Юк эҳтиёт қисмларидек рўйхатга олинган, борадиган жойи – Гонконг.

У юзини ўгирди ва хонада ўтирганлар кўзига тикилди.

– Гап бундай, жентльменлар. Биз уларнинг режаларига кичкина ўзгартириш киритамиз. Биз уларга олтин қўймаларини банкдан олиб чиқиб юк машинасига ортишларигача имкон берамиз, – деб у Даниэль Куперга қараб жилмайди: – Жиноят устида. Бу ақллиларни жиноят устида ушлаймиз.

Детектив Трейсининг орқасидан Америкэн экспресс офисгача борди. Офисдан унча катта бўлмаган посилкани олиб, шу заҳотиёқ меҳмонхонага қайтди.

– Посилкада нима борлигини билиш имкони бўлмаяпти, – деди инспектор ва Дюрен Куперга. – Биз уларнинг хоналарини кетишганидан кейиноқ тинтиб кўрдик. Ҳеч қандай янги нарса топилмади.

Интерпол компютери дароз Монти ҳақида бирон-бир хабар беришга ожизлик қилди.

Сешанба куни ярим кечага яқин «Амстель»даги тепадаги хонада Даниэль Купер, инспектор ван Дюрен ва констебль Виткамп овоз эшитиб ўтиришарди.

Жефнинг овози:

– Агар соқчилар боришидан ўттиз минут илгари етиб боролсак, олтинни ортиб жўнаб кетиш учун вақт бемалол етиб ортарди. Ҳақиқий юк машинаси етиб боргунча биз олтинни баржага ортиб бўламиз.

Трейсининг овози:

– Механик машинани техник кўрикдан ўтказди ва бензин қуйди. Машина тайёр.

Констебль Виткамп сабри етмай:

– Улардан ҳайратланса арзийди. Улар бахтли тасодифга ишониб ўтиришмайди, – деб юборди.

– Эртами-кечми, барибир хатога йўл қўйишади, – деди унинг гапини бўлиб Ван Дюрен. Даниэль Купер индамай эшитиб ўтирарди.

– Трейси, бу ишимиз битганидан кейин, мен таклиф этган қазилма ишларини бошлаб юборишга қандай қарайсан?

– Тунисдами? Жуда гўзал таклиф.

– Яхши. Мен чорасини кўриб қўяман. Бундан бу ёғига фақат дам оламиз ва ҳаёт лаззатини сурамиз.

Инспектор Дюрен тўнғиллади.

– Ишончим комилки, яқин йигирма йил ичида уларга бошқа шароит ғамхўрлик кўрсатади, – у ўрнидан туриб керишди. – Хўш, энди бориб ухласак ҳам бўлади. Ҳамма иш эртага соат ўнга тайинланган, мазза қилиб ухлаб олишимиз мумкин.

Амстердам,

жума, 11 август, соат 8.00.

Даниэль Купер ва иккита детектив эшитиб турадиган хонада Жеф билан Трейсининг суҳбатларини тинглаб ўтиришарди.

– Ширин нон ейсанми, Жеф? Қаҳва-чи?

– Йўқ, раҳмат.

Даниэль Купер: «Охирги марта бирга нонушта қилишмоқда», – дея хаёлидан ўтказди.

– Биласанми, мени нима хавотирлантирмоқда? Баржада юришимиз.

– Шундай ажойиб кунда баржа сени хавотирга соляптими? Нима учун?

– Чунки унда иккимиз холис бўламиз-да.

– Сенингча, мен эсимни еб қўйганманми?

– Мени ўп, Жеф.

Ўпич овози.

«Трейси бундан баттарроқ хавотир бўлиши лозим эди, – ўйлади Купер. – Мен уни асабийлашишини хоҳлайман».

– Бир томондан бу ердан кетгим келмаяпти, Жеф.

– Бунга бошқа кўз билан қара, азизам, ҳали саргузаштларимиз бизга етиб ортади.

Трейсининг кулгиси.

– Сен ҳақсан.

Роппа-роса соат тўққизда ҳам суҳбат давом этарди. Купер ўйлаб қўйди: «Тараддуд кўришлари лозим. Улар ҳал қилувчи режа тузишлари керак. Монти масаласи қандай ҳал бўлади? Улар қаерда учрашади?».

Жефнинг гапи:

– Жонгинам, кетмасимиздан портъени хурсанд қилиб қўй. Мен жуда банд бўламан.

– Албатта. У ажойиб одам. Нима учун штатларда портъе йўқ?

– Менимча, бу – Оврупога хос удум. Бунинг бошланиш тарихини биласанми?

– Йўқ.

– Бир минг олти юз йигирма еттинчи йил Франция қироли Людовик XIII Парижда қамоқхона қурдириб, унга дворянинни директор этиб қўйган. Унга «Шағамлар графи» деган унвон берган. Унинг маошини икки фунт ва қирол каминидаги кул ташкил этган.

Кейинроқ қамоқхона бошлиқларини консьерж де-йишган, кейинроқ бу ишга отелларда ишловчиларни ҳам жалб этишган.

«Нималарни валақлашяпти улар, жин урсин, – Купернинг жаҳли чиқди. – Соат тўққиздан ўттиз дақиқа ўтди. Кетишлари керак».

Трейсининг овози:

– Менга буларни қаердан билганингни айтмай қўяқол, сен консьерж жувонини яхши билгансан.

Номаълум аёлнинг овози:

– Хайрли тонг, хоним ва жаноб.

Жефнинг овози:

– Гўзал консьерж жувонлари бўлмаган.

Аёлнинг ҳайрон бўлган овози:

– Ҳеч нарсага тушунмаяпман.

Трейси овози:

– Гаров ўйнайманки, йўқ бўлса, энди топасан.

– Нима, жин урсин, у ерда нималар бўляпти? – деб сўради Купер. Детективлар ҳайрон бўлиб бир-бирларига қараб қўйишди.

– Мен билмайман. Ходима телефон орқали бошлиғига кўнғироқ қиляпти. У йиғиштириш учун кирганини, овоз эшитаётганини, бироқ ҳеч ким йўқ эканини айтяпти.

– Нима?

Купер зиналар оша пиллапоядан югуриб тушмоқда эди. Бир дақиқадан сўнг у ва бошқа детективлар Трейсининг хонасига ҳовлиқиб кириб боришди. Ўсал бўлиб турган ходимадан бошқа ҳеч ким йўқ. Кушетка ёнидаги журнал столида ёқиб қўйилган магнитофон ётарди.

Жефнинг овози янгради:

– Қаҳва ҳақидаги фикрим ўзгарди чамамда. Ҳали иссиқми?

Треysi овози эшитилди:

– Ҳа.

Купер ва детективлар ўз кўзларига ишонмай бақрайиб қолдилар.

– Мен, мен, тушунмаяпман, – деди бир детектив.

Купер ўдағайлади:

– Шошилинч ҳолларда полицияга қандай кўнғироқ қилинади?

– Йигирма икки – йигирма икки – йигирма икки.

Купер шоша-пиша телефон олдига борди ва кўнғироқ қила бошлади. Жефнинг овози:

– Биласанми, уларнинг қаҳвалари бизникидан яхши. Қизиқ, қандай тайёрлар эканлар?

Купер гўшакка бақирди:

— Мен Даниэль Куперман. Инспектор ван Дюрен билан боғланинг. Гаражни текшириб кўринг, юк машиналари кетганми-йўқми? Мен банкка жўнадим.

У гўшакни қўйди. Треysi овози:

– Тухум пўчоғи билан қайнатилган қаҳвани ичиб кўрганмисан? Бу шундай...

Купер ташқарига отилди.

Инспектор ван Дюрен унинг кўнглини кўтарди.

– Ҳаммаси жойида. Юк машина гараждан чиқиб кетибди. Улар бу ёққа келишмоқда.

Ван Дюрен, Купер ва икки детектив Амро бэнк қаршисидаги томда жойлашган полиция текширувида туришарди.

Инспектор овоз чиқариб мулоҳаза қилди.

– Улар бизнинг эшитиб туришимиздан хабар топганларидан кейин ҳаракатларини тезлаштиришга қарор қилишган бўлса керак. – У Куперни туртиб деди: – Менга қаранг. – Томда объективга микробурчакли телескоп ўрнатилган эди. Пастда кўчада швейцар махсус кийимдаги бир киши банк номи ёзилган мис тахтани сидқидилдан тозалаётибди... фаррош киши кўча супурмоқда... газета сотувчи бурчакда турибди... учта чироқ устаси бир нарсани эринчоқлик билан тузатмоқда. Ҳаммасида «уоки-токи» деган гаплашиш мосламаси бор эди.

Ван Дюрен рация орқали гапирди:

– Пост А?

Швейцар жавоб берди:

– Эшитяпман, инспектор.

– Пост Б?

– Сизни эшитяпман, сэр. – Бу фаррош овози эди.

– Пост В?

Газета сотувчи томга қараб кўзини қисиб кўйди.

– Пост Г?

Чироқ усталари ишни тўхтатди, биттаси рация орқали гапирди:

– Бу ерда ҳамма нарса шай, сэр.

Инспектор Куперга ўғирилди.

– Сиз ҳаяжонланманг. Олтин ҳали банкда. Уни олишнинг битта йўли бор – банкка келиш. Улар банкка киришлари биланоқ кўча томондан қамал қилинади. Қочиш учун уларда ҳеч қандай имконият қолмайди. – У соатига қараб кўйди. – Юк машина бир-икки дақиқада кўринади.

Банқда тоқатсизлик ортиб борарди. Банк хизматчиларига тафсилотлар тушунтирилган, соқчиларга олтинни юк машинасига ортишиб юбориш буюрилган эди.

Ниқобли детективлар банк олдида ўз ишлари билан банд, машина келишини кутиб, кўз қирларини кўчага ташлаб кўяр эдилар. Томда турган инспектор ван Дюрен ўн қайталаб:

– Бу жин ургур юк машинаси ҳали кўринмадими? – деб сўроқ қиларди. Унга йўқ дея жавоб беришар эди.

Детектив-констебль Виткамп соатига бетоқат қараб кўйди:

– Жин урсин, улар ярим соатга кечикишмоқда.

Шу дам «уоки-токи» жиринглаб кетди.

– Инспектор! Ҳозиргина юк машина кўринди! У Розенграхтдан ўтиб, банк томон келяпти. Бир дақиқадан кейин томдан уни кўрасиз.

Вазият бирдан таранглашди. Инспектор ван Дюрен «уоки-токи»га шошилиш гапира бошлади.

– Дикқат! Ҳамма жой-жойига! Балиқ тўрда. Ичкарироқ сузиб кираверсин.

Кулранг бронлашган юк машинаси келиб, банк эшиги олдида тўхтади. Купер ва ван Дюрен машинадан махсус кийимдаги икки кишининг чиқиб банкка кириб кетишларини кузатиб туришди.

– Хотин қани? Трейси Уитней қани? – бирдан сўраб қолди Купер.

– Бунинг аҳамияти йўқ, – ишонтирмоқчи бўлди уни ван Дюрен. – У олтиндан узоқда бўлади.

«Майли, узоқда ҳам бўлсин, – деб ўйлади Даниэль Купер, – бунинг аҳамияти йўқ. Тасмага ёзилган овозлар уни фош этади».

Банк хизматчилари кўрқа-писа икки кишига олтинларни ортишда ёрдам беришди. Купер ва ван Дюрен узоқдан бу шарпаларни кўриб туришар эди.

Ортиш учун саккиз минут вақт кетди. Юк машинаси ортиб бўлинди, икки киши машина кабинасига чиқа бошлади, шу пайт ван Дюрен «уоки-токи»га қараб:

– Чопинг! Тезроқ! Барча постларга! Ўраб олинсин! – дея буйруқ бера бошлади.

Ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Швейцар ҳам, газета сотувчи ҳам, комбинезонли ишчилару бошқа детективлар тўдаси бронли юк машинасининг олдига югуриб боришди-да, атрофини ўраб олиб тўппончаларини чиқаришди. Кўчанинг икки томонини соқчилар занжири бекитди. Инспектор ван Дюрен Даниэль Куперга қараб илжайиб қўйди.

– Жиноятчиларни ушлашнинг манави усули сизни қониқтирадими? Қани, ишни охирига етказайлик.

«Ва ниҳоят барҳам топди», – ўйлаб қўйди Купер.

Иккови шошилинич кўчага чиқишди. Форма кийган икки киши қўлини кўтарганча деворга ўгирилиб туришарди. Купер ва ван Дюрен одамлар орасидан ўтиб, уларга яқинроқ боришди.

– Энди бу ёққа ўгирилишингиз мумкин, – деб буюрди ван Дюрен. – Сиз ҳибсга олиндингиз.

Ўликдек ранглари заъфарон бўлиб кетган икки киши куролли соқчилар томон юз ўгирди.

Даниэль Купер билан ван Дюрен уларга ҳангу манг бўлиб қараб қолишди. Улар мутлақо нотаниш кишилар эди.

– Ким... кимсиз? – савол берди Дюрен.

– Биз... биз ҳимоя тизими компаниясининг соқчиларимиз, – зўрға каловланиб жавоб берди улардан бири. – Отманглар. Илтимос, отманг.

Инспектор ван Дюрен юзини Куперга ўгирди.

– Уларнинг режалари барбод бўлди, – деди истехзо билан у. – Режадан воз кечишган.

Даниэль Купернинг нафаси ичига тушиб кетди, аччиқ суюқлик кўкрагидан томоғига тикилиб келди. У овози бўғилиб ютоқиб деди:

– Йўқ. Ҳеч нарса барбод бўлмаган!

– Нимани назарда тутмоқдасиз?

– Улар бу олтинларнинг пайига ҳеч қачон тушишмаган. Бу ғоя бошидан охиригача – уйдирма.

– Бўлиши мумкинмас! Хўш, унда юк машинаси, баржа, формалар. Нима? Бизда суратлари бор-ку.

– Ахир, тушунмаяпсизми? Улар бундан огоҳ эдилар. Уларнинг орқасидан кузатиб юрганимизни билган эдилар.

Ван Дюреннинг ранги оқариб кетди.

– Вой, худойим! Қаерда ҳозир улар?

Паулус Поттер кўчасидан Трейси билан Жеф олмос тарашлаш фабрикасига яқинлашиб келдилар. Жефда соқол ва мўйлов пайдо бўлган, пластик грим ёрдамида чакаклари ва бурнининг шаклларини ўзгартган. У спорт кийимида бўлиб, рюкзак кўтариб олган. Трейси қора парик, остидан ватин кўйиб ҳомиладор аёлнинг кўйлагини кийиб олган, юзини қалин косметика билан чаплаган, боз устига, қора кўзойнак тақиб олган эди. Унинг кўлида каттакон саквояж ва қора қоғозга ўралган юмалоқ қути бор эди.

Иккалови павильонга кириб гидни эшитаётган саёҳатчилар гуруҳига кўшилиб олишди.

– ... Ҳозир эса, хонимлар ва жаноблар, орқамдан юрсангиз, бизнинг тарошчиларимизни иш устида кўрасиз ва ажойиб бриллиантларимиздан биронтасини сотиб олиш имкониятига эга бўласиз.

Гуруҳ йўл кўрсатиб бораётган гид орқасидан фабрика эшиги томон гурр этиб бори. Трейси уларнинг орқасидан эргашди, Жеф эса орқада қолди. Ҳамма кетиб бўлганидан кейин Жеф орқасига ўгирилди-ю, ертўлага олиб тушадиган пиллапоядан пастга ғириллаб учиб тушди. У рюкзагини очиб, мойдан доғ-дуғ қилинган комбинезон ва асбоб-ускуналар солинган қутини олди. Комбинезонини кийиб, эрувчан ёпиқ электрэхтиётқилгич олдига борди ва соатига қараб кўйди.

Трейси тепада қолиб, гуруҳ билан залдан-залга ўтиб гиднинг кул ранг олмосларини қайта ишлаш жараёнини кўрсатаётганига қулоқ солиб юрди. У тез-тез соатига қараб кўярди. Трейси гиднинг чаққонроқ юришини жуда истарди.

Ниҳоят экскурсия тамом бўлди; улар кўргазма залига етиб бордилар. Гид атрофи арқон билан тўсилган шоҳсупа олдига борди.

– Манави ойна ичида «Лукуллов» олмоси қўйилган, – эълон қилди гид, – дунёда энг қимматбаҳо олмослардан бири. Уни машҳур театр актёри ўзининг киноюлдуз хотини учун сотиб олган. Унинг нархи ўн миллион доллар бўлиб, ҳимояси энг замонавий...

Бирдан чироқ ўчиб қолди. Шу заҳотиёқ сигнал овозлари янгради ва барча чиқиш эшиклари, деразаларни тўсиш учун пўлат панжаларлар гумбурлаб тушди. Саёҳатчилардан бири қичқира бошлади.

– Илтимос! – шовқинни босиб бақирди гид. – Хавотир олишга ҳеч сабаб йўқ. Бу шунчаки электрнинг нуқсони. Ҳозир генератор...

Чироқ яна ёнди.

– Кўрдингизми? – ишонтирди гид. – Бекорга хавотирга тушяпсиз.

Чарм шимли немис сайёҳи пўлат панжаларни кўрсатиб:

– Бу нима? – деб сўради.

– Эҳтиёткорлик чораси, – тушунтирди гид.

У ғалати шаклдаги калитни олиб девордаги тешикка тикди-да, буради. Эшик ва деразалар устидаги пўлат панжаларлар кўтарилди.

Стол устида турган телефон жиринглади ва гид гўшакни кўтарди.

– Хендрик эшитади. Раҳмат, капитан. Йўқ. Ҳаммаси жойида. Бу сохта тревога. Жиндек ток туташуви бўлиши керак. Мен текшириш чораларини кўраман. Худди шундай, – гид гўшакни қўйиб, ўгирилди. – Мени афв этасиз, хонимлар ва жаноблар. Бунақа бебаҳо тошга жуда эҳтиёт бўлиш лозим. Ҳозир бизнинг ажойиб бриллиантларимиздан сотиб олмоқчи бўлганлар учун...

Чироқ яна ўчиб қолди. Сирена гувиллаб кетди, пўлат панжаларлар гумбурлаб пастга тушди.

Гуруҳ орасидаги бир аёл бақирди:

– Хэрри, бу ердан кетайлик.

– Жимбўл, Диана, – ғўлдиради эри.

Жеф ертўладан электрэхтётқилгич олдида тепадаги сайёҳларнинг шовқин-суронини эшитиб турди. Бироздан кейин симларни улади. Юқоридаги чироқ яна ёнди.

– Хонимлар ва жаноблар! – оломон суронидан баландроқ қичқиради гид. – Бу техник носозлик.

У яна калитларни олиб девор тешигига тикди. Пўлат панжаралар кўтарилди. Телефон жиринглади. Гид югуриб бориб ғўшакни олди.

– Хендрик эштади. Йўқ, капитан. Ҳа. Мумкин қадар тез тузатамиз. Раҳмат.

Зал эшиги очилиб Жеф кириб келди, унинг кўлида асбоб-ускуна солинган қути, бошидаги кепкаси эса энсасига осилиб тушган эди. У оломон орасидан гидни чақириб олиб сўради:

– Нима бўлди? Кимдир электр тизими бузилганини хабар қилди.

– Чироқ бир ўчиб, бир ёнмоқда, – тушунтира кетди гид. – Илтимос, эҳтимол буни тез тузатса бўлар дейман, – гид сайёҳларга ўгирилди-да, зўраки илжайди. – Бу ёққа келиб арзон баҳолардаги олмослардан кўрсангиз яхши бўларди.

Сайёҳлар витрина олдига силжиди. Жеф оломон орасига аралашиб кетди ва чўнтагидан кичкина цилиндр шаклидаги буюмчани олиб «Лукуллов» олмоси ётган шоҳсупа томон ирғитди. Бу мослама тутун ва учқун чиқара бошлади.

Жеф гидга бақирди:

– Ҳой! Бу ерда бир нарса бузуқ шекилли. Пол остидан симлар туташиб кетган.

Сайёҳ хотин қичқириб юборди.

– Ўт кетди!

– Илтимос, – ёлвора бошлади гид, – ваҳима қилманг! Тинчлик сақланг, – у Жефга ўгирииб минғирлади. – Тузатинг ўшани, тузатинг!

– Гап йўқ, – бамайлихотир деди Жеф. У шоҳсупани ўраб олган бахмал арқон олдига борди.

– Йўқ-йўқ! – деди гид. – Бир дақиқа.

У югуриб бориб телефон рақамини терди.

– Капитан! Бу – Хендрик. Сиздан бутун сигнал тизимини ўчириб қўйишингизни ўтиниб сўрайман. Бизда жиндек муаммо пайдо бўлди. Ҳа-ҳа, – у Жефга ўгирилди.
– Қанча вақт керак?

– Беш дақиқа, – жавоб берди Жеф.

– Беш дақиқа, – деб қайтарди гид телефон гўшагига. – катта раҳмат, – гўшакни қўйди.

– Сигнал тизимини ўн сониядан сўнг ўчириб қўйишадди. Худо хайрингизни берсин, тез бўлақолинг! Биз ҳам ҳеч қачон сигнал тизимини ўчирган эмасмиз.

– Дўстим, менда фақат иккитагина қўл бор.

Жеф ўн сония кутиб турди-да, кейин арқон ўрами ичига кирди ва шоҳсупа олдига борди. Хендрик соқчиларга ишора қилди ва улар бош ирғаб диққатларини Жефга қаратдилар.

Жеф шоҳсупа орқасида ишламоқда эди. Дили сиёҳ бўлган гид гуруҳга юз ўгирди: – Ҳозир, хонимлар ва жаноблар, айтганимдек, бу ерда келишилган нарҳда ажойиб олмослар бор. Биз кредит карточкаларни, чекларни қабул қиламиз, – у бир йўталиб олди-да, давом этди: – ҳатто нақдини ҳам.

Трейси витрина олдида турган эди.

– Сиз олмос сотиб оласизми? – деб сўради Трейси баланд овозда.

– Нима? – гид ҳайрон бўлиб унга қаради.

– Менинг эрим олтин изловчи. У куни кеча Жанубий Африкадан келди, мендан манавини сотиб беришимни сўради.

Трейси ноқулай равишда саквояжини очди, шу заҳотиёқ ялтироқ тошлар оқими шиғиллаб ерга сочилиб кетди.

– Менинг бриллиантларим! – бақриб юборди Трейси.
– Ёрдам бериб юборинглар!

Бир сония орага сукут чўқди, кейин эса ҳаммаёқни жаҳаннам шовқини босди. Одобли гуруҳ бир зумда пода-

га айланди. Улар чўккалаб, бир-бирларини туртиб-йиқитиб, олмосларни тера бошлашди.

– Мен уч-тўртта тердим...

– Ҳовучлаб олавер, Жон...

– Кўлингни торт, бу меники...

Гид ва соқчилар соқов бўлиб қолишди. Уларни шиддат билан чўнтагу, халталарига бриллиантларни солаётган бойликка оч одам махлуқлари уммонига томон итариб юборишди.

Гид овози борича қичқирди:

– Тўхтанглар! Нима қиляпсиз?

Бироқ уни ерга қулатиб юборишди. Бир гуруҳ италиялик сайёҳлар келишди. Улар нима бўлаётганини кўришди-ю, тентакона ур-йиқит тўдасига араллашиб кетишди.

Гид сигнал системасини улайман, деб ўрнидан туришга интилар, бироқ одам оқими уни эзиб юборди. Одамлар унинг устидан ҳатлаб ўтишарди. Атроф-дунё ақдан озгандек эди. Охири кўринмайдиган алғов-далғов бошлангандек туюларди.

Ниҳоят, чала хушлилик даражасига борган гид ўрнидан туришга муваффақ бўлди ва бир амаллаб гандирак-лаб шоҳсупа олдига борди-ю, ўз кўзларига ишонмай, донг қотиб қолди.

«Лукуллов» олмоси ғойиб бўлибди!

Трейси фабрикадан хийла нарида жойлашган жамоат ҳожатхонасида ниқобни ечди. Қора қоғозга ўралган қутини кўтариб боғнинг ўриндиқларидан бирига бориб ўтирди. Ҳаммаси кўнгилдагидек кечмоқда. Трейси бир пулга қиммат тошларни йиғаётган оломон ҳақида ўйлаб туриб, кулиб юборди. У тўқ кулранг костюм кийиб олган, мўйловсиз Жефнинг келаётганини кўрди-да, сакраб ўрнидан турди. Жеф унга жуда яқин бориб, оғзи қулоғига етиб илжайди.

– Мен сени севаман.

Жеф билинтирмай чўнтагидан «Лукуллов» олмосини олиб, уни Трейсига узатди.

– Буни дўстимизга етказ, жонгинам. Кейин учрашамиз.

Трейси уни нари кетганини кузатиб турди. Кўзлари порлар эди. Улар бир-бирларини тушунишади. Улар бошқа-бошқа рейсда учиб кетишади ва Бразилияда учрашишади, сўнгра бутун умр бирга бўлишади.

Трейси ҳеч ким кузатиб турмаётганига ишонч ҳосил қилиш учун аланг-жаланг ён-атрофига қаради, сўнгра кўлидаги қутичани очди. Унинг ичида кўкимтир рангли каптар солинган кичкина қафасча бор эди. Бу каптар уч кун бурун Америкэн экспресс офисга етиб келган. Трейси уни ўз хонасига олиб келиб бошқа кушларни кўйиб юборди-да, улар қанотларини ўхшовсиз қоқиб учиб кетишларини томоша қилиб турди. Мана энди, Трейси сумкасидан замш халтачани олиб ичига олмосни солди. У қафасдан каптарни чиқарди-да, аста авайлаб оёғига халтачани боғлаб кўйди.

– Сен яхшисан, Марго. Буни уйга олиб бор.

Ҳеч кутилмаганда полициячи пайдо бўлди.

– Тўхтанг! Нима қиляпсиз?

Трейсининг юраги орқасига тортиб кетди.

– Нима гап, офицер?

Полициячи қафасга тикилди – унинг жаҳли чиққан эди.

– Биласизми, бу каптарларни боқиш мумкину, бироқ тутиб, қафасга солиш қонунга хилоф. Ҳозироқ кўйиб юборинг, йўқса, сизни қамаб кўяман!

Трейси ютинди ва чуқур хўрсиниб кўйди.

– Нима десангиз, ўша, офицер.

У кўлини кўтариб каптарни осмонга учириб юборди. Каптар баландга кўтарилган сари Трейсининг юзида қувончи ортиб борарди. Каптар бир айланди-ю, ораси икки юз ўттиз миллик Лондон томон учиб кетди.

«Уй каптарлари соатига қирқ милл учади», – деган эди унга Гюнтер бир пайтда. Шу боис Марго Лондонга олти соатда етиб боради.

– Энди ҳеч бундай қилманг, – огоҳлантирди уни полициячи.

– Йўқ, бошқа бундай қилмайман, – тантанавор сўз берди Трейси. – Ҳеч қачон.

Трейси кечга яқин Шипкол аэропортининг ўтириш майдончасига кетаётган эди. Бу ердан у Бразилияга учиб кетади. Даниэль Купер бир бурчакка яшириниб олиб уни ўкинч билан кузатар эди. Трейси Уитней «Лукуллов» олмосни ўғирлади. Купер ахборотни эшитган заҳоти фаҳмига етди. Бу Трейсининг услуги: дадил ва теран фантазия билан. Бунга қойил қолишдан ўзга чора йўқ. Инспектор ван Дюрен Трейси билан Жефнинг суратларини кўргазма соқчиларига кўрсатди. «Йўқ». Соқчилар буларни ҳеч учратишмаган. Ўғрининг соқоли ва мўйлови бор, бурни билан чакаклари бундан каттароқ, бриллиантли аёл эса ҳомиладор, қора сочли эди. Ҳеч қаерда олмоснинг изи ҳам топилмади. Жеф ва Трейсининг шахсий юкларини яхшилаб текширишди.

– Олмос ҳали Амстердамда, – онт ичар эди инспектор ван Дюрен Куперга. – Биз уни топамиз!

«Йўқ, тополмайсиз, – алам билан ўйлади Купер. – Трейси бунда уй каптарларни ишга солган. Олмос мамлакатдан уй каптари билан олиб кетилган».

Купер аэропортининг бош вестибюлидан ўтиб кетаётган Трейсини ночор аҳволда кузатиб турди. Куперга зарба берган биринчи одам Трейси бўлди. У деб Купер жаҳаннамга тушади.

Самолётга чиқиш дарвозасига етиб борган Трейси қаддини секинлатди, сўнгра ўгирилди-да, Купернинг кўзига тик боқди. Купер уни бутун Оврупо бўйлаб худди қасоскордек таъқиб қилиб юрганини Трейси билар эди. Унда ажиб бир қўрқитадиган сеҳр, шу билан бирга, одамни ийдирадиган нимасидир бордек эди. Трейси хайрлашиш учун унга қўлларини силтади-да, самолётга чиқиб кетди.

Даниэль Купер чўнтагида ётган истеъфога чиқиш аризасини пайпаслади.

Пан Америкэн компаниясининг салобатли Боинг-747 самолётида Трейси биринчи даражали салонда йўлак-

нинг ён томонидаги 4В жойни эгаллади. У ҳаяжонда эди. Бир неча соатдан кейин Жеф билан учрашади. Улар Риода турмуш қуришади. «Энди бошқа жинниликлар бўлмайди, – хаёлидан кечди унинг. – Лекин ўша жинниликсиз зерикиб қоламан. Ҳаёт мароқли ва қизиқарли бўлмай қолади, мен эса миссис Жеф Стивенс бўламан».

– Кечирасиз.

Трейси нигоҳини кўтарди. Унинг тепасида ўзига бино кўйган, салобатли, юзлари шишинқираган ўрта ёшлардаги киши турарди. У ойна олдидаги жойни кўрсатиб:

– Азизим, бу – менинг жойим, – деди.

Трейси унинг ўтиб кетишига имкон яратиб, нари сурилди. Шу пайт кўйлагининг этаги кўтарилиб кетди, эркак унинг оёқларига суқ билан кўз қирини ташлаб кўйди.

– Учиш учун қулай кун, а? – савол берди у шахвоний оҳангда.

Трейси тескари ўгирилиб олди. Бегона йўловчи билан гап сотишга орзиманда эмас. Ҳали кўп нарсани ўйлаб кўриши лозим.

ЭРТАНГИ ЯНГИ ҲАЁТ ҲАҚИДА БИРОН ЖОЙДА ҚЎНИМ ТОПИБ НАМУНАЛИ ФУҚАРОЛАР ҚАТОРИГА ҚЎШИЛАДИЛАР, ҳурматли – мистер ва миссис Стивенс бўладилар.

Трейсининг йўлдоши тирсаги билан унинг биқинига шўхчан туртиб кўйди.

Модомики бирга учар эканмиз, ойимтилла қиз, танишиб олсак бўлармиди? Менинг исмим Максимилиан Пьерпонт.

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ КИТОБ.....	3
ИККИНЧИ КИТОБ.....	54
УЧИНЧИ КИТОБ.....	96

Адабий-бадiiй нашр

СИДНИ ШЕЛДОН

**ОРЗИҚИБ КУТАМАН
ЭРТАНИ**

**Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА**

**Мусахҳиҳ
Саидмурод ХОЛБЕКОВ**

**Бадiiй муҳаррир
Дилфуза СОЛИХОДЖАЕВА**

**Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ**

**Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА**

Лицензия рақами: АI № 252. 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 30.11.2018 й.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Босма табағи 11,5. Шартли босма табағи 19,32.

Гарнитура «Cambria». Офсет қоғоз.

Адади 10000 (I завод 3000 нусха). Буюртма № 184.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўлими – (98) 128-78-43; (93) 397-10-87;

факс – (71) 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

28200. сум.

Сидни Шелдон
(1917 – 2007)

«Лукуллов» олмоси ғойиб бўлибди!
Трейси фабрикадан хийла нарида жойлашган жамоат
хожатхонасида никобни ечди. Қора қоғозга ўралган
кутини кўтариб боғнинг ўриндикларидан бирига бориб
ўтирди. Ҳаммаси кўнгилдагидек кечмоқда. Трейси бир
пулга қиммат тошларни йиғаетган оломон хақида
ўйлаб туриб, кулиб юборди. У тўк кулранг костюм
кийиб олган, мўйловсиз Жефнинг келаётганини кўрди-
да, сакраб ўрнидан турди. Жеф унга жуда яқин бориб,
оғзи кулоғига етиб илжайди.
– Мен сени севаман.
Жеф билинтирмай чўнтагидан «Лукуллов» олмосини
олиб, уни Трейсига узатди.



янги АСР авлоди



www.book.uz

Онлайн китоб дўкони

